

МАР БОЙЖИЕВ  
**МЕНИНГ ОЛТИН БАЛИҚЧАМ**

Ҳикоя ва повестлар

---



ТОШКЕНТ

---

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти  
1980

Редколлегия

**В. ВОЙҚОВИЛОВ, И. ҒАФУРОВ, ҲАМИД ҒУЛОМ, З. И. ЕСЕН-  
ВОВЕВ, В. И. ЗОҲИДОВ, ЗУЛФИЯ, М. ҚУШҶОНОВ, МИРМУҲ-  
СИН, Н. САФАРОВ, Р. А. САФАРОВ, Р. ФАЙЗИЙ, П. ШЕРМУ-  
ҲАМЕДОВ, О. ЕҚУБОВ, К. ЯШИН** (Редколлегия раҳбари).

Русчадан  
**ҲУСАН РЎЗИМАТОВ**  
таржимаси

ББК 84Қи  
Б 80

Бойжиев Мар.

Менинг олтин балиқчам: Ҳикоя ва повестлар/Редкол. Б. Бой-  
қобилов ва бошқ.; Русчадан Ҳ. Рўзиматов таржимаси.— Адабиёт  
ва санъат нашриёти, 1980.— (Дўстлик кутубхонаси. СССР халқ-  
лари прозаси). 208 б.

Истеъдодли қирғиз ёзувчиси Мар Бойжиевнинг қисса ва ҳикояларида  
ажиб бир сеҳр бор. Бу сеҳр адиб асарларининг ҳаётийлигида, самимийли-  
гида, назик бир юмор билан сугорилганидадир.

М. Бойжиев ўз қаҳрамонларини ҳаётнинг раво, текис йўлларида олиб  
ёрмайди, аксинча, уларни мушкул шароитларда, турли хил ситуацияларда  
таъсирлашчи ёқтиради. Натижада ёзувчи асарларининг реалистик руҳи  
шунда кучайиб, ўқувчи қалбида акс садо беради.

Байжиев Мар. Моя золотая рыбка. Рассказы и повести.

ББК 84 Қи  
С(Қирғ)

В 40303—112  
М352 (04)—80 90—79 4702028020

© Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,  
1980 й. (Тарж.)

## ҲИКОЯЛАР

### МЕНИНГ ОЛТИН БАЛИҚЧАМ

Дадам оқсоқ бўлгани учун урушга олишмади. Унинг одамларга фойдаси ҳам, зарари ҳам тегмасди. Баъзан баъзида ичиб турарди, лекин жанжал қилмас, қайтага қўйдек ювош бўлиб қоларди, мени эркаларди, хохолаб куларди, ким нима деса кўп дерди. Лекин ойим дадамнинг ичиб келишини ёқтирмас, кўчага ҳайдаб чиқарар, дадам кўпинча кечки овқатсиз қоларди. Оиламизда жанжал бўлиб туришини камдан-кам одам билар, чуққи қопагон итимиз бўлгани учун эшигимиз доим берк турарди. Дадам ўз дард-ҳасратларини энг яқин улфати Мирзабекка тўкиб соларди. Ойим уйда йўқ пайтлари улар бостирмага кирволишиб отамлашишар, қулоғимга Мирзабекнинг гаплари чалинади:

— Хотинидан қўрққан эркак эркак эмас, билдингми... Агар сенинг ўрнингда мен бўлсам борми... Эҳ! Ўзим билардим-а. Қани, қуй, эндиги сафар эркак нималигини кўрсатиб қўйишинг учун ичайлик.— Шундан сўнг у хохолаб кулар, дадам ҳам чолнинг кетидан ҳиринглай бошларди.

Мирзабекнинг панд-насиҳатлари иш бермасди: уйда ойим ўзини маликадек тутар, дадамни қаргар, менинг юзимга тарсаки тушириб қоларди. Мана энди улғайганимда тушуняпман: ойим аслида ёмон аёл бўлмаган, уруш йилларидаги муҳтожлик уни бағри-тош қилиб қўйган. Зайрани кўрдим дегунча уйдаги ҳамма кўнгилсизликни унутиб юборардим. У ушоққина, озғин қизча эди, иккаламиз бир партада ўтирдик.

Зайранинг дадаси қаердадир, Волга бўйларида жанг қилар, ойиси бўлса, ҳамқишлоқларини ҳайратда қолдириб, тўсатдан бир кўзи кўр дўкончи Мамит би-

лаш топишиб, Қозоғистонга жўнаворганди. Зайра ўгай отамникага ўлсам ҳам бормаيمان, деб бувиси билан қолди.

Ҳар куни сут олиб келиш менинг зиммамда эди. Ойим мени қаерга юбормасин, негадир кўчамизнинг охиридаги Зайралар уйига йўл олардим. Алқан буви сизир соғиб бўлгунча Зайра икковимиз у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирардик. Уйга жуда хурсанд бўлиб қайтардим... Кеч кириб, уйлардаги ерўчоқларга ўт ёқиши билан секингина уйдан чиқиб Зайрани кута бошлардим. Гутурт тахчил эди, бир куни Зайра бизникага олов сўраб кирганди. Атиги бир марта кирди-ю, ўшандан кейин уни доимо кутадиган бўлиб қолдим.

Зайра мендан ёш эди: еттинчи синфдалигимда у олтинчида ўқирди. Иккала синф бир хонада дарс ўтар, икковимиз бир муаллиманинг қўлида ўқирдик. Буни «миттиллар» системаси дейишарди шекилли. Юқори синфлар алоҳида-алоҳида ўқишарди. Зайра икковимиз ўрта мактабни тугатгандан кейин пединститутга киришни орзу қилардик. Лекин мен саккизинчи синфдан бошлаб биз фақат танаффуслардагина кўришамиз, деган фикрга сира-сира кўниколмасдим. Охири еттинчи синфда икки йил ўқишим керак, деган хулосага келдим.

Қишқи каникулдан кейиноқ дарсларга кечикиб кела бошлаганим, кўпинча умуман ўқишга келмай қолишим, дарс тайёрламаслик, контроль ишларда қўпол хатолар қилишимнинг сабабини ҳеч ким, ҳатто Зайра ҳам билмасди. Муаллимамиз менга икки баҳо қўяётиб, ҳайронман, дегандек қўлларини ёзарди. Директор мени ҳузурига чақириб, тўғри йўлга солмоқчи ҳам бўлди; ота-онамга шикоят қилишди, неча марта калтак ҳам едим. Ҳеч нарса кор қилмади, гапимда маҳкам туриб олдим, хуллас, айтганим бўлди — мени еттинчи синфда қолдиришди.

Ёз келди...

Овулимиз сўлим, хушманзара. Еримиз антиқа, серҳосилу бир камчилигимиз, сув йўқ. Овулнинг нариги томонида анҳор оқади-ю, лекин ёзда дарров қуриб қолади, экинлар қониб сув ичолмайди. Ҳозир ГЭС ҳам қуришди, канал ҳам ўтказишди, лекин ўша пайтларда сув масаласи оғир эди. Қишда қор сувини ичардик, бошқа вақтларда дарёдан челақлаб сув таширдик.



Икки-уч километр жойдан, тошли сўқмоқ, йўлдан сув опкелишнинг ўзи бўладими. Шунинг учун ҳам уйда челақларнинг тарақа-туруғини эшитишим биланоқ жуфтакни ростлаб қолардим. Ойим ҳайрон бўларди:

— Тавба, бу шумтака қаёққа йўқолди-я? Ҳозиргина шу ерда ивирсиб юрувди-ю. Нима бало, ер ютдимми, ҳа, бўйнинг узилгур-а!

Мабодо қўлга тушиб қолсам, минг хил баҳона қилардим: белим оғрияпти, оёғим лат еган, юролмаяман, деб нолирдим, қорнимни чангаллардим, дадам аралашмагунча ўзимни ҳар ёққа ташлайверардим. Баъзан иш бошқача бўларди.

Зайранинг челақлари катта юмалоқ косага ўхшарди. Челақ кўтарган Зайра сўқмоқда кўриниши билан уйга ўқдай учардим.

— Опа, сув олиб келиб берайми?

— Нима, нима дединг? Сенга бир нима бўлдимми ўзи?

— Келинг, йўқ деманг, опа... Ахир сув керак-ку.

— Кеча уриб-сўқиб зўрға юборгандиму бугун ўзгариб қолибсан! Ҳа, ўғлим, калтакнинг фойдаси бор. Ҳозирча сув етарли, кечқурун олиб келарсан.

Лекин ҳозир қулоғимга гап кирмасди. Челақдаги сувни қозонларга бирпасда қуйиб чиқардим-да, жўнаб қолардим, онам ҳангу манг бўлганича қолаверарди. Яланг оёқ кўча чангитиб, ҳаш-паш дегунча Зайрага етиб олардим.

— Зайраке, қаёққа кетяпсан?— деб сўрардим, гарчи қаёққа кетаётганини билиб турсам ҳам.

— Сувга. Ўзинг-чи?

— Мен ҳам... Ойим кир ювяпти. Бирга борсам майлими?

— Майли.

Дарё бўйига тушамиз. Бу ерда кулги, қий-чув, шодина қийқириқ авжида: Жарғалонда тенгқурларимиз маза қилиб чўмилишади. Зайрани ўша ёққа таклиф қиламан, лекин у негадир ғалати кулимсираб, бош чайқайди.

— Йў-ўқ...

Тавба, бу қизлар ғалати бўлади-да! Илгарилари, бошланғич мактабда ўқиб юрганимизда Зайра икковимиз бирга-бирга чўмилардик, ҳатто ошиқ ҳам ўй-

нардик. Энди у жудаям ўзгариб кетибди. Ошиқ ўйнаш у ёқда турсин, бошқаларнинг олдида мен билан гаплашмайди ҳам. Тортинармикин? Фақат мендан ва ўртоқларимдан эмас, гўё бутун дунёдан, борлиқдан уялаётгандай. Хуллас, тушунолмай қолдим... Ўзимча Хўрсиниб қўяман: ҳар ҳолда чўмилсак ёмон бўлмасди-да.

Тепаликка чиқиб янтоқзор ичига кириб, болаларга кўринмай кетамиз, Зайра учта катта садаф тугма қадалган кўк бахмал нимчасини ечиб, обкашнинг тагига қўяди. Калта қора соч ўрими ориқ елкаларига тушиб турарди.

— Чарчадинг-а?

— Йўқ, йўқ... ўзим, шундай... — У кулимсирамоқчи бўлади. Лекин барибир челақларини қўлидан оламан.

— Одамлар кўриб қолишади, бу ёққа бер,— дейди Зайра ташвиш аралаш. Мен кўнаман. Қиз боланинг челақларини кўтариб юрганимни битта-яримтаси кўрса, яхши эмас-да, деб ўйлайман ўзимча. Лекин ўткинчилар сал узоқлашиши билан яна унинг обкашини кўтариб оламан. Зайра доим сал олдинда боради, тик жой келиб қолса, менга ингичка қорача қўлини чўзади. Бироқ бир-икки қадам юришимиз билан қўлини яна тортиб олади. Зайранинг нўхатдай зирақларига ҳавасим келади, улар худди олтин балиқчалардай жиллоланади, ярақлайди. Оддий шиша кўзли бу зирақлар менга жуда нодир, қимматбаҳо буюмдек кўринади. Зайранинг юмшоқ, майин соч ва кокиллариغا қўлимни теккизгим келади.

Мана, куз ҳам кирди. Урим-йиргим яқинда тугади. Далалар ялангоч бўлиб қолди. Дарё бўйлари ҳам бўмбўш, ҳолбуки бугун эрталабданоқ кун қизий бошлаган эди. Зайра икковимиз Жарғалон бўйида бирпас туриб қолдик: сувга тош отдик, соҳил бўйига сузиб келган балиқчаларни тутипша уриндик. Тўсатдан уфқда чақмоқ чақнади, гўё оловли қамчи кўк юзини тилиб ўтгандай бўлди. Икковимиз бир сесканиб тушдик — бу йилнинг сўнгги момақалдироғи сира кутилмаганда гумбурласа бўладими.

— Ҳа, қўрқиб кетдинг-а? — дея кулиб сўрадим; кейинги гумбур-гумбурдан ўзимнинг ҳам қулогим битиб қолай деди. Қўрқувдан ранги қув ўчган Зайра бош яргади.

— Момақалдиरोқнинг бунчалик гулдурашини биринчи бор эшитишим...

— Ҳечқиси йўқ, — дедим гердайиб. — Ҳали жуда кўп нарсаларни кўрасан...

Эҳ, қани энди кўк юзини тилиб ўтаётган чақмоқча ҳам, кўкимтир булут орасидан бирдан қалқиб чиққан қуёшни ҳам, унинг кўпириб, шовуллаб оқаётган Жарғалонни ўз нурига кўмишини ҳам, тоғ этакларини нурафшон этиб, сўнг узоқ-узоқларда уфққа туташиб кетган Иссиқкўл томон сузишини ҳам Зайранинг энди ҳеч кўролмаслиги ўшанда хаёлимга келган бўлса-чи. Эҳ, қани энди билсам эди...

Виз улкан қоя олдига чоғиб бордик, унинг остида гор бор эди. Қолхозчилар у ердан қум олишарди, ёмғирдан қочиб, ўша ерга кириб ўтирса бўларди. Бўта-лоқнинг кўз ёшидай йирик ёмғир томчиларидан сўқмоқда чанг кўтариларди. Илон изидай буралиб кетган сўқмоқ тобора узайиб кетаётгандек бўларди. Жала қуйди, чақмоқ чақиб, еру кўкни ларзага соларди. Сув тўла челақлар юришимизга халақит берарди, ўзимиз ивиб кетгандик. Форга киришимиз билан кўйлагимни ечиб, сиқиб олдим.

— Шамоллаб қоласан, Зайраке, кўйлагингни сиқиб олгин. — Лекин Зайраке ажиб кулимсиради-да, дорга суянди.

— Совуқ. Касал бўлиб қоласан, — деб ўзимнинг маъқуллардим.

— Ҳечқиси йўқ, — у яна кулимсиради-да, пастеклабини тишлади.

Унинг ҳўл, сая жингалак соч ўрими ёноқларига, пешонасига ёпишиб қолганди, кўк гулли энгил кўйлагига эса баданига ёпишиб, нозик, хушбичим қоматини тортиб турарди. Зайра энтикиб-энтикиб нафас оларкан, кўксига беихтиёр кўзим тушиб қолди... Кўкси... Ана шунда ҳаммасига тушундим. Мўъжиза рўй берганди: олдимда ёш қизча эмас, бўйига етган қиз турарди... Бу қиз — яқиндагина бизлар билан, болалар билан ошиқ ўйнаб юрган ўша Зайра эди.

Назаримда, болалик ўша дақиқада тугагандек, ўша дақиқадан бошлаб бошқа бир давр бошлангандек, ўзга бир нарса, аллақандай янги, ажиб бир нима бошлангандек эди... Вужудимни аллақандай ғалати, тушуниб бўлмайдиган севинч ҳисси чулғаб олди. Ўзим бўлсам,

қаққайиб турардим, унга телбалардай тикилиб қолгандим. Ушанда нимага хурсанд бўлувдим? Балки Зайранинг ўзгариб, катта бўлиб қолганигадир, эҳтимол энди ўзим ёш бола эмас, балки мустақил йигит бўлганимгадир. Билмадим...

Кўз қарашимда нимадир Зайрани хижолат қилди шекилли, у қизариб-бўзарди-да, ийманибгина қўллари билан кўкрагини беркитди.

— Юр, уйга кетдик...— деди у.

Мен ҳўл кўйлагимни унинг озғин кифтига ташладим-да, ғорга кираверишда турган челақларга кўз қададим. Уларга девордан лойқа томчилар томарди-да, тиниқ сувда худди эрталабки тумандай секин тарқалиб кетарди.

— Кўрдингми,— бош ирғадим мен.

— Ҳозир тўкиб ташлаймиз-да...

— Тўкканинг нимаси? Ахир, уйдагиларга сув керагу, кутишяпти-ю. Ундай бўлса Жарғалонга нега келдик?

— Сув керакмас,— деди у эшитилар-эшитилмас, кейин ўгирилди-да, бошини қуйи солганича ғор деворидан майда тошларни чўқилаб ола бошлади. Кичкина зираклари эса олтин балиқчалардай титраб кетди. Уйда сув керагидан ҳам кўплигини эсладим. Назаримда Зайра юрагимнинг гуп-гуп уришини эшитиб тургандек эди. У мен томонга шартта ўгирилиб, шўхчан, ғалати назар ташлади, кейин эшик олдига борди-да, кафтидаги тошларни ёмғир томчиларига тутиб турди.

— Қарагин-а!— Ёмғир томчилари тошларни чертиб уларнинг лойини ювиб тушарди.

— Зайраке, совқотдингми?— деб сўрадим бўғиқ овозда.

— Йўқ,— деди у, ўзи эса дағ-дағ қалтирарди.

Кўзларимиз тўқнашди.

— Зайра...

— Турусбек...

Унинг ҳўл сочлари чаккамга тегди. Назаримда, мен улкан қанот чиқариб, қандайдир номаълум, сирли бир оламга ўқдай учиб кетаётгандай, теварак-атрофимда чақмоқлар шўх-шўх ўйинга тушаётгандек эди, момақалдироқ садоси эса қулоғимга бу олам сир-асроридан воқиф мўйсафидларнинг ўланидек эшитиларди.

Жала ерни аёвсиз саваларди. Тоғ ёнбағирларидан

лойқа сувлар жилдираб оқиб туша бошлади. Ғор олдида каттагина кўлмак ҳосил бўлди. Биз сув бетида тўсатдан пайдо бўлиб, худди шундай қўққисдан ғойиб бўлаётган пуфакчаларни томоша қилиб турардик.

— Э-э-э!— қаёқдандир юқоридан овоз келди-ю, лекин у жала шов-шувига кўмилиб кетди.

Зайра қўлларини секин тортиб олди:

— Бизни қидиришяпти...

Мен осмондан ерга тушдим. Зайра чоғиб борди-да, челақларни ағдариб ташлади, кейин биз қўл ушлашиб юқорига чоғиб кетдик. Оёқларимиз ёпишқоқ, билч-билч лойга ботиб қоларди, лойқа сувлар биз томонга қараб тинимсиз оқарди. Тоғ тепасида қиялаб ёғаетган жала орасида бир неча отлиқларни кўриб қолдик.

— Ҳа, саёқ шумтакалар!— деб койиди улардан бири.— Ҳамма сизларни дарёга чўкиб кетди деб юрибди-ю! Қани, уйга жўнанглар!

Биз овулгача чоғиб келдик-да, кейин уй-уйимизга тарқалдик. Уйда калтак ейишим аниқ эди, лекин бунга айтарли эътибор ҳам бермадим, ўй-хаёлларим ўша совуқ ғорда, Жарғалон бўйларида кезарди. Йўқ, бу кеча ухлаёлмасдим! Саҳарлаб турдим-да, отамнинг духоба камзулини кийдиму қоронғида эшикни пайпаслаб топдим. Осмон тўла чарақлаган юлдуз. Мен осмонга тикилганимча, қимир этмай турдим. Юлдузлар биринкетин сўна бошлади. Фақат тонг юлдузи Чўлпонгина гўё кечаги жалада ювиниб олгандай тобора янада ёрқин, яна ҳам файзли бўла борарди. Гўё у менга муғамбирона ва сал хижолат бўлиб кулимсираётгандек эди. Зайрага ўхшаб. Менинг Зайракемга ўхшаб.

Оламини тиниқ бир сукунат чулғаб олди. Тонг ҳавоси ниҳоятда соф, енгил эди. Тупроқ ҳиди келарди, чечакларнинг хушбўй ҳиди димоққа уриларди. Ушанда мен шу соатда ҳамма жой ҳам худди бу ердагидай тинч, осойишта эмаслиги, қаердандир замбарак ўқи даҳшатли портлаб, одамларнинг ёстигини қуритаётганини ўйлаганмикинман, эсимда йўқ. Эсимда йўғу, лекин қалбим яшаш, орзу қила олиш севинчи билан тўлиб-тошганди, тонг отиши билан қишлоқ четидаги уй олдига бораман, унинг қўнғироқдай кулгисини эшитаман, меҳрибон, хумор кўзларига тўйиб боқаман, деб орзу қилиш бахтидан сархуш эдим... Ҳа, ҳаёт гўзал! Ана, менинг юлдузим, менинг тақдирим — у шун-

дай ёнгинамда, қўлимни узатсам етади... Кўппагимизнинг илиқ тили билан кафтимни ялаётганини эндигина пайқабман.

— Тур, жўна!— қўлимни камзулим этагига артиб, итимни бир тепмоқчи бўлдим, лекин бу фикримдан қайтиб, унинг бошини силаб, кўзларига тикилдим. Ит тишларини иржайтирди.

— Қаллайи саҳарлаб санқиб юрганинг нимаси? Қолхоз ўригидан роса еб бўкканга ўхшайсан-а, чопиб қолибсан,— деб ойим орқамдан қичқириб қолди.

Онам доим барвақт туради. Мен бунчалик тез тонг отар, деб ўйламагандим.

— Қиладиган ишинг йўқ-да, текинтомоқ, шу исқирт итингдан бошқани билмайсан, бор, уни боғлаб қўй! Эртага кир юваман, сув етказиб бермай кўр-чи! Бор, отни эгарла, отанг бозорга тушади.— У уйга кирди-да, отамни уйғота бошлади, отам ўша куни Мирзабек билан роса ичишиб, кечаси билан хуррак отиб чиққан эди.

Эгарни олиб келдим, кейин қирчанги отимизни етаклаб чиқдим, бу орада Мирзабек ҳам келиб қолди.

— Ассалому алайкум, йигит. Хўш, баджаҳл отанг уйғондими? Бугун бозор куни, шошилиш керак, кеч қолсак, хотини адабини беради... Ҳе-ҳе-ҳе...— Мирзабек кулдию уйга кириб кетди.

— Ҳаммасини тушундингми?— деб такрор сўради онам.— Бир пачка чой, бир килограмм туз, бир кулча совун оласан. Ҳа, энг муҳими, совун эсингдан чиқмасин. Кир ювмаганимга икки ой бўлди. Пулларга ичиб қўйма, биласану сотадиган ҳеч нимамиз қолмади...

— Мен бирга кетяпману ташвиш тортма,— деди Мирзабек онамга тасалли берган бўлиб.

— Ҳамма бало бирга кетаётганлигингда-да,— деди онам пўнғиллаб.

Ўша йиллари чой, совун, қанд, туз, лампамай дегани анқонинг уруғи эди. Чой ўрнига сабзини куйдириб солишарди, лампамай ўрнига алланима қуйишарди, лампанинг порглаб кетиши ҳеч гап эмасди, бир кулча кир совуннинг пулига ўттиз дона тухум олса бўларди.

Отам билан Мирзабек эрталабки нонуштадан кейин өчки терисини, яна майда-чуйда нарсаларни олишиб, шаҳарга жўнаб кетишди, онам жаврай-жаврай, уларга оқ йўл тилаб қолди.

Онам икковимиз таппи ёпишга киришдик. Мен ивиган гўнгни челақларда олиб келиб берардим, онам таппи қилиб деворга ёпарди. Дарди фикрим бу кўнгилсиз ишни тезроқ тамомласаму қишлоқ четига, Зайра кутиб турган жойга тезроқ чопиб борсам. Лекин одатда қўли қўлига тегмайдиган онам худди аксига олгандай, имиллаб ишларди, ҳадеб рўмолини тўғрилаб қўяр, дам-бадам тушиб, халақит бераётган енгини шимариб қўйишни буюрарди. Мен лом-мим демай енгларини шимариб қўярдим ёки гўнг тўла челақ олдида тоқатсизланиб кутиб турардим.

Зайраларнинг уйи томонга дам-бадам қарардим, лекин кўчада ҳеч ким кўринмасди. Бирдан кўчанинг охирида якка одамнинг букчайган гавдаси кўринди. Зайранинг бувиси ҳасса таяниб келарди. Уни дарров танидим. У бир-бир қадам босиб келар, ўқтин-ўқтин тўхтаб, қуёшга қараб қўярди, акиллаб эргашган итларни ҳассаси билан ҳайдарди.

— Ҳорманглар, қизим, — деб кўришди у ёнимиздан ўтиб кетаётиб, онам билан. — Эринг уйдами?

— Йўқ. Нимайди?

— Неварам кеча жалада қолибди, — кампир буришган лабларини чўпиллатди. — Кечаси билан йўталиб чиқди... ҳозир ўт бўлиб ёняпти. — Алқан буви ёшланган кўзларини ва сарғиш озгин юзини енги билан артди.

— Майли, опа, шаҳардан келса, кириб чиқади, — деди онам бепарвогина ва яна ўз ишини қилаверди.

Юрагим шув этиб кетди. Зайраке касал. Уни ҳозироқ кўриб, икки оғиз ширин гап айтишим керак. Борди-ю, касали оғир бўлса-чи? Гарчи қишлоқда отамни ҳурмат-эҳтиром билан «эмчи ака» деб аташса ҳам Зайрага нима билан ёрдам бериши мумкин? Билардим, беморлар отамнинг айтганларини сўзсиз қилишарди; сув деса — сув, мой деса — мой ичишарди. Ҳамма унга ишонарди. Оғзига муқаддас сув олиб, тишимни тузатганидан кейин мен ҳам ишониб қолгандим.

Қош қораймагунча кўчага чиқиб кетишнинг иложи бўлмади: отамнинг келишини сабрсизлик билан кутаётган онамнинг жаҳли чиқар, бутун аламини мендан оларди. Кечки овқат олдида бир амаллаб қочиб қолдим. Лекин Зайраларнинг уйи қоронғи ва жимжит эди. Мен уларнинг деразаси тагида узоқ турдим, деразани

ғақиллатмоқчи бўлиб қўлимни беихтиёр кўтардим, лекин яна туширдим. Илгари шартга тақиллатган бўлардим, хўш, нима қиларди? Икки кун олдин ҳам тақиллатардим, лекин бугун юрагим бетламаяпти. Шу кўйи уни кўролмадим.

Эртаси куни янаям оғир бўлди. Отамдан дарак йўқ эди, онамнинг жони ҳиқилдоғига келди. Зайраларнинг уйи олдига бир неча марта бордим, ҳатто Зайранинг заиф овозини бошқаларниқидан ажратдим ҳам, лекин киришга юрагим бетламади: уйда бошқа одамлар бор эди, калака қилишади, деб қўрқардим. Ушандаги бемаъни ишим, қўрқоқлигим учун ўзимни сира-сира кечиролмайман. Алқан буви эса бизниқига иккинчи бор келди.

— Келгани йўқ,— деди онам ҳорғин.— Унга нима бўлдийкин, сира ақлим етмай қолди.

Отам билан Мирзабек кечга яқин келишди. Улар ғирт маст, хунукдан-хунук ишшайишар, ашула айтмоқчи бўлишарди. Отам худди дарвоза олдида эгардан худди қопдай гуп этиб ағдарилиб тушди; Мирзабек телпагини унинг боши тагига қўйди-да, ўзи гандираклаганича уйи томонга кетди. Отам шу заҳоти хуррак ота бошлади.

— Тегма, ётган ерида ўлмайдими!— деди онам даргазаб бўлиб.— Уни уйга олиб кира кўрма! Шошмай турсин, бозор нималигини унга эрталаб кўрсатиб қўяман!

Онам йиғлаб юборди. Онамнинг ўз оғир қисматидан битта-яримтага ҳасрат қилгани чиқиб кетганидан фойдаланиб, отамни уйга бир амаллаб судраб олиб кирдим-да, оёғидан этигини ечдим.

\* \* \*

Ҳали тонг ҳам отмаган пайт:

— Кет бу уйдан, қорангни кўрмай!— деган қичқирқдан уйғониб кетдим.— Бошқалардай фронтда ўлганинг афзал эди. Э, худойим, нега урушга келиб-келиб яхши одамларни олиб кетишади-я. Кет, деяпман, йўқса соқолсиз қоласан!— онам юз-кўзлари шишиб кетган отамни ёқасидан ушлаб силкитарди.

— Мени ўз ҳолимга қўй. Сенга нима ёмонлик қилдим?— дерди отам жеркиб.



— Нима қилдим дейди-я?! Бу озми! Кечаги пуллар қани? Қани туз? Совун-чи? Пяниста, совун қани, деяпман, жавоб бер, совун қани?

— Қа-на-қа со-вун?

— Мирзабек икковингиз пулига ароқ ичган совун?

— Биз совуннинг пулига ичганимиз йўқ...

— Заҳар ичсаларинг бўлмасмиди? Қани совун?

— Унда... Мирзабекда қолди,— деди отам мужмал қилиб.— Бир бўлак совун.

— Чиқиб кет! Совун топиб келмагунингча уйга қадам босма! Бор, сен ярамас ҳам пяниста отанг билан жўна,— онам менга ўдағайлади. Биз индамай ҳовлига чиқдик. «Мен-ку, майли-я, боламан,— деб ўйлардим ўзимча гамгин.— Хўш, отам ундан нега қўрқади-я? Яхшилаб бир туширса бўлмайдами!»

Мирзабек пешонасини ҳўл сочиқ билан танғиб олиб, ихраб-сихраб чой ичарди, унинг ҳам юз-кўзлари отамникига ўхшаб шишиб кетганди. Ўзидан анча ёш, ўлгудай айёр, уддабурон хотини хотиржам чой қуйиб, пиёлаларда отам икковимизга узатди.

— Эски ошнангни эрталабдан хурсанд қилмоқчи бўлибсан-да?— деди Мирзабек хириллаган овозда, отамга кўзини қисиб.— Тинчликми ўзи, Мўке?

Лекин ҳозир отам ҳазиллашадиган аҳволда эмасди. У оғир хўрсинди.

— Бизни худо қаҳрига олди... Совунни олиб кел, дейди. Совунсиз қорангни кўрсатма, дейди... Балки, бир иложини қиларсан-а? Ахир хотинимнинг феъл-атвори сенга маълуму.

— Ҳм... Нима қилсак экан?— кейин қайноқ чойдан хўриллатиб ичди.— Совун топиб бер деяпти, дейсанми?

— Мабодо топиб берсаларинг ҳам жуда қимматга тушади-да,— деди Мирзабекнинг хотини идиш-товоқларни йиғиштирар экан шунчаки гап орасида.

Яна орага жимлик чўкди. Шу пайт қўшнимизнинг қизчаси чопиб келиб қолди:

— Мўке амаки, Зайранинг бувиси сизни кирсин, деяпти. Зайра касал экан. Иситмалаб ётибди. Уни тузатинг.

— Э, эртага, эртага. Ҳозир вақтим йўқ, ўзимнинг ташвишим бошимдан ошиб ётибди,— деди отам қўларини силкитиб. Мен ҳайрон бўлиб қолдим. Шундай

дейишга қандай тили борди-я, ахир, Зайра, менинг Вайрам касалу. Йиғидан ўзимни зўрға тутиб турардим, отамни қандай кўндиришни билолмай гаранг эдим. Лекин шу пайт Мирзабек ўрнидан сапчиб турди:

— Шошма-шошма, Мўке! Кўп ташвиш қилаверма. Қулоғингни бер!— У отамнинг қулоғига алланималар деб шивирлади. Отам унинг сўзларини тингларкан, қон тўла кўзлари саросимада жавдирарди, кейин у бир нимани тушунди шекилли, мийиғида кулимсираб, Мирзабекнинг елкасига уриб қўйди.

— Кампирга, у ҳозир келади, дегин, сен-чи,— у менга мурожаат қилди.— бор, онангга айт, совун топилади, де.

— Сиз билан бирга кирсам майлими?— деб сўрадим.

— Сенга пишириб қўйибдим. Нима, касални қандай даволашларини кўрмаганмисан? Бор, жўна!

Кўнишга мажбур бўлдим.

Лекин онамнинг совун топилади, деган гапдан, ваъдадан кўнгли тўлмади; у барибир мени уйга қўймади. Дарвозанинг олдида ўтиришга тўғри келди, тўғри, узоқ ўтирганим йўқ. Ҳадемай отам келиб қолди, қўлида қоп-қора, ёпишқоқ бир бўлак совун. Бир йўлини қилиб, Зайранинг аҳволи қалай, деб сўрадим. Отам бир нима деб гўлдиради-да, йўтала кетди.

Жарғалондан ўн тўрт челақ сув ташиб келтирдим, қаерим қаттиқ азоб бераётганини, елкаларимми ё юрагимми, ўзим ҳам аниқ билмасдим. Ҳар гал гор олди-дан ўтганимда, кўлмакка кўзим тушарди, ўшанда биз унда пуфакчаларнинг ёрилишини томоша қилгандик, энди у анча кичрайиб қолганди, хотиржам, тинч эди, юзимга ҳўл соч тутамларининг тегаётганини ҳис этардим, олтин балиқчаларнинг титрашини кўриб турардим. Уҳ, тезроқ кеч кирсайди, бу лаънати кир тезроқ тугасайди, ўша азиз дераза олдига тезроқ борсам-чи! Онам ювилган кирларни ёзишга улгурмасиданоқ мен қишлоқ четигаги уй томонга қараб ўқдай отилдим. Нима бўлганда ҳам Зайрани бир кўришим керак эди! Бир оз ўйлаб турдим-да, кейин ярми қулаб тушган девордан ошиб, боққа кирдиму Алқан бувининг чиқиб сиргир соғишини кутдим. Кампир чиқиши билан деразасини тақиллатаман.

Оёқ товушлари эшитилди, девор ёнидан отам ўтиб кетди. Мен лип этиб, буталар ичига яшириндим. Отам Алқан кампирни чақириб чиқди-да, қоғозга ўроғлиқ бир нимани унга узатаркан, деди:

— Мен шу совунга дам солдим,— у энди шифоли бўлди. Неварангизни чўмилтиринг, икки кундан кейин соғайиб кетади.

Мен аниқ кўрдим, бу отам эрталаб онамга берган кир совуннинг олқиндиси эди. Кампир олқиндига ҳайрон бўлиб тикилиб қолди, мен бўлсам уялганимдан ерга кириб кетгудай ҳолатда эдим: ўрнимдан сапчиб турдим-да, орқа-олдимга қарамай уйга чопдим.

— Олқиндини кўрмадингми?— деб бақира кетди онам менга.

— Йўқ! Балки ит еб қўйгандир...

— Ит ейишини сенга кўрсатиб қўяман. Қараб турсанг бўлмасмиди. Сўнадан қочган бузоқдай шаталоқ отиб, чопганинг чопган. Яна бир кир ювишга етармикин, деб ўйловдим. Бирпасда илиб кетишибди-я. Тавба, ҳеч нимани қаровсиз қолдириб бўлмайди. Қандай кунларга қолдик ўзи!

Онамга тўғриси айтганим йўқ — шундаям ўғирланган олқиндини роса бир ҳафта гапириб юрди, ўзича кимларнидир қарғади. Эртасига, Зайранинг аҳволи оғирлашгани маълум бўлиши билан ҳақиқат ўз-ўзидан очилди-қолди: қиз бечора алаҳсираб ётганмиш, ҳеч ўзига келолмаётганмиш. Йўқ, ортиқ чидаб туролмадим. Зайра икковимиз тез-тез учрашиб турадиган ўша остона олдига қандай бориб қолганимни ўзим ҳам билмай қолдим.

Эшикни баланд бўйли, ёши анчага бориб қолган аёл, колхоз бригадири очди — у Зайраларнинг узоқ қариндоши эди. Аёл менга хўмрайиб, бошдан-оёқ разм солиб чиқди-да, совуққина сўради:

— Сенга нима керак?

— Мен бирпасга... Уни кўриб...

— Кўриб?— аёл захархандалик билан кулимсиради.— Балки бошқача даволамоқчидирсан? Нима, совун етмай қолдимми? Ё уни яна бир чўмилтирайликми? Бечора кампирни шунча лақиллатганларинг етар! У, жодугарлар, юзи қоралар,— у менга муштани кўтариб, пўписа қилди,— қиз бечорани ўлдирмоқчимидиларинг?! ]

— Ҳой, Кукуй, ким билан уришяпсан?— деб сўради Алқан буви ҳорғин, бўғиқ овозда.

— Яна биттаси келди, ўша муттаҳам эмчининг ўғли...

Жуда бўладиганим бўлди. Ўпкам тўлиб кетди. Кўз ёшимни аранг ютиб, жўнаб қолдим, бутун уруғ-аймоғим шаънига ёзилган қарғиш орқамдан анчагача эшитилиб турди.

Теварак-атрофга анчагача талмовсираб, эсанкираб юрдим, нима қиларимни билмасдим. Назаримда бутун аъзойи баданим музлаб қолгандай, юрагим тўхтаб қолгандай эди. Менинг юлдузчам сўнди: олтин балиқчаларим тобора олислар, қоронғилик қўйнига сингиб борар, мен эсам бир нима қилишга ожиз эдим.

Кечга яқин Тепадан врач келди. Қишлоқда уни оддийгина қилиб Кривонос деб аташарди. Алексей Степанович Кривонос уруш йиллари овулма-овул юриб, беморларни даволарди, укол қиларди, доридармон берарди, кийимларни, кўрпа-ёстиқларни дезинфекция қиларди, ахири ҳориб-чарчаганидан гандирак-лаб юролмай қоларди.

Кривонос Зайранинг у ёқ-бу ёғини текшириб кўрдида, Алқан бувига секин гапирди:

— Бардам бўлинг, бойбича. Ақалли бир кун олдин чақирганларингда ҳам...

У Зайранинг жиндак шамоллаганини, кейин нима ҳам бўлиб, ўпкасининг икки томони яллиғланганлигини тушунтириб берди. Алқан буви йиғлаб юборди.

Ўша кунни тонгга яқин Зайра оламдан ўтди...

Бунга ким айбдор? Разилона маслаҳат берган Мирзабекми? Ичкиликдан инсоний қиёфасини йўқотган отамми? Онамининг феъл-атворими? Нодонликми? Ё одамларнинг ёстиғини қуритган урушми?

Мен ҳеч нимани унутолмайман, ўз олтин балиқчамни унутолмайман. Ахир, ҳар кимнинг ҳам ўз олтин балиқчаси бўлади. Усиз.. Усиз яшаб бўларканми?

## ТАБАССУМ

Тянь-Шан дараларидан бирига яширинган, оппоқ қор билан бурканган кичкина бир овулда, кўримсизгина лой томли уйда кекса аёл ўлим тўшагида ётарди. Унинг ўлим билан олишаётганига жуда кўп вақт бўл-

ди, қанча бўлганини ўзи ҳам билмайди. Эҳтимол, биринчи фарзандини туққан кундан, балки аёл бўлган кунидан бошлангандир, ким билади, балки ундан ҳам аввалдир... Баъзида унга, аллақачонлар ўлгандек, катта ёруғ сағанада ётгандай туюларди; унинг деразаларидан ёруғ тушиб тургандай, деворларида шуълалар ўйнаётгандай, ташқарида эса теракларнинг шивир-шивири эшитилаётгандек бўларди.

Унинг онгида ўтмиш билан бугунги кун, куз билан баҳор, кун билан тун аралашиб кетганди. У доим кўзларини юмиб ётарди, кимдир чой ичгани чақиргандагина очарди.

Кампир бошини кўтариб, тарашадай қотиб кетган қўлларига қайноқ чой қуйилган пиёлани оларди-да (кафтлари иссиқни ҳам, совуқни ҳам ҳис этмасди), ича бошларди, олдинга тикилиб қарарди-ю, лекин пиёласига ноннинг юмшоқ жойини ташлаб турган қизчани деярли кўрмасди. Бемор чой ичарди-ю, лекин ичида нон борлигини сезмасди, кейин у ориқ, сертомир қўлини олдинга чўзарди. Қизча бошини энгаштириб турарди, кампир гадир-будир кафти билан қизчанинг бошини силарди.

— Ўзинг ичдингми ишқилиб? — деб сўрарди кампир.

— Ичдим, — деб жавоб берарди қизча.

— Отанг келдими? — деб сўрарди кампир.

— Келди...

— Нима опкелди?

— Гўшт билан ширин кулча.

— Яна тоққа чиқиб кетдими?

— Ҳа, кетди. Сурувни пастга қайдаб тушамиз, дейди, комиссия қайтадан санаб чиқармиш.

— Нимасини санайди? Қашқирлар йўламади, ўлат бўлгани йўқ...

Унга жавоб бермаса ҳам бўларди — кампир ўзи билан ўзи гаплашаверарди.

— Онанг-чи?

Бу саволга жавоб бериш керагу, лекин қизча индамайди.

— Онанг қани, деб сўраяпман?

— Шаҳарда...

— Шаҳарда. Сен унга хат ёздингми, ярамас экансан, деддингми?

— Йўқ...

— Ёзгин! Ҳатто бўри ҳам ўз болаларини ташламайди... Онанг ярамас, ифлос. Уйин-кулгини қўмсаб қолди. Агар қорнимда заҳарли илонни асраб юргангани билганимда, ўзимни-ўзим чавақлаб ташлардим...

Ҳозир ҳам индамаса бўлади. Қизча пиёла, чойнак, нонни йиғиштириб, шкафга қўйди.

— Шаҳарни қўмсаб қолганмиш. Кўрамиз. Кўрамиз, шаҳарда ҳоли нима кечаркин. У ёқда сувниям пулга сотиб олиб ичасан... Эҳ, бахти қаро, шўрпешона! Кўз юмгудай бўлсам, ким билан қоласан? — деб сўраб қоларди кампир тўсатдан.

— Отам билан...

— Отам билан... Тоғма-тоғ юриб, қўй боқасанми?

— Боқаман...

— Боқаман? Оёқларинг ёрилиб, қийшиқ бўлиб қолади, эр олмайди, — деб огоҳлантирарди кампир.

— Эрга тегмайман.

— Те-га-сан! Тирик мавжудот борки, жуфт яшайди. Бола туғади... Отанг ҳам ҳозирча чидаб юрипти, алами ичида. Сал кўникканидан кейин бошқасига уйланади. Хотини ўгайлигини қилиб, сени уради. Ҳеч ким ёнингни олмайди. Мен бўлмайман. Э шўрлик қиз! Бунчалик бахтиқаро бўлмасанг...

Қизча уйдан чиқиб кетди-да, бир қучоқ ёғоч, тезак олиб келиб печкага ташлади.

— Нима, уйни иситмоқчимисан? — кампир қизнинг оёқ товушини эшитиб ўгирилди.

— Бўрон бўларкан.

— Қаёқдан била қолдинг?

— Телевизорда айтишди.

— Ким айтди?

— Чиройли бир хотин айтди.

— Чиройли хотин эмиш! Чиройли хотинларнинг ҳаммаси ёлгончи бўлишади. Бировларнинг эрини яхши кўришади, йўлдан уришади. Ҳозирча ёшсан — яхшисан, катта бўлсанг сенам алдайсан.

— Алдамайман.

— Ал-дайсан. Қизлигида-ку, ҳаммаси яхши бўлишади, эрга теккандан кейин нега айниб қолишадими-я?

Бугун бувиси одатдагидан кўпроқ гапирди, демак, ўзини яхшироқ сезяпти шекилли.

Қизча кампирнинг олдига борди-да, бошига тивит рўмол ўради.

— Нега рўмол ўратяпсан? Кўчага чиқмайман-ку!— деди кампир ранжиб, гўё кўчага чиқиб юра оладиган одамдай.

— Эшикни очиб қўяман, печка яхши тортмаяпти, тутун...

— Шамолласам, балки тезроқ ўларман...

Лекин қизча эшикни очиб юборганидан кейин кампир кўрпа тагига кирди-да, жимиб қолди. Ташқаридан изгирири отилиб кирди, хонада гир-гир айланиб, латталутталарни силкитиб ўйнатди, тезакнинг ўткир ҳидини таратиб юборди. Кампир кўрпанинг бир учини сал кўтариб, нафас олгани бошини чиқарди. Соф, муздай ҳаво бурун катаklarини қитиқлади, кейин кўксига ўтди, бундан кампирнинг боши ёқимли айланиб, кўзларига ёш келди. Уни мудроқ босди...

Қизча омборхонага яшириб қўйилган яшикни яна эслади. Бир ҳафта аввал ҳам қизча мана шундай хонани шамоллатиш учун эшикни очиб қўйганди, бувиси ухлаб қолганди, шу пайт уйларининг олдига бир отлиқ келганди. Бу почтальон Ботирбек эди.

— Ҳой катта қиз!— деб чақирди у (ёш қизларни шундай деб чақиришарди).— Посилкангни нега олиб кетмайсан? Онангдан бўлса керак,— деди у.

— Бувим рухсат бермаяпти!— деб жавоб қилди қизча.

— Бунчалик тошбағир бўлиш яхшимас. Ахир, минг қилсаям ўз туққан онанг-ку, нима, қайтариб юборармидик.— Ботирбек яшикни берди-да, жўнаб кетди.

Қизча яшикни саройга олиб бориб қўйди. Чинданам посилка онасидан эди. Лекин бувиси ундан ҳеч нима олмагин, деб қаттиқ тайинлаб қўйганди.

Мана, яшик бир ҳафтадан буён омборхонада ётибди...

Қизча эшикни ёпди-да, ошпичоқни олиб, тутантириқ тайёрлай бошлади, лекин эс-хаёли ўша посилкада эди. Ичида нима борикин? Ҳойнаҳой, ширинлик, ким билади, чиройли кўйлак ёки Закенникидай чиройли чарм ботинка бордир: тагчарми силлиқ, жигарранг, шундоқ пошнасининг олдига ўйиб 30 рақами ёзилган. Балки унинг ичида ўзи сира ўйламаган, хаёлига кел-

тирмаган нарсалар бордир... Ахир бувиси қачон ўлади, қанча кутиш керак? Ўлгандан кейин ҳаммаёқдан қариндош-уруғлари ёпирилиб келишади, ув тортиб йиғлашади. Уни қил, буни қил, дейишади, қўйлар сўйишиб, гўштини омборхонага илиб қўйишади, ана шунда послкани албатта кўриб қолишади.

Балки ойим ҳам келар, лекин бувиси ойисига ўлганимда келма, деган. Ўшанда онаси бувисининг оёқларига бош уриб: «Мени кечиринг... мени кечиринг... мени кечиринг...» — деб илтижо қилганди. Бувиси озгин қўлини кўтариб: «Йўқол!» — деганди. Онаси, гўё худди ўша сўзни кутиб тургандек, кичкина ўғилчасини бағрига босганича уйдан отилиб чиқиб кетганди, ўзининг ва чақалоқнинг кийимлари тугилган бўхчани унутиб қолдирганди. Қизча бўхчани олганича онасининг орқасидан кетма-кет чопиб чиқди, лекин онаси бу пайт ён томонларида қора катакчалари бор машинага ўтирди-да, эшигини қарсиллатиб ёпди. Қизча машина орқасидан югурди, лекин у уйнинг орқасига ўтиб бурилдию кўздан ғойиб бўлди. Қизча аламига чидаёлмай уй атрофида гир-гир айланар, нима қиларини билмасди. Ахир, туққан онаси уни ташлаб кетиши мумкин эмас-ку! Кейин овулдан узоқда кўтарилган чангтўзонни кўрди. Орқаси офтобда ярақлаган машина онасини тобора узоққа олиб кетарди. Қизча мук тушиб, тупроқни чангаллаганича ҳўнграб йиғлаб юборди. Сўнг унинг шаҳарга кетаётганини кўргани чиқишган ҳамқишлоқлари қизчани ўраб олишиб, миқ этмай туришарди: майли, йиғлаб-йиғлаб, кўнглини бўшатиб олсин, енгил тортади. Кейин уни қўлларида кўтаришиб уйга олиб киришди, енгил, ширин турмуш деб ўз боласини чириллатиб ташлаб кетган онани роса коийишди...

Отаси кечаси алламаҳалда, бутун овул уйқуга кетганида келди. У катта бесўнақай кафти билан қизининг бошини силаб, оловга узоқ тикилиб қолди... Бувиси каравотда ётарди, устма-уст йўталарди. У гўё куёвидан хижолат бўлиб йўталаётгандек эди. «Мен нима ҳам қила олардим? Қариб қолган бўлсам, бу ёқда касаллик», — унинг йўтали шундай деяётгандай эди. Қизча негадир ўша куни ўзини жуда енгил, яхши ҳис этди — отаси уни илгарилари ҳечам эркаламаган эди, энди у қизидан бошқа азиз кишиси йўқлигини ҳис



этди. Кучли одамнинг бутун меҳри, ёлғиз унга, қизига қаратилганини ҳис этиш жуда кўнгилли, ёқимли эди.

...Қизча печкани ёқди. Совиб қолган чойнак дарров яна шиғиллай бошлади. Бирдан унинг миясига шум фикр келиб қолди. Бордию яшикни очиб, ичидагини кўрса, кейин яна ёпиб қўйса нима қилади?! Бувиси ухлаб ётарди, лабларини қимирлатарди, ҳойнаҳой тушида ҳам бебош қизини қарғаётгандир. Қизча омборхонага лип этиб кирди-да, яшикни олиб чиқди ва эҳтиётлик билан очди. Устида конвертда унга ёзилган хат ётарди. Қиз бир оз ўйланиб турди-да, ахири конвертни очди: «Қизгинам! Сени ўйласам юрак-бағрим эзилиб кетади, қон йиғлайман. Балки сенга, онанг шаҳарда яшаш учун сени ташлаб кетди, эҳтимол, отанг институтни тамомламагани учун онанг уни ташлаб кетди, деб қулоғинга қўйишаётгандир? Лекин аслида бундай эмас, нуридийдам. Уканг Таалайбек билан бирга сениям олиб кетмоқчи эдим, лекин отангга раҳмим келди. У ёлғизликдан, ҳасратдан адойи тамом бўлади, деб ўйладим. Отанг жуда яхши одам, бу қадар қон қақшатишга ҳаққим йўқ, бундай жазога лойиқ одам эмас. Таалайбекка она кўкраги керак, сен катта бўлиб қолдинг, отанг, бувинг билан яшашинг мумкин. Ҳа, бувингни ҳам ёлғиз қолдириб кетолмасдим. Энди отанг унинг учун бегона одам... Ҳозир сен кичкинасан, катта бўлсанг кўп нарсага тушунасан, инсон умри — бу фақат яшаган йиллари эмас. Бу, атиги бир соат, бир дақиқа ҳам бўлиши мумкин, сен ўшанда бирдан ўзингни қушдек ҳис этасан, ҳамма нарсани ташлаб, бошинг оққан томонга учиб кетгинг келади. Бувинг — ўз онам мени ҳеч қачон тушунган эмас, тушунмайди ҳам. У бутун умри бўйи тер тўкиб ишлади. Ҳаёт унга бир бурда нон учун курашдан иборат эди. Унинг боши ғамташвишдан чиқмаган, на дугоналари билан, на ўзи эри билан чақчақлашиб ўтирган. Барибир бир қоп тезак солинган қопни орқалаб бориши кераклигини, печь ёқишини, болаларини овқатлантиришини, маст эри билан ғижиллашини сира ҳам унутмаган. Бутун умри бўйи бир сиқим донни, ҳар бир сўмни тежаб келган, боши муҳтожликдан чиқмаган. Қани энди бешўнта кўрпа-ёстигим бўлса, деб орзу қилган, лекин учтадан ортиғига эришолмаган. Тўртинчисини олгунича, биринчиси йиртилиб бўларди. Бирйўла ўн иккитасини

олишга журъат этолмасди — эртага нонга пулимиз қолмайди деб қўрқарди...»

Хат жуда узун эди — дафтарнинг бир неча варағи ёзиб тўлдирилган эди. Онаси, ҳозирча бировларникида турганини, ҳали квартира ололмаганини, конфет фабрикасида ишлаётганини хабар қилганди. Қизча хатнинг баъзи жойларига тушунмаса ҳам охиригача ўқиб чиқди. Онаси хат ёзишга уста. Унинг муқоваси ялтироқ, қалин дафтари бор эди, сиёҳда гуллар расмини солар, қўшиқ тўқирди. Қизча бу дафтарни неча-неча бор варақлаган. Гарчи ундаги ҳар бир сўзни тушуниб турса-да, лекин ҳаммасининг тагида ғалати бир сир ётгандай эди. Хат ҳам шунга ўхшаб кетарди. Бир қарашда ҳаммаси тушунарлидек туюларди-ю, айтилиш вақтида баъзи ўринларини тушуниб, англаб бўлмасди. Бир нарсани равшан эди: онасининг бу иши — шунчаки ўжарлик ҳам, нодонлик ҳам эмасди. Бунда қандайдир ўта мураккаб, чигал маъно бор. Сабаби, онаси қизи олдида ўзини оқламас, у на бувиси, на отаси, на овулдагилар тушуниб етмаган бир нарсани тушунтириб беришга уринарди. Балки отаси ҳаммасини тушунгандиру, лекин бир нима қилишга ожиздир.

Шуниси ҳам аён эдики, онаси жуда камдан-кам, алоҳида бир сабабларга кўра бўладиган ишни қилганди.

Онаси турмушимдан жуда хурсандман, деб ёзганди-ю, лекин гарчи у конфет фабрикасида ишласа ҳам, ҳозир онасига осон эмаслигини қизи сезиб турарди.

Қизча хатни яхшилаб буклади-да, кўйлагининг ичига яшириб қўйди. Яшиқда конфетлар, иссиқ пайпоқ ва ички кийимлар бор эди. Оқ чойшаблар алоҳида ўралган эди. Онаси ёзганди: «Сенга қизил шапкача сотиб олдим, уни кейинроқ юборарман, бувинг кўриб қолса, шартта олиб печкага ташлайди, кўйлагинг билан пайпоғингни кийиб юргину, лекин бувинг сезмасин. Пул тушса, сенга қора хол-холи бор оқ пўстин олиб бераман. Айтишларича, уни ювса бўларкан. Тўртта чойшаб бувингники, эски сандиқда ётган экан, дегин...» Бувиси деярли кўздан қолганини онаси билмасди.

Бувисининг чойшаблари ишлатилаверганидан, ювилаверганидан саргайиб кетгани қизчанинг эсига тушиб қолди, ухлаб ётганида уларни алмаштириб қўймоқчи

бўлди. Қизча уйга кирди-да, бувисининг бошига оёқ учида юриб бориб, устидаги кўрпа ва эски чойшабни секин олди. Бувиси алланима деб гўлдиради-да, гужанак бўлиб ётиб олди. Кампир янги чойшабнинг ҳидини сезиб, кўзларини очди, уни бармоқлари билан пайпаслаб ушлаб кўрди.

— Ҳой,— деб чақирди бувиси.

Қизча жавоб бермади.

— Ҳой! Билиб турибман, сен шу ердасан! Чойшабни қаёқдан олдинг?

— Эски сандиқдан,— деб жавоб қилди қизча.

— Эски сандиқдан. Уни ўзимга асраб қўювдим.

— Ўзингизга солиб бердим-ку.

— Олиб қўй! Ўлганимда кафанлигимга ишлатасан!— деди бувиси шартта.

Қизчанинг кўзлари катта очилиб кетди. Бувиси қузғундай кўзига хунук кўринди: юзи чўзилиб, сийрак оқ сочи тўзиб кетганди.

— Ҳа, нега қаққайиб турибсан? Сандиққа солиб қўй. Оқ сурпни нега қирқдинг?

— Ҳеч нимани қирққаним йўқ...

Бувиси аччиғи чиққан сайин кўзига тобора хунук кўринарди.

— Ўн метр эди... Ўн беш йил асрадим... Ҳеч бўлмаса нариги дунёда тоза кийимда ётай.

Қизча эски сандиқда бир ўрам оқ сурп ётганини эслади. Онаси, бу бувининг сепи, деганди. Қизча бу сепининг тўйга эмас, ўлимга ишлатилишини энди тушунганди. Қизча сандиқни очди-да, оқ докага тугиб қўйилган ўша бир ўрам сурпни олиб келди. Кампир уни пайпаслаб кўриб, «сепининг» бус-бутун турганлигига қаноат ҳосил қилгач, кўнгли ўрнига тушди.

— Шундай десанг бўлмасмиди. Қирққаним йўқ, дейсан. Бефаросат хотин бўласанми, дейман-да.— Кампир қизчани бекорга уришганидан бир оз ўнғайсизланди-ю, лекин бунга иқрор бўлишни истамади.— Яна қоққан қозиқдай қаққайиб турибсанми. Жойига олиб бориб қўй! Ўлганимда тўйгунингча кўрарсан, мени ўшанга ўрашади...

Кампир гўё узоқ яшагани, қаригани, энди ўлиши кераклиги учун ҳаммадан хафа бўлгандек, кўнгли қолгандек эди.

Қизча тугунни сандиққа солиб қўйди. Энди бувиси-

нинг гапига қулоқ солмай, ўз ишларини қилиши, ҳалиям лунжида олиб юрган конфетини мириқиб сўриши мумкин эди. У сумкасидан каттак дафтарини, арифметика китобини олди-да, кўпайтириш бўйича мисолларни ечишга киришди.

— У яна нима деди?— тўсатдан сўраб қолди кампир.

Қиз сесканиб тушди — наҳотки хатни билиб қолган бўлса? Бувиси каравотда оёқларини осилтириб ўтирарди, энди у бутун ўй-фикрларингуну қисматингни айтиб берадиган кекса жодугар кампирга ўхшарди. У қиз ўтирган томонга қаради, қовжираган лабларини қисиб, қизнинг жавобини кутарди.

— Бўрон бўлади, дедими, бошқа ҳеч нима демас дими?

Қизчанинг кўнгли тинчланди — бувиси телевидение диктори ҳақида сўраётганди.

— У: «Қор ёғади, совуқ бўлади...» деди.

— Худо йўқ, худо йўқ дейишади-ю! — деди кампир энсаси қотиб, гўё бировни масхара қилаётгандай. — Уларни бўлса, об-ҳавони олдиндан айтишади.

— Об-ҳавони худодан сўрашмайди.

— Худодан сўрашмайди? Хўш, уларга ким айтаркан? Буванг раҳматлик об-ҳавони юлдузларга қараб айтиб берарди... Ичмасидан олдин. Ичкиликка муккасидан кетди-ю, ҳеч нимани айтолмай қолди.

Энди бувиси оддий кампирларга ўхшарди. У марҳум эри ҳақида гапирса оддий кампир бўларди-қоларди.

— Ҳечам бўрон бўлмайди! Унинг гапи ёлғон! Ҳаммаси ёлғончи...

Бувиси яна жаврашга тушди. У яна кўзига хунук кўриниб кетди, қизча дарс тайёрлашда давом этди.

— Чиройли эмиш, сочи узунмиш! (Диктор қиз ҳақида.) Чиройли хотинларнинг ҳаммаси нодон бўлади... Ана, онанг ҳам... Илоё кўзлари оқиб... Уям чиройли эди. Мана, энди шаҳарда озиб-тўзиб, чўп бўлиб кетгандир. У ёқда оловгаям пул тўлашинг керак, — кампир яна жаврай бошлади.

Қизча кўпайтириш бўйича мисолларни ишлаб ўтирарди. Мўрида шамол гувилларди. Ҳаво кескин ўзгарадиганга ўхшар, авзойи бузуқ эди. Кампир ша-

молнинг гувиллашига қулоқ соларкан, қизчанинг шарпасини кўриб турарди.

«...Онасига ўхшаб, ўтириб олиб, ёзгани ёзган. Онаси ҳам оёқларини йиғиштириб, мана шу хонтахта атрофида ўтиришни яхши кўрарди. Бамайлихотир ўтирибди, эртага ўлигим тепасида йиғлашнимам билмайди. Ҳозир унга гапириб бўладими. Гапиравер, кампиршо, гапиравер, деб тиржайиб ўтираверади-да. Биладан, буларнинг тили бошқа, дили бошқа. Бу китоб савил уларни йўлдан уради, миясини ачитиб юборади...»

...Бўрон кўтариладиганга ўхшарди. Куёвидан эса ҳамон дарак йўқ. Қор бўронида қолиб кетмаса гўрга эди. Унга дардини очарди. Куёви тушунарди. Бугун кампир туш кўрди. Тушида, эри иккови бийдай даладаги катта пичан ғарами устида ётишганмиш. Ёш, чиройли вақтлари эмиш. Эри қўлини унинг елкасига қўйиб, кейин бағрига босиб, қаттиқ қучоқлабди. Узун, қора сочи елкаси билан битта бўлиб ёйилиб кетганмиш. У яланғочлигидан ҳечам хижолат бўлмас эмиш, унинг кўзларига тик боқармиш. Тепаларида шишадай тиниқ осмон. Ана, уфқда митти қўш юлдуз кўринганмиш. Булар уларнинг эгизак ўғиллари — Асан билан Усен, чошиб келишармиш. (Улар Сталинград остоналарида ҳалок бўлишган.) Улар жудаям кичкина эмиш. Улар оқ чойшабнинг икки учидан ушлаб, чошиб келишармиш, ўша чойшабни ота-онасининг устига ёпишиб, яна чошиб кетишармиш. Уларнинг думбалари-ю, майсадан кўм-кўк товонлари кўринармиш. Булар, эр-хотин эса, қучоқлашиб, зангори осмонда булутлар орасида учиб юришганмиш. Пастда, ерда аёллар баланд овозда ажойиб қўшиқ айтишармиш. Кампир уйғониб кетди-да, гарчи ҳеч нимани кўрмаса-да, шифтга тикилиб анча ётди. У куни битганини биларди. Асан билан Усеннинг йигитлик вақтидаги юзларини эсламоқчи бўлди-ю, лекин эслаёлмади. Унутибди. У узоқ умри давомида шунчалик кўп ўлим, баъзида сира кутилмаган ўлимларни кўрди, ўлимга истаган вақтида келадиган, истаган эшигини қоқадиган, мажбурий ва муқаррар бир нарсага кўниккандай кўникиб қолганди. Ўлим умга мангу сукунат, осойишталик, бу дунё ғамташвишларидан халос этувчи бир нажот бўлиб туюларди. Қуёш нури кўзларини қамаштирмайди. Инсоннинг кўз ёши киши қалбини пора-пора қилмайди.

Кампир шамол эшикни. очиб-ёпаётганини, қорни тўзгитиб, томма-том изғиб юрганини эшитиб турарди. Бўрон кўтариляпти. Куёвидан ҳамон дарак йўқ. Наҳотки, бутун дард-алами ичида кетса, ҳеч ким, ҳеч қачон ҳеч нарса билмаса? Ҳа, айтадиган гапи кўп. Чоракам бир аср ичида у нималарни кўрмади, озмунча дард-алам чекмади. У, одамни яратган худога ҳам қойил қолмадим, демоқчи; жонсиз ер ва тошлар абадий, инсон эса яшар-яшамас ўлимга юз тутади — жисми, фикри, қалби ўлимга қарши-ю, лекин у ўлади; инсон умри ҳадсиз узун ва қайғули. Нима, ёлғонми? Қиз бола эди, яхши одамни учратсам, унга эрга тегсам, деб орзу қилганди, шундай одамни учратди, у билан турмуш қурди, кейин билсаки, у умрида оқ чойшаб нималигини билмаган бир семиз хотинни кига бориб юраркан... Уғил кўришни орзу қилганди, бир эмас, иккита туғди, уларни катта қилди — иккови ҳам урушга кетди... Қиз кўрсам деб орзу қилганди, чиройли қиз туғилди, ўсиб вояга етди, эрга тегди, бир ҳафтага Фрунзегга холасиникига бориб келди, қайтиб келганидан кейин, кичкина ўғилчасини олиб, эрини, қизини, касал онасини ташлади-да, шаҳарга кетиб қолди — икки ўртада оила бузилди. Бу хотин ё ақлдан озган, ё худ эшакмия еган... Хўш, кейин-чи, кейин нима бўлди? Эри бор эди. У ўлди (чоллар кўпинча олдин ўлади). Эрталаб пичан ўришга кетувди. Кечқурун жасадини олиб келишди. Айтишларича, кўп ичиб қўйганмиш, миясига қон қуйилганмиш. Э, худойим! Одамлар бу заҳар-заққумнинг нимасига учади-я! Наҳотки, шу аччиқ ичимлик бола меҳридан, аёл жозибасидан ёқимлироқ бўлса? Узи умрида оғзига ичимлик олмаган. Гуноҳдан қўрққанми? Йўқ. Аёл киши ичмаслиги керак, вассалом. Уруш йиллари, эри меҳнат армиясига кетганда, солдатларнинг хотинлари ва бевалар бўза қилишарди, уни ўтиришларга чақирарди, ичишарди, ейишарди, кейин йиғлашарди. Яширишнинг ҳожати йўқ, баъзилари эркаклар, ҳатто ўсмирлар билан учрашишарди — кўнгилхушлик қилишарди. Лекин у ўша ўтиришларга борсам, ўзини қаттиқ тутарди — аёл киши фақат ўз эрини дейиши керак. У эридан қўрқарди, ҳурмат қиларди. Уғилларидан қорахат келганида эри қиз боладай бўзлаб йиғлади. Одамови бўлиб қолди. Бир кун у ароқ қуйиб, хотинига узатди: «Ма,

ич, енгил тортасан». Аёл пиёладаги ароқни лабига олиб келди — балки чинданам кўнгилғашлиги ёзилар? Бурнига ёқимсиз ҳид гуп этиб урилди. У ароқни стол устига қўйди. Бу эрининг сўзини биринчи бор қайтариши эди. Эри ароқни бир ўзи ичди-да, бошини сарак-сарак қилди.

— Аччиқми? — сўради у.

— Аччиқ, — деб жавоб берди эри.

— Ич, деб ким мажбур қиляпти? — сўради у.

— Гитлер, — деб жавоб берди у ва ўрнидан туриб чиқиб кетди.

Ушандан кейин хотини бунақа саволларни бергани йўқ. Мана, энди кампир ўлим тўшагида ётганида негадир ўша гапни эслаб қолди. Ушанда эри нега шундай дедийкин? Наҳотки ўша заҳар-заққум ичимлик дардни енгиллаштира? Урушдан кейин ҳатто худо-жўй, номозхон чоллар ҳам ича бошлашди. Пиво спиртли ичимликка кирмайди, деган миш-миш тарқалди, демак, уни ичиш гуноҳ ҳисобланмайди. Пивони маст бўлишгунча ичишарди. Ҳамма ичди, лекин у оғзига олмади.

Уша кунларни эсларкан, кампир томоғи қақраб кетганини ҳис этди, ташналик қийнарди. Ташналик уни кўпдан бери, бир неча йилдан буён қийнаб келарди.

Бир куни эри уни пиво олиб келгани юборди. У бидонни тўлдириб пиво олди, дала оралаб келаётганида ичимлик чайқалиб идишдан тошиб чиқди. Эри кетмонни ташлади-да, оёқларини керганича ютоқиб ича бошлади. Пиво унинг мўйловидан оқиб, қақроқ ерга томарди. У, қуёшдан кўзларини қисиб, эрига қарарди, кекирдагининг ликиллашини кўриб турарди. Кампир бир ютиниб қўйди, назарида ўша ичимликдан бир қултуми унинг ташналигини бир умрга босадигандек эди... У эри ўлганидан кейин бир неча бор пиводан ичиб кўрмоқчи бўлди-ю, лекин сира юраги дов бермади — қизидан, куёвидан, қўни-қўшниларидан уяларди... Энди эса унга ҳаммаси барибир эди. Э, барибир, бу дунёда муқаддас нарса қолмади. Ҳатто худони ҳам сўкишади-ю, лекин бунинг учун ҳеч ким жазо тортгани йўқ. Барибир тананг, фикринг, виждонинг, ор-номусинг, қўрқувинг, севгинг — бутун борлигинг тупроққа айланади... Нафаси сиқила бошлади. Оғзи,

томоғи, юрағи мисоли ўт бўлиб ёнарди. Жудаям сув ичгиси келди. Чой сўрасамикан? Йўқ. Йўқ, чой босолмайди. Қани энди, ақалли бир қултум пиво бўлса — шундай чанқоғи босила қоларди!..

Кампир тарашадай қуруқ қўлини кўтарди (у сув ичгиси келса шундай қиларди). Қизча ўрнидан туриб, пиёлага чой қўйди. Бувиси керакмас, дегандек қўл силтади. Қизча пиёлани жойига қўйди-да, каравот тагидаги тоғорачани олдинга суриб қўйди. Кампир яна қўлини силтади.

— Нима деяпсиз? — деб сўради қизча.

— Пиво.

Қизча ҳангу манг бўлиб қолди — бувим алаҳсираппти, деб ўйлади.

— Пул ўша ерда, ҳамёнимда, — деди кампир.

Йўқ. Бувиси алаҳсирагани йўқ. У одатдаги касал кампирга ўхшарди.

— Пивони нима қиласиз?

— Ичаман.

— Ичаман?

— Бор, опкел.

Қизча пўстинини кийиб, чор-ночор пиво олиб келгани кетди. У икки шиша пивони кўтариб, қайтиб келганда бувиси кўзларини юмиб ётарди.

— Борми? — деб сўради у кўзларини очмай.

— Бор.

— Сотувчи аёл нима деди?

— Отамга оляпман, дедим.

— Баракалла. Иситиб юбор.

Қизча муздай шишаларни печка устига қўйди, кейин юмалоқ стол атрофига ўтирди-ю, дарсини тайёрлай бошлади. Шишалар терлади, томчилар шишалар қорнидан полга худди кўз ёшларидай оқиб туша бошлади. Шишалар қизчанинг эсидан чиқиб кетди. У ҳисоб чиқариб ўтирарди: олти карра саккиз — қирқ саккиз, плюс ўн етти...

— Иситдингми? — деб сўради кампир. У каравотда букчайиб ўтирарди, шу ўтиришда яна қари қарғага ўхшаб кетарди.

— А?

— Шишалар қуриган бўлса, демак, исигани...

Қизча шишаларни кўздан кечирди — томчилар қуриганди.



— Намунча имиллайсан?

— Очолмаяпман.

— Бобонг тиши билан очарди.

Қизча тиши билан очмоқчи бўлди, лекин эплаёлмади. У темир тиқинни очаман, деб кўп уринди, ахири пичоқ билан очиб пиёлага қуйди.

Кампир гўё чой ичаётган одамдай лабларини чўзиб, эҳтиётлик билан бир қултум ютди — пиво унга бир оз тахирдек туюлди, пиёлани қўлида бир оз ушлаб турди-да, кейин кўзларини юмиб, охиригача ичиб юборди. У бўш пиёлани узатиб, ёстиққа ёнбошлади. Унинг қарашлари ғалати эди, кампир тортган барча азоб-уқубатлари учун энди қасос олаётгандай, гўё умр бўйи ўйлаган режасини мана энди амалга ошираётгандай эди.

— Яна қуй.

Қизча яна ярим пиёла қуйиб, унинг олдига қўйди.

— Нега қараб турибсан, бор, ухла!

Қизча дафтарларини йиғиштириб, кўрпа тагига кирди-да, ўша заҳоти ухлаб қолди...

Кампир гўё ҳеч қачон касал бўлмагандек, шунчаки оғир ишдан кейин бирпас чўзилиб дам олмоқчи бўлган одамдек ўзини енгил ҳис этди, гўё у кампир эмас, ярим аср бурунгидай ёш, дилбар аёл эди...

Оғзидаги какра мазаси ҳали ҳам кетмаганди. Бутун аъзойи баданига бир ёқимли илиқлик тарқалиб, мудроқ босди.

Эшик тинимсиз ғичирлаб очилиб-ёпиларди. Шамол увилларди. Ташқарида зимистон тун, қор бўрони...

Кампир яна икки қултум ичди. У энди илгариги ёқимли ҳароратни ҳис этмади, лекин қўл-оёқларига яна куч тўлгандай бўлди. Назарида ҳозир у даладашга чиқиб кетиб, саҳаргача, тонг юлдузи — Чўлпон юлдузи чиққунча юра оладигандек эди; дарё шовуллаган, анвойи гуллар ҳид таратиб ётган ўша ерга, бўлажак эри билан қўл ушлашиб юрган ерга боради, от эса орқаларидан итоаткорона эргашади; ўша ерда улар ўпишишарди, от эса илиқ қалин лабини унинг елкасига, гул ушлаган қўлларига теккизарди. Кейин улар соҳил ёқалаб кетишарди, от эса кўзларини ялтиратиб, соҳил бўйидаги ширали ўтларни чимдиб, измаиз борарди... Уйга саҳарда қайтиб келишарди, бу сўлим, оромбахш кечалар ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса

билмас, улар бир афсонага ўхшарди. Нега энди, у ўша кечаларни илгарилари эсламасди? Балки, унинг кундалик ҳаёти, туриш-турмуши ўша афсонага мутлақо ўхшамас, бинобарин уларни қиёс қилишни истамасди, чунки кўрган-кечирганинингни ўйласанг, дунё кўзингга тор кўриниб кетади. Хўш, у-чи? Нима, у ёмон эр ё ёмон отамиди? Ичарди. Нима бўпти, ичадиган битта уми, ҳозир ҳамма ичади. Ичсаям алаמידан ичарди. Демак, ичмаслигининг иложи йўқ экан-да. Хафа қилармиди? Хўш, нима бўпти? Ҳадеб ширинлик еяверсанг ҳам меъданга тегади. У ерлар, дарё бўйлари ҳозир жуда сўлим. Қарағайлар шовуллайди. Гуллар муаттар ҳид таратади. Улар эгилиб, одамга таъзим қилади. Қуёш чарақлаб нур сочади. Икки томонга тарвақайлаб ўсган қарағай шохига ўтириб олиб, пастда сувнинг кўпириб оқишини томоша қилишинг, ҳеч нима ҳақида ўйламаслигинг мумкин... Эри қаламтарошда қарағайда қолдирган белгилар ҳалиям турганмикан? Эртасига ўша белгилар ўрнида қаҳрабо қатрон йилтираб кўринди. Эри, қарағай оғриқ азобидан йиғлапти, деди. Қарағайнинг ярасига отқулоқ ёпиштириб, устидан боғлаб қўйдик. Яраларми? Улар битиб кетади...

Кампир секин ўрнидан турди. Оёқлари дармонсизликдан, қимир этмай ётаверганидан қалтирарди — икки йилдан бери кўрпа-тўшак қилиб ётарди. У кийимларини пайпаслаб топди, бошига рўмолини ўради, кийинди, эшикни эҳтиётлаб очди-да, қоронғилик қўйнига шўнғиди...

Қишлоқ четидаги идора олдида фонарь чайқаларди. Қор бўрони йўлни кўмиб юборганди. Уйлар оппоқ қорга бурканган. Қаердадир совуқда қолган ит ангиллади.

Кампир гулга кирган бедазордан борарди. Боларилар тинимсиз гувилларди. Қизи беда гулининг ширасини сўришни яхши кўрарди, беда эри қайтадиган йўл ёқасида ўсарди. Она-бола уни кутишар ва тўрт тожибаргли беда пояларини излашарди — дадаси тез келадими-йўқми, деб фол очишарди. Қизча отасининг қорасини узоқдан кўрибоқ, истиқболига югурарди ва овозининг борича: «Бахтли бедани мен топдим. Мен!» — деб қичқирарди. У қизини эгарга ўтқазиб оларди. Сал чўтир ялпоқ юзида хижолатомуз табасум пайдо бўларди-да, қамчиси билан хотинини секин

туртиб қўярди: «Хўш, қалайсан?» — «Бир нави...» — деб жавоб берарди хотини ва отни тизгинидан уйга етаклаб келарди, кейин устидан хуржунни оларди. Хуржунда унинг учун албатта бир нима бўларди: ярқироқ кўйлак ёки чиройли қийиқ рўмол, хуллас, ялтироқ бир нима бўларди. У ўз севгисини мана шундай ифода этарди. У қизини ўларди-ю, хотини эса унинг бўсасини ўз юзида ҳис этарди. Қизи! У ёқда бечоранинг ҳоли нима кечдийкин? Ахир, шаҳарда ҳамма нарса пулга келади. Қизининг эса рўзгор ишларига ўқуви йўқ, тежаб-тергашни билмайди, охириги бир бурда нонини беради-ю, оч ўтираверади. Яхши турганмикин? Маст-аласт эркаклар унга тегажаклик қилишса керак. Ахир, эри йўқ-да.

...Арилар тинимсиз гувилларди. Димоққа гуллаган беда ҳиди уриларди. У ёқда, қишлоқ четида қуёш чарақлаб нур сочарди. Беда шу қадар қалин ва баланд эдики, юриш ниҳоятда оғир эди... Ташлаб кетдимиз? Балки китобларда шундай қилинглар, деб ёзишгандир. Куёви-чи? У ҳали ёш. Ўз бахтини топиб олади! Қуёш кўзни қамаштирарди. У тоғ дарёси худди одам қўлининг кўк томирларидай бепоян водий бўйлаб таралиб, ташна ерга оби-ҳаёт бераётган жойга қараб кетди. Уша ерда тарвақайлаб ўсган қарағай бор, ярим аср муқаддам бир ошиқ йигит унинг танасида белги қолдирган. Кампир қуёшнинг ёнидан ўтиб кетди. Қуёш дам-бадам чайқалиб, орқада қолди. Гўё кунни билан бош яланг далада пичан ўрган одамдай қўллари, юзи, бўйни қизариб кетганди, бели зирқираб оғирди. Аёл дам олмоқчи бўлиб, ерга ўтирди. Арилар гўнғилларди. Уни мудроқ боса бошлади. У чалқанча ётди-да, қўлларини ёзди. Осмонда булутлар карвони сузиб юрарди. Осмон кўм-кўк, булутлар оппоқ эди. Булутлар тобора пасайиб, парча-парча бўлиб, худди оқ варақлардай ерга учиб тушарди. Кўп йиллар муқаддам, Ғалаба кунини, овул устидан самолёт учиб ўтаётди, варақалар ташлаганида худди шундай бўлганди. Болалар далада зирқираб югуришиб, варақаларни тутишганди. Улар ерга оппоқ бўлиб тўшалган эди. Аёл от туёқларининг дупур-дупурини эшитди. Икки ўғли, Асан билан Усен — солдат формасида баравар қадам ташлаб келишарди. Улар катта варақанинг икки учидан ушлаб олишганди, кейин у оқ чойшабга айланди. Ўғиллари чойшабни унинг

устига ёпишди-да, йўлларида давом этишди. «Раҳмат, болаларим!» Уларнинг орқасидан яна икки солдат келарди, улар ҳам чойшаб кўтариб олишгачди. Устига ёпиб, ўтиб кетишди. Кейин яна устма-уст келаверишди. Ҳаммалари ҳам Асан билан Усенга ўхшарди... «Раҳмат, барака топинглар, болаларим!» Ҳаво исигандай, кўнгли бир оз равшан тортгандай бўлди. Гўё кимнингдир бақувват қўллари уни тебратиб, аллалаётгандек эди. Ў, ҳаёт! Кўз ёшлари икки юзидан маржондай оқиб тушарди. У кўзларини юмди. Гардишсимон қуёш чайқалиб-чайқалиб, осмонга учиб чиқиб кетди. Унинг юзида майин табассум бир умрга қотиб қолди...

### ЎҒРИ ХОТИН

— Ў-ў! Ў-ууу! Ушланглар уни! Ушланглар!— деб қичқирарди отлиқ оқ телпагини силкитиб. Унинг тепакал боши офтобда ялтирарди.

Картошка чопиқ қилаётган мактаб болалари қаддиларини ростлашиб, қўрқиб кетган қўзичоқлардай турган жойларида қотиб қолишди.

— Муаллим, кимни ушлайлик?— деб сўради қизча.

Муаллим елкаларини қисиб қўя қолди.

— Бу ким ўзи?— деб сўради у ҳам ўз навбатида.

Болалар бир-бирларининг гапини бўлишиб, бу отлиқнинг кимлигини топмоқчи бўлишарди. Баъзилари бу мироб Таштан амаки, деб бақирарди, чунки отлиқ кўк чопонда эди, бошқалар Бакен бобо бўлса керак, деб ўйлашди. Кимдир бу умуман бегона одам, деди, чунки эгнидаги чопони Таштан амакиникидай эски ҳам, Бакен бобоникидай янги ҳам эмасди.

Уруш йиллари хотинлар ямоқ солишга шу қадар уста бўлиб кетишган эдики, одамларнинг эгниларидаги чопон, кўйлак ва шимлари ола-була бўлиб, худди география харитасига ўхшаб кетарди. Отлиқ яқинлашди, болалар бараварига бу мироб — Таштан амаки, деб қичқириб юборишди. Эски духоба чопонининг кўкрагидаги оқ шойидан солинган ямоқ узоқданоқ ялтираб кўринарди. Болалар Туйғун лақабли қулунни ҳам дарров танишди.

— Нега ушламадиларинг?!— деб бақирди мироб.

— Кимни?— деб сўради муаллим.

— Уғри хотинни!

— Қанақа ўғри хотинни?

— Э-э!— деди Таштан қўл силтаб.— Йўғон, барзанги хотин! Сочлари узун, тўзғиган! Ҳар оёғи менинг белимдай келади!

Муаллим шубҳа аралаш кўз қисиб қўйди: алвасти сочлари ёзилган хотин қиёфасида келармиш, уни юришидан билса бўларкан, чунки у товонини олдинга қаратиб юраркан, деган ривоятга овулликлар орасида ҳали ҳам ишонадиганлар бор эди.

— Балки сенга шундай кўрингандир, мироб?— муаллим ачингансимон кулимсиради.

Болалар ҳам унга ачингандай кулиб қўйишди.

— Агар ёлғон гапирсам, нон урсин! Ёлғон гапирсам онам хотиним бўлсин!— деб онт ича бошлади у.

— Тш-ш! Болалар бор-а!— деб огоҳлантирди муаллим, йўқса, янаям хунукроқ қилиб онт ичиши мумкин эди.

— Эсиз, эсиз!— деб қўл силтади Таштан амаки.— Мен бу ерда одамлар бор экан, деб юрибману ўқувчи болалар экан-да. Бу китобларни ўқиганингиздан кейин, сизлар на худога ишонасиз, на одамга!

Муаллимнинг жаҳли чиқиб кетди:

— Ўғри хотинингиз нимаси? Куппа-кундузи ўғри хотин нима қилади? Балки ўқувчи қиздир?

— Э, қўйсангиз-чи! Ўқувчи қиз эмиш. Бутун турқидан ўғрилиги кўриниб турибди. Ўзиям гумбаздек!

— Немислар юборган жосус бўлса-чи!— деди ўқувчилардан бири.

— Жосуслик қилиб нима қилади? Ахир уруш тугади-ю,— деб жавоб қилди бошқа ўқувчи.

— Раис опамиз мени олдига чақириб: «Ана, колхознинг ҳамма ариқлари сизга қарайди-я», деди.— «Ҳа,— мен миробман», дедим.— «Кечирасиз, ўртоқ мироб, сиз ариқларнинг бўйида махсус кийимда юрмадингиз», дейди.— «Ҳа, мен фақат ариқ бўйида эмас, сувда ҳам махсус кийимда юрганим йўқ», дейман. У: «Иложимиз қанча, уруш пайти эди. Мана энди, сиз учун махсус этиклар ёздирдик. Сув ўтмайди. Чет элники», дейди.— «Илтифотингиз учун раҳмат», дейман.— «Арзимамайди, яхши ходимларнинг қадрига етамиз».

— Шундай дедими-а?— шунчаки сўради муаллим.

— Ҳа, энди шундай демоқчи бўлди-да. Яхши хожимларни ҳамма ерда ҳам ҳурмат қилишади. «Эшитдим,— деб гапида давом этади раисимиз,— отларни даволаш қўлингиздан келаркан».— «Ҳа,— дейман мен,— қўлимдан келади». «Гап бундоқ,— дейди у,— оқсоқ қулун Туйғунни олинг-да, даволаб миниб келинг». Резина этикларни олдим, қўнжи узун, чотингача келади, қайтиб бордим-да: «Сизга, Совет ҳокиматига каттакон раҳмат», дедим. У бўлса: «Арзимайди, яхши ходимларни биз...»

— Э, бу гапларни қўй, ўғри хотиндан гапирсангчи!— деб унинг сўзини бўлди муаллим қуёшга қараб қўяркан.

— Шонша, униям гапираман. Хўш, қулунни бугун сувлоққа олиб бордим, кеча бедани кўп еб, бўкиб қолибди. Ҳаром ўлиб қолдими, деб қўрқувдим. Йўқ, хайрият, тузалиб кетди. Жиндак туз берай, деб уйга олиб келдим.

Муаллим унинг гапига қулоқ солмай қўйганди, яна ишга тушиб кетган ўқувчиларини кузатарди. У миробнинг олдидан кетиб, ўз иши билан банд бўлолмасди: Таштан ундан анча катта эди. Муаллимнинг ўзи бир вақтлар саводсизликни тугатиш курсларини, яна алланимани битирганди, кейин урушнинг бошидан-охиригача бўлди, энди ҳарбийдан, физкультурадан, чизмакашчиликдан, немис тилидан, рус тилидан, ҳатто географиядан дарс берарди.

Мироб ҳикоясини давом эттирар, асосий гапга ҳали-вери кўчадиган эмасди.

— Бундай қарасам, бостирмада кимдир гимирсилаб юрибди. Қўшни хотин тутатқига чиққандир, деб ўйладим. Туйғунни боғлай бошладим. Орқамга ўгирилиб қарасам, бостирмадан бир хотин чопиб чиқиб, унинг орқасига ўтиб кетгандай бўлди. Ҳа, тортинчоқ, уятчан келинлардан битта-яримтасидир-да, деб ўйладим. Бостирманинг орқа томонига ўтдим, ерда товуқнинг боши ётибди. Ит олиб келгандир-да, деб ўйладим. Бундай қарасам, ҳалиги курк товуқнинг боши. Мен товуқларимнинг бошига сиёҳ суртиб чиққанман. Қиёқ, бу нимаси, деб ўйладим. Бостирмадан чиқдим. Ҳалиги хотин полизимни кесиб ўтиб, дала томонга чопиб кетди-да, пичан гарами орқасига яширинди. Туй-

ғунга миндиму орқасидан қувиб кетдим. Ғарамыз ағдар-тўнтар қилиб ташладим. Худди ерга кириб кетгандай эди. Бошқа ғарам олдига чопдим. Уша ёқдан гумбаздай бир хотин чопиб чиқиб, орқа-олдига қармай қочиб қолса бўладими. Сочлари тўзгиган. Қизилатта билан боғлаб олибди. Кўйлагига узун. Товонлари ялтираб кўринади!

— Товонлари дейсанми? — деб сўради муаллим бир оз ҳушёр тортиб.

— Товонлари!

— Ҳа, тушунарли... — муаллим елкасини қаншиб қўйди.

— Ё тава! Яна ишонмаяпсанми? Ахир, товонлари ҳамманнинг товонидай эди!

— Ҳўш, нима бўпти?

— Нима бўпти эмиш? Орқасидан шунинг учун қувдим-да. Қулун оқсоқни кўп чоптириб бўлмайди, ўлиб қолгудай бўлса, жавоб берасан. Унинг шу томонга чопиб кетганини ўз кўзим билан кўрдим!

— Балки бу ёққа эмасдир?

— Ёлгон гапирсам қора ер ютсин!

— Эҳтимол, шундай кўрингандир.

— Э, худо-ей! — Мироб чўнтагидан кўк сиёҳ суртилган товуқ бошини олди-да, муаллимнинг оёғи тагига ташлади.

Болалар уларни ўраб олишиб, товуқ бошини кўздап кечира бошлади. Ниҳоят ишонишганидан хурсанд бўлган Таштан, эски аёл кўйлагидан йиртиб олинган исқирг белбоғини чўнтагидан олди-да, муаллимга узатди.

— Мана! — деди у.

Болалардан бир нечтаси сув бўйидаги қиёқ орасида изгиб юришарди. Муаллим ҳам ариқ бўйида у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

— Бу ёққа қараб чопиб кетди. Думбасининг ялт этганини кўриб қолдим. Мана бундай келади! — У қўлларини ёзиб кўрсатди.

— Оқсоқол! Уқувчи болалар олдида-я! — деб муаллим унга танбеҳ берган бўлди.

— Мана бундай! — Таштан аёлнинг орқасини кичикроқ қилиб кўрсатди.

Болалар дала билан бир бўлиб ёйилиб кетишди, ҳар бир бутанинг тагини қарашди.

— Балки... у... ҳалигидай... йўқ бўлиб кетишни билар-а?— деб сўради мироб.

— Бўлмаган гап!— деб муаллим унинг гапини шартта бўлди.

Болалар худди арилардай далада у ёқдан-бу ёққа чопиб юришарди, муаллимнинг олдига келишиб, ҳеч қанақа ўғри хотинни кўрганимиз йўқ, дейишарди.

— Наҳотки шундай туюлган бўлса?— деб сўради Таштан қўрқув аралаш.

— Ие, бўлмаса-чи, шундай туюлгандир-да!— деди муаллим севиниб.— Нима бўпти? Топган гапингни қара-ю: кўрдим, чопиб кетди, сочлари узун, товонлари ялтиради эмиш! Қулун жониворни роса қийнабсан-да — кўпириб кетибди!

— Нега шундай бўлдийкин-а?— деб сўради мироб ҳайрон бўлиб.

— Ким билади дейсан! Балки ёмон ухлагандирсан! Битта-яримгани ўйлагандирсан.

— Ҳа, ҳа,— деди у бош ирғаб.— Кечаси билан мижжа қоққаним йўқ, тиззаларим совуқ еб чиқди, хотиним борлигида бунақа бўлмасди...

— Ана кўрдингми! Хотинингни ҳайдаб юбориб, мана энди қийналиб юрибсан!

— Ҳайдаганим йўқ! Йигирма йил турдик, фарзанд кўрмадим, тирноққа зормиз. Ахир, боласиз уй уйми? Сиқилиб кетдик. Ичадиган бўлдим. Ажралишга қарор қилдик. Балки бошқага тегса, худо ёрлақаб фарзанд кўрар. Менинг ҳам пешонамга ёзгани бордир. Ҳеч ўйламаган иш бўлди-да. Наҳотки, бу бўйдоқликнинг оқибати бўлса?

— Мана, масалан, оч ётсанг, тушингга шилпилдоқ киради-а? Тўғрими?

— Тўғри,— деб қўшилди мироб.

— Агар чанқасанг — тушингда қимиз кўрасан!

— Топдинг!

— Баъзида кечаси оёқларинг очилиб қолади, туш кўрсанг, тушингда яланг оёқ юрган бўласан!

— Наҳотки шуларнинг ҳаммаси китобларда ёзилган бўлса?

— Бўлмасам-чи! Китоб ҳам «Уйқу ва туш кўриш» деб аталади.

— Илтимос, бошқаларга гапириб ўтирма, хўпми? Калака қилишиб, кўз очиришмайди.



— Майли,— деб рози бўлди муаллим.— Эвазига нима берасан?

— Ма, чопонимни олгин, эски бўлсаям ямоғи асл шойидан.

— Уч чақиримдан тер ҳиди келади-я! Ундан кўра сув бер.

— Навбатинг келса оласан,— деди Таштан қатъий.

— Ҳа, майли, сенга гап уқтириб бўлармиди... Болалар,— деб мурожаат қилди у ўқувчиларга, улар анчадан бери ўзларини ишлаётган қилиб кўрсатиб, аслида катталарнинг гапига қулоқ солиб туришарди.— Болалар, ўн беш минут танаффус. Ариқдан сув ичманглар! Юрак буруғи бўласизлар! Тушунарлими?

— Тушунарли!— деб болалар бараварига жавоб беришди ва ўша заҳоти майса устига думалашди-да, тўрваларидан овқатларини ола бошлашди.

Мироб телпагини бостириб кийди-да, Туйғунни ариқ бўйидан етаклаб кетди. Қулун тўсатдан бир томонга ўзини отди, Таштан амаки эса бақириб юборди-да, қўлларини силжитди.

Ҳамма унинг олдига чопиб келди.

— Ана у! Айтувдиму! Ана у!

Аёл ариқда кўндаланг ётарди. Унинг боши билан оёқлари сувдан чиқиб турарди. Танаси сув ичида эди.

У ўликдай қимир этмасди, афтидан, қўрқувдан тарашдайд қотиб қолган бўлса керак.

— Тур ўрнингдан, жодугар!— Таштан қамчисининг дастаси билан туртди.

Жодугар қимир этмади.

Мироб ичида калима келтирди-да, сувга тушди. Жодугар ўрnidан турди-да, кўйлагининг узун этагини йиғиштирганича пастга қараб чопиб кетди. Болалар қий-чув кўтаришиб, орқасидан югуришди. Таштан амаки сўкиниб, қоқилиб-суриниб орқасидан чопиб борар, сув юзида жигарранг пуфакчалар қоларди. Муаллим ярадор оёғига оқсоқланиб, ҳаммадан кейин каловланиб борар, йўл-йўлакай буйруқ берарди.

— Кўприкни тўсинглар! Ариқдан чиқарманглар!— Унинг жангу жадалларда чиниққан одамлиги шундай кўриниб турарди.

Жодугар бирдан ўгирилди-да, катта оқ тишларини иржайтирганича тўппа-тўғри Таштан амакига қараб

кела бошлади. Таштан амаки беихтиёр орқасига тисарилди.

— Мироб! Қўрқманг, мен борман!— деб қичқирди муаллим.

Таштан амаки командирнинг овозини эшитиб, ўзини бир оз тетик сизди ва қўлларини ёзганича, аста-секин жодугарга яқинлаша борди. Болалар қўлларига таёқ, кесак, чивиқ олишиб, жодугарни қўриқлаб келишарди. Уларнинг кўзлари худди мушукларникидай ялтирарди. Орадаги масофа тобора қисқариб борарди. Жодугар ярим яланғоч қорача елкаларини силкитиб, кўзларига қон тўлган бўридай ғазаб билан қарарди. Қулоқларидаги ярим ой шаклидаги катта зираклари ялтирарди. Олтин зираклар.

— Қўлингни кўтар!— деди муаллим. Жодугар бoш чайқади. Зираклари қуёш нурида ярақлаб кетди.

— Қуролингни топшир!— буюрди муаллим.

Зираклари ялтиради.

Мироб эпчиллик қилиб, жодугарга шердек ташландию, лекин шу заҳоти дод-вой қилиб, сувга гул этиб йиқилиб тушди. Таштан амаки сувда типирчилаётганида, жодугар тиришиб-тирмашиб ариқ бўйига чиқиб олди. Болалардан иккитаси унинг оёғига ташланишиб, тиззаларидан маҳкам қучоқлаб олишди. Жодугар йиқилди. Таштан амаки қамчисини ўйнатди.

— Ҳой! Ҳой!— деб бақирди муаллим.

Лекин Таштан амаки жодугарни қамчиси билан бир тушириб қолишга улгурди. У яна урмоқчи бўлганида муаллим чопиб келди-да, қўлидан қамчисини тортиб олди.

— Аёл кишини уриб бўларканми!— деди у.

— Бунинг нимаси аёл! Угри-ку!— деб ўзиникини маъқулларди Таштан амаки.

— Ҳозир аниқлаймиз,— деди муаллим совуққина гош устига ўтираркан.

Мироб жодугар тишлаган қўлининг қонини яларкан, ўнча алланималар деб тўнғилларди — сўкиварди.

— Сиз ким бўласиз?— деб сўради «терговчи».

Аёл жавоб бермади.

— Хинди хок! Гитлер капут! Халът!— деб қичқирди болалар ҳар томондан.

Муаллим қўлини кўтарди. Ҳамма жимиб қолди.

— У ўғри! Товуғимни ўғирлади. Курк товуғимни! Нон ўғирлади! Қўлимни тишлаб олди! Уни шаҳарга олиб бориш керак! Қамаш керак!— дерди Таштан тақиб.

— Сиз совет гражданига моддий зарар келтирдигиз, бунинг устига баданига шикаст етказдингиз. Биз сизни жиноий жавобгарликка тортишга мажбурмиз!— деди муаллим.

Афтидан, ўғри аёл ҳеч нимани тушунмаётгандай эди.

— Ханди кок!— деб қичқириб юборди болалардан биттаси ўзини туютолмай.

Унга пўлиса қилишганди, бола жим бўлиб қолди.

— Командамга қулоқ солинглар,— муаллим ўрнидан турди.— Фавқулодда ҳодиса муносабати билан картошка чопиқ тўхтатилади!

— Ур-ра!— деб бақирди болалар.

— Жим бўлинглар! Ашим, Тўлемуш! Икковинг шу ерда қолиб, бўлган воқеани бригадирга гапириб бера-сизлар. Қолганлар уни правленнега олиб боришади. Тушунарлими?

— Тушунарли!

Таштан аёлнинг қўлини боғлади-да, Туйғунга минди, болаларга яқин келмаларинг, у тишлаб олиши мумкин, деб огоҳлантирди-да, олдинда кетди. Болалар билан қизлар худди Гулливерни асир олган лилипутлар тўдасидай тўп-тўп бўлишиб, кўча чангитиб, унинг орқасидан боришарди. Муаллим шамол эсаётган томондан оқсоқланиб борарди.

Таштан амакининг уйига ўғри тушганини, бисотдаги бор қимматли буюмларини ўғирлаб кетганини, эгасининг ўзини автоматдан отиб ярадор қилганини озулдагилар аллақачон эшитишганди. Ҳамма, бу олдинги хотинининг иши бўлса керак, деб тахмин қиларди. Ўғри аёлни худди филдай овул кўчаларидан олиб ўтганларида чоллар, кампирлар, болалар уйларидан чиқишиб тўдага қўшилишарди, бутун бир оломон колхоз правленнеси томон йўл олди, овул итлари чор атрофдан тинмай ақиллашарди.

Раис идорада йўқ экан, бригадирлар ҳам далада эди. Лекин ҳадемай колхозчилар от-араваларда, тракторларда яшдан қайта бошлашди. Ўғри аёлни ўраб олишиб, унга ҳозир олиб чиқиб осишадиган жиноятчи-

га қарашгандай ўқрайиб қарашарди. Таштан бўлган воқеани батафсил, ипидан-игнасигача қайта-қайта гапириб берди. Ҳар гал гапни, раис яхши ишчи сифатида ҳурмат қилиб, Таштанга резина этик билан оқсоқ қулун берганидан, қулун кеча бедани кўп еб қўйиб, бўкиб қолганидан бошларди.

Болалар ҳам жосус аёлни қандай ушлаганларни, ҳамма нарсани тушунса ҳам, лекин бирон-бир тилда гапирмаганлиги тўғрисида ўз тенгқурларига гапириб беришарди. Бу орада кеч кириб, қош қорайиб қолди, кексалар ўзаро маслаҳатлашишиб, ўғри аёлни ҳозирча қизил бурчакка қамаб қўйишга, эртага эса милициянинг қўлига топширишга қарор қилишди.

Таштан манфаатдор шахс бўлгани, уйи икки қадам нарида эканлиги учун ўғрини қўриқлаб чиқишни унга топширишди. Ўғри аёлни шифти паст хонага олиб киришди. Тузукроқ қулф топишолмаганларидан кейин эшикнинг ҳалқаларидан арқон ўтказишиб, ҳеч ким ечолмайдиган қилиб маҳкам боғлаб ташлашди.

Таштан уйга қайтиб келди. Бостирмада энди очиб чиқадиган ўн икки жўжа ўрнида тухум пўчоғи ётарди — мушуклар аллақачон ҳаммасини тинчитган эди. Оғилга боғлаб қўйилган бузоқ ҳадеб онасига талпинарди, сўлагини оқизиб, аянчли маърарди. Уй эгаси оч Туйғунни тушовлаб далага қўйиб юборди-да, сигирни соғмоқчи бўлди. Лекин унга ўрганмаган сигир ҳадеб тепиниб, яқин йўлатмасди. У қўшни хотинни чақирмоқчи ҳам бўлди, лекин кеча эри, оқсоқ Қочқинбойнинг бўза ичиб, хотинига паншаха олиб югурганини, уйда ҳамма нарса сочилиб ётса-ю, сен бўлсанг, бировларнинг сигирини соғиб юрасан, деб бақирганини эслади-ю, бу фикридан қайтди. Кўнглида ёмон доғ қолди. Негалигини ўзи ҳам билмасди: балки Қочқинбой сал ёш бўлгани учундир, эҳтимол бева эркакка, айниқса ўзига тўқ эркакка ҳамма эрларнинг қандайдир ҳавас ва шубҳа билан қарашгани учундир. Хуллас, мироб, суғориш ишлари тугаб, йиғим-терим бошланиши билан соқолини қирдириб, Туйғунга кумуш юганчани солиб, устига оқ ёпиқни ёпиб, Иссиқкўлнинг жанубий соҳилидаги Тон қишлоғига бормоқчи бўлди. Уша қишлоқда аёл бобида кўп нарсани тушунадиган, вукко, эски қадрдон дўсти Бексултон турарди: у ал-

батта бунга боп, ҳали ҳам бола кўришга қодир бирон бевани топиб беради...

Таштан уйига кирди, хотинининг эски рўмолини топиб, бошига худди хотинига ўхшаб ўради, олдига пешбанд тутди, тоғорага кепак солди, кейин бошини энгаштирганича сигир олдига келди. Сигир катта кўк кўзларини жавдиратиб, тоғорага бўйинини чўзди. Сигир тоғорадаги кепакни пишиллаб ейишга киришди, Таштан эса соғишга тушди. Лекин кепак тугаши билан сигир яна типирчилаб қолди, ифлос думини қорнига ура бошлади. Бошқа соғмай, бузоқни ечиб юборишга тўғри келди. Бузоқ онасига ўқдай отилди-да, илиқ елинига ёпишди, сигир эса меҳрибон аёлдай боласини эркалаб, узун тили билан уни ялай бошлади.

Таштан, нега менга фарзанд бермадинг, ахир, мана шу ҳайвондан ҳам марҳаматингни аямадинг, деб яна худого нола қила кетди.

Уйи ҳеч қачон кўзига бунчалик бўм-бўш, бефайз кўринмаган эди. «Аёл. Баъзида қаҳрли, тажанг, бақироқ, доимо ҳам ақл билан иш қилавермайдиган қандай зот бу аёл дегани. Лекин нақадар файзсиз бу олам уларсиз! Нақадар совуқ, хароб бу уй уларсиз! Эркакининг қўлидаги идиш-товоқнинг тарақ-туруғи нақадар ёқимсиз, кўнгилсиз! Муаллим ўтакетган тентак, албатта. Хотинни уриш яхши эмас, деб менга панд-насихат қилди. Ўзи-чи ўзи, урушгача ичарди ҳам, қамчи олиб хотинини қувларди ҳам. Урушдан бутунлай бошқа одам бўлиб қайтди, ўзгарди-қолди. Ичмайди. Чекмайди. Хотинисиз ҳеч қаёққа бормайди, русчани ҳам сув қилиб ичиб юборган, радиодай шатирлатиб ташлайди. Ҳар куни эрталаб уйининг атрофида гир айлаиб югуради, кейин қўриқчидай бир жойда туриб олиб, қўлларини силкитади, қиш кунлари эса кўкрагини қор билан ишқалайди, қизариб-бўзариб кетади. Мулланинг айтганини қилу қилганини қилма, деб бекор айтишмас экан-да. Хотинни қўмсаганинг учун ҳам тушингда нуқул хотинларни кўрасан, дейди у. Ҳа-а! Бу билағонлар ёлғонни ҳам дўндиришади...» Таштан бояги кўнгилсиз воқеани унутаёзгандай эди. Ўғри хотин деразадан тушиб, қочиб кетган ёки битта-яримта арқонни ечиб, эшикни очиб юборган бўлса-чи? Ахир, қўриқлашни унга тайинлашган эди-ку.

Мироб эски қўшоғиз милтиғини олди-да, идора

томонга қараб юрди. Эшик ҳалқасидаги арқон жойида эди. У қоронғи дераза олдига келди-да, гугурт чақиб, чўпини синиқ ойна ёриғига тикди. Уғри хотин эски диванда ухлаб ётарди, қорача, бақувват оёқлари очилиб қолганди. Гугурт чўпи ёруғида унинг олтин зираги ярақлаб кўринди.

— Ҳой!— секин тақиллатди у.

Аёл жавоб бермади. «Балки ўлиб қолгандир?— тўсатдан Таштанинг миясига шу фикр келди. Уғирлаган нонини ейишга улгурмагандир. Болалар сувда ивиган булка ноннинг ҳаммасини олиб чиқишди-ю, ўша заҳоти еб қўйишди. Улик товукни, ҳойнаҳой, қочиб кетаётганида йўқотиб қўйган бўлса керак. Кўклам — оғир пайт, одамлар бисотидаги борини еб бўлишади-ю, янги ҳосил ҳали йиғиб олинмаган бўлади. Нима қилсин, очлигидан ўғирлаган-да».

Таштан уйига бориб, бир хурмача сут билан бир бурда нон олиб келди.

— Ҳой!— у энди қаттиқроқ тақиллатди. Бир оз турди-да, кейин яна гугурт чақди.

Хотин бошини кўтарди. Қоронғида унинг олтин зираклари, қора кўзлари ялтирарди.

Таштан овқатни деразага қўйди-да, ўзи нарироқ кетди.

Уғри аёл унга аллақандай тушунарсиз, оҳангдор тилда миннатдорчилик билдириб, қоронғида овқатни еди-да, сўнгра бўш хурмачани деразага қўйиб, индамай қолди.

Таштан милтигининг оғзини ерга қаратиб, елкасига осиб олди-да, эрталабгача идора атрофида айланиб юрди, бўлиб ўтган воқеани ипидан-игнасиғача эслади, ўзи, ҳаёти, аёллар ҳақида ўй сурди...

...Ойимқон, ҳар ҳолда, нима деганда ҳам уй бекаси сифатида ёмон эмасди. Тўғри, бир оз минғир-минғир эди. Хотинларнинг ҳаммаси ҳам шу-да. Кейинги йилларда жуда қийналиб кетди. Салга кўз ёши қиларди. «Мен бахтиқароман, хастаман, бола кўргим келади». Нима, Таштанинг фарзанд кўргиси йўқми. Шаҳарга тушишди. Доктор, эр-хотин иккови ҳам соппа-соғ, бемалол бола кўришлари мумкин, деди. Орадан яна уч йил ўтди. Уруш ҳам тамом бўлди. Лекин ҳаммон зурриёт, меросхўр йўқ. Охирги гап эсига тушди...

— Кел, бир очиқчасига гаплашиб олайлик,— деди хотини.

Таштан унинг ёнига ўтирди-да, этигини тика бошлади.

Ойимқон аслида, жиззаки, тажанг хотин, салга ловиллаб кетарди, лекин ҳозир негадир хотиржам, ҳар сўзини ўйлаб, салмоқлаб гапира бошлади, афтидан, бу суҳбатга анча тайёрланган кўринарди.

— Мени кўп ургансан. Бир куни ўласи қилиб калтакладинг, тўғри, калтак емаслигим ҳам мумкин эди, ўзимдан ҳам ўтди, мендаям айб бор. Бошимизга тушган бахтсизлик орамиздаги гина-кудуратдан кучлироқ, шунинг учун ҳам сени кечираман.

— Ҳой! Сенга бу ақлли гапларни ким ўргатди?— деб сўради Таштан ҳайрон бўлиб.

Лекин хотини гапида давом этди:

— Эрталаб ўйнаб юрган болаларга қараганингда кўзларингда ёш кўрдим. Эски замонлар бўлса — ўзим сенга тўқол олиб берардим, лекин ҳозир рухсат беришмайди.

Эри миқ этмас, мум суртилган илни чайнаб ўтирарди.

— Ота-онаминг олдига кетаман, ўз эркинг ўзингда. Фақат шошилма, оғир-енгилингга чидайдиганини топгин, у сенга фақат фарзанд туғиб бермасин, сени ҳурмат қилсин, қадрингга етсин. Менга эса духоба пальто, хром этик, ота-онамга чой билан бир оз ширинлик олиб бергин, оғзига кучи етмаганлар, Таштан хотинини ҳайдаб юборибди, деб гап қилишмасин.

Бир неча кундан кейин эр-хотин кекса қариндошуруғларини йигишди, қўй сўйиб, ош беришди-да, ажралишмоқчи эканликларини айтишди. Кексалар ҳар иккала томоннинг арз-қолини эшитишди-да, эр-хотин тўғри иш қилишибди, деган хулосага келишди, чунки боласизлик — бу катта бахтсизлик, деб ҳисоблашди. Таштан сигирларидан биттасини сотди-да, Ойимқонни бошдан-оёқ кийинтирди, хотинининг ота-оналари учун анча совға-салом олди, бешотидаги борини иккига бўлди-да, уни Ётти-муғузга кузатиб қўйди.

Хотинининг уйдан шунда кўнган гаш бўлиб қайтди. Ойимқон ҳақида бирор ноҳўя, хунук гап айтган одамни у қамчиши билан тика-пора қилиб таштарди. Лекин умдан ажралишса тўғри келди — фарзанд кў-

риш орзуси шу қадар кучли эди, бу орзу бутун водий гуллаб-яшнаб, ҳамма ёқда ҳаёт гашти ҳукм сурган пайтда янаям кучаярди. Ҳатто гўё ҳавонинг ўзида ишқи мажозий, яралиш, туғилиш завқи бонг ураётгандек эди: далаларда экинлар энди ниш ура бошлаган, дарахтларда куртаклар бўртиб чиқа бошлаган эди, қорамикдан нафис қанотли капалаклар учиб чиқишарди, қушлар севги қўшиғини куйларди, томларда каптарлар ғувғувлашарди, ўтзорларда хушқад биялар ўтлаб юришарди, сарпойчан бола-чақалар овул кўчаларига ёпирилиб чиқишарди, кексалар офтобда ўтиришиб, уларга меҳр билан қарашарди. У, Таштан ҳам, ўша ерда, дарё бўйида эртадан-кечгача уриниб юарди, водийга ҳаётбахш сув таратарди, барча жонли нарсанинг чанқоғини қондирарди. Уйида эса уни ҳеч ким кутмасди...

Мана энди, зим-зиё кечада идора остонасида якка-ёлғиз ўтираркан, ҳа, бу инсон, афтидан, ўз бахтининг қадрига етишни ҳеч қачон ўргана олмаса керак, деб ўйларди. Тўғри, боласизлик — бу катта бахтсизлик, албатта. Лекин оиласиз яшаш яхшими? Агар, ёнингда сен кулсанг кулиб, сен йиғласанг йиғлайдиган аёл бўлса, ёмонми, ахир, бунга нима етсин.

Таштан ўқланмаган милтиғига суянганича анча ўтирди. У эшикнинг ғичирлашидан уйғониб кетди. Кўзлари ёруғ нурдан қаманиб кетди. Қуёш кўтарилга бошлаган эди.

— Салом, ака! — колхоз раисаси Майрамхон Умарова ишга келганди.

— Ассалому алайкум, оқсоқол, э, кечирасан, қизим, — деб ўрнидан турди Таштан. — Кеча биз бу ерда биттасини ушладик... Яъни ўғри хотинни. (У «яъни» сўзини расмий одамлар билан гаплашганда ишлатарди.)

— Хабарим бор, — деб кулимсиради Майрамхон.

— Уни нима қил дейсиз?

— Билмадим, ака, — деб кулимсиради ёш жувон.

— Балки сўроқ қиларсиз? — Борди-ю, ҳалиги... чет эл ишпианкаси бўлса-чи.

— Уни сўроқ қилишга ҳаққимиз йўқ, ака.

— Қимнинг ҳаққи бор?

— Милициянинг...

— Уни қаёқдан топдик?



— Кимни?

— Уша миллийсани-да.

— Уни шаҳарга олиб бориб, бўлинмага топширинг.

— Борди-ю, уни қамаб қўйишса-чи?

— Уша ерда текшириб, аниқлашади. Бригадирдан арава олиб, обориб ташланг...

Бу орада «Қизил уй» олдида ҳангоматалаб кишилар анча тўпланиб қолишганди. Таштан ҳаммасини ҳайдаб юборди, ўғри хотинни олиб чиқиб, қўлларини боғлади, аравага ўтқазди-да, район марказига қараб йўл олди.

Овул болалари уларни тош йўлгача кузатиб қолишди. Болалар қийқиришар, ҳуштак чалишар, олма пўчоқларини отишар, аравага осилишар, ўғри хотинни масхара қилишар, сўкишарди. Соқчи, қулоқларингни кесиб оламан, деб пўписи қилар, қамчисини ўйнатарди, лекин болалар тинчий демасди — улар Таштан амакининг болаларни яхши кўришлигини, шунчаки ёлғондака дўқ ураётганини билишарди. Тош йўлга чиқишлари билан соқчи аравадан тушди, чўнтагидан бир ҳовуч ошиқ олди-да, болаларга улашиб чиқди ва уларни уйларига қайтишга кўндирди. Арава шағал тўкилган тош йўлдан тарақа-туруқ қилиб юриб кетди.

Қуёш тепага келганди.

Кейин нималар бўлганини ҳеч ким, Таштандан бўлак ҳеч ким билмади.

У уйига жуда кеч, алламаҳалда қайтди, деразасида туни билан лампа ёниб турди, мўрисидан кўкиш тутун буралиб чиқарди... Эртасига куни билан ҳовлида ивирсиб юрди, у ёқ-бу ёқни тартибга солди. Ўткинчилардан битта-яримтаси, ўғри хотинни нима қилдинг, деб сўраб қолгудай бўлса, уни нима қилганимни яқинда ҳамманг билиб оласан, деб жавоб қиларди. Кечқурун қўзисини сўйди-да, қариларни чақирди. Қозондаги гўшт иштаҳани қитиқловчи ҳид таратиб пишгунича меҳмонлар карта ўйнаб ўтиришди, уруш ҳақида, ҳосил тўғрисида, урушдан олдинги тўқчилик хусусида гаплашишди. Улар, гўё шунчаки бир тўйиб гўшт егани тўпланишганга ўхшарди. Гўшт еб бўлинганидан ва ўемир бола қўлида сочиқ билан ҳамманинг қўлига илиқ сув қуйиб чиққанидан кейин, мезбон ўрнидан турди-да, меҳмонларга мурожаат қилди:

— Маслаҳатли тўй тарқамас, дейишади. Худо

менга бир аёлни етказди. Унинг на бола-чақаси, на эри, на бошпанаси бор. Уруш туфайли тирикчилик дардида у қаерларда бўлмаган, бир бурда нон деб қаерларни кезмаган. Унинг қони ҳам, дини ҳам бошқа. Лекин ўзи кўнгилчан, соғлом аёл, ундан фарзанд кўрсам, ўзи уйимга бекалик қилса, менга шунинг ўзи кифоя. Ака-укалар, агар шу гапимга йўқ демасаларинг, уни менга удумимиз бўйича никоҳлаб беринглар. Биласизлар, замон оғир. Уруш тугади-ю, лекин бевалар қораларини ҳали ҳам етганлари йўқ, кўз ёшларимиз ҳали қуриганича йўқ, ҳали ҳеч ким қорни тўйиб овқат егани йўқ. Бугун биттаю битта қўзимни сўйдим. Вақти келиб, менинг ҳам фойдам тегар, қарздор бўлиб қолмасман, ҳали ҳар бир уйда тўй бўлади, бола туғилади.

Ҳамма жим эди. Таштан ҳўмни кутарди. Ниҳоят, кексаларнинг энг қариси — саксон яшар Тўқай бошини кўтарди.

— Укам, — деб гап бошлади чол, — биринчи бойлик — бу соғлик, иккинчи бойлик — бу уй бекаси. Эр-хотин умри мисоли бир эртақ, уни ҳеч ким охиригача айтиб беролмайди. Тангри сенга шу аёлни юборган экан, у сенга ёққан экан, кўнглинг буюрганини қил. У сўққабош, бошпанаси йўқ, деялсан, демак, бу ишнинг — хайрли иш. Ғариб бир аёлга шунчалик муруват қилибсанми, уни ихлос билан уйингга олиб келибсанми, сира кам бўлмайсан, худо сени ёрлақайди. Қони бошқа, дини бошқа бўлса — уни мулойим келин қилиш сенинг қўлингда. Тангри олдида ҳамма тенг. Агар насл-насаби яхши бўлса, бу ёғи осон кўчади. У келганларни қўли кўксидеа кутиб олиб, олдига дастурхон ёвса, хотиржам яшайсан, биз ҳам хурсанд бўламиз. Биз бўлсак, сизларга бахт тилаб, қўлимиздан келганча ёрдам бериб турамыз. Сен ҳалол миробсан. Ишингдан қариндош-уруғларинг ҳам, бошлиқлар ҳам хурсанд, ҳеч ким сендан ёрдамини аямайди. Икковинг қўша қаринглар, шу аёл сенга бахт ва омад келтирсин! Омин! — кекса Тўқай қўлларини юзига тортди, ўтирганларнинг ҳаммаси ҳам фотиҳа ўқишди.

Келиннинг бошига катта оқ рўмол ташлашди, оқ пиёлаларга тиниқ булоқ сувидан қуйишди, домла ҳисобида юрган, лекин қуръонни чала-чулпа биладиган,

биронта ҳам араб сўзини билмайдиган кексалардан биттаси никоҳ ўқиди, иккала томоннинг ҳам розилигини сўраб, пиёладаги сувни келин-куёвнинг бошлари атрофида айлантирди, хулмас, никоҳ ўқилди. Тўғри, «домла» келиннинг отини сира айтолмади, унинг оти Маргарита эди, домла бўлса, нуқул Марипат, дерди. Марипат катта қора кўзларини ўйнатиб хўмрайиб қарар, йирик оқ тишларини кўрсатиб илжаарди.

Тўйга узоқ тайёргарлик кўришмади. Қариндош-уруғлар кўплашиб уч қўй ва бир қоп тариқ олишди. Колхоз правлениеси бир қоп ун ажратди. Бўза солишди. Нон ёпишди ва икки қоп бўғирсоқ қилишди. Қимдир бир меш қимиз олиб келди, обрў-эътиборли меҳмонлар келиб қолишса, деб уни дарров каравот тагига яшириб қўйишди. Колхознинг ҳамма йилқисини фронтга жўнатганларидан буён қимизни дори ўрнида ичишарди.

Тўйда овқат мўл бўлди, демак, ўйин-кулги ҳам жойида эди. Эғнига янги оқ сатин кўйлак, оёғига маҳси-калиш кийиб олган келин чимилдиқ ичида ёшлар даврасида ўтирарди, у кўргани кирган одамга эгилиб салом берарди. Камширлар унинг бошини силаб, пешонасидан ўпишарди:

— Вой, айланай! Худди ўзимизникига ўхшайди-ю, кўзлари ҳам қоп-қора, сочлари ҳам қоп-қора, сочигиям бизнинг қизларга ўхшаб тараган! Илоҳим серфарзанд, сердавлат бўлгин!

Таштаннинг оғайнилари дастлабки кунлари унга роса тегажақлик қилишди, уйланиш ҳақида у билан қандай келишдинг, ораларингда ҳеч гап бўлгани йўқми, кечалари қайси тилда гаплашасизлар, Иссиқкўл атрофида пиёда кезиб фол очиш, товуқ, от ўғирлаш ниятинг йўқми, шулар ҳақида гапириб бергин, деб уни ҳол-жонига қўйишмасди. Миробнинг жаҳли чиқмас, уларнинг қалтис ҳазил-мутойибаларига у ҳам боплаб жавоб қиларди, гап билан жуда тузларди, шунинг учун ҳам ҳадемай асқияларнинг кети узилиб қолди. Нега энди келиб-келиб, шу хотинга уйланганини аслида ўзи ҳам билмасди. Балки шунчаки — мурувват юзасидандир, эҳтимол Маргарита у шу вақтгача кўриб-билиб келган хотинларга сира ўхшамеганлиги учундир, хулмас, сабабини билмасди. Маргарита янги ҳаётга тезда кўникиб кетди, нон ёпишини, сиргир соғини-

ни ўрганди, кампирлар ва болалар билан ҳар хил имошораларни ишга солиб, амал-тақал қилиб гаплашадиган бўлди.

Ёз тугади. Куз келиб, охири қиш кирди. Мироб шлюзларни қисиб қўйган музни парчалаб ташлаш учун дарё бўйига камдан-кам борарди. Йўл-йўлакай у совхозга кириб, хотинига ширинликлар олиб келарди. У кечалари ўчоқ олдида узоқ ўтиришни яхши кўрарди, Маргарита бўлса тушуниб бўлмайдиган, мунгли қўшиқларни хиргойи қиларди...

Таштан бир куни доялиги билан ном чиқарган қариндошининг олдига борди-да, хотинининг оғироёқлигини айтди.

— Кўнгли нимани тусайди?— деб сўради доя хотин.

— Доим жигар қовуриб бергин, дейди.

— Демак, ўгил туғаркан.

Шу-шу Таштан ўгил кўришига жуда ишониб қолди. У ўзида йўқ хурсанд эди. Назарида, унинг тортган азоб-уқубатини ниҳоят худо ҳам пайқагану, шу аёлни унга ато этгандек эди, энди бутун орзу-умиди шу хотинидан эди. Таштан ўша ёруғ кунни, бир нарча тирик жонни ўз кафтида кўтариб турадиган ўша тотли дақиқани сабрсизлик билан кутарди, кечалари ухлаб ётган Маргаританинг юзига узоқ тикилиб ўтирарди, уйғотиб юбормаслик учун қорнини секин, эҳтиётлик билан силарди, қорнига қулоғини тутиб кўрарди, чунки у доялар болаларнинг эгиз туғилишини мана шундай қилиб аниқлашаркан, деб эшитганди.

— Бу нима қилганинг?— деб сўрарди хотини уйқу аралаш.

— Балки у ёқда иккитаси...

— Ҳо, ёқмай қолсин!— дерди хотини ва бошқа томонига ўгирилиб оларди.

— Ухлайвер... ухлайвер... ўзим шундай...— деб узр сўрарди у ва олисдаги юлдузлар жимирлаб кўринган мовий деразага тикилиб қоларди, ўзича кулимсираб, бу ёруғ дунёда яшаш қандай яхши-я, деб ўйларди. «Бу дунёнинг иши қизиқ экан,— деб ўйларди у.— Отам яшади, менинг туғилишимни кутди, кейин ўсиб-улғайиб, одам бўлишимни кутди; мана энди мен ўғлимнинг туғилиши-ю, ўсиб катта бўлишини кутаман, кейин ўғлим ўз ўғлининг туғилишини кутади, бу мангу

давом этади. Насл-насабим мангу яшайди! Қоним ҳам асрлардан-асрларга ўтади! Бинобарин мен ҳам мангу яшайман...» Ҳар хил севинчу ташвишлар, муҳтожликлар билан ўтган бурунги умри гўё улкан бир байрамга ҳозирлик кўргандай бир гап эди. Таштан уйидан чиқиб кетаётиб, ҳар гал хотинига, оғир нарса кўтарма, ўзингни уринтирма, деб қаттиқ тайинларди. Лекин хотини унинг чўчиганидан кулиб қўяр ва ўзи билганини қиларди: уйни йиғиштирар, сув олиб келар, ун тортар, хамир ошириб, нон ёпар эди. Таштан манқалда ёпилган иссиқ нонни яхши кўрарди. Кейин қўлбола тамакини йўғон қилиб ўраб чекарди. Баъзида Таштан, агар Ойимқон ҳомиладор бўлса ўзини қандай тутарди-я, деб тасаввур этмоқчи бўларди. У Таштаннынг ҳар бир гапига қулоқ солган, ҳамма илтимосларини сўзсиз бажарган бўларди, албатта. Лекин Маргарита бутунлай бошқа аёл эди. Унинг насл-насаби бошқа бўлиб, ўзини бошқача тутарди. Таштан эса унга бир нима, деб эътироз билдиролмасди — у бу аёлдан фақат битта нарсани — соғлом бола туғиб беришини кутарди.

Кутилмаганда фалокат юз берди. Мироб одатича тоғ саҳарлаб турди-да, қарн ахта отини эгарлади (Туйғун соғайиб кетиб, тоғ этагидаги яйловларда гижинглаб юрарди), қўнжи узун резина этигини кийди, кетмонини олди-да, шлюзларни очиб, ариқларга сув таратиш учун сой бўйига кетди. Бу йил баҳор қуруқ келди, экинлар сувсираб қолганди. У уйига тушликка қайтиб келмоқчи эди, иложи бўлмади, сув кам эди, сой бўйида эса браконьерлар изғиб юришарди, улар битта-иккита балиқ деб, сувни бўғиб қўйишлари мумкин эди. Картошканинг қониб сув ичишини куттиш керак эди, кечаси сувни бугдойзорга қўйиб юбормоқчи бўлди.

У бугдойзорга сув қўйди-да, довон ошиб уйига йўл олди. Тепага кўтарилганида, беихтиёр отининг жилловини тортиб тўхтатди-да, теварак-атрофга завқланиб қаради. Қирмизи қуёш тоғлар ортига ботиб борарди. Кўз олдида водий ястаниб ётарди. Сув ер бағирлаб хотиржам таралар ва худди қизил симобдай ялтирарди. От устидаги миробнинг сояси жуда баҳайбат, улдувор кўринарди.

У қишлоқ магазини олдига келганида қош қорайиб қолган эди. Таштан кўк кўзли тўғнағич (хотани ялти-

роқ буюмларни яхши кўрарди) олди-да, қоронғи туш-гунича уйга етиб олай деб отига устма-уст қамчи урди.

У ҳовлига кириб қараса, сигир қозондан сув ичяпти, қорни шишиб кетган, арқони бўйнида қолган бузоқ эса думини ликиллатиб турибди. Таштан хавотирланиб уйга чошиб кирди. Хотини йўқ эди. Қўшниларикига чиқиб суриштирди. Уни ҳеч ким кўрмаганди. Яна уйга қайтиб келди. Думалоқ стол устида хат ётарди. Аввал нега пайқамасди экан! Унда болаларча ёзилган икки оғиз қирғизча сўз кўринарди: «Яхшиликнинг учун раҳмат!» У Қочқинбойнинг олдига югурди. Унинг қизи уйида йўқ, қаерлардadir ўйнаб юрарди. Уни толгунларича қоронғи ҳам тушди. Қизча, Рита янгам мени тушда олдига чақириб, қанд берди-да, шу икки сўзни ёзиб беришимни илтимос қилди, деди. У бошқа ҳеч нима билмасди.

Хўш, қандай воқеа содир бўлганикин?

Эҳтимол, у ўз ғам-ташвишларидан қутулиб, бир оз ўзига келганидан кейин, бурунги эркинлигини қўмсаб қолгандир? Эртасини ўйламай, фақат бугунги куни билан яшашга кўникиб қолган, лаш-лушларини олиб, яланг оёқ юришга, кечқурун эса гулхан атрофида ашула айтиш, ўйинга тушишга ўрганиб қолган бу аёл эҳтимол ўзининг аввалги беғалва, беташвиш ҳаётига қайтишни истаб қолгандир? Бола эса унинг оёқ-қўлига тушов бўларди, бир жойда муқим яшашга мажбур старди. Шунинг учун ҳам у боладан қутулмоқчи бўлдимми? Ундай экан, эрга тегиб нима қиларди? Балки қамалишдан қўрқиб теккандир? Хуллас, на Таштанинги ўзи, на бошқа бирор одам бу аёлнинг Таштанинги уйига нима учун келганини ўз вақтида тушунтириб бера олмаганидай, нима учун кетганини ҳам тушунтириб беролмасди. У бу томонларга қандай келиб қолган? Нега энди у кўча-кўйларда масхарабозлик қилишдан, ифлос, мишиқи болалардан, қўпол, мишғов кампирлардан, бозорма-бозор юриб ўз қисматини си-наб кўрмоқчи бўлган содда, гўл одамларни ўз тузоғига илинтириш пайида бўладиган дугоналаридан вез кечинга жазм қилди?

Таштан шуларни ўйлаб, қаттиқ эзиларди. Бирсёлар унга ачинишар, бонқалар эса (асосан, хотин-халажлар) ажаб бўпти, деб ичида хурсанд бўлишарди, қишлоқда қанчадан-қанча тушпа-тушук бева аёл ва қизлар

турганида уйига бир саёқ аёлни бошлаб келиб нима қиларди, деб уни қоралашарди. У теварак-атрофдаги қишлоқларнинг ҳаммасини айланиб чиқди, ҳар яқшанба бозорга тушиб, унинг бахтини, зурриётини қорнида олиб кетган ўша ўғри аёлни қидирарди. Милиция бўлинямасида, уни топиб бўлмади, умид қилманг, дейишди. Биринчидан, ҳеч ким унинг исми фамилиясини билмасди, на бирон ҳужжати, на сурати бор эди, иккинчидан, инструкцияга биноан уни қидирмаслик керак: чунки у эри билан алоқани узиш учун атайлаб қочиб кетган ҳисобланади. Эҳтимол, у қаердадир яшаётган қариндош-уруғларининг олдига кетгандир, кўзи ёриши билан қайтиб келар? Мана, куз ҳам кирди, лекин у қайтиб келмади...

Мироб жуда одамови бўлиб қолди, соқол-мўйлови ни олмай қўйди, уйда овқат пиширмайдиган ҳам бўлди. Атрофида қариндош-уруғлари, яқинлари, туғишган опа-сингил ака-укалари бўла туриб ўзини якка-ёлғиз ҳис этарди. Эрталабдан анҳор бўйига кетар, сув тақсимларди, уйга алламаҳалда келарди. Кетаётиб эшигига қулф солмасди, йўқлигимда келиб қолса уйга киролмай ўтирмасин, деб чўчирди. Уйга келиб, стол устидаги Қочқинбойнинг болалари қўйиб кетган товоқдаги овқатга кўзи тушарди. Кечалари совуқ ўринда ётиб Ойимқонни ўйлаб кетарди. Нега энди ажралишга рози бўлди, унга жавоб берди-я? Балки шу иши учун худонинг қаҳрига учрагандир?

Айтишларича, у ҳали ҳам ота-онасиникида эмиш, унга совчилар келаётганмишу, лекин Ойимқон кўнмаётганмиш...

Бир куни ишдан келса, уйда қариндошларининг хотинлари ўтиришибди. Улар уйни йиғиштиришибди, эски-туски нарсаларнинг ҳаммасини олиб чиқиб ташлашибди, кўрпа-ёстиқларни, кигизларни офтобга ёйишибди, идиш-товоқларни тозалаб, уст-бошларини юғиб, ямаб-ясаб, кечқурун келишига овқат ҳам пишириб қўйишибди.

— Қани, мироб, энди, бизлар билан бирпас ўтиргин!— деб буюрди чўтир Ирис янга. У Таштани мироб деб чақирди, чунки янгалар эрининг яқинларини отини атаб чақиролмас эди.— Яхши кунларда қариндош-уруғингни ёрдамга чақирувдинг, бошингга кулфат тушганда бизни унутиб қўйдинг,— дея гап бошлади

у.— Чақиришингни кутдик. Сендан дарак бўлмагач, яхши ниятда мана ўзимиз келдик. Битга хотинни деб шунчалик куйиб-пишгани уялмайсанми? Ота-боболарнинг марди майдон одамлар эди, баъзида бутун уруғаймоғидан жудо бўлишса ҳам бўшашмаган, ўзларини тетик тутишган. Сен эркаксан, уйланаман десанг хотин деганинг тўлиб ётибди. Наҳотки ўша саёқ хотинни кўнглингдан чиқариб ташлаёлмасанг, уни деб қариндош-уруғингдан, халқингдан юз ўгирсанг?

— Э, мен уни ўйлаётганим йўқ... бола,— деб гап бошлаган эди Таштан.

— Э! Биламиз! Биламиз!— деб унинг гапини бўлди Ирис янга.— Чинорнинг шох-бутоқлари синиши мумкин, лекин унинг илдизи соғ бўлса баҳорда янги бутоқлар қанот ёзади. Бунчалик ноумид бўлма, ҳали ҳеч нима кўрмагандай бўлиб кетасан. Мана биз бормиз, айт, тенгингни топиб берамиз.

Таштан анчагача индамай ўтирди, кейин бошини кўтарди.

— Акам урушда ўлиб кетди. Ундан бола қолмади. Мен ҳам бу дунёдан бола кўрмай ўтиб кетаман шекилли. Отамиз уруғи ўзидан кўпаймади. Лекин шунисиға хурсандманки, қариндош-уруғларим, яқинларим бор, улар йиқилсам, суянчиғим бўлади, оқсасам, қўлтиғимга киради, куним битиб ўлсам, она ер қўйнига қўйишади. Раҳмат сизларга. Халққа раҳмат. Ула-ўлгунимча сизларга, она еримга сув бераман, ҳар йили бола туғасизлар, ер янги-янги ҳосил беради. Мана шуларни кўриб, кўнглим таскин топади. Агар менга яхшилик тиласанглар, Ойимқонни қайта олиб келинглар. У билан йигирма йил умр кўрдим, тақдир экан, бу ёрига ҳам бирга бўламиз-да.

Аёллар йўқ дейишмади — мироб кўнглидагини очиқ айтди.

Орадан кўп ўтмай Таштан ва унинг яқин қариндошлари Ойимқоннинг ота-онасиникига боришди. Таштан, ўла-ўлгунимча, охиратгача, агар қиёмат-қойим бўлсаям, у билан бирга бўламан, деб онт ичди.

Хотини уйга қайтиб келганидан кейин улар яна яхши туриб кетишди. Таштаннинг ўғил кўриш хусусидаги ўринсиз гапларини эсламасликка ҳаракат қилишарди, ўзларини гўё ҳеч гап бўлмагандай, буларнинг ҳаммасини шунчаки бир тушда кўргандек туттишарди.



Мироб ҳар куни эрталаб сув тақсимлагани анҳор бўйига борар, кеч қайтиб келарди, ҳориб-чарчаса ҳам хурсанд эди, сув масаласида бригадир билан олишганини, браконьерларни қамчиси билан савалаганини куйиб-пишиб гапириб берарди. Ҳаво айниган кунларда ўчоққа ўт ёқиб, скипидар билан бўғимларини ишқалаб, белини уқалаб қўйишни илтимос қиларди.

— Ҳа, қариб қолдинг! Бошқа ишга ўтсанг бўларди! Бод касали билан ҳазиллашиб бўладими. Эртадан-кечгача тиззанггача муздай сув кечиб юрсанг,— деб маслаҳат берарди хотини.

— Кетолмайман!— дерди мироб.— Мен бўлмасам, бошқаси сув кечиб юради. Бод — миробнинг азалий ҳамроҳи. Сув эса миришқор одамни яхши кўради!— дерди у ихраб-сихраб оёғини оловга тутаркан.

\* \* \*

Орадан йиллар ўтди. Мироб жуда қариб қолган, энди уйда ўтиради. Ҳалиям бўлса ишларди-ю, лекин бўғинлари қақшаб оғрийди, бир неча бор курортга бориб келди, лекин дарди енгиллашмади. Ҳар қолда саксон ёш ҳам оз эмас-да. Айниқса кузда, ёмғирли кунларда қийналарди. Бундай пайтларда кекса Таштан ўрнидан деярли турмасди, кекса Ойимқон бўлса, унинг ёнида ўтириб жун пайпоқ тўқирди.

— Ойим!— деб чақириб қолди бир куни Таштан.

— Нима дейсан, чол?

— Бугун нечанчи число?

— Биринчи январь.

— Танга солдингми?

— Ҳа, солдим.

— Бу ёққа олиб келгин,— деб илтимос қилди у. Кампир чарм халтачани олиб келди.

— Санагин-чи!

— Йигирма беш дона,— деди кампири бир сўмлик кумуш тангаларни санаб чиқиб.

— Демак, у бу йил йигирма бешга кираркан... У келганида шу пулни бериш эсингдан чиқмасин. Мен яхши туш кўрдим. У албатта қайтиб келади...

## ЧАПАЙ ҲАЛОК БУЛГАНИДА

Борис Андреевич Бабочкинга

— Жим граждан ўртоқлар! Чапай... ўй ўйлаяпти!— Уқ овози янгради, лекин говур-говур босилмади.

— Сизларга айтяпман.— Чапай ўй ўйлаяпти!— деб янаям қаттиқроқ қичқирди Петька, лекин бошқа ўқ овози эшитилмади. Петька шошиб қолди. У гугурт чўпларидан қириб олинган, олтингугурт ўралган бир парча қоғозни тош устига қўйди-да, яна бир урди. Чирс этган товуш эшитилди. Петька қоғознинг ёниб бўлганини, олтингугуртнинг ярми портламаганини кўрди.

— Чапай! Порох нам!— деди Петька қадини роотлаб.

— Нега энди нам?!— деб сўради Чапай жаҳли чиқиб ва унинг кўзларига тикилди.

— Гугуртлар нам тортиб қолибди, қаттиқроқ портласин, деб уларни керосинга ботириб олдим.

— Қуруқ порох топинглар!— деб буюрди командир.

— Бу ёққа бер! Уни мен синдириб олдим-ку!— деб бақирди лўппи юз Бекжон, кимнингдир қўлидан узун хивични тортиб оларкан.

— Уринишни бас қилинглар!— деб бақирди Чапай ва ўрнидан турди. У бошига онасининг модадан чиқиб қолган мўйна телпагини кийиб олганди. Елкасига ташлаб олган енгил пальтони томоғининг тагидан қадалган биттаю битта тугма тутиб турарди. Бу бурка эди. Чапай сиртига консерва банкаларининг тунукаси қопланган ёғоч қиличига таянганича қўшинига кўзларини қисиб қаради, унинг кучини ўзича чамалаб кўрди, бўлажак жанг режаларини тузди, пулемётни кимга ишониб топшириш тўғрисида ўйлади, чунки доимий пулемётчи Анка (Светка Сорокина) бугун эрталаб пионер лагерига кетганди.

Август қуёши тунука томларни шундай қиздириб юборгандики, ҳатто каптарлар ҳам юришга юраги бетламай, чердакда, сояда ҳуртайишиб ўтириварди. Лекин Юсуп на телпагини, на буркасини ечди, ахир, буларсиз Чапаев бўлиб қаёққа борди!

— Ўртоқ командир, улар отин синдириб қўйишди!— деди Петька.

— Ким сиздирди?

— Бекжанка.

— Сгиб ташланглар!

— Ҳо! Ахир, бу кинода йўқ эди-ю!— деб эътироз билдирди лўппи юз Бекжон.

— Жим бўл!— деб бақирди Чапай.

Петька билан икки жангчи Бекжонни дарахт олди-га олиб боришди, уч қадам орқага тисарилишди-да, уни нишонга олишди.

— Огонь!— деб команда берди Петька.

— Кх!— солдатлар ўқ узишди.

Жиноятчи енгил чайқалди, кўзларини юмди, калта, йўгон тилининг учини тишлади-да, ерга секин йиқилди.

— Олиб кетинглар!— буюрди командир.

— Олиб кетинглар!— деб такрорлади Петька, болалар сгиб ўлдирилган Бекжонни скамейка олди-га олиб боришди, лекин у совир-совимас, болаларнинг қўлидан юлқиниб чиқиб кетди.

— Мең энди ким бўламан?— деди у чўзиб.

— Жосус!— деди шартта Чапай.

— Фи-и! Ундай бўлса ўйнамайман!— деди Бекжон лаб-лунжи осилиб ва бир чеккага чиқиб турди.

— Ҳой, нега хафа бўласан-а?— деб сўради Петька.

— Сгишганлари учун хафа бўлаётганим йўқ... Бошқалар нима қилишсаям, уларга индамайсизлар, мени сал нарсагаёқ дарров.— Бекжоннинг кўзларида ёш кўринди.— Жосус бўлишни истамайман.

— Яна бир марта отинглар!— деб буюрди Чапай, лекин лўппи юз бола яримта отини судраганича уйига қараб кетди.

— Майли, кетса кетаверсин! Петька, озиқ-овқатни тақсимла!— деб буюрди Чапай.

Петька нонни олти бўлакка бўлиб, энг катта бурдасини командирга узатди.

— Чапай нон емайди. У конфет ейди!— деди командир гурур билан, қўйнидаги мотоцикл шаклидаги қизил обакиданонни олди-да, мотоциклчига қўшиб, унинг олдинги филдирагини қирс этказиб тишлади.

Болалар нонларини чайнашиб, Юсупга қараб туришарди, у бўлса телпагини орқага суриб қўйиб, шишадай қаттиқ обакиданонни қирсиллатиб тишларкан, уларга гурур билан боқарди.

Душман эса сергак эди...

Қўшни ҳовлида ўзларининг Чапайи бор эди, мана икки йилдирки, икки ҳовли болалари ўртасида шафқатсиз жанг борарди. Улар ўзларини қизиллар, буларни эса оқлар деб ҳисоблашарди, булар эса бунинг аксини исботламоқчи бўлишарди.

Икки ҳовлини бир-биридан ажратиб турган девор олиб ташланганидан буён жанг-жадаллар, тўқнашувлар бот-бот бўлиб турадиган бўлди. Қурувчилар эски деворни қулатишди-да, гиштдан девор ура бошлашди, ердан ярим метрча кўтаришди-ю, кейин негадир ташлаб қўйишди, икки ҳовлида турадиганлар бир-бирлариникига осонгина кириб чиқаверишарди, бу кичкина тўсиқ улар учун ҳеч гап бўлмай қолди.

Чала қолган девор болалар учун бир муқаддас чегара бўлди. Борди-ю, битта-яримтаси чегарадан ўтиб қолгудай бўлса, ҳолига вой эди. Уни ушлаб олишлари, оёқ-қўлларини боғлаб, саройга қамаб қўйишлари, болани олиб кетгани онаси ёки катталардан битта-яримтаси келмагунча қўйиб юбормасликлари мумкин эди.

Уларнинг ҳам, буларнинг ҳам қўшинлардан йиғиб олинган пуллари бор эди. Маблағ маълум миқдорга етганидан кейин болалар тўпланишиб, кинога, «Чапаев»га тушишарди. Балки улар, қизил отличлар жасур командирни қутқаришади, деб чиндан ҳам ишоншар, умид қилишар? Лекин бу сафар ҳам Чапай ҳалок бўларди. Улар кинодан чиқишганларидан кейин бошларини ҳам қилиб кетишарди. Гапиришмасди. Мана, ҳозиргина Чапай дарёга чўкиб ўлди, ҳозиргина жасур Петька шундай Урал дарёси соҳилида чалқанча йиқилиб тушди, муздай дарё суви уни гарқ қилди. Болалар қичқиршар, қийқиршар, ҳуштак чалишарди, уларни шоширишарди, лекин бизникилар кеч қолишди, улгуришолмади.

Фақат болалардан биттаси — саккиз яшар Маратгина Чапайнинг ҳалок бўлганига ишонмасди. Болалар уни ишонтиришмоқчи бўлишар, фильм мазмунини, унинг иштирокчиларини батафсил, бирма-бир гапириб беришарди. Лекин Марат ишонмасди. У, Чапаев қутулиб кетди, бизникиларни чақирди, улар оқларни тормор қилди, деб нуқул ўзиникини маъқулларди. Йўқ, Чапайнинг ҳалок бўлиши мумкинмас!

Марат доимо Чапай бўладиган Юсуфни яхши кў-

рар, унга астойдил қойил қолиб юрарди. Биринчидан, Юсуп ҳаммадан катта эди, тўртинчи синфда ўқирди, доимо беш оларди, ойиси тўрт олсаям уришарди. Уларнинг уйида пианино бор эди, Юсуп қойилмақом қилиб чаларди. Баъзида Юсуп анчагача кўчага чиқмасди, ўшанда болалар уларнинг уйи олдига келишиб чақиришарди:

— Юсуп, Чапай! Чиққин! Оқлар бостириб келишяпти!

Остонада Юсупнинг онаси — эгнига енглари кенг, узун, ялтироқ халат кийиб олган чиройли ёш аёл пайдо бўларди.

— Нега қичқирасизлар, болалар?

— Юсуп керак эди! Душман бостириб келяпти.

— Юсуп овқат еяпти. Кейин дадаси билан концертга боради.

— Бизга отини бериб турсин...

— От дам олиши керагу...— у қип-қизил қилиб бўялган лабларини очиб кулимсирарди-да, уйга кириб кетарди.

Болалар Юсупларнинг уйи олдидан истар-истамас кетишарди-да, кичкинтойлар гимирлашиб юрган қум устига келиб ўтиришарди, алланималар тўғрисида таллашиб-тортишишарди ёки теннис коптогида футбол ўйнагани волейбол майдончасига боришарди.

— Ҳа! Қўрқдиларинг-а!— деб қичқиршарди нариги ҳовлидан.— Қўрқдиларинг! Қўрқди-иларинг! Хэ-э-э!

Лекин болалар жавоб беришмасди.

Марат ўзича, мен ҳечам Юсупдай Чапай бўлолмасдим, болалар ҳам менга бўйсуншмасди, деб ўйларди. Лекин унинг ўз орзуси бор эди: ақалли бир ўйинга бўлса ҳам Петька бўлишни истарди. Лекин негадир уни ҳеч қачон тайинлашмасди. Алик Петров ёки эпчил Андаш доимо Петька бўларди, бу Чапайнинг хоҳиши эди: у ординарецни ўз билганича танларди. Лекин бир неча кун бурун биринчи номерли Петька, унинг дублери қизамиқ билан оғриб қолиб, ниҳоят Маратни Петька қилиб тайинлашди.

У бугун эрталабданоқ ўзини Петька деб ҳис этди — ҳар қандай жанговар топшириқни сўзсиз, аниқ қилиб бажарарди.

Чапай мотоцикл-обакиданоннинг орқа гилдирағи-

ни багажникка қўшиб оғзига солди. Худди шу пайт оёғи тагига «граната» — бир бўлак кесак қарс этиб тушди.

— Жангга! — деб қичқирди Чапай. — Петька, пулемётга бор!

Болалар снарядларга ташланишиб, жавоб ўқи очинди. Жанг бошланиб кетди. Душман пана жойдан туриб ўққа тутарди, афтидан, қўққисдан ҳужум қилмоқчи шекилли. Гранаталар деворга тап-тап этиб уриларди, пулемёт ўрнатилган фанер тўсиққа тўқиллаб тегарди.

Кесак бўлаклари Маратнинг бошига, ёқасига келиб тушар, юзига тегиб ачиштирарди, лекин у ҳеч нимани кўрмас, ҳис этмасди. Уйин унга чинакам жангдай бўлиб туюларди.

— Ҳа, қўрқдиларингми! — деб қичқирарди у, уст-ма-уст кесак отаркан, берилиб жанг қилганидан ўқ-дори тугаётганини ҳам сезмай қолди.

Душман тобора сиқиб келар, ҳар дақиқа ҳужумга ўтиши, истеҳкомни бузиб, фанер тўсиқларни олиб кетиб қолиши мумкин эди.

Лекин Чапай ўзини йўқотмади.

— Петька! Бу ёққа кел! — деб қичқирди у.

Марат ёмғирдек ёғиб турган ўқлар остида орқасига қараб эмаклаб боришга мажбур эди.

— Гранаталарни олиб, кўчага эмаклаб чиққин! — буюрди Чапай.

Петька телпагига ўнтача граната солиб олиб, уйлар ўртасидаги очиқ жойга қараб эмаклаб кетди. Ўқ-дори солинган телпак унга халақит берарди, уни тишида тишлаб боришга тўғри келди.

Юсуп уйига чопиб кетди, деразадан кўчага сакраб тушди-да, Маратнинг олдига эмаклаб келди.

Душман қўшин командирсиз қолганини кўрди-ю, дарров ҳужумга ўтди.

Қамалдагилар ҳовлининг ичкарасига қараб чекина бошладилар.

Чапай:

— Кетдик! — деб команда берди-да, «Ура!» — деб пистирмадан қичқириб чиқди-да, ўт очди.

Петька ўзини чинакам жангда юргандек ҳис этарди. У тишларини қисиб, хотиржам, мўлжалга аниқ олар, нишонга теккизарди. Мана, у кимнингдир орқа-

сига теккизди, юмшоқ лой сачраб кетди, боланинг икки елкаси орасида доғ қолди.

Душман саросимага тушиб қолди, лекин ён томондан фақат икки киши чиққанини кўришиб, уларга қарата ўт оча бошлади. Уқ-дори тугаб қолганди, теварак-атрофда тош кўп эди-ю, лекин уруш қондасига биноан уларни ишлатиб бўлмасди.

Бирдан Чапай оҳ, деб юборди, унинг сониди кулранг доғ пайдо бўлди.

Марат Юсупнинг юзини бужмайткириб, ердан тош олиб, деворга яқинлашаётганини кўрди.

— Чапай! Чапай! Тошни ташла! Тош отиш мумкинмас!— деб бақирди Петька. Лекин Чапай унинг гапини эшитмаётгандай эди.

— Юсуп! Керакмас! Керакмас!— деб бақирарди Марат ўт очиб, уни ҳимоя қилишга уринаркан.

Юсуп девор олдида келди-да, қўлидаги тошни улоқтирди. Дераза ойнасининг жаранглаб сингани эшитилди.

— Ҳа, разиллар! Тош ота бошладиларингми? Шунанқами?— деб бақириб-чақиринди душманлар ва ҳаммалари кўчага чопиб чиқинди. Улар камида ўн киши эди.

— Қочдик!— деб қичқирди Юсуп ва орқа-олдида қарамай тирақайлаб қочди.

Марат аввалига унинг орқасидан чопди, лекин кейин қутулиб кетолмаслигига кўзи етди: душман икки уйнинг орасидан ёриб чиқиб, унинг йўлини тўсиши мумкин эди.

Марат орқасидан оёқ яланг чопиб келаётган бир тўда болаларнинг дупур-дупурини эшитди. У шартта тўхтади-да, таъқиб қилиб келаётганларга ўгирилиб, улар томонга юра бошлади.

Улар саросимага тушиб, тўхтаб қолишди. Петька ҳам тўхтади-ю, лекин кейин орқасига аста-секин тисарила бошлади. Унга яна бу ўйин эмас, чинакам жангдек туюлди, у ростакамига қўрқиб кетди.

Таъқиб қилувчилар яқинлашиб келарди.

— Қўлингдаги тошингни ташла!— деди бегона Петька.

— Тош эмас!— деб жавоб берди Марат.

— Таслим бўл!— деб буюрди бегона Петька.

— Йўқ!— деб бақирди Марат, қўлидаги гранатаси-

ни отди-да, уйларнинг орасидаги очиқ жойга қараб чопди. Орқасидан кесаклар ёғилди.

Биттаси елкасига, бошқаси оёғига тегди, болалар уни қувиб кетишди.

— Уринглар!— деб бақирди бегона Чапай.

Марат бошини эганича, уйлар орасидаги очиқ жойдан секин борарди; у тезроқ юриши ҳам мумкин эди-ю, лекин қадамини жўртгага секинлатарди. Вақтдан ютиш, Чапайни қутқариш керак эди, Чапай бизларникига етиб олиб, уларни тўнлаб, душманнинг ён томонидан айланиб ўтиши керак. Кесаклар орқасига, елкасига тапиллаб уриларди. Петька тишини-тишига қўйиб чидарди. Бироқ Чапайдан ҳамон дарак йўқ, одатдаги «ура» садолари ҳам эшитилмасди, гранаталар ҳамон ёмғирдай ёғиларди.

— Уни нега уряпсизлар? А?— деб бақирди бир аёл.

Болалар ҳар томонга тарқаб кетишди. Уруш тугади.

Ҳаммаёғи лой бўлган Петька уйлар орасидан секин чиқиб келди, қўлларини аранг қимирлатиб, бошини қумдан тозалади. Унг тиззасининг сидирилган жойидан қон сизиб оқарди.

Ҳовли бўм-бўш эди. Чапай кўринмасди.

Бу пайт Юсуп ваннага кириб олиб, шимидаги доғни юварди.

— Чапа-ай!— деб чақирди Петька йиғи аралаш.

Қандайдир тушуниб бўлмайдиган, мураккаб туйғу унинг юрагини эзарди. Ҳўнграб-ҳўнграб йиғлагиси, қаттиқ депсингиси келарди. Ойиси синглисини ўзи билан бирга олиб кетмаса, сингlisi ана шундай йиғларди.

Елкалари, оёқлари зирқирарди, юрагининг аллақаери ҳам оғриб, аъзойи бадани қалтирарди. Лекин Чапайдан ҳамон дарак йўқ. Болалар ҳам кўринмасди. Афтидан, улар Юсупнинг деразани синдирганини кўришиб, ўзлари ҳам уй-уйларига кириб яшириниб олишгану Петьканинг ёлғиз уяланиб қолганини кўришмаган. Лекин Чапай ҳаммасини кўрди-ю... Кўрди! Марат ойим кўз ёшимни кўрмасин, деб ифлос кафти билан кўзларини ишқаларди.

Дадаси кечаси қаёққадир жўнаб кетганидан буён ойиси унинг каравоти олдига ўтириб олиб, тез-тез йиғлайдиган бўлиб қолганди. Марат ўзини ухлаганга со-



либ, индамасдан ётарди, онасининг нега йиғлаётганига сира тушунолмасди.

— Вой, худойим! Бу нимаси? Чўққалар билан чўмилдингми?— деди ойиси қўлларини ёзиб, Марат уйга кириб келганида,— бор, ҳозироқ ювиниб олгин!

Кечга бориб боланинг иситмаси кўтарилди. Врач чақиришга тўғри келди.

Кекса одам келиб, унинг у ёқ-бу ёғини кўра бошлаганида Марат уйғоқ эди, лекин кўзларини очолмасди, ўзини ҳечам ухлаб ётган қилиб кўрсатмоқчи эмасди.

— Балки қизамиқдир, Валерий Данилович?— деб сўради ойиси секин.

— Йўқ, хавотир олманг. Шунчаки иссиғи бор. Менимча, ярим кечага бориб тушади... Унга озгина аспирин билан анор сувидан беринг.

— Хўп... Ўғлингиз қалай, тузалиб кетдимми?

— Ҳозирча тузук... Ўпкасининг мазаси йўқ...— деди доктор ўйчан.— Ўғлингиз жудаям шўх, сизни қийнаб қўяётгандир?

— Ҳа... Гапга кирмай қўйди... эртадан-кечгача кўчадан келмайди. Яқинда уйдан қочиб кетиб, паркка бориб аллақандай концерт кўрибди. Милиционер уни девордан тушириб олиб, уйга олиб келса бўладими...

Кейин улар яна алланималар тўғрисида секин шивирлашиб гаплашишди, сўнгра доктор кетди.

Маратнинг яна йиғлагиси келди, лекин ҳадемай ухлаб қолди.

— Ойижон! Ой-ии!— деб чақириб қолди ярим кечада.

Онаси олдига чопиб борди. Бола алаҳсирарди.

— Ойи! Чапайни ўлдиришди! Менинг Чапайимни ўлдиришди!— деб қичқирди у, бошини онасининг қайноқ кўксига қўйди-да, ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Сенга нима бўлди, бўталоғим? Кимни ўлдиришди?

Лекин бола бошқа ҳеч нима демади, фақат пиқ-пиқ йиғлар, дағ-дағ титрарди.

— Ёнимдан кетманг,— деди у.

— Хўп, жоним, оппоғим, кетмайман. Ёнингдан ҳеч қачон кетмайман, оппоғим. Сен йиғлама. Мана, кўрдингми, сен касал ётганинда мен яна бир солдатингни топиб қўйдим. Энди улар олтита бўлишди, ҳадемай

бошқалари ҳам топилади, яна ўнта бўлишади, кўрдингми...

Дераза токчасида қалай солдатчалар тизилишиб, ўз бешликларининг йиғлаётганини кўриб туришарди.

Лекин Петька мағлубият аламини биринчи бор тортаётганини, ўз Чапайнинг ўлганига астойдил ишонганини на боши тепасида турган аёл, на солдатлар тушунганди.

Аёл унинг онаси эди.

Солдатлар эса қалайдан ясалган эди.

### ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО ЁХУД ҚИЗИЛ ҚУЛОҚЛАР

Овулимизда ҳеч қачон ёнги бўлмаганди. Яна ким билади, ҳар ҳолда кексалар шундай дейишади, ҳа, улар кўн нарсани билишади. Гап бу ерда ўт билан ўйнашмаганларида эмас, балки ёнадиган нарсанинг ўзи йўқлигида эди. Одамлар кўримсиз гувала уйларда туришарди. Ер эса, маълумки, одатдаги оловдан ёнмайди.

Гувала уйлар чўкиб, давр юки остида қулаб тутиди. Уларнинг ўрнида усти шифер билан ёшилган, атрофи девор билан ўралган, дарвозалари катта, айвонли муҳташам гиштин уйлар қад кўтара бошлади. Ўт тошқиндан ҳам даҳшатли офат бўлиб қолди. Овулдагилар ҳар эҳтимолга қарши тўпчилар ишлатадиган дурбин сотиб олишди, қишлоқнинг четига ёғоч вишка ўрнатилди. Қочқинбой амакни эса ўт ўчирувчи қилиб сайлашди.

Тоғ саҳарда теварак-атрофни молларнинг маъраши, итларнинг акиллаши тутиб кетганди. Уркинчи амаки «хих-хих»лаб бир қулоқли эшагида пода кетидан шопмай бораётган бир пайтда Қочқинбой амаки унга пешвоз чиқарди, қирчанги отида гердайиб ўтирганча, худди танкдай моллар тўдасини ёриб бораркан, подачи билан илиқ саломлашарди.

У иш жойига етиб борганидан кейин, аргумоғини ўз ҳолига қўйиб юборарди, бир меш қимиз, «Помир» сигареталари солинган хуржунни елмасига ташларди-да, вишка устига чиқиб, яхшилаб ўрнашиб оларди, кейин қимиздан ячиб, сигарета чекиб, кўм-кўк тоғларга, дорибоп кўкнори экилган далаларга қараб ўтирарди, ҳеч нимани ўйламасди, далаларда эса ранг-баранг

кўйлақдаги хотин-қизларнинг қомати, эркакларнинг қорамтир шарпаси кўзга ташланарди. Ут ўчирувчига ҳавасим келарди. У баландда ўтириб олиб, кичкинагина овулимизни ҳалқадай ўраб олган кўм-кўк тоғлар ортида нималар бўлаётганини кўриб-билиб турарди. Баъзида вишканинг олдига сездирмасдан келардик-да, икки-уч киши бўлишиб, вишканинг устуларидан биттасини чайқата бошлардик, у бўлса тепада ўтирганича бизни русчалаб билса-билмаса бўралаб сўварди. (Қочқинбой амаки расмий вазифани эгаллаб тургани учун расмий гаплашиш керак, деб ўйларди). Бисотидаги бор русча ҳақоратли сўзларни ишлатиб бўлганидан кейин қирғизчага ўтарди, ота-оналаримизга ҳам тил теккизарди. Ана шундан кейингина биз буталар орасига кириб, ғойиб бўлардик.

Қочқинбой амаки ишдан қош қорайганда қайтарди.

— Ҳеч иш қилмай офтобда ётасану меҳнат куни ёзилаверадими?— деб сўрарди отам. Дадамнинг бод касали бўлиб, доим дарвоза олдида ўтирарди.

— Ҳа, ёзилапти,— деб маъқулларди ўт ўчирувчи.

— Ҳа, ҳаромтомоқни ўзисан, қани энди менга шунақа иш бўлса,— дерди отам ҳаваси келиб.— Омадинг бор экан, бир умр яхши ишда ишлаб келасан.

— Ҳа, шошмай тур ҳали, уйингга ўт тушсин, ана шунда кўрасан,— дерди Қочқинбой амаки.

— Тушмайди.

— Ҳа, кўрамыз, бир кун эмас, бир кун ёнади,— деб ишонтирмоқчи бўларди ўт ўчирувчи.

Чинданам ўт тушди!..

Биз укам икковимиз попишак тутиб, қанотидан елпиғич қилмоқчи эдик. Полишак ола-була кокилчаларини ёзганича, ҳовлимизда гердайиб юрарди. У қўшни уйнинг бўғотига учиб кириб, чийиллаган овоз эшитилганидан кейин нарвонни кўтариб, олиб келдик. Қўлимни уяга тиқишим биланоқ, ўша томондан қўланса ҳид келди, бундай қарасам, уйнинг деразасидан буруқсаб қора тутун чиқяпти. Эшиклар қулф эди.

Мен ўт ўчириш вишқасига қараб чоңдим. Болаларнинг менга қанчалик ҳаваси келишларини билардим, чунки ёнгини мен биринчи кўргандим-да, Қочқинбой амаки эса, ҳойнаҳой ёнига чиқишимга, дурбандан қараншимга руҳсат берар, ана шунда кўм-кўк тоғлар ортида нималар бўлаётганини кўраман.

— Қочқинбой амаки! Ут кетди!— деб қичқирдим.  
Ут ўчирувчи мудраб ётарди.

— Яна қаерга ўт кетди?— У тирсагида кўтарилди.

— Уй ёняпти!

— Отанг қани?

— Ухлаяпти. Кеча қўшнимизникида тўй бўлувди.

— Ойинг-чи?

— Далада.

— Қўшнинг-чи?

— Ухлаяпти. Ахир, кеча ўшаларникида тўй бўлганди-да.

— Демак, ухлашяпти, дегин?— деб сўради у.

— Ухлашяпти,— деб тасдиқладим мен.

Қочқинбой амаки телпагини олди-да, тепакал бошини қашиб қўйди, лекин у ҳеч нимани кўрмади, пайқамади — болалигидан узоқни кўролмасди, лекин буни ўзи билмасди, чунки газеталарнинг йўғон ҳарфлар билан терилган сарлавҳаларидан бўлак нарсани ўқимасди, ўзини катта одам ҳисоблаб, майда-чуйда нарсаларга эътибор бермасди.

— Демак, ёняпти дегин?

— Ёняпти.

— Балки ҳадемай бошқа уйларга ҳам ўт тушар?

— Ут тушади.

— Ҳаммаси ёниб кетадими?

— Ёниб кетади...

У почаси кенг шимини кийди-да, вишкадан пастга тушди, олдимга келиб қўлини кўтарди. Ўзимча, у ҳозир катта илиқ кафти билан бошимни силаса керак, деб ўйладим-да, дурбинига қўлимни чўздим. У катта, илиқ қўли билан қулоғимдан ушлади-да, силтади.

— Бошқа уйларга ўт тушмапти-ю!— деб бақирди у менга.

Мен оғриқдан чийиллаб, ўтириб қолдим.

— Яна мана шунақа ваҳима қиласанми?

— Йўқ, қи-и-майман!— деб бақириб юбордим, чунки қулоғим узилиб кетай деганди. У бармоқларини бўшатди-да, нам қўлини иштониға артди.

— Сени қара-ю. Ҳаммаёққа ўт кетса-ю, ҳамма ухлаб ётса-ю, битта бу ҳушёр, сергак бўлса. Буни сенга мактабда ўргатишганми?!— У елкамга бир туширди-да, вишкага чиқиб кетди.

Мен пиқ-пиқ йиғлаганимча нари кетдим, жуда хўр-

лигим - келди, қулоқларим лавлагидай қизариб кетганди.

Ут ўчирувчи похол ичидан плугнинг синиқ бўлагини топди-да, тешигидан ип ўтказиб харига илиб қўйди, кейин уни даранглатиб чала бошлади, қолбуки одамлар ваҳимали тутунни аллақачон сезишиб, овулга қараб чошиб кетишганди. Ёнғинни ўчиришди. Қурбонлар бўлмади. Уй ёниб кул бўлди.

Кўм-кўк тоғлар ортида нималар бўлаётганини мен кўпдан бери биламан. Лекин қулоқларимни нега чўзишганини, ўлай агар, шу вақтгача билмайман...

### МЕНИНГ НОНИМ

...Отам ҳам фронтга жўнаб кетди. Ойим икковимиз уни Пишпак станциясигача кузатиб қўйдик. Солдат шинелидаги одамларга лиқ тўла юк поезди гилдиракларини тарақа-туруқ қилиб, туман қўйнида йўқолди. Уйимиз бўм-бўш ва жимжит бўлиб қолди.

Биринчи қор ёғди. Совуқлар бошланди. Мен қандга бир неча соат навбатда туриб, қулоғимни совуқ олдириб қўйдим. Телпак олиб бермоқчи бўлишди. Ойим нон паёгининг уч кунлигини олди-да, мени бозорга юборди.

Нонни алоҳида ажратилган жойда сотишарди: хотинлар нон бўлақларини ликопчаларга қўйишиб, стулчаларда ўтиришарди. Мен роса бир соат турдим, лекин нонимнинг бир бўлагини ҳам сотолмадим; кейин ҳаммасини бир алдамоқчи бўлиб, бозорни айланиб юра бошладим...

Мой бўёқда клеёнкага солинган суратлар тахта девор ёқалаб қўйиб чиқилганди: жимирлаган сув юзида, нилуфарлар орасида қордай оппоқ оққушлар сузиб юрарди; кўкракдор, ёноқларида кулгичи, балиқларникидай думи бор сув парилари соҳил бўйидаги харсанглар устида гитара чалиб ўтиришарди.

— Кимга нон керак? — деб сўрадим бир оз тортиниб.

Ҳеч ким жавоб бермади — одамлар «санъат асарларини» томоша қилиш билан банд эди.

— Ка-зеталар! Кимга казеталар! — Зинканинг чинқироқ овози эшитилди. У бозордагиларнинг ҳаммасига отнинг қашқасидай таниш эди. Ёши ўн бешда бўлиши-

га қарамай, кўринишидан барваста хотинга ўшарди... Айтишларича, у Қримнинг аллақаеридан келганди. Унинг ота-онаси ўлиб кетганди, қизчани солдатларимиз ўзлари билан бирга олиб юришиб, кейин биз томонларга жўнатишибди; врачлар асаб касали таъсирида қизчада моддалар алмашилиши бузилган, деб топиди.

— Ўзи юрар туфлилар! Сўнгги нусхаси!— деб бақирди кимдир шундай ёнимда. Оломонни ёриб ўтиб, бундай қарасам, савдогарнинг қўлида оддийгина хо-наки эркаклар туфлиси.

— Хўш, қанча берай?— деб сўради галифе кийган мўйловдор эркак.

— Минг.

— Нима, жинни бўлдингми, амаки?

— Жинни бўлганмишман,— деди туфли эгаси.— Ахир, кўрсанг-чи, ишигаям қарагин-да. Тагчарми спиртланган. Чармиям тоза!— У тагчармини чертиб қўйди.

Мўйловли киши туфлини қўлига олиб, гўё унинг оғирлигини чамалаб кўрмоқчи бўлгандек, уни осмонга отди, кейин чертиб, ҳидлаб кўрди, бармогини ҳўллаб, туфлининг учини ишқалади, тагчармини букиб кўрди, сўнг кўзларини муғамбирона қисиб:

— Қанча деяпсан?— деб сўради.

— Саккиз юзга бераман...— деди эгаси ишончсизлик билан.

— Тагчарми — картону! Лак суртгансан! Қани юр, милицияга!

— Ҳой, менга қара, ботинкани бер! Болаларим бор. Оч ўтиришибди. Хотиним терлама билан касалхонада ётибди.

— Яна терламанг нимаси?

— Ичак терлама-да. Яна қанақа бўларди? Эпидемия! Оғайни, эшитяпсанми? Бергин! Кечаси билан ухламай тикдим. Бергин?

— Қаллоблигинг учун кесиласан!

— Ахир уруш. Очарчилик. Очдан ўлмаслик учун...

Этиқдўз галифедаги харидор кегидан изма-из борарди, гўё у бунинг бўйнига бўйинбоғ солиб олгандай эди.

Қари татар чол нўхатда, лўли аёл карталарда фол очарди, кўр хотиннинг бармоқлари эса нуқталари бўр-

тиб чиққан кулранг китоб саҳифаларида ўрмаларди. Қора кўзойнакли соқолли эркак ичига конвертлар солинган узун яшикчани тиззасида олиб ўтирарди. Бу каромат қилувчи одамнинг кўрсаткич бармоғида кўр саъва қўниб ўтирарди. Шундай ёнида тахтача осилган бўлиб, унга сиёҳ қалам билан қуйидаги сўзлар ёзилганди:

«Гражданлар!

Ким ўз тақдири ёки қариндошларининг, ерининг, хотинининг, болаларининг тақдири билмоқчи бўлса рўйхатдан савол топиб номерни айтинг ва беозор қушча Сизга тўғриси айтиди.

Баҳоси 10 (ўн) сўм.

Пул олдиндан.

Мен кар-соқовман!»

Кейин саволлар рўйхати берилганди: «№ 1. Эрим тирик қайтадимми?

№ 2. Нега хат келмаяпти?

№ 3. Хотиним билан учрашаманми?

№ 4. Ўғлим тирикмикин?» ва ҳоказо.

— Ка-зеталар! Казеталар!— деб қичқирди Зинка шу атрофда.

— Зина! Зиночка! Бу ёққа келгин, жонгинам!— деб баланд овозда чақирди уни кўр фолбин аёл бошини кўтармасдан.

— Нима дейсиз?— Зинка чопиб келди.

— Бор, жонгинам, менга ўпка-жигарли сомса билан бир кружка шинни олиб келиб бергин!— У ўттиз сўм узатди.

Зинка пулни олди-да, оломон ичида ғойиб бўлди. Зинкага пулни ишонса бўлади, ҳали ёш бола, алдашга ақли етмайди, қочиб кетадиган жойи йўқ.

— Ҳой бола, нонинг неча пулдан?— деб сўради бир киши.

— Ун сўмдан.

— Кел, тўққиз сўмдан бер.

— Йўқ, мен телпак олишим керак.

— Раскинулось море широко,— деб кучли, бўғиқ овозда ашула айта бошлади матросларнинг йўл-йўл ич кўйлагини кийиб олган киши. Унинг кўкрагида «За отвагу» медали ярақлаб турарди. У панжалари катта баҳайбат қисқичбақани эслатарди: оёқлари ўрнида қўлда ясалиб, подшипникларга ўрнатилган аравача, у

катта бақувват қўллари билан сувоқчининг асбобига ўхшаш ёғоч тирговичга таянарди. Йўғон, бақувват бўйни зўриқишдан қизариб кетар, қон томирлари бўртиб чиқарди. Унга пул беришса, ашуласини келган жойида тўхтатиб, нари кетарди.

— Кампир ўғлини беҳудага кутяпти!

Раҳмат, оғайни!

У аёлга айтишса, ҳўнграб-ҳўнграб йиғлайди.

Раҳмат, отахон!

Тўлқин югуради кема кетидан...

Раҳмат, синглим!

Югуради, ғойиб бўлар олисда!

Йўқ, у садақа сўрамасди. У, бошига кулфат тушган пайтда ёрдам беришларини талаб этарди. Дадам ҳам мана шундай мажруҳ бўлиб қайтса-я, қандай жанг қилганликлари тўғрисида ашула айтса, мен орқасида юриб, одамларнинг пулини олсам-а, деган ўй келди бирдан хаёлимга.

— Уғлим, бу ёққа келгин!— деб бўғиқ овозда чақирди денгизчи.

Мен олдига бордим.

— Қорин оч, чидаб бўлмаяпти, пулим эса етмаяпти; балки саккиз сўмга берарсан?— деб сўради у.

Мен унга нон солинган косани узатдим.

— Раҳмат, ўғлим.

Унга ҳамма нонимни бепул бергим келди-ю, лекин оғимни, телпаксиз совуқ ейишимни вақтида эслаб қолдим...

— Уғлим, балки яна икки бўлагини саккиз сўмдан берарсан? Қорин қурғур тўймалпти,— деб ялиниб-ёлворди денгизчи.

У нонни қўйнига солди-да, ёнидан пулини ола бошлади. Бизларни бекорчилар ўраб олишди. Кимдир, менга азамат йигит экансан, деди. Бошқаси менинг розилигимсизоқ бир бўлак нонни олди-да, косага саккиз сўм ташлади; мен пулни санаб бўлгунимча яна икки бўлагини илиб кетишди.

— Қани, болани ўз ҳолига қўйинглар!— деб бақирди уларга денгизчи, кейин қолган нон бўлақларини қўйнига яширди-да, тангалардан ўттиз икки сўм санаб берди.

Унинг қолган нон бўлақларини ҳам саккиз сўмдан олганини ҳадеганда фаҳмладим. Ғалати бўлиб кетдим.



— Пионермисан?— деб сўради у сал саросимага тушганимни пайқаб.

— Ҳа,— деб жавоб бердим.

— Баракалла!— деди у ва катта, қизил кафти билан қўлимга уриб қўйди.

Шундан сўнг бир оз енгил тортдим, лекин барибир ойимдан гап эшитишимни билардим.

Чўнтакларим тангага тўлиб кетганди. Ҳар қадам ташлаганимда тангалар жаранг-журунг қиларди. Камарим бўшаб қолганди, шунинг учун шимимни қўлим билан ушлаб юришга тўғри келди; тўппонча, хўроз ва бошқа ҳар хил ҳайвонлар шаклидаги обакидандон сотиладиган бозорга қандай қилиб келиб қолганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Илгарилари отам билан бу ерга тез-тез келиб турардик, ҳар хилидан истаганча олардим! Тўғри, у пайтлардаги обакидандонлар анча ширин, қип-қизил, силлиқ эди. Ҳозиргилари қандайдир қўнғир рангда, гадир-будур, таъми ҳам нордон, бунинг устига ўн баравар қиммат. Сотувчилар мени ўраб олишиб, ҳар бири ўзиникини тавсия қиларди.

— Тракторлар, болакай! Туялар! Бир ўрkachли! Икки ўрkachли!

— Филлар, болакай! Тўппончалар! Мотоцикллар!

Кўзларим жавдираб, ҳар бирига бир қарардим, лекин уйга мўлжалдагидан ўн саккиз сўм кам пул олиб кетаётганимни эсладим у гўё ҳеч нима харид қилмайдиган одамдай сўлагимни ютиб, нари кетдим.

— Нон! Нондан олинглар, граждандлар,— шу атрофда таниш бўғиқ овозни эшитдим. Серрайиб қолдим — инвалид менинг нонимни сотарди. Ерга ёзилган газета устида олти бўлак нон ётарди.

— Қани, келинлар. Ун сўм берингу олиб кетавринг!— дерди у. Мен яқинроқ бордим. У мени кўрди-ю, индамай қолди. Лекин кейин бошим оша қаёққадир қаради-да, чакакларини қаттиқ қисиб, яна такролади:

— Нон! Кимга нон? Бир бўлаги ўн сўм.

Мен нари кетдим, йиғлагим келарди. Мени ҳар томондан туртишар, итаришар, ифлос кавушлари билан оёқларимни босишарди. Назаримда аллақандай қора дарё мени ер ости салтанатида ғира-шира соялар орасида қаёққадир олиб кетаётгандай бўларди.

— Бир ўрkachли туялар! Икки ўрkachли!

Мен яна ўша обакиданонлар олдига қандай бориб қолганимни сезмай қолдим. Тилимни ялаб, қайта-қайта ютинардим: «Бир сўмдан иккита хўрозқанд оламан. Еб қўяман. Ойимга, ўн бўлак ноннинг ҳаммасини саккиз сўмдан сотдим, дейман. Инвалидга. Алдаяманми? Йўқ, ҳечам алдаётганим йўқ. Ҳар ким қўлидан келганича яшайди. Уруш. Иккита хўрозча сотиб олдим. Биттасини ўша заҳотиёқ тинчитдиму бозор дарвозаси томон юрдим. Обакиданон тишларим орасида худди чиннидек қирсилларди. Одамлар орасидан ўтиб, кўчага чиққунимча иккинчи хўрозни ҳам еб бўлдим. Яна егим келди. Организм ширинлик талаб қиларди. «Тўппончасидан оламан. Беш сўмга. Ойимга: «Пулимни йўқотиб қўйдим», дейман. Фил сотиб оламан! Саройга беркитиб қўяман, кейин мактабга олиб бораман-да, куни билан сўриб юраман. Пулимни ўғирлаб кетишди. Гап тамом! Ўғирлаб кетишди, яна бу етмагандай калтаклашди...»

Бозорга қайтиб кирдим. «Туяни оламан. Бир ўркачлисини ҳам, икки ўркачлисини ҳам. Бештасини оламан. Беркитиб қўяман. Ҳар куни биттадан туя ейман. Ахир безорилар пулимнинг ҳаммасини тортиб олиб қўйишлари мумкин-ку. Шартта тортиб олишди-ю, қочиб кетишди. Уларнинг бозорда уруги кўп, изғиб юришарди. Пулимнинг ҳаммасига оламан! Тортиб олишиб, елкамга бир туширишди. Йўталаман. Мениям туяни-кидай ўркачим бўлади!»

Олдимда одамлар ҳалқа бўлиб туришибди, елкаларини кўраман, холос. Улар чурқ этишмасди. Менинг ширинлик егим, томоша кўргим келарди. Оломонни ёриб ўтдиму бирдан тўхтаб, орқамга тисарилдим. Давра ўртасида, чарм қути ичида одам ўтирарди, тўғғироти, одамдан қолган тананинг ўзи; унинг қўллари ҳам, оёқлари ҳам йўқ эди. Фақат гўласимон тана-ю, офицер фуражкасини кийган каттакон бош. Эғнида оқ кўйлақ, бўйнида қора галстук. Шундай ёнгинасида инвалид аравачаси турарди. Бозорда гапиришларича, бу аравачаларни шахсан Рузвельтнинг ўзи ихтиро этганмиш.

Дароз эркак мажруҳнинг олдига келди, катта қора-кўл телпагини олди-да, энгашиб аравачага қизил ўттиз сўмликни қўйди. Киши олмайман, дегандай бош чайқади.

— У олмайди! — деди кимдир тўда орасидан.

— Уни хафа қилиш керакмас,— деди эски бостон пальто кийган аёл, у пулни олди-да, эгасига қайтариб берди. Аёл баланд бўйли, қадди-баста келишган, хушбичим эди. У харид қилган нарсалари солинган сумкасини аравачага қўйди.

— Хотини,— деди атрофда турганлардан бири.

Ҳалиги киши миқ этмай, ўзини ҳар томондан ўраб олган одамларга қарарди, кўзларида шундай бир дард бор эдики, уни сўз билан ҳам, қўшиқ билан ҳам ифода этиб бўлмасди, ҳар қандай даҳшатли эртакда ҳам ҳикоя қилиб бўлмасди. Икки курагим ораси музлаганини ҳис этдим. Назаримда, гўё шу ўтирган одам менинг отаму уни одамлар ўраб олишгандай эди. У Рузвельт ихтиро қилган аравачада қимир этмай ўтирар, мен эсам уни худди рикшадай шаҳардан-шаҳарга, қишлоқдан-қишлоққа элтаман, жаҳон бўйлаб олиб юраман, у эса бўғиқ овозда қандай жанг қилгани тўғрисида ашула айтади.

Мен оломон орасидан секин чиқдим-да, уйга кетдим. Нонимни инвалидга саккиз сўмдан сотганимни, икки сўмига хўрозқанд олиб еганимни ойимга гапириб бермоқчи эдим.

## СУЛУВ

— Мени севмайсан, менга ачинмайсан,— деди хотиним остона ҳатлаб уйга киришим билан.

Ювинди челақни ушлаганимча туриб қолдим.

Мен шу заҳоти эшикни нариги томонидан шартта ёпиб, кетиб қолмоқчи эдим, лекин хотиним аллақачон пальтомнинг ёқасидан маҳкам ушлаб олганди. Ҳўл пол латта унинг қўлида таҳликали титрарди.

— Мени севмайсан, менга ачинмайсан,— деб яна такрорлади.

Тавба, у Есенинни қаёқдан биледи-я? Йўқ. У Есенинни билмайди. У бутунлай бошқа сўзларни айтарди-ю, лекин узундан-узун монологининг маъноси мана шу тўрт сўздан иборат эди: «Мени севмайсан, менга ачинмайсан».

- Кир ювадиган машина ишламаяпти!
- Газ тамом бўлди!
- Боланинг ичи бузилди!
- Холодильник ишламаяпти!

— Айна электрсамоварни бузиб қўйибди.

— Ётоқда радиатордан сув оқяпти!

«Вой, худойим, ҳаммаёқни машина босиб кетибди-ю», дедим ваҳимага тушиб.

— Сен бўлсанг ишдан кейин қаерлардадир санқиб юрасан. Ақалли ёрдам қилсанг бўлмайдим. Болалар эрталабдан бери оч. Айнани минг чақирсам ҳам кирмаяпти, Дониёрнинг бўлса, ичи кетяпти. Оёгингни артсанг-чи, қаёққа кетяпсан? Одам деган ҳам шунчалик палапартити бўладими? Болага қарасанг-чи, бир соатдан бери йиғлайвериб ичаги узилиб кетди-ю!

Мен ботинкамни ечдим-да, оёқ учида юриб ошхонага кирдим, икки яшар ўғлимни қўлимга олиб, ҳўл иштонини ечиб ташладим, кейин қўлимда чайқаб, афтимни буриштирдим. Лекин бола шарфимни чангаллаб олиб, ҳамон чинқириб йиғларди. Остонада хотиним кўринди.

— Э, худо! Қанақа одамсан ўзи? Пальтонгни ечсанг-чи, юзини шилиб юборасану! Қўлларингни ифлослигини қара!

Пальто билан шарфим горчицами ё бошқа бирор нарса тегибми, аллақачон ифлос бўлганди. Мен ноилж тишимни-тишимга қўйдим.

— Вой, сени нима қилсам бўлади-а?— У яна ўша тўрт сўздан иборат монологини устма-уст такрорлашга, жаврашга тушди: «Мени севмайсан, менга ачинмайсан».

Фақат менинг хотинимгина мана шундай аниқ, лўнда-лўнда қилиб гапира оларди.

— Ҳа, бўлди, бўлди... Ҳозир ҳаммасини тўғрилаймиз,— деб гўлдирадим.

— «Тўғрилаймиз эмиш». Қара, уйнинг аҳволини кўргин, сенга фақат гап сотиш бўлса. Ойликни яна, ҳойнаҳой, кеч беришар-а?

«Келиб-келиб, шундай хотинга уйланаманми? У, йигирма яшар ювош, беозор қизнинг етти йилдан кейин шундай алвастига айланишини ўшанда билганим-да эди!»

— Хўш, нега серрайиб турибсан? Пальтонгни ечсанг-чи, тозалаб берай! Бор, ошхонага кир! Каша тагига олмасин! Болани қолдир! Бечоранинг яна қўлини куйдириб оласан!

«Уҳ! Худойимни менга атагани шу бўлдими-а!»

Ошхонани тутун босиб кетганди — каша аллақачон куйиб бўлганди. Мен чаққон кастрюлга сув қуйдим, уни ювиб, қайтадан каша пишириш керак. Лекин кашанинг таги олганидан кастрюлга ёпишиб қолганди, пичоқ билан қира бошладим, бундай қарасам, сирининг бир бўлагини кўчириб юборибман, кўрдиму эсим чиқиб кетди.

— Ҳой, нимани қиряпсан? Эшикни очгин. Айна келди! — қичқирди хотиним.

Буни радиотехникада дистанцион бошқарув дейишади шекилли...

Эшикни очдим — остонада қизим турибди. Эғнидаги пўстини жиққа ҳўл, ботинкалари ифлос.

— Дада! Дада! Нега камбала шапалоққа ўхшайди? А, дада? — деб сўрайди қизим ҳаяжонланиб.

— Жим! Ҳозир биласан, — дейман унга.

Айна индамай қолади. Қизим ҳам менга ўхшаб жуда зийрак, сезгир, бирор кўнгилсизлик бўлишини олдиндан сезади. Унинг пўстинини ечаман, тўзгиган сочларини силайман. Қизим тиззаларимни қучоқлайди:

— Дада, дада! Вовка Жуков пластилин еди!

— Жим... Секинроқ...

— Дада... сиз пластилинни нонсиз ея оласизми? — деб шивирлаб сўрайди Айнахон.

— Каша нима бўлди? — хотинимнинг овози келадди узоқдан.

— Ҳозир.

Яна ошхонага чошиб кираман, кастрюлькани яшириб қўяман, плиткага катта кружкани қўйиб, сут қуяман, кейин манная крупани қидираман. Лекин йўқ, қолмабди, тамом бўлибди.

Ошхонадан аралаш-қуралаш уч овоз келади: хотиним бақириб-чақиради, ўғлим энтикиб-энтикиб йиғлайди, Айна битта оҳангни ҳадеб чўзади: э-э-э... — у шапалоқнинг камбалага унчалик ўхшамаслигини туншунди шекилли.

Қулоқларимга пахта тиқиб оламан. Э, худойим! Нега энди ҳаётимни бу қадар барвақт барбод қилдим-а? Уйланиш керак, албатта, лекин болани бунчалик кўнайтиришнинг нима кераги бор эди — беш йилда иккита-я, бу кетишда келаси беш йилликнинг охирига бориб қанча бўлади?

Сут қайнади, қўлларимни куйдириб кружкани олиб чиқаман.

— Каша қани?

— Каша йўқ.

— Еб қўйдингми?

— Куйиб кетди... Ҳа, бўлди, кўп куйиб-пишаверма, Сулув...

Мен уни етти йил муқаддам шундай деб чақирардим, энди бу сўзни дўппи тор келиб қолган пайтларда ишлатаман, чунки «сулув» — қирғизча «чиройли» дегани. Салия ва Сулув деган сўзлар қандайдир бир-бирига оҳангдош, тўғрироғи, етти йил муқаддам, бўм-бўш кўчаларда эрталабгача юрган, кўприк устида поезднинг кетидан соатлаб қараб турган пайтларда, у мулойимгина қиз бўлган пайтларда бу сўзлар ҳамоҳанг эди... хуллас, бу гаплар бир замонлар...

— Хўш, нима Сулув? Шу битта гапни топиб олгансан! — дейди у чўрт кесиб, лекин мен унинг жаҳлидан тушганини сезиб тураман. «Сулув» сўзининг сеҳрли таъсири бору, лекин барибир узоққа бормади. Салия қошиқдаги сутни пуфлаб, ўғлининг бурни тагида у ёқдан-бу ёққа чайқайди. Бола полапондай оғзини очиб, қошиқдан кўзини узмайди, кутади. Лекин бир қултум ичиши билан уйни бошига кўтариб йиғлайди, илондек тўлғанади, ерга тушаман, деб талпинади. Фейл-атвори онасига тортган... Салия сутни ичиб кўради, унинг оёви жанговар нидодай янграйди:

— Шу сутми-а?!

— Ҳа, сут...

— Ахир, бу қимизу!

— Ахир, қимиз ҳам сут-да, фақат биянинг сути, — деб совуққина эътироз билдирмоқчи бўлзман.

— Сен ўзинг биясан, ахир сал бўлса болани заҳарлардингу!

Ҳа, энди уям ҳаддидан ошиб кетди. Ҳеч қачон мени бунчалик ҳақорат қилмаганди. У билан орани очиқ қилишга аҳд қиламан. «Улгудай кўпол-да, яна мени севмайсан, менга ачинмайсан, деб хафа бўлади-я!»

Бошқа хонага чиқиб кетаман-да, «Огонёк» журналини олиб, кроссвордни ечишга тушаман.

Хотиним яна анчагача жаврайди, болалар йиғиси тинмайди, идиш-товоқларнинг қасира-қусури эшити-

либ туради, лекин аста-секин шовқин тинади; мен мудрай бошлайман. Хонага қизим чопиб киради.

— Дада, юринг овқатга. Ойим қўлларингни ювинглар, деди.

Мен истар-истамас ўрнимдан тураман, елкамни қашийман, Салияни кўргим йўқ.

— Дада, юрсангиз-чи, овқат совиб қолади-ю,— деб қизим қўлимдан тортади.

— Ойинг-чи, ойинг совидими?— деб сўрайман киноя аралаш.

— Вой, ойим шўрва эмаслару,— дейди Айна ҳайрон бўлиб. Индамай овқатланамиз. Сезиб турибман, хона ичи ёғ тушса ялагудай қилиб супуриб-сидириб чиқилган.

— Айнахон, бор, чойнакка сув қуйиб, оловга қўйгин,— дейди Салия беш яшар қизига. Лекин аслида бу гапни менга айтяпти. Айнахоннинг бўйи кранга ҳам, плитага ҳам етмайди. Мен қошиғимни бўш тарелкага тақ этказиб ташлайман-да, чой қўйгани чиқиб кетаман.

Кейин телевизор қўяман: экранда «Солдат ҳақида қисса». Хотиним идиш-товоқларни тақир-туқур қилиб, столни йиғиштиради.

— Ойи, чироқни ўчириб қўйинг. Кино,— дейди қизи.

Салия чироқни ўчиради. «Солдат ҳақида қисса»ни кўргандим, лекин бу дунё ташвишларини, ҳозирги дамни, киши кайфиятини бир пул қилишга суяги йўқ хотинимни унутиб, ўй-фикрларим билан ўзга оламда кезиш учун бу фильмни яна кўргим келади. Ҳа. Аслида мен уни севаманми? Кеча севардим шекилли, уйга келаётганимда ҳам севгандим шекилли. Ҳозирчи?.. Унчалик ишонмайман... Қайси дақиқадан бошлаб уни севмай қўйдим-а? Ҳа, бўлди, эсладим! Шу арзимаган сутни деб менга тўнглик қилганидан буён. Ахир, сут деб қимизни қайнатаётганимни қаёқдан билай?

Ҳа, бу орада фильм кўряпмиз. Хотиним орқамда ўтирибди, миқ этмайди. Дониёржон тиззасида ухлаб қолган. Айнахон полда, йўл-йўл пойандоз устида ётибди (у фильмни ётиб кўришни ёқтиради), ўқтин-ўқтин бурнини тортиб қўяди, у ҳам индамайди. У ҳозир жуда жиддий, афтидан, ҳамма нарсага ақли етиб турибди.

Ҳаммамиз жим ўтирибмиз.

Экранда кадрлар жимир-жимир қилиб қолди — техник брак, лекин биз чурқ этмаймиз, фильмнинг давомини кутамиз.

Ҳа, тўғри бўлди.

Солдат, овозиям болаларникидай хириллаган, ҳали жуда гўр, ёш бола йўлда учратиб қолган қизи билан хайрлашади... Улар умрларида биринчи бор учрашишиб, мангуга ажралашади.

Бирдан орқамда пиқ-пиқ йиғи товуши эшитилади, хотиним йиғлаб ўтирибди. Менимча, у алаמידан, хўрлиги келиб йиғлапти, ахир, у билан гаплашмаяпман-да.

Айнахон бошини кўтаради. Унинг қоп-қора, жавдираган кўзларини кўриб турибман.

— Ой-и-и, йиғламанг. Нега йиғла-айсиз-а? — дейди у чўзиб-чўзиб. — Ахир, уни ҳали ўлдиришгани йўғу.

— Уни ўлдиришади, — деб жиддий жавоб беради Салия.

— Ўлдириш-шмайди, сиз қаёқдан била-сиз?

— Бир киши менга, уни ўлдиришади, деди, — секин жавоб беради Салия.

Қизимга тикиламан, унинг бошини силайман, қоронғида кўзларининг оқи йилтирайди, ҳар ёноғида йирик кўз ёши (ойисининг йиғисини кўтаролмайди). Кейин у менга қарайди. Томоғимга бир нима тикилгандай бўлади.

Фильмнинг сўнгги эпизодлари.

Экранда қора рўмолли, ўрта ёшлардаги аёл биз томон келяпти, бизга тикилган кўзларида она дарди, ғам-ғуссаси... Фильм тугади. У бир ярим соатча кетади, биз вақтнинг қандай ўтганини билмай қолибмиз.

Жим ўтирибмиз. Ухлаб ётган ўғлимга қарайман. У дўмбоқ қўлчаларини икки томонга ташлаб ухлайди, шу ётишида Салияга жуда-жуда ўхшаб кетади. Ўғлимга ухлаб ётганида тикилишни яхши кўраман. Унинг уйқуси, ороми бузилмаса дейман, бунинг учун жони жаҳонимни беришга тайёрман. Ахир, отам шуларни деб қурбон бўлди-да, унга невараларини кўриш, бошларини силаш насиб этмади. Телевизорни ўчираман. Оиладаги майда-чуйда гаплар, можаролар мешчан-



ликка хос жуда арзимас, бемаъни, ортиқча нарсадек туюлди менга. Э, худойим! Қимматли вақтимизни нималарга сарф этамиз-а? Узимизни, асабларимизни нега аямаймиз-а? Бу ҳаммаси Салиянинг иши-да! Хўш, нега у ҳозир галирмаяпти? Унга ўгирилиб қарайман. Салия ерга қарайди. У ҳозир нималарни ўйляпти? Салия бошини кўтарди, кўзларимиз учрашди.

— Мени севасан-а?

— Ҳа.

— Менга ачинасан-а?

— Ҳа.

Унинг дағал, илиқ кафтларини қўлларим орасига оламан.

— Сулувим...

### КУЗ ЁМҒИРИ

Редакциянинг кекса, тажрибали машинисткаси Ойша опа сира кутилмаганда қўпол хатолар қиладиган бўлиб қолди — ҳарфларни, баъзида эса бутун-бутун сўзларни тушириб қолдирарди. Аввалига буни шунчаки бир тасодиф деб ўйлашди, лекин бора-бора тез-тез такрорланадиган бўлди. У хатони кўриб қолиб, асабийлашар, деярли ёзиб бўлинган саҳифани машинкадан оларди-да, ёнидаги саватга ташларди, кейин янгидан бошларди, лекин текстнинг ярмига етмасиданоқ, бир ҳарфнинг ўрнига бошқасини ёзганини пайқаб қоларди.

Ҳадемай биринчи саҳифада кетадиган жиддий материалларни унга, старший машинисткага эмас, ишлаётганига атиги уч йил бўлган Гулсунга берадиган бўлишди, Гулсун дам-бадам ёрдам сўраб мурожаат қилар, тажрибали Ойша опа унга йўл-йўриқ кўрсатар, маслаҳатлар берарди. Кекса аёл аламзада бўлиб қолди. Афтидан, Гулсун буни сезар, вазиятни сал бўлса-ям юмшатишга уринарди: болалари ҳақида қизиқ-қизиқ, кулгили воқеаларни гапириб берар ёки қўлёзмалардан биронтасини олиб, Ойша опага узатаркан: «Э, йўқ, бу менинг қўлимдан келмайди!» — дерди.

Четдан қараганда, икки аёл иноқ, аҳил ишлашаётгандай кўринарди-ю, лекин «Машбюро» деб аталмиш бу кичкинагина хонада вазият кундан-кунга кескинлаша борди.

Бир куни ишга барвақт келган Ойша Гулсуннинг бир мақолани ўқиб ўтирганини пайқаб қолди. Буни кеча кечқурун у ёзган эди. Деярли ҳар бир бетида қора қалам билан тузатилган, ўчириб қайта ёзилган, устма-уст урилганидан йиртилиб кетган жойлар шундай кўзга ташланарди.

Ойша ўз жойига индамай ўтди-да, бошини кўтармасдан узоқ ишлади. Унинг озгин, дағал бармоқлари ниҳоятда тез ва аниқ ишларди, ҳарфлар устида енгил ўрмаларди.

— Уҳ, чарчадим!— деди бирдан Ойша опа.

— Сиз ишбай ишлардингиз-а?— деб сўради Гулсун, босишда давом этаркан.

— Нима қиламан ишбай ишлаб? Сўққабош кампирга кўп нарса керак дейсанми? Иш чарчатиб қўйди, ҳар куни бир хил иш: чиқиллатганинг чиқиллатган. «Уч нусха кўчиринг!»— дейишади, кейин яна чиқиллатишга тушасан. Шу товуш ҳаммаёқдан эшитилаётгандай бўлади. Поезд гилдирақларидан ҳам, музика садоларидан ҳам гўё шу машинка овози таралаётгандай бўлади.

Ёш машинистка ишини босиб бўлди, у бу камгап аёлнинг бунчалик куйиб-пишиб гапиришини биринчи бор кўриши эди.

— Сиз дам олишингиз керак,— деди Гулсун ачиhib.

— Ҳа, ўзимам ўйлаб юрибман, фурсат етди. Ёшим ҳам бир жойга бориб қолди,— деб дағал жавоб қилди Ойша опа, клавиш ҳам унинг овозига ҳамоҳанг дағал чиқиллай бошлади...

Ёш аёл унга, овулдами ё денгиз бўйидами дам олинг, деб шунчаки маслаҳат бермоқчи эди, лекин кекса аёл бунга ўзича тушуниб хафа бўлди...

— Мени нотўғри тушундингиз, Ойша опа,— деб ўзини оқламоқчи бўлди Гулсун.

— Э, нима фарқи бор,— аламли кулимсиради Ойша опа.

— Қайнанам олтмишга чиқди, ҳалиям ишлайди, чиқиллатгани чиқиллатган.

Ойша опа ҳеч нима демади. Ҳозир унинг таъби хира эди, Гулсун унинг ортиқ рашига теккиси келмади. Бунинг устига, кекса аёл ёшларнинг маслаҳат беришини ҳечам ёқтирмайди.

Машинкалар бир-бирига жўр бўлиб, тинимсиз чиқилларди, бирдан иккови ҳам жимиб қолса, девор соатининг бир меъёрдаги чиқиллаши эшитиларди.

Мана, соатнинг сарғиш капгири бир силкинди. «Бени! Бени! Бени!»— деган овоз тарқалди хона ичида. Овқат маҳали бўлибди. Гулсун сўзни охиригача

ҳам ёзмай, босишни тўхтатди, кичкина ойнасини очди-да, лабларига помада суртди, столдан бир шиша кефир, яна ўроғлиқ нарса олди-да, Ойша опанинг саҳифани тугатишини кутиб турди. Лекин кекса машинистка гўё соат бонгини эшитмагандай эди.

— Ойша опа, овқат маҳали бўлди-ю,— деди секин Гулсун.

— Бор, боравер, жонгинам, сенинг ёш болаларинг бор!— деб ишлашда давом этди.

Гулсун елкасини қисди-да, чиқиб кетди.

Ойша ёш мухбир олиб келиб берган саҳифаларни деярли клавишларга қарамасдан қайтадан кўчириб чиқди-да, кейин редакторнинг олдига кетди.

Ойша кирганида редактор кўк пиёз солиб пиширилган, лекин совиб қолган пирожки еб, гранкаларни тузатиб ўтирарди. У бошини кўтарди, аёл стол устига аризасини қўйди, унда соғлиғи ёмонлашгани учун пенсияга чиқишга рухсат сўраган эди.

— Балки «Голубой Иссик-Куль»га ёки Қримга борарсиз. Москва яқинида ҳам яхши дам олиш уйлари бор. Ўрмон, тоза ҳаво. Ҳозир қасаба союзига қўнғироқ қилиб, нимаси борлигини биламан,— деб гап бошлади редактор.

— Йўқ, овора бўлманг, Аҳмадбек, ғамхўрлигингиз учун раҳмат. Энди дам олмасам бўлмайдиганга ўхшайди. Ахир, қуёшнинг ботишини тўхтатиб бўлармиди?

Редактор тасалли бергани зарур сўзларни қидираётганида Ойша опа қайтадан кўчириб босган мақоласини қолдиришни ҳам унутиб, кабинетдан чиқиб кетди.

\* \* \*

Редакциянинг кичкина залида редактордан тортиб, техник ходимлар — Лиза хола билан Зурухон опагача — ҳамма ходимлар йиғилишди. Кўк мовут ёпилган стол устига гул, торт, ҳар хил ширинликлар, шампань виноси, ёзув машинкаси қўйилганди.

Редактор Ойша Мусаевна билан узоқ йиллар бирга ишлашганлари, собиқ ҳамкасбларини унутмай, редакцияга тез-тез келиб туриши хусусида қисқача гапирди. Шундан кейин унга машинкани совға қилишди. Репортерлардан биттаси фотоаппаратни икки марта шиқил

латиб суратга олди. Йигилганлар қарсак чалишди, Ойша совғани оларкан, кўзларида ёш гилтиллади, миннатдорчилик билдирди. Шампань виносини очишди, аёлга сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилашиб ичишди, кейин уни редактор машинасида уйига олиб бориб қўйишди. Эртаси куни газетада «Хайр, омон бўлинг Ойша опа!» деган сарлавҳа билан жуда самимий ёзилган кичкинагина лавҳа босилиб чиқди. Шу кундан бошлаб Ойша ишга келмай қўйди.

Энди ҳеч қаёққа шошилмаса бўлади, ҳар куни эрталаб бир вақтда туриши, автобус бекатига бориши керак эмас, деган фикрга биринчи кунлари сира кўниколмай юрди. Тўғри, одатига кўра бир неча бор барвақт ўрнидан турди, дам-бадам соатига қараркан, шоша-пиша кийинди, нонушта қилди, кейин борадиган ери йўқлиги бирдан эсига тушиб, диванга ўтириб қолди, шу алфозда қимир этмай узоқ ўтирди. Бир куни эса автобусда ҳатто редакциягача борди, лекин эшик олдида таниш корректорни учратиб қолгани учун кейинги бекатда тушди, куни билан шаҳар айланди, чунки барибир уйда қиладиган иши йўқ эди.

Бир-бирига ўхшаш хотиржам кунлар бошланди, уни ҳеч ким безовта қилмас, уйига ҳеч ким келмас, ўзининг ҳам ҳеч кимни кўргиси йўқ эди.

\* \* \*

Ойша кўчада, эрмакталаб, бекорчи одамлар орасида эски уйини қандай бузишаётганларига қараб турарди. Эгнига гард юқмаган, яп-янги комбинезон кийиб олган ўн саккиз ёшлар чамасидаги йигитча бульдозер ричагини сурди. Унинг кўриниши қаҳрли, ҳатто даҳшатли эди: бу ерга тўпланган болаларнинг унга ҳаваси келаётганини у ҳис этарди, шунинг учун ҳам гердайиб ўтирарди; машинани унга биринчи бор ишониб топширишгани шундай сезилиб турарди. Бульдозер худди шердай уй томон бостириб борди; девор олдида бир зум тўхтади-да, орқасига тисарилди. Қамини том тепасида чанг-тўзон кўтарилди, уй бир томонига ён-бошлади, кейин секин чўка бошлади. Чанг бурқираб, кўкка ўрмаларди.

Ойша бу уйга ёш келинчак бўлиб қадам қўйганди, шу уй остонасида аввал эри билан, кейин ўғли билан

хайрлашганди, мана энди бу уйни сўққабаш кампир бўлиб тарк этипти.

— Ур-ра-а-а!— деб бақиринди болалар.

Ойша йиғларди...

Қани энди у эски уйларни бузмасликка одамларни кўндира олса!

Майли, янгиларини қуришсин, лекин эскиларини бузишнинг нима кераги бор? Лекин эскини бузмасдан, янгини қуриб бўларканми. Ҳа, бу ҳаётнинг ўзгармас қонуни.

\* \* \*

Ойша Тинчлик проспектидан бир хоналик уй олди, лекин ошхонаси билан йўлаги умумий эди, у дастлабки кунлари янги квартирага ўрганолмай юрди: ярим кечада уйғониб кетиб, қаердалигини тушунолмасди, кейин янги уйда ётганлигини эсларди-да, анчагача ух-лаёлмай, кўзларини очиб ётарди.

Қўшни икки хоналик уйга Медер Рисалиев оиласи кўчиб келишди. Ўттиз ёшлар чамасидаги истараси иссиқ бу одам СМУда прораб бўлиб ишларди. У ниҳоятда назокатли, одобли бўлиб, доимо ораста юрарди, уст-бошига жуда эътибор берарди. Бурул эрдан беш ёш кичкина эди; у кунни бўйи рўзғор ишлари билан банд бўлар, болаларига қарар, йиллар ўтиши билан барваста хотин, каттакон оилага меҳрибон она бўлиши ҳозирданоқ кўриниб турарди. Ҳозирча иккита қизини: беш яшар Анора билан уч ёшлик Гулнорасини тарбияларди. Болалари каллаи саҳарлаб туриб олишиб, ғингшишар, йиғлашар, мураббо сўрашарди, ошхонага, ваннага чопиб киришар, чопиб чиқишарди, занжирни тортишарди; уйни қий-чув, дупур-дупур овозлар тутиб кетарди, бу ёқда унитазга шовуллаб сув қўйиларди.

Дастлабки кунлари қўшнилари фақат ошхонада кўришишарди, лекин бора-бора икки аёл апоқ-чапоқ бўлиб кетишди; Бурул кечки овқатга бирор тузук нарса пиширса, қўшнисига бир тарелкада чиқарарди, у ҳам ўз навбатида уни қуруқ қўймасди.

Янги уйда совуқ сув ҳам, иссиқ сув ҳам бор, газу бошқа қулайликларни айтмайсизми, Ойша рўзғор таш-

вишларидан анча қутулиб қолди. У кеч турар, хотир-жам нонушта қилар, кейин паркка бориб, «Граф Монте-Кристо»ни ўқирди. Шу кетганича уйга кечқурун қайтарди.

Баъзи-баъзида уникига Бурул кирарди, улар узоқ гаплашиб ўтиришарди. Гулнора билан Анора у ёқдан-бу ёққа чопишар, столдан ниманидир олишарди. Ойшанинг кумуш рамкадаги ўғлининг расмини, бир вақтлар Қора денгиздан олиб келинган катта чиганоқни талашिशарди. Деразанинг қаршисида, деворда осиглиқ турган расми олиб беринг, деб хархаша қилишарди. Бу расмда шимол ёғдуси остида, қалин муз қатламини ёриб, шиддатли сузиб бораётган музёраар кема тасвирланган эди. Расм кўпроқ плакат ёки муқовага ўхшаб кетарди-ю, лекин Ойша уни жуда эҳтиёт қиларди, кўзга ташланадиган жойга осиб қўярди. Бу расми ўғли бир вақтлар йиққан пулига сотиб олганди.

Анора билан Гулнора эски патефонни очмоқчи бўлишарди. Онаси қизларига тегманглар деб бақирар, қўлларига шапатилаб уриб-уриб қўярди. Улар бир зумга жимиб қолишарди-ю, лекин сал ўтмай яна бошидан бошлашарди.

Бурул ҳар хил воқеаларни гапириб беришни яхши кўрарди.

Уларнинг уйида, учинчи қаватда сўққабош бир чол туришини, ҳамма уни миллионер дейишини ҳам Ойша ўша Бурулдан эшитганди. Бир замонлар у сартарошлик қилган экан, ҳозир пенсияга чиқибди, яқинда заргарлик моллари магазинидан жудаям катта пулга антиқа соат харид қилибди.

Ойша кулиб қўя қолди, ишонмади. Лекин якшанба кунларининг бирида чол балконга иккита курси олиб чиқди-да, уларнинг устига каттакон соатни қўйди — корпуси фил суягидан ишланган бўлиб, жимжимадор нақшлар солинганди; циферблатининг олтин гардишини икки севги маъбудаси ушлаб турарди. Чинданам бу зеб-зийнат анча пул турадиганга ўхшайди. Лекин чол эртаси куни бу соатни болалар боғчасига олиб борди-да, мудир аёлга деди: «Буни музика дарси ўтказиладиган залга қўйсангиз. Болалар дунёда яхши бир одам яшаган экан, деб юришсин».

Бурул то эшик қўнғироғи жирингламагунча гапла-

шиб ўтирарди. Медер кириб келарди. У кўпинча кеч пайтларда, яна бунинг устига, дўстларини бошлаб келарди, вақт алламаҳал бўлиб қолганига қарамай, у хотинига у-бу нарса тайёрлашни буюрарди. Баъзида эри келавермаганидан кейин Бурул болаларини олиб чиқиб кетарди. Кечаси соат иккиларда қўнғироқ чалинарди. Хотини қаттиқ ухлаб қоларди, ноилож эшикни Ойша очарди. Медер қўшни аёлга мулойимгина миннатдорчилик билдириб, ичганимни сезмасин дегандай юзини буриб нафас чиқарарди. Унинг орқасида яна кимнингдир қораси кўринарди. Ойша «ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ», деб одатдаги гапини гапирарди-да, хонасига кириб кетарди. Орадан бир оз вақт ўтгандан кейин қўшни хонадан бўғиқ овоз эшитиларди: аввалига Медер илтимос қиларди, кейин буюрарди, аёл эса таъна қилар, зорланар, энтикиб йиғларди. Анора билан Гулнора уйғониб кетишарди-да, улар ҳам бараварига йиғлаша бошлашарди. Кейин қизлар жимиб қолишарди, афтидан, уларни бошқа хонага олиб чиқиб кетишади шекилли, энди ошхонадан ҳар хил товуш келарди. Бурул овқат иситарди ёки закускага гўшт қовурарди, гўшти бўлмаса пиёз тўғрарди-да, устига туз сепиб берарди, шундан кейингина гала-товур босиларди.

Медер Ойшага нимаси биландир эри Мукашни эслатарди. У ҳам эрига ўхшаб одамови, доимо ичимдагини топ хилидан, унинг кўнглидагисини, сенга муносабатини сира ҳам билиб бўлмасди. Ҳа, агар Мукаш сал бошқачароқ, айтайлик, сал очиқроқ бўлганда, Ойша, ҳойнаҳой уни тушунган, кўнглига йўл топган, эҳтимол айрилиқнинг олдини олган бўлармиди...

Ҳа, уларнинг бахтиёр, шодиёна кунлари оз бўлди-ми! Ақалли, ўғлининг туғилишини эсласин-а... Профессор чақалоқча қўйилган дастлабки диагнозни нотўғрига чиқарганида улар қанчалик севинишган эдилар, унга улар болаларининг боши тепасида ўтиришиб, ҳар қайсиси ўзича сездирмасдан секин йиғлаб оларди. Мана энди, Мукаш, шу кунларни, ўшандаги ҳамма севинчу ташвишларни унутиб, шартта бошқа аёлникига кетди-қолди. Ойшанинг ўзига, ўғлига хўрлиги келди; Мукаш катта шаҳарда ўқиб юрган кезлари совуқ қиш кунлари тўккан аччиқ-аччиқ кўз ёш-



ларига ачинди; унга ёзган хатларида суюб-эркалаб айтган сўзларига ачинди; унга бахшида этган севгиси-ю, нозик ҳис-туйғуларига ачинди. Мукаш буларнинг қадрига етмади, унга бевафолик қилди, энг даҳшатлиси мана шу эди. Эҳтимол, вақт ўтиши билан Ойша Мукашнинг бу ишига бошқача кўз билан қараган, уни тушунган бўлармиди; у ёқда, катта шаҳарда эҳтимол жуда зериккан, ёлғизликдан сиқилгандир, ахир у парваришга, кимнингдир ғамхўрлик қилишига, ёнида ҳаммаша севимли одами борлигига ўрганиб қолганди-да. У шаҳарда учратиб қолган ўша аёл анча кўҳлик бўлиб, Мукаш учун ўзини ўтгаям, сувгаям уришга тайёр эканлиги шундай сезилиб турарди. Ҳа, уни кечиролмади. Ҳадемай уруш бошланишини, унинг фронтга кетишини ким билибди дейсиз. Мукаш бронь олиши мумкин эди, лекин у олдинги позицияларга юборишларини илтимос қилди. Ойша ҳатто уни кузатгани вокзалга ҳам чиқмади — Мукашнинг янги рафиқаси билан кўришишни истамади, одамлардан ҳам уялди, ўғлига, сен боргин, деди, ундан иссиқ қўлқоп бериб юборди...

Уруш бошланмасдан сал олдин у Ойшанинг олдига келиб, кечирим сўради, ўғлининг олдига қайтмоқчилигини айтди, йиғлади...

— Йўқ, — деди Ойша, — энди бизга керагинг йўқ, бизга бевафолик қилдинг!

Ушанда Ойша тўғри иш қилдими? Ахир, эри бош эгиб келди-ю, кечирим сўради-ю!

Агар уруш бўлмаганида, бу гапларнинг ҳаммаси нима билан тугарди, ким билади дейсиз...

Мукаш урушдан кейин ўз жонажон қишлоғига қайтиб келди. Ўғлининг ўлганини урушда юргандаёқ эшитибди, афтидан, иккинчи хотини ёзиб юборган. У Ойшанинг олдига келганида ҳеч нимани сўраб-суриштиради, Эркиннинг ўлими тўғрисида келган қоракхатни кўрсатишини илтимос қилди. Прага яқинида кўпчилик бўлиб тушган суратни узоқ кўздан кечирди, ўғилчасининг калта иштончада стул устида ўтириб тушган расмини олиб кетди. Уша кеч иккови ҳам чурқ этишиб оғиз очишмади. Ойша ғам-ғусса тошини ёлғиз кўтаришга аллақачонлар кўникиб қолганди. Қош қорайиши билан Мукаш уйига кетди, у ёқда қизи бор эди, қизи у фронтга кетганидан кейин туғилганди. Уғ-

лининг ўлими икки кишини бир-бирига боғлаб турган риштани ҳам узиб юборган эди...

Илгарилари, редакция иши билан банд бўлган пайтларида Ойша эрини камдан-кам эсларди, тўғрироғи, уни эсламасликка уринарди, лекин кейинги пайтларда аллақачонлар унутиб юборилган воқеа-ҳодисаларни негадир тез-тез эслайдиган бўлиб қолди.

Эҳтимол ўзи кўриб-билиб турган ён қўшнилари-нинг ҳаёти бунга сабаб бўлгандир. Аслида Медер сажий, кўнгли очиқ, яхши одам бўлса керагу, лекин негадир хотини билан тил топишолмасди: Бурул эрининг бераҳмлигидан, уни назар-писанд қилмаслигидан нолигани нолиган эди... Бир куни Ойша ғала-ғовур босилишини кута-кута, ахири ухлаб қолди: Медер жуда кеч, алламаҳалда келди, Ойша уйқу аралаш эркак овозини, Бурулнинг йиғисини, яна ниманингдир синганини эшитди. Эрталаб уларнинг уйи кимсасиз, ҳувиллаб турганини кўриб, Ойша ҳайрон бўлди; ошхонада ҳам ҳеч ким кўринмасди; аёл Бурул эрталабданоқ қизларини олиб қаёққадир кетган бўлиши керак, деб ўйлади. Лекин орадан икки соат ўтар-ўтмас Анора кирди-да, сизни ойим чақиряпти, деди.

Бурул шолрўмолга ўралган кўйи диванда ётганича йиғларди. Ойша кириши билан Бурул ҳўнграб юборди, анчагача ўзини босолмади: рўмолининг учи билан қизариб кетган бурни, кўзлари, юзларини артарди. Қизлар онасининг ёнида чурқ этмай туришарди. Анора кўйлагининг этагини қўлига ўрарди, Гулнора эса кўзларини жавдиратганича, юзи пачоқ қўғирчоғини кўксига босиб турарди.

— Йўқ, ортиқ чидаёлмайман, тоқатим тоқ бўлди!— деб ингранарди Бурул.

У, афтидан, қари хотиннинг унга ачинишини, ҳамдард бўлишини жуда-жуда истарди.

— Бошингни кўтар, — деди Ойша қатъий, — бўлди, йиғлама!

Иккала қизча ҳам Ойшанинг олдига келиб, унинг пинжига тиқилишди.

— Ахир, мен йиғламай, ким йиғласин? — деди Бурул.

— Ишга кир, қўлингда яхши ҳунаринг бор.

— Болалар-чи?

— Уларга ўзим қарайман, — деди Ойша.

Шу кундан бошлаб Ойша қизларга қарай бошлади. У қизларга баҳорга қандай кўйлак тикиб берсам экан, деб ўйларди. «Бизнинг боламиз» деган китобча сотиб олди, кечалари ўқиб чиқарди, керак жойларини ёзиб оларди. Ахир ҳозир замон бошқа, Ойша ёш она бўлган даврлар бошқа эди. Энди болалар тарбияси ҳақида қалин-қалин китоблар ёзилган. Қизчалар эрталабдан-кечгача унинг хонасида мириқиб ўйнашарди, Ойша билан кино, циркка баришарди... Бурул тикув фабрикасига ишга кирди.

Ойша пенсия пулига қизчаларга бир жуфтдан ички кўйлак-иштон, қизил ва кўк тиш чўткалари, сарғиш ва кўк арқон олиб берди. Қизиқ, нега энди шу ишларни у илгарироқ қилмади!

Душанба кuni Бурул ишга кетди-ю, кечқурун асабий бўлиб қайтди, машина олдига ўтирганида шошиб, довдираб қолганини, кўйлакнинг этагини тескари тикиб қўйганини гапириб берди. Бутун оила аъзолари ошхонада ўтиришганди, болалар қотиб-қотиб кулишди, Медер ҳам куларди.

Энди Ойшанинг иши бошидан ошиб-тошиб ётарди: гўштга бозорга тушарди, сутга навбатда турарди, ширин-ширин овқатлар пиширарди, қизчаларга кўз-қулоқ бўларди, паркда соатлаб ўтириб, жун пайпоқ тўқирди. Кунлар елдек ўтиб борарди, Ойша хийлагина чарчарди, шунинг учун ҳам кечаси қаттиқ ухларди. Энди илгаригидай кечаси билан мижоза қоқмай, деразага тикилиб ўтиришлар йўқ эди. У бу икки қизчанинг келажаги ҳақида жуда кўп ўйларди: у Аноранинг машҳур балерина, Гулноранинг шоира бўлишини жуда-жуда истарди. Гулноранинг зеҳни ўткир — у ёлғон-яшиқ гапларни тўқишга уста эди, қофияларни ҳам қотириб ташларди. Энди бу кекса аёл узоқ умр кўришни истарди, бу болаларнинг ким бўлишини, кейин уларнинг болаларининг, невараларининг ким бўлишини кўрсам дерди; у умри зое кетмаганини кўришни, шу билан фахрланиб юришни истарди: бу икки машҳур одамни — балерина билан шоирани худди шу Ойша опа тарбиялаб вояга етказганди.

Унинг назарида ҳаёт унга гўё қандайдир янги, мангу ва жуда эзгу бир нарса ҳадя қилгандай эди. Қизчалар курси устида ўтириб суратга тушган ўша боладек унга қадрдон бўлиб қолганди.

Уйининг ичи янаям ёруғлашиб кетгандай, гўё деразалардан оғир пардалар олиб ташлангандай эди. Кечқурунлари кулги овози эшитиларди, дам олиш кунлари эса эрталабдан магнитофон кўйилар, магнитофоннинг шу вақтгача жим ётганининг боиси, музыка эшитиш эгаларининг эсига ҳам келмасди, бошқа ишлари кўп эди. Нонуштадан кейин бутун оила аъзолари шаҳарга жўнашарди, кино ёки циркка тушишарди, Ойша уйда қолиб овқат тайёрларди. Улар шаҳардан завқ-шавққа тўлиб, қоринлари очиқиб қайтишарди. Овқатни ҳам тинч ўтириб ейишмасди. Гулнора бўлса ҳадеб пляпалик кишининг шарчаларни ютиб, оғзидан танга чиқаришини ёки чўчқаларнинг фокстротга танцага тушишини эсларди.

Ойша уларга қараб туриб, бир замонлар бу оилани танимаганига, билмаганига ишонгиси келмасди. Унинг назарида Медер унинг ўғли-ю, Бурул — келини, Анора ва Гулнора эса унинг неваралари, гўё у ҳеч қачон ёлғиз бўлмаган, одамлардан ўзини олиб қочмаган, уларни доим севган, ҳамиша улар билан бирга бўлган.

«Мен шу оилани сақлаб қолдим, болаларига бахтни, қувноқ кулгисини қайтардим», — деб ўйларди Ойша.

\* \* \*

Мусибат кутилмаганда юз берди.

Бир куни эрталаб Ойша Медер, Бурул икковининг бир-бирлари билан гаплашмаётганларини пайқаб қолди. У ўзича, ораларидан шунчаки бир арзимас гап ўтгандир-да, деб ўйлади. Уша куни Медер кечаси алламаҳалда келди. Эшикни Ойша очди, Медердан гул этиб ароқ ҳиди келди. У узр сўраган бўлиб, алланималар деб гўлдиради-да, уйига кириб кетди.

Эртаси куни ҳам худди шундай бўлди. Ойша аралашини эп кўрмади-да, Қораболтидаги дугонасиникига кетди, эр-хотин ярашиб, тил топишиб кетар, деб жуда ишонганди.

Йўқ, у янглишган экан. Уйига қайтиб келганида стол устида ётган хатга кўзи тушди:

«Ойша опа, сизни кутдик, келавермаганингиздан кейин ноиллож кетдик. Биз Шимолга ветишга қарор қилдик. Уша ерда ишлаб кўрамыз, аҳтимол ҳаммаси

изга тушиб кетар. Келгунимизча уйимизда Медернинг студент укаси яшаб туради. Хат ёзиб турамиз. Сизни, бизнинг меҳрибон Ойша опамизни бағримизга босиб, ўлиб қоламиз».

Кекса аёл мажолсизгина қўлларини тушпирди. Уша кечаси мижджа қоқмади, деразага тикилганича аччиқ-аччиқ йиғлади...

\* \* \*

Уй ичи худди сағанадай жимжит эди. Ойша ёлғиз қолди. Зерикарли, файзсиз кунлар бирин-кетин ўтаверди. Ташқарида сарғиш япроқлар секин ерга узилиб тушиб, жон берарди... Куз шаҳарга секин, хотиржам кириб келди.

Шундаям тоза идиш-товоқлар бир неча бор ювиб чиқилди, ювиладиган нарсаларнинг ҳаммаси ювиб бўлинди, поллар бўялди, деворлар оқланди, ҳолбуки байрамга ҳали анча бор эди. Энди бу аёл нима қилишини, қўлини нимага уришини билмасди, қиладиган ишнинг ўзи йўқ эди. Китоб ўқимоқчи бўлди — кўзлари толиқди, кўзи китобда-ю, хаёли бутунлай бошқа нарсада эканлигини ўзи ҳам сезиб турар эди: у Гулнорани, Анорани ва... бир неча йил муқаддам умрида биринчи бор уни буви, деб чақирган ўша оқ-сарик сочли дўмбоқ қизчани ўйларди.

Бу воқеа минг тўққиз юз қирқ саккизинчи йилда бўлганди...

Эрталаб эшикни биров тақиллатди. Ойша дераза олдига бориб қаради-да, остонада икки кишининг қорасини кўрди. Улардан бири новча, иккинчиси пакана эди. Февраль совуғидан деразаларни қиров босганди, уларнинг юзини ажратиб бўлмасди.

— Ким?

— Бизлар! Илтимос, очинг.

— Кимсизлар?

— Очинг, сизга айтадиган гапимиз бор.

— Нима гапларинг бор?

— Эркиннинг ойиси шу ерда турадими?

— Ҳа, шу ерда! — Ойша эшикни ланг очиб юборди.

Ёски тивит рўмолга ўраниб олган ёш жувон кирди, уч ёшлар чамасидаги қизчани қўлидан ушлаб олганди.

— Сиз кимсиз?

— Бизми?.. Бу қизча неварангиз,— деди аёл ва қизчанинг рўмолини ечиб қўйди.

— Қанақа невара?

— Ўғлингизнинг қизи.

— Ўғлингизнинг? Ахир, ўғлимнинг ўлганига неча йиллар бўлиб кетди-ю... У...

Кейин улар чой ичишиб, узоқ гаплашиб ўтиришди; қизча ухлаб қолди. Аёл Эркин хизмат қилган қисм икки ой бурун уларнинг қишлоғида турганини гапириб берди. Улар бир-бирларини севиб қолишган. Эркин олдинги маррага кетаётиб, онасининг адресини қолдирган, хат ёзиб тураман, деб ваъда берган, лекин елмаган. Балки хати бирор жойда йўқолиб қолгандир, эҳтимол ёзишга ҳам улгуролмагандир. Фашист ўқидан ҳалок бўлган. Бир неча ойдан кейин уруш ҳам тугаган, орадан кўп ўтмай шу қизча туғилган.

Ойша ухлаб ётган қизчага диққат билан узоқ тикилди, лекин ўзига таниш бирор белги тополмади, би-роқ қоши, киприги қоп-қора эди.

Ойша нима қиларини билмай, боши қотди. Ишонсинми ё ишонмасинми? Жуда ишонгиси келарди-ю, лекин яна ким билади дейсиз, ҳаётда нималар бўлмайди? Шундай уятчан, тортинчоқ, одамови Эркин, ёшгина бола ўзидан катта хотинни бирпасда қандай севиб қолдйкин, у билан турдйкин? Ахир, унинг қайлиғи бор эди-ю, қиз уни севарди, кутарди! Яқинда газетада бир қаллоб ҳақида ёзишганди; у беваларнинг олдига келаркан, ўлган эри тўғрисида баъзи бир нарсаларни олдиндан билиб олиб, қаёқдаги ёлгон-яшиқ гапларни бичиб-тўқиб, уларнинг ишончини қозонаркану, уйда яшаб қоларкан, кейин пайт пойлаб қўлига илинган нарсанинг ҳаммасини оларкану гойиб бўларкан. Ойша бу аёлни шундайлардан деб ўйламасди, албатта. Унинг гап-сўзларига қараганда, Вера Эркинни жуда яхши билади.

Аёл қизи билан Ойшаникига жойлашди, ўзи заводга ишга кирди. У бир куни одатдагидан кечроқ келди-да, қандайдир бир тўгаракка ёзилганини айтди. Орадан бир неча кун ўтганидан кейин у яна ҳам кеч келиб, кинога тушдим, деди. Бошқа сафар Ойша Верани бир эркак кузатиб қўйганини пайқади. Ойша шундай бўлиши табиийлигини тушунарди, албатта, Верани

қизганишга ҳаққи йўқ, унинг битта-яримта билан учрашишига монелик қилолмайди, лекин барибир бунга чидолмасди. Бир куни чидаёлмай сўради:

— Сени кузатиб қўяётган йигит ким ўзи?

— Бир цехда ишлаймиз,— деб жавоб берди Вера.

— У сенга уйланмоқчимми?

— Билмадим...

«Ундай бўлса, нега сен билан етаклашиб юради?» — деб сўрамоқчи бўлди, лекин гапи бўғзида қолди.

Ҳадемай у йигит Верани кузатмай қўйди, унинг ўрнига бошқаси пайдо бўлди — эгнида погонсиз офицерлар кители, кўксига иккита орден колодкасини қадаб олганди.

Ана шундан кейин Ойша Вера билан очиқчасига гаплашмоқчи бўлди.

— Сен мени тўғри тушунгин,— деб гап бошлади Ойша,— биз очиқчасига гаплашиб олишимиз керак. Сен ёшсан, чиройлисан, ўн гулингдан бир гулинг очилгани йўқ, сенга тўғоноқ бўляпман шекилли. Сен келажакнинг йўлашинг керак. Бирор яхши одамни учратиб, у билан оила қурсанг ҳечам хафа бўлмайман...

Вера ҳеч нима демади, йиғлай бошлади. Балки у бу ерга шу Ойша опани деб келганини тушунтирмоқчи бўлгандир (бу Эркиннинг илтимоси эди), лекин негадир ҳеч нима гапиролмади. Афғидан, Ойша опанинг нимадандир шубҳаланаётганини, кўнглида бу қизчани неварам, деб бағрига ололмаётганини Вера сезган эди. Хуллас, орадан бир оз вақт ўтганидан кейин Вера қизини олиб жўнаб кетди. Хат ёзиб тураман, деб ваъда берганди, атиги битта хат ёзди, хатни Тошкентга яқин бир жойдан юборибди, хатида фабрикага ишга кирдим, ётоқхонада турибман, дебди...

\* \* \*

Ойша эски хатларни қайтадан ўқиб чиқмоқчи бўлди. Улар кўп эмасди: сарғайиб кетган бир нечта хат эридан, учта хат ўғлидан, мана бу бир энлик хат Верадан келганди. Мана, биринчи хат, у жанубдаги қайси ҳам қишлоқдан тўппа-тўғри техникумга келганди, Мукаш ўша ерга ишга кетганди. Унда улар ҳали қовушишмаган эди. Мукаш ишдаги қийинчиликлар, ерли халқнинг урф-одатлари тўғрисида узундан-узоқ ёзар-

ди, хатининг охирида атиги бир оғиз сўз бўларди: «Кутгин». Ҳар хил жойлардан бир нечта откритка юборди, уларда Ойшанинг соғлигидан ташвишланиб (Ойшанинг ой-куни яқинлашиб қолганди) ёзарди, кейин икковининг ҳам: хотини билан ўғлининг соғлигини сўраб-суриштирадиган бўлди. Катта шаҳардан келган хатлар йўқ эди: Ойша ҳаммасини йиртиб ташлаганди, фронтдан келган битта хатини сақлаб қўйганди...

Ойша хатларни кўздан кечириб узоқ ўтирди, уларни ўқимасди, шунчаки ҳарфларига, таниш ёзувга қараб ўтирарди. Хатларнинг мазмунини у ёддан биларди.

Ўғлининг хати...

Биринчи хатини ёш бола ёзганлиги шундай кўриниб турарди, пионер лагеридан келганди: ҳарфлари қинғир-қийшиқ, бир-бирига мингашиб ётарди. Уларнинг отряди қайиқда сайр қилишгани ҳақида уч саҳифани тўлдириб ҳикоя қилганди. Иккинчи хатида қўли анча келиб қолганди. У мобилизация қилинганларни ўқитишаётган шаҳардан келганди. Учинчи хатини фронтдан ёзганди. Кейин қорахат келди.

Ойша хатларни яхшилаб тахлади-да, целлофанга ўраб, устидан лента билан боғлади, кейин яна ечди: уларни машинкада қайтадан кўчириб босмоқчи бўлди, ахир, қоғоз вақт ўтиши билан сарғайиб кетади-да, баъзи хатлар қаламда ёзилгани учун ҳарфлари ўчиб кетганди. Ойша машинкани стол устига қўйди, уни фланель латта билан артиб чиқди, эридан келган биринчи хатни олди-да, очиб, текислади, эски мис линейкани олиб, сатрнинг тагига қўйди, стулга яхшилаб ўтириб олиб, босмоқчи бўлди, қарасаки, хат бошидаги сўзлардан биронтасини ҳам ўқиб бўлмайди. Ойша биринчи сўзларни эслай-эслай аранг ўқиб чиқди, бармогини машинка тугмасига босган эди, тик этган товуш эшитилди, лекин ҳарф ёзилмади — лента эски эди; у янги лентани қўйди-да, шошмасдан, ҳарфларни биттадан уриб, биринчи сўзни ёзди: «Жонгинам». Гўё куни билан ишлаган одамдай қўлларини ҳорғин пастга туширди.

У бошини машинканинг совуқ корпусига қўйганича анчагача чурқ этмай ўтирди.

Ойша бошини кўтарганида хона ичига қоронғилик



чўкканди. У балконнинг эшигини очиб юборди. Енгил куз шабадаси юзига гуп этиб урилди, сочларини тўз-гитди. Яқиндагина ёмғир ёғиб ўтганди, уйнинг томи-дан ёмғир томчилари чак-чак томарди, гўё уй ҳам ўз баҳорини қўмсаб йиғлаётгандай эди. Деразаларда бирин-кетин чироқ ёна бошлади. Пастда асфальт кўча ялтирарди, унда фонарлар шуъласи акс этарди. Қар-шисидаги студентлар ётоқхонасининг балконида бир қиз турарди, эшикнинг ёрқин фонида у худди тушда чизилган суратга ўхшаб кетарди. Музыка эшитилди. Кучли бир овоз куйларди:

Тугён урманг, ҳисларим,  
Хокисор қалбим, ором ол.

Овоз тиниши билан шаҳар, уйлар, асфальт устида виолончелнинг мунгли садоси мисоли туман сузиб юрарди.

Оғир дамлар орқада қолур,  
Икков яна бўлурмиз бирга.  
Лаблар бўсаларда туташар яна.

Куй уйқуга кетаётган шаҳарни, куз япроқларини, тунги сукунат ва ёлғиз юлдузга маҳлиё бўлиб турган қизни эркалайди.

«Ҳой қизча, сени у ёқда, олдинда, ҳаётда нималар кутяпти? Мен ҳам бир вақтлар сендай эдим, мен ҳам юзимни тонг шамолига тутиб, тонг юлдузи — Чўлпон чиққунича ўтов олдида чурқ этмасдан турардим. Сенинг ҳам толеинг меникидай паст бўлмасмикин? — Ойшанинг лаблари қалтираб, томоғига бир нима тиқилгандай бўлди. — Йўқ! Йўқ! Сен бу хўрликларни кўрмайсан! Ҳеч қачон! Ахир, ўғлим сени деб, сени бахтингни деб ҳалок бўлди! Бундай ўғиллардан озмунча эдим! Сенинг мана шундай тура олишинг, юлдузларни томоша қилишинг, ўз бахт-иқболинг ҳақида ўйлай олишинг...»

Э, айтмоқчи, бу фикр-мулоҳазаларнинг кимга ке-раги бор? Балки, урушда ким ўлиб, ким қолгани бу қизни мутлақо қизиқтирмас? Тўғри, бу қиз улар ҳа-қида эшитган, китобларда ўқиган. Эҳтимол, унинг учун бу шунчаки бир авлоднинг иккинчи бир авлод

билан алмашилишидир — гўё бу гаплар бир замонлар бўлиб ўтгандай — бировлар кетдию бошқалар келди.

...Шамол Ойшанинг оқ оралаган сочини яна тўзитди. Томдан йирик-йирик томчилар туша бошлади. Сарғиш япроқлар гир-гир айланарди. Яна ёмғир ёға бошлади. Қаршисидаги балкондан энди джаз садолари эшитиларди. Қиз ғойиб бўлди.

\* \* \*

Совуқ тушди. Октябр охирлашиб қолганди. Ойша опа ўзини анча олдириб қўйди, яна кечалари уйқуси кочадиган бўлди. У врачга узради, таблетка ёзиб берилди. Ойша опа таблеткадан бир-иккитасини ичди-да, ўша заҳоти ухлаб қолди. Уйғонса, катта тўлин ой деразадан мўралаяпти. Ваннада сувнинг жилдираши эшитиларди. Кейин сувнинг жилдираши ҳам тинди. Жимжит бўлиб қолди. Ойша ваннага кириб, кранни очиб юборди, яна сув жилдираб оқа бошлади, унинг жилдираши Ойша туғилиб ўсган, болалиги ўтган, дугоналари билан оёқ яланг ҳопиб юрган, лолақизғалдоқлар терган тоғлардан оқиб тушадиган жилғаларнинг овозига ўхшарди. Лолақизғалдоқлар! Улар бунча нозик, мўрт бўлади-а? Узмасингданоқ барглари тўкилиб кетади. Шунинг учун ҳам халқда: «Лолақизғалдоқ узманг — барглари тўкилиб кетади, қиз боқманг — эрга тегиб кетади», дейишади-да.

Куз кунларининг бирида эшик қўнғироғи жириглаб қолди, Ойша бир сесканиб тушди-да, халатини тугмалашни ҳам унутиб, эшик томон шошилди. У, Бурул қизлари билан қайтиб келди, деб ўйлади. Лекин остонада кулимсираган Гулсун турарди. Ойша уни ҳадеганда танимади. Гулсун тугмалари катта-катта кенг кўйлак кийиб олганди. Жувон озиб кетганди, катта кўзлари порларди. Юзи тиниқ, тоза эди...

— Э, Гулсун, кел, кел, қандай шамол учирди? Нега остонада турибсан, ичкарига кир. Келганинг яхши бўлди, хари синдириб юборсаммикан?

— Вой, нега энди? — деб сўради Гулсун тушунмасдан.

— Ҳа, халқимизда шундай гап бор. Киши бирор яхши, эзгу иш қилса, мана шундай дейишади.

— Ҳа!.. — Гулсун кулиб юборди. Ойша ошхонага

кирди-да, бир минут ўтар-ўтмас тарелкада бўғирсоқ олиб чиқди.

— Ҳа, одам қариганда иримчи бўлиб қоларкан. Ол, бўғирсоқдан егин, қоғиндиқ, ўзим пиширганман.

Гулсун пўрсилдоқ бўғирсоқдан биттасини олди.

— Хўш, қани гапир, турмушинг қалай, болаларчи? Ҳа, келганинг жуда яхши бўлди-да, баракалла! Мени унутиб юбордиларингми, деб юривдим.

Гулсун сумкасида икки дона апельсин олди-да, стол устига қўйди:

— Эрим Москвадан олиб келувди.

— Вой, бунчаям чиройли-а! Раҳмат, Гулсун. Наҳотки Москвада ўсса?

— Йўғ-е, бошқа ёқдан олиб келишган бўлса керак... — у Ойшанинг киноясини тушунмади.

— Вой, келганинг жуда яхши бўлди-да. Хўш, қани, янгиликлардан гапир. Редакцияни бошқа бинога кўчиришармиш, деб эшитдим, ҳали кўчиб ўтмадиларингми?

— Ҳали кўчиб ўтишмагандир, — Гулсун елкасини қисди.

— Нима, ишга бормаяпсанми?

— Ҳа... — Гулсун сўз тополмай қолди. — Сиздан кейин кўп ўтмай мен ҳам кетганман. Каттам биринчи синфга борди. Эрим бошқармада ишлаётти. Диссертациясини ҳимоя қилди. Мен уй бекаси бўлиб қолдим. Ҳа, болалар билан куннинг қандай ўтганини билмайман. Агар ҳаммаси кўнгилдагидай бўлса, яна фарзанд кўралиш. Уларни қандай эплайман, ҳайронман, жинни бўлиб қолсам керак! — Гулсун нима мақсадда келганини дарров айтишга юраги бетламади, ўзини ноқулай сезиб, кампирнинг олдига ўша захоти келгани учун ичида ўзини-ўзи қойди. Ушанда келишиш осон бўларди. Ойша Гулсуннинг ниятини билиб турарди-ю, лекин ҳеч нима демади.

Жувон бўлса тинимсиз гапирарди: ҳадемай иссиқ суви, газидан бор уч хоналик уй олишини гапириб берди. Катта телевизор олишибди. Хуллас, уларникида ҳечам зерикмайсан.

Гулсун ўзинча, мен гапни жуда ўрнига қўйяпман, поэтик жойидан оляпман, деб ўйларди.

— Ҳа, бола боқиш, уларни катта қилиш осонмас, — деб хотиржам гап бошлади Ойша апельсиннинг пўс-

тини арчаркан.— Қўшнилари бор эди. Иккови ҳам ёш, келишган эди, бир танишим, сўққабош кампир болаларини тарбиялашга ёрдам бермоқчи бўлди. Болаларига шундай ўрганиб қолдики, уларсиз туролмасди...— Ойша анчагача жим қолди, кейин негадир тозаланган апельсинни бир четга қўйди-да, иккинчисини тозалай бошлади.— Улар шартта кўчиб кетишса бўладими... Кампир ўз болаларидан яна бир бор айрилгандай бўлди... Олдимга тез-тез келиб туради, бечора йиғлагани йиғлаган...

Гулсун Ойша опанинг кўз ёшларини артаётганини кўрди.

— Ахир, бир кампирни деб бу ерда қолишолмайди-да, бошқа шаҳарга кетишмоқчи экан, кетишади-да...

— Кечирасиз, Ойша опа, кўнглингизни бузмоқчи эмасдим,— деди Гулсун ғамгин.

Гулсун хайрлашиб кетди, нега келганини айтишга тили бормади.

\* \* \*

Қуёш нури шундай юзига тушарди, у кўзларини қисди. Биринчи қор ёғди. Қайрағоч шохлари қор юкидан эгилиб ётарди. Ўрнидан тургиси келмасди, ётавериш ҳам жонига текканди. Аёл деразага тикилганча узоқ туриб қолди. Қуёш ғойиб бўлди — энди унинг нурлари тўқ қизил расмлари бор сочиқ ташлаб қўйилган каравотнинг орқасига туша бошлади. Соатга қаради — у тўхтаб қолганди. Назарида деразани секин тақиллатишгандай бўлди. Ойша бошини кўтариб қаради — кичкинагина кулранг қушча қор тўкиб, шохдан-шохга сакради, кейин яхшилаб ўрнашиб олди-да, қанотларини узоқ силкитди, бошини шўхчан бир-икки ликиллатди-ю, пир этиб учиб кетди.

«Дунёнинг иши қизиқ экан-да»,— деб ўйлади аёл.

Инсон ҳам мисоли бир қуш: оламни кўриш, севиш-севилиш, изтироб чекиш, кулиш, йиғлаш, кўзларини қисиб, қуёшга қараш учун йўқдан бор бўлади, кейин пир этади-ю, учади-кетади. Табиатнинг қудратли, абадий гирдоби олдида, ҳаёт зарурати, муқаррар ўлим олдида одамларнинг арзимас ғам-ташвишлари, ўзаро бўладиган муносабатлар, майда-чуйда кўнгилсизликлар, ранж-аламлар нима деган гап! Нега энди у эри-

нинг қадрига етмади, уни кечирмади? Афтидан, шунинг учунки, у ёш, куч-гайратга, ҳис-туйғуга тўла эди, чинакамига сева оларди, ёмон кўрса ҳам астойдил ёмон кўрарди! Айтишларича, эркак зоти ёлғиз яшай олмас эмиш. Балки эри ундан ажраб, шаҳарда бир ўзи қолганидан кейин ёлғизлик азобига чидаёлмади шеклилли, ўша аёлга интилди, у бечора аёл ҳам бунга пешвоз чиқди, буни шунчаки кўнгилхушлик учун қилгани йўқ, албатта... У, қани энди, одам ўттиз ёшида ҳам олтмиш ёшидагидай ақлли, доно бўлса!

Ойша негадир тепадаги қўшниси — кекса сарта-рошни эслади. У ҳар куни эрталаб эски тўшагини балконга олиб чиқиб ссарди, орқасини офтобга бериб ўтирарди, ихрарди-сихрарди, тамаки чекарди, сирланган кружкада ёвгон шўрва пиширарди, Ойшаникига чой сўраб кирарди — бир ўзига чой қайнатишга эринарди, қўшнилари эса у чойни ҳам тежайди, деб ўйлашарди. Ойша унинг бир куни доғ сув сўраб кириб, айтган гапини эслади.

— Келинг, чойни ичтиб берай, сөзиб қолди, — деб таклиф қилди Ойша.

— Э! — деб қўл силтади чол. — Барибир эмасми? Ҳамма қайноқ нарсалар ҳам бориб-бориб ахирини совибди-ю...

Деразанинг тиқ этганини эшитиб, яна сесканиб тушди — яна ўша кулранг қушча учиб келганди. Аёл ўзича кулимсираб қўйди. Қушча нимаси биландир Верани эслатарди — Вера ҳам ишдан келиб, плитанинг олдига ўтирарди-да, совқотган оёқларини ичтарди, худди шу қушчага ўхшаб тикиларди. Бурни ҳам сал қанқайган эди. Ўғлим у билан яшабдимиз, уни эркалабдимиз, демак Верани севган экан-да. Балки қизча чинданам ўғлимнинг қизи. Бориники, бегонадан бўлсин! Бола, бола-да. Қизча ҳеч қачон ҳеч нима билмасди, уни ўз бувим дерди. Веранинг ота-онаси ҳам, қариндош-уруғлари ҳам йўқ эди — ҳаммалари ўлиб кетганди, у Ойшанинг олдига келганди, Вера озмунча йўл босдимиз, не-не машаққатлар билан бир ой деганда етиб келди, уни қидириб, сўраб-суриштириб топди, демак у ўз яқин, қадрдон одамини қидирган-да. Борди-ю, Вера бу ерда бошқа бир одам билан топишиб, ўзга юртга кетган тақдирда ҳам, қизчани олиб қолиши, ялиниб ёлвориб бўлсамиз олиб қолиши, уни тарбиялаб

катта қилиши, кейин унинг болаларини бағрига олиши керак эди. Нега энди бу ҳақда у илгарироқ, йигирма йил бурун ўйламади, нега энди ўзидаги аллақандай бир кучни, соддагина қилиб айтганда, бидъатни енга олмади? Ёшмиди? Уғлим ё эрим қайтиб келади, деб умид қилганмиди? Ҳа, афтидан, кўнглида нималаргадир ишонарди, нимагадир умид қиларди... Ахир, шундай бўлиши мумкинми, ҳаёт соғлом, ёш йигитни ҳамма нарсадан, ҳатто келажагидан ҳам маҳрум этиши мумкинми? Йўқ, йўқ. Афтидан, ўшанда унга жиндай меҳрибонлик этишмади шекилли. У каравотида эсанкираган одамдай ғалати бир ҳолатда узоқ ўтирди.

Верани, унинг қизини қидириб топиш керак. Мана, унинг сўнги адреси. У Тошкентдан ёзганди. Тикувчилик фабрикасига ишга кирибди. Қизи билан ётоқхонада тураркан. Эҳтимол, энди кетиб ҳам қолгандир. Лекин қандайдир ҳужжатлари бордир, ахир, қаёққа кетганини айтиб кетгандир. Эрга теккан, фамилиясини ўзгартириб, ўз ватанига қайтиб кетган бўлиши ҳам мумкин. Лекин барибир уни топса бўлади. Ҳар ойнинг ўн учинчи числосида ёзувчи Агния Барто қариндош-уруғларни қидириб топишга бағишланган эшиттириш олиб боради. Унга хат ёзиб юбориш керак, бир вақтлар катта хатога йўл қўйганингга иқрор бўлиб, кечирим сўрашинг керак. Хуллас, хатни шундай бошлаш керак: «Азизим Агния Львовна, сизга бу хатни узоқ Қирғизистондан бир аёл ёзпти, умримда икки марта катта хато қилдим. Утиниб сўрайман, ақалли ўша хатомнинг биттасини тузатишимга ёрдам беринг...» Вера албатта жавоб беради, бордию унга бирор гап бўлган бўлса, қизи албатта ёзади. Қари аёл билан ёш қизча бир-бирларини топишади, дийдор кўришади.

Қуёш анча кўтарилиб қолганди, унинг нури энди сурат осилган деворга тушганди — суратда кема баҳайбат муз харсанглари оралаб, кўм-кўк сув кўксини ёриб олдинга интиларди... Йўқ. Ҳаёт ҳали тугаганича йўқ! Оёққа туриб, юриш керак. Одамлар билан бирга бўлиш керак.

Ойна ўрнидан турди. муздай сувга юз-қўлини юрди, ойна сизига келди. Сйнадан унга озгин, сочларига оқ оралаган, гамгин ўй-фикрлардан, уйқусизликдан анча эзилган, кўзлари ичкисига боғиб кетган қари аёл қараб турарди, лекин бу кўзларда билинар Эвлинмас

учқун, ҳатто қандайдир шўхлик бор эди. Ойша тез-тез кийинди-да, остонада ўгирилиб, суратга яна бир қаради.

Кема музларни ёриб, олдинга сузарди.

\* \* \*

Икки кундан кейин Фрунзе — Тошкент поезда уни бир неча йил муқаддам дастлабки иш кунини бошлаган шаҳарга олиб борарди. Вагон ичи дим эди. Ойша тамбурга чиқиб, папирос тутатди. У охириги марта поездда қачон юрганини эслаёлмайди. Бунга жуда кўп йиллар бўлди, қачонлиги ҳам эсида қолмаган, балки йигирма, эҳтимол ўттиз йил бурундир. Қаёққа кетаётганди? Нега? Ҳаммаси хотирасидан ўчиб кетганди.

Аёл тоғларга, вагон деразалари олдидан липиллаб ўтиб турган бутазорларга суқланиб қарар, ундаги мевалар оч сариқ рангда эди. Сариқ ранг. Бу ай-рилик, ай-рилик, ай-рилик рамзи — вагон ғилдираклари бир оҳангда шундай деяётгандай эди. Айрилиқ... Ойша ҳижрон азобини озмунча тортдими! Унинг одамови, бемеҳр бўлиб қолгани ҳам шундан эмасмикин?

Биринчи бор ҳижрон дардини кўп йиллар бурун, ярим кечада эрини катта шаҳарга ўқишга жўнатаётганда ҳис этганди. Эрининг дўстлари бир чеккага чиқиб, шивирлашиб гаплашиб туришганди. Ойша юзини Мукашнинг кўксига қўйиб, йиғлаб юборганди.

— Вой, нега йиғлайсан-а, нима, мени ўлимга юборяпсанми, — деди Мукаш Ойшани елкасидан қучоқлаб.

— Билмадиму, лекин кетишингни ҳечам, ҳечам истамайман, — деди у.

— Вой, тентак-ей. Ахир тезда қайтаману, озгина ўқисам, бошлиқ бўламан, ҳозиргидан ҳам катта бошлиқ бўламан, — деди у ҳазиллашиб. Лекин Ойша ҳамон ҳиқиллаб йиғларди.

Поезд пахта далаларининг ёнидан ўтиб борарди. Сувсиз чуқур ариқлар худди ер бетигаги чандиқлардай қорайиб кўринарди. Одамлар тўда-тўда бўлиб ва якка-якка ишларди. Эркакларнинг эғнида кўкраги очиқ оқ яктак, бошларида дўппи, хотин-қизлар гулдор кўйлак кийиб олишган. Улар офтобда қорайган юз-

ларини кўтариб, поезд орқасидан узоқ қараб қолишарди, кулиб, қўлларини силкитишарди.

Вагон гилдираклари — айри-лиқ, айри-лиқ деб тақиллаётгандек...

Эридан даярли ҳар куни хат келарди, ҳамма нарса тўғрисида батафсил ҳикоя қиларди. Бора-бора хатлар кам келадиган бўлди. Иккинчи йилнинг охирига келиб, умуман, алоқа узилди. Ойша уйга беҳудага шошарди — энди почта яшиги доим бўм-бўш бўларди.

Мукаш бутунлай бошқача бўлиб қайтди: у ёқда, шаҳарда бошқасини топибди. Ойша одамови, баджаҳл бўлиб қолди. Унинг назарида, Мукашга ўхшаб бошқа хотинга кўнгиш қўйиш, уйланишга ҳар қандай эркак қодир эди...

Эри фронтга кетаётганида Ойшанинг вокзалга жудаям боргиси, Мукашнинг кўзларига тикилгиси, уларда аллақандай янги нарсани кўргиси келди, эҳтимол у бу нарсани ҳеч қачон кўрмагандир, бинобарин тушунмагандир. Лекин аёллик гурури бунга йўл қўймади.

Шундай қилиб, Ойша ёлғиз ўғли билан қолди. Ойша бошланғич синфларга дарс берарди, эртадан-кечгача мактабда бўларди. Ўғли ўқишдан келиб ўтин ёрар, печь ёқар, товада зогора ёларди, кечалари дарс тайёрларди, чанғида учарди, конькини негандир ёмон кўрарди, дўстлари эса кечасиё кундузи машиналарнинг орқасига ёпишиб, кўчама-кўча «учиб» юришарди.

Она-бола фақат эрталаблари, нонушта пайтида, ярим кечада кўришишарди, камдан-кам гаплашишарди, Мукашдан сира гап очишмасди.

Эркин ўнинчи синфда ўқирди. Ёни ўсган сайини у одамови, тортинчоқ бўла борди, кўп ўқирди, юриёт бўлишни орзу қиларди. Лекин очигини айтганда, Ойша ўғлини яхши билмасди. Агар унинг синфида биронтаси доскага Буратионинг суратини солса, сиёҳдонга сўргич қозони гижимлаб ёки бўрни тикиб қўйса, буни қирқ боладан қайси биттаси қилганини аниқ айта оларди-ю, лекин ўз ўғлини яхши билмасди.

Охирги Янги йил кечаси яхши эсида. Ушанда Эркин синфдошлари билан уйга келганди. Уч бола ва битта қиз танца қилишганди, ўйнаб-кулишганди, соат



Ўн иккида Янги йилни пиёлаларда чой билан кутиб олишганди. Эртасига эрталаб Ойша шаҳар военкоматида бўлди. Гармонь садолари янграрди. Одам жуда кўп эди. Улар ашула айтишар, ўйинга тушишар, йиғлашарди, оломон орасида болалар изғиб юришар, «Пап-пиросс!» — деб устма-уст қичқирришарди. Ойша улардан биттасини чақирди-да, бир пачка «Цветка» папироси олди, ичида юз дона бор эди, биттасини олиб тутатди.

— Хола, битта чектиринг, — деб илтимос қилди ичганидан юзи қизариб кетган йигитча.

Ойша унга бир неча дона папирос берди; кейин унинг сочларини қирдирган ширакайф оғайнилари ҳам келишди. Сал ўтмай пачкада бир дона ҳам папирос қолмади.

Одамлар армияга чақирилганларнинг охириг группасини олиб чиқишларини кутиб туришарди.

— Келишяпти, келишяпти! — деган овозлар эшитилди. Ҳар томондан ҳамма военкоматнинг кўк дарвозаси томон силжиди. Колонна кўринди. Олдинда младший лейтенант борарди. У жуда ораста, шинели ҳам ўзига қуйиб қўйгандек, шунинг учун ҳам колоннада кетаётган йигитлардан каттароқ кўринарди, ҳолбуки унинг ўзи ҳам ўшалар билан бир ёшда эди. Армияга кетаётган йигитлар ишчилар киядиган пахталик, эски пальтоллар, ёзги кепкалар кийиб олишганди, — афтидан, улар Тошкентда кийим-кечак оламиз, деб умид қилишарди.

Колонна вокзалга қараб йўл олди. Кузатгани келганлар унинг орқасидан отилди, каттагина одамлар оқими пайдо бўлди, кампирларнинг кўзёшини, жувонларнинг ҳиқиллаб йиғлашини, чолларнинг маъюслигини кўрмаган одам, буларни байрам иштирокчилари деб ўйлаши мумкин эди. Йигитлар қўпол, қалтис ҳазиллашар, жўрттага қийқирришиб кулишар, ўзларининг ҳеч нимадан кўрқмасликларини, урушга ўйнаб кулиб кетаётганликларини кўрсатишмоқчи бўлишарди.

Эркин ўнг томонда, энг чеккада борарди. Ойша ҳам бошқа аёлларга ўхшаб, ўғлининг қўлидан ушлаганча кўлмак сувларни ҳам пайқамай ёнида индамай қадам ташларди, фақат ўқтин-ўқтин кўз ёшини артиб қўярди. Эркин эса секин, эшитилар-эшитилмас қилиб: «Қў-

йинг, ойи», дерди ва дўстларига, ёнма-ён кетаётган Сонияга гуноҳкорона қараб қўярди.

«Болажонларим, ширин-шакар, тўполончи болажонларим. Қаёққа кетяпсизлар? Қани энди, қўлимдан келсаю Гитлернинг кўзларини ўйиб олсам! Қўзичоқларим, нуридийдаларим, ахир кўпларингиз қайтиб келмайсиз, ёки майиб-мажруҳ бўлиб қайтасизу сиз бўлсангиз, кулиб, ҳазил-ҳузул қилаётибсиз! Ақалли кулмаларинг. Кулганларингни кўриб, юрагимиз баттар эзилади!» — деб ўйларди Ойша.

Белоруссия рўдная, Украина зелотая,  
И наше счастье молодое,—

дсб наст овозда ашула бошлаб юборди олдинда кетаётганлардан бири.

Мы стальными штывками отстоим? —

дсб бутун колонна қўшилишди. Кўчанинг икки четида соқчилардай тизилишиб турган мирзатераклардан чирий бошлаган кулранг япроқлар тўкиларди. Кейин ашулани колонна билан ёнма-ён келаётган одамлар илиб кетишди. Бу одамлар тўлқини баҳорда тошиб, тош харсангларни юмалатиб, йўлида учраган, оқишига халақит берган ҳамма нарсани емириб-янчиб келаётган тоғ дарёсини эслатарди.

Станцияга келишди. Хайрлаша бошлашди. Ойшага бир зум буларнинг ҳаммаси тушида бўлаётгандек, Эркин ҳали дўмбоққина бола-ю, қаршисида бутунлай бошқа бир йигит тургандек, уни энди кўраётгандек туюлди. Ҳаммаси тик турар, чурқ этмас эди.

Станцияда патефон қўйишганди, кимдир оқ йўл тилаб, дабдабали нутқ сўзлади. Хўш, бу нутқнинг нима кераги бор? Кимга ташвиқот қилиш керак? Фронтга муддатидан олдин жўнатинглар, деб туриб олишган, қанча вақт елиб-югуришган мана шу йигитчаларними?

Жўнашга биринчи сигнал берилди. Одамлар гимирлашиб, типирчилашиб қолишди, кўз ёши қилганлар яна қаттиқроқ йиғлай бошлашди, гапираётганларнинг овози яна ҳам баландроқ эшитилди, радиодан жанговар марш садолари янграй бошлади.

— Ўзингга эҳтиёт бўл, ўғлим. Шамоллаб қалма... Тошкентда уст-бош беришади-а? — деб сўради спаси гарчи буни яхши билса ҳам.

— Ҳа, ойи.

— Хат ёзиб тур. Мендан хавотир олма, мени ўйлама, ўзингни эҳтиёт қил.

Иккинчи сигнал янгради.

— Хўп, бор! Қолиб кетасан.

— Ойи... Хайр, яхши қолинг... — Эркин шу вақтгача ёнида индамай турган Сония томонга ўгирилди. Икки ёш бир зум бир-бирларига унсиз тикилиб қолишди.

— Ҳа, мана, кетяпмиз ҳам, — деди Эркин секин, худди пионер лагерига кетаётган одамдай.

Онаси ўгирилди-да, ўглининг чамадонини олиб, вагон томонга кетди; у ўзича, ёшлар мендан уялишяпти шекилли, деб ўйлади. Лекин Эркин Сониянинг елкасини аста силкитиб, унинг ингичка кафтини қаттиқ сиқди-да, вагони томон чолиб кетди, кўпчилик, онаси олдида севгилисини ўпишга ботинолмади.

Жўнашга охириги сигнал берилди. Эркин ўз вагонига етиб келди, кимдир қўлини узатиб, чиқиб олишга ёрдамлашди... Кузатиб чиққанлар поезд томонга отилишди, ҳамма бир нима деб қичқирар, ҳўнграб йиғлар, вагондаги йигитлар эса бир-бирларининг устига ёпирилиб, ўз қариндош-уруғларини сўнгги бор кўриб қолмоқчи бўлишарди. Ниҳоят паровоз, гўё бу йигитчаларни олиб кетиш малол келаётгандай оғир тин олди, изтиробли қичқирди... Чўян гилдираклар секин, эринчоқлик билан ҳаракатга келди, бир, икки, уч айланди. Яна. Яна. Тезроқ! Тезроқ! Янаям илдамроқ! Бутун перрон ҳаракатга келди, одамлар состав кетидан чопишди, у бўлса тобора узоқлашиб борарди. Боласини кўтариб олган, ёши қайтган бир аёл йигитчанинг қўлидан маҳкам ушлаганича вагон ёнида чолиб борарди, йиғларди, алланималар дерди.

Ойша ҳам вагон орқасидан чопди. У ўглининг кулимсираган юзидан бўлак ҳеч нимани кўрмасди, бошидан кўк дурраси учиб кетди, кимдир ердан олди-да, Ойшага бергани унинг орқасидан чопди. Ойша вагонга етай-этай деб қолганида состав юришини тезлатди. Ойша поездни тўхтатмоқчи бўлган одамдай унинг орқасидан чолиб борарди. Қирғизча телпак кийган бир йигит охирида:

— Кутинглари! Қайтиб келамиз-и-из! — деб қичқирди.

Унинг овозини паровознинг чинқириғи босиб кетди, ҳаммаёқни тутун қоплади. Кузатгани чиққанлар тўхташди, қора тутун уфқ орқасига ўтиб яширинмагунча улар қимир этмай туришди.

— Қайтами-и-из!— шу сўз Ойшанинг қулоқлари тагида жарангларди.

Лекин ҳаммаси қайтиб келмади...

Бир неча ойдан кейин: «Уғлингиз Прагани озод қилишда қаҳрамонларча ҳалок бўлди...» деган даҳшатли сўзлар ёзилган қорахат келди.

Бир парча қоғоз! Тўғри, қоғоз оқ эди, ҳарфлар эса қора эди, лекин Ойша қоғозни ҳам бир умрга қора рангда эслаб қолди.

«У-у-у!»— деб гудок берди тепловоз, қаттиқ бир силкиндио аёлнинг хотираларини бўлиб юборди.

Ойша вагонга кирди. Унинг купесига оқ чойшаб осиб қўйилганди. Купедаги қўшниси, Ойша пастки полкани унга берган ҳомиладор аёл чалқанча ётарди, ҳансираб нафас оларди, салқиган юсини тер босганди...

— Балки ҳозир станцияда тушиб қоларсиз?— деб сўради Ойша.

— Кўнмаяпти,— деди эри.— Ҳечқиси йўқ, чидайман, деяпти. Ҳа, Қорасувгача тўхтамасга ҳам керак.

Аёл эрига, Ойшага индамасдан қараб турарди.

— Яхши йигит, боринг, тамбурга чиқиб туринг, мен хотинингиз олдида бўламан,— деди Ойша.

Эри камзулини олди-да, купедан чиқиб кетди.

— Шу аҳволда йўлга чиқиб бўладими?— Ойша аёлнинг юзини сочиқ билан артди.

— Бунчалик бўлишини ким билибди дейсиз. Ярим ой бор, дейишувди... Балки врачлар янмишгандир...

— Биринчи фарзандингизми?— деб сўради Ойша.

— Йўғ-е, нималар деяпсиз,— аёл хикоятомуз жилмайди,— бешинчиси...

— Вой, ёшингиз нечада, азисим?

— Яқинда... Яқинда ўттизга тўламан.

— Улар билан қийналаётгандирсиз?

— Ҳа, осонмас албатта... У менга ачинади. Узи яхши, хушфеъл одам, ичмайди, болаларни жуда яхши кўради... Биринчи боламиз ўлган... Бир ёшга тўлганди. Шу-шу, болаларга сира тўймайди, туғавер, дейди. Майли, йигирмата бўлмайдами. Боқиншга-ку, қийнал-

маймиз-а, лекин ҳар йили қорнингни қапшайтириб юришга уяларкансан...

— Вой, бунинг нимаси уят... Болалар — бу ҳаётнинг гули... «Болали уй бозор, боласиз уй мозор», — деб қўшиб қўймоқчи эди-ю, лекин индамади.

— Агар поездда туғилса, эски вақтлардагидай, отини Йўлчи қўямиз-да, — деди аёл ва кулиб юборди.

Ойша ёстиқни тўғрилаб, букланган сочиқни аёлнинг елкаси остига қўйди.

— Яна қанча юрамиз, билмайсизми?

— Эсимда йўқ... — деди Ойша. — Ҳадемай келиб қолсак керак.

Эри купега кирди.

— Ҳа, нега кеб қолдинг... Яна бир оз ўтира турмай-санми... Мендан ташвиш тортмагин... — деди аёл.

— Ҳечқиси йўқ, ҳадемай Қорасувга етамиз... Менга бу ер тузук, — деб жавоб қилди эри.

Купеда сиқилишиб қолишди, Ойша тамбурга чиқиб кетди.

Поезд бепоеён пахта далалари орасидан ўтиб борарди. Тут дарахтлари узун соялар ташлагандай. Аёллар индан қайтиб келишарди. Ҳар бирининг бошида тугун. Кунботар пайт, қуёш уларнинг нозик чеҳраларини ёритарди, қадди-қомати келишган қиз-жувонлар дала ўртасидаги ёлғизоёқ йўлдан енгил қадам ташлаб, тизилишиб боришарди, улар гўё чиройли бир ўйинни ижро этишаётгандек эди. Ойшанинг уларга ҳаваси келди. Улар куни билан далада ишлашар, ҳазил-ҳузул қилишар, кулишар, битта-яримтани ёмонлашар, бирор бақироқ бригадирни калака қилишарди, мана энди ҳориб-чарчаб қайтишяпти, лекин куни билан анча иш қилганларидан мамнун, иш тугади, уйларига бориб, муздай сувга ювиниб-тараниб олишади, кейин ошга ёки бирор овқатга уринишади, болаларини, эрини, чолкашларини овқатлантиришади, сўнгра данг қотиб ухлашади. Тўғри, улар уйқусизлик, узун тунларни деразага тикилиб, бедор ўтказиш нималигини билишмайди...

Тамбур анча совиб қолди, кечки изғирин шундай юнига урардики, Ойша қаршидаги ойна олдига ўтди. Далалар, одамлар, дарахтлар гир-гир ўтиб турарди. Фақат олис-олисларда кўринган тоғлар гўё поездни

қўйиб юборишни истамагандай унинг орқасидан чо-  
пиб, тўғрироғи, сузиб келаётгандай бўларди.

...Уша қорахатдан кейин нима бўлувди?

Уруш тугади. Баъзилар тирик, соппа-соғ, бошқалар  
майиб-мажруҳ бўлиб қайтишди, нонга навбатда ту-  
ришганда битта-яримта тартибни бузгудек бўлса,  
таёқларини асабий силкитишарди. Ҳар ҳолда, нима  
бўлганда ҳам тирик қолганлар бир амаллаб кунини  
ўтказишарди, яраларини даволашарди, ўзларининг  
эски ишларига қайтишарди. Ойша ўғлининг ҳеч қа-  
чон қайтиб келмаслигига ҳадеганда ишонмай юрди.  
Тўғриси, мана ҳозир ҳам Ойша ишонмасди, лекин  
энди у умуман ўгли, эри, оиласи бўлганига ишонмас-  
ди. — гўё улар ҳеч қачон бўлмагандай эди. Гўё булар-  
нинг ҳаммасини шунчаки эртақларда эшитгандек,  
орзу-ҳавас қилгандек, тушида кўргандек туюларди,  
кимдир келиб, уни уйғотиб юборгану буларнинг ҳам-  
маси йўқ бўлиб кетгандай. Ушанда у ўғлининг ўлга-  
нига ишонмаганди, мана энди ўғлининг бўлганига  
ишонмасди...

Кўз ўнгида бирдан қирқ боланинг, қирқ шўх, тў-  
полончи боланинг юзи жонланди, уларнинг феъл-атво-  
ри, табиати ва тақдири гўё унга, ўқитувчи Ойша Му-  
саевнага боғлиқдек эди. Ҳар бир дарс унга янги  
ташвиш, янги қувонч келтирарди. Ойша уйга келарди,  
дафтарларни стол устига ташларди, туфлисини ечиб,  
ўзини диванга отарди-да, қирқ минутча ётарди, ҳеч  
нимани ўйламасликка ҳаракат қиларди. Лекин бари-  
бир ҳар хил ўй-фикрлар тинчлик бермасди. Йўқ, йўқ!  
Ҳаммаси кўнгилдагидай бўлади. У қайтиб келади.  
Атрофда ҳаёт қайнайди, ўзининг ҳам орзу-армонлари  
кўп, мана бу қирқ бола ҳам ўсиб-улғайишиб, яхши  
одамлар бўлишади. Баъзида ўқувчиларнинг ота-она-  
лари келишарди, у билан суҳбатлашишар, маслаҳат-  
лашишар, йўл-йўриқ олишарди. Ойша қизиқ-қизиқ  
воқеаларни гапириб берарди, куларди. Кейин мактаб  
дарслигини тузиш билан банд бўлди, у бу дарслик  
устида кекса ўқитувчиси билан бирга ишлади.

Янги директор келгунига қадар иш шу зайлда да-  
вом этди; у бугундан бошлаб мактабда асосан дип-  
ломи бор ўқитувчилар ишлаши тўғрисидаги гороно-  
нинг янги буйруғини ўқиб берди.

— Ахир, тажрибам бору бундан ташқари бошқа-

лар билан дарслик тузиб чиқдим,— деб эътироз билдирди Ойша.

— Мен нима ҳам қила олардим? Инструкция...— деди директор.

Бир ҳафтадан кейин Ойша редакциянинг машбюросида ишлай бошлади, пайсалга солишмай дарров ишга олишди.

Поезд юришини секинлатди, кейин тўхтади. Проводник найча қилиб ўралган байроқчасини кўтарганича тамбурга чиқди.

— Илтимос, вагонга киринг,— деди у.

— Нима, келдикми?

— Йўқ. Разъезд.

Ойша вагонга кирди. Одамлар чамадонларини, қопларини йиғиштирарди, кийинишарди. Купега осилган парда ҳали ҳам олинмаганди.

— Илтимос, агар малол келмаса, қарашворсангиз, кийиниб олсам,— деб илтимос қилди аёл.— Бу ёқнинг уқуви йўроқ, ярим соатдан бери кийинтиролмаянти...

Эри купедан чиқиб кетди. Ойша аёлни кийинтира бошлади.

— Шу ерда тушмасқчимисизлар?

— Ҳа. Шаҳарга етиб боролмайдиганга ўхшайман. Агар малол келмаса... нариги чамадонда янги кўйлагим бор.

Ойша кўкрагида чиройли тўри бор кўк ички кўйлакни топди-да, аёлга узатди.

— Мингдан-минг раҳмат, миннатдорман. Илтимос, мана бу қийиқ рўмолчани олинг. Ян-янги, ўрамаганман. Эрим Саккизинчи мартга совға қилувди,— деди аёл.

— Вой, нима кераги бор, азизим? Ўзимники бору.

— Э, гап унда эмас!— деди аёл бир оз хижолат бўлиб.— Илтимос, ола қолинг. Бизга шунча яхшилик қилдингиз. Кечалари билан ухламай чиқдингиз, мента қарадингиз.

— Йўқ, раҳмат. Ҳар ним ҳам қўлидан келганча ёрдам қилади-да.

— Сиз жуда назрибон, қўнғилчан экансиз. Агар ялтироқ десангиз, келиннингизга, қизингизгами ёки навароғнингизга, ишқиниё, биринчиси борарми...

— Раҳмат, азизим, деган септибизми.

— Ҳа, майли, ақалли адресингизни айтинг. Сал тузук бўлишим билан сизларникига келамиз, болаларимизга невараларингизни унаштириб қўямиз,— деб ҳазиллашди аёл. Афтидан, улар Фрунзеда туришган бўлса керак. Қишлоқи хотин танимаган йўловчи кекса аёл билан бунчалик очиқ гаплашишга, ҳатто ҳазиллашишга ботинолмас эди.

— Э, барибир келмайсизлар. Мен узоқда, тоғли қишлоқда яшайман,— деб жавоб қилди Ойша.

Купега носилка кўтаришган оқ халатли икки қиз кирди. Аёлни авайлаб ётқизишди-да, вагондан олиб чиқиб кетишди. Ойша аёлнинг пастки лабини тишлаганини пайқади.

— Э, худо, эсон-омон қутулсин-да!— беихтиёр шивиради Ойша.

Поезд йўлида давом этди. Ойша полкасига чиқиб ётди, энди купеда бир ўзи эди, лекин барибир ухлаёлмади. Ҳалиги ёш жувоннинг сўзлари ҳамон қулоғи тагида эшитилиб турар, унинг сал шишган бўрни, салқиган юзи кўз олдидан кетмасди. «Бу аёл бахтли бўлса керак»,— деб ўйлади Ойша.

Тошкентда у адашиб-улқиб кўп қидирмади. Ойша фабрикани осонгина топди, Вера ёзган ётоқхона ҳам шундай ёнида экан. Эски уй дафтарида Веранинг фамилияси йўқ эди, фабком архивини синчиклаб кўришди. Ҳа, ана топилди. Унинг сурати, уй адреси бор эди. Тикув цехининг собиқ ишчиси — директор ўринбосарининг олдига боришди, суратни кўрсатишди, у Верани таниди, эслади. Бирга ишлаган экан, қизчасини ҳам эслади — боғчага, кейин музика мактаб-интернатга ўзи жойлаштириб қўйган экан. Вера бу ерда собиқ фронтвик, яхши бир қозоқ йигити билан топишиб турмуш қурган, ундан икки ўғил кўрган. Ун йил бурун эрини бошқа ишга юборишган, Чимкентга яқин жойдаги алоқа узелида бошлиқ бўлиб ишляпти. Демак, Веранинг турмуши яхши экан. Лекин барибир уни топиши керак! Қолган умрини сарфласа ҳам майли. У ёқда, Вера билан невараси, Эркиннинг қизи бор.

Поезд икки соатлардан кейин жўнайди, Ойша шаҳар кўчаларида бир оз айланмоқчи бўлди. Шаҳар шу қадар ўзгариб кетган эди. Бир вақтлар чанги чиқиб ётган кўчалар асфальт қилинганди, тор-тор чойхона-



лар ўрнида магазинлар, кинотеатрлар, ресторанлар, кўп қаватли уйлар қад кўтарганди. Мева ва сабзавотлар тоғ-тоғ қилиб уйиб ташланган бозор ёнидан ўтаётиб, Ойша катта бир қовун харид қилди,— эҳтимол неваралари кўпайишиб қолгандир.

Кечга бориб ҳаво айнади, туни билан ёмғир ёғиб чиқди. Купеда Ойшадан ташқари оппоқ соқоли кўксига тушган, оқ кўйлак кийиб, белига қийиқча боғлаб олган бир чол бор эди. У чурқ этмас, фақат ўқтин-ўқтин йўталиб қўярди; ёнидан қаламтарошини олиб, қип-қизил помидорни тўртга бўларди-да, тузсиз, нонсиз ея бошларди. Ойшани жуда чеккиси келар, лекин бу нуроний чол олдида чекишни ўзига эп кўрмасди, тамбур совуқ эди, яна у ерга қора коржомали бир тўда шанғи йигитлар тўпланиб олишганди, афтидан улар темир йўл билим юртидан бўлишса керак.

Чол ётди, девор томонга ўгирилди-ю, пишиллаб ухлаб қолди. Ойша секин гугурт чақди-да, папирос тутатди... У ҳозир ҳеч нимани ўйламай, умрининг охиригача мана шу тез юрар поездда елдек учини истарди.

Ёмғир томчилари дераза ойнасида оқиб тушарди, узоқ-узоқларда чироқлар милтиллар, вагон ғилдираклари тинимсиз тарақларди. Вагон ғичирларди. Поезд муз харсанглари орасида кетаётган музёра кемадай олдинга, яхши, олижаноб одамлар истиқомат қилувчи кичкина шаҳар томон борарди. Ҳа, яхши одамлар. Лекин улар буни кечирешармикин? Айниқса Вера! У, бувинг ёмон, мижгов, бизни кўкрагимиздан итарди, бизга ишонмади, деб қизига ёмонламадимикин? Ҳа, майли, нима бўлса-бўлар. Улардан ялиниб-ёлвориб узр сўрайди, кечирмаганларига қўймайди, кейин ўла-ўлгунича улардан ажрамайди.

Поезд кичкина станцияларда бир зум тўхтарди-да, кейин яна юришини тезлатарди. Ғилдирақлар тақилларди. Чол пишилларди. Ёмғир деразани тинимсиз чертарди.

Ойша кружкага қўл чўзди, лекин унда сув йўқ эди. Ўрнидан туриб, сув олиб келишга эринди, у яна папирос тутатди, деразани сал очиб қўйди. Намчил куз ҳавоси димоғига гул этиб урилди, деразанинг панель пардалари силкинди. У папиросини чекиб бўлди-да, кружкани олиб, бак томонга кетди.

— Сув ичмоқчимисиз?— деб сўради ёш проводник қозоқ қиз кўзларини ўйнатиб.

— Ҳа, қизим.

— Утиринг, бизлар билан чой ичинг. Сув йўқ, кейинги станцияда оламиз.

— «Сюрприз» деган тортимиз бор, Москваники, хоҳлайсизми?— деб сўради икки юзи қип-қизил, кўк кўз, сарғиш проводник аёл.

— Йўқ, қизлар, раҳмат. Кружкага қуйиб бера қолинглар, купемга кириб ичаман.

— Жамолхон, бувимга тортдан кесиб бер!— деди сарғиш аёл.— Буни қайлиги совға қилибди!— деб тунтирдди ва кулиб юборди.

— Ҳа, бўлди,— деди қозоқ қиз хижолат тортиб, кейин тортдан кесди-да, кружкага аччиқ чой қуйди. Ойшай қизларга миннатдорчилик билдириб, купесига кириб кетди. Буви... У бу сўзни неварасининг оғзидан вшитармикин? Ахир, бир замонлар шу невараси жажжигина қизча эди, энди ўзининг ҳам худди шундай қизи бўлса керак.

Поезд тўхтади. Проводник қиз кирди.

— Сизнинг станциянгиз.

Ойша чамадонини олди-да, вагондан перронга тушди.

Қор ёғарди, лекин ерга тушиши билан эриб кетарди. Бир чеккада, ўтиш жойида турган қора шинелли кекса аёл шлагбаумнинг йўл-йўл харисини кўтарди, гўё у Ойшага янги ҳаёт йўлини очаётгандай эди.

## СУҚМОҚ

Паға-паға ёғаётган қор мудраб, овул бағрига секин тўшаларди. Дарё томондан келган қизғиш тулки микидай думини судраганича, овулни айланиб ўтди-да, ҳовлиларга бирма-бир кириб чиқди.

Атроф сув қуйгандай жимжит эди, фақат қаердадир кучукнинг аянчли гингшигани ўқтин-ўқтин қулоққа чалинарди. Тулки кўчадан дадил юриб келди-да, катта бир ҳовли олдида тўхтади. Лекин бу ерда узоқ қолиш мумкин эмасди: оқ салла ўраган дарахтлардан, симёгочлардан, ҳатто қор тагидан туртиб чиқиб турган тошлардан ҳам одам ҳиди келарди. Катта-

кон, муҳташам оқ уйда чироқ милтилларди. Тулки оёқларини қисиб олиб, бирпас турди, деразада одам сояси кўриниши билан тезда ғойиб бўлди.

Абилқосим темир косов билан печдаги чўғни бир оз титкилади-да, кейин хонасидан синфга кирди. Бу ер иссиқ эди, лекин у ўзича, агар ҳозир печкага яна бир оз ўтин ташламаса, эрталаб болаларнинг келишига синф совиб кетади, деб ўйлади. У печкага бир нечта ўтин ташлаб, эшигини ёпмасдан курсига ўтирди. Ўтин чирсиллаб, бирпасда ёниб кетди, аланга шуъласидан деворга каттакон телпакли одамнинг сояси тушди. Абилқосим телпагини олиб, қадоқ қўли билан сочи тўкила бошлаган бошини силади, ёнидан тамаки халтачасини олди, шашмасдан тамаки ўради. Ўткир тамаки, ёрқин олов, ташқарида ёғаётган момиқ қор, оғир сукунат унда узоқ ўтмиш хотираларини жонлантирди...

Ўтмиш лавҳалари худди печдаги алангадай унинг кўз олдидан бирин-кетин ўта бошлади. Ҳа, ҳозир бу хона жимжит, қора парталар, ялтираб артилган доска сукут сақлайди, лекин эрталаб бу ерга болалар келади, қий-чув кўтарилади, парталар шарақлайди, эшик тинимсиз гийчиллаб очилиб-ёпилади, ташқаридан совуқ ҳаво киради. Иккинчи дарсдан кейин синф совий бошлайди, Абилқосим яна печга ўтин ташлайди...

Кейин...

Болалардан биттаси шундай дейди:

— Абаке, Муқтожбек сибҳдонимни ағдариб юборди!

— Ўзинг-чи, ўзинг китобимни йиртдинг!— деб қичқиради ўша Муқтожбек.

— Вой, шумтакалар-е, нега уришасизлар-а, уришманглар! Бу яхшимас,— деб Абилқосим маслаҳат беради.

— Хўп, Абеке, энди уришмаймиз,— қишлоқ болалари жуда қобил бўлишади, катталарнинг гапини икки қилишмайди.

...Ёшига қарамасдан, Абилқосимни қишлоқда катта ҳам, кичик ҳам Абаке дейишади. Ҳа, ўзи ҳам бу кичрайтириб айтилган номга ўрганиб, кўникиб қолганди, чунки худди аркалаб айтилаётгандай бўларди.

Абилқосим бу овулга келганидан бери орадан ўттиз йилдан ортиқ вақт ўтибди. Унинг қаерда туғилганини, отаси кимлигини бу ерда ҳеч ким билмайди. Лекин Абакенинг ўзи бу овулни туғилиб-ўсган жойим деб юради, чунки болалигидан шу ерда туради.

Овул четидаги пастаккина уйда бир вақтлар Зиёда исмли кампир яшарди. У саккиз бола кўрди, лекин ҳаммаси ҳам турли йилларда, ҳар хил ёшда ўлиб кетди. Чоли қазо қилганидан кейин Зиёда кампир сўққабош бўлиб қолди. Балки у сигири билан икки эчкисини эплаёлмагандир, эҳтимол ёлғизлик жонига теккандир, хуллас, кунлардан бир кун қўшнисининг отида шаҳарга кетди. Икки кундан кейин ўн уч яшар чамасидаги болани эргаштириб келди. Унинг исми Абилқосим эди.

— Бу кимнинг боласи? — деб сўради қўшни хотин.

— Э, айланай, илгари кимнинг боласи бўлганини билмайману, лекин энди менинг болам. Худо кам қилмас. Бола бечора бахтсиз, ёлғиз экан, уни ўзимга ўғил қилиб олдим.

Шундай қилиб, унинг уйида бола пайдо бўлди, кўйлаги ҳам, шими ҳам узун эди, оёгида ҳам Зиёданинг эри бир замонлар кийиб юрган катта этик. Бунга ҳеч ким ҳайрон бўлмасди — ўша узоқ, йигирманчи йилларда Абилқосимга ўхшаган дайди етим-есирларнинг сон-саногии йўқ эди.

Зиёда овулдагилар билан чой устида гаплашиб ўтираркан, ўзинча мулоҳаза қиларди:

— Ўзи хунук бўлса ҳам жуда меҳрибон, эпчил, бир нимани илтимос қилсанг ҳеч қачон йўқ демайди, дарров бажаради. Худога минг қатла шукурки, қариганимда тангри шундай ўғилни ато қилди. Куним битиб, кўзим юмилгудай бўлса, рўзгорим қаровсиз қолмайди, уйимнинг чироғи ўчмайди. Агар худо ўз паноҳида асраб, ўлмай юрсам, уни тўрт-беш йилдан кейин уйлантираман, келиним ҳам, невараларим ҳам ёнимда бўлади, э худо, ишқилиб ўзинг шу кунларга етказгин, — Зиёда буви кенг оқ кўйлагининг этаги билан пешонасининг терини артди, кейин аччиқ чойдан пиёлага кўйди-да, ҳўплаб-ҳўплаб ича бошлади. — Ҳа, ху-

доям, яхшини нимадандир сиқади, деганлари тўғри экан. Ишқилиб, бечоранинг қўли тузалиб кетсин-да!..

— Қўлига нима қилганди?

Зиёда кампир пиёласини сал суриб қўйди-да, сирли бир оҳангда шивирлади:

— Ўнг қўли ишламайди. Новдадай осилиб туради, ким билади дейсиз, балки бир вақтлар оғригандир ёки битта-яримта шўрлик етимчани ургандир, хуллас, тирсаги яхши эгилмайди. Кўрдингизми?— у ҳовлида бузоқни бир амаллаб боғлаётган Абилқосимни имлаб кўрсатди.

— Вой, бечора-ей... Ҳа, яхши бўлиб кетади, ҳали ёшу. Ана, Мўнқўлайнинг кичкинаси болалигида ўтиргани ўтирган эди, ҳамма уни юрмайди, дейишарди, мана энди сўлоқмондай йигит бўлди. Ҳа, ҳаммаси худодан, шифо топиши ҳеч гапмас,— деб қўшни ховинлар кампирга тасалли берган бўлишарди.

— Секин! Келяпти! Э, кел, ўғлим! Ўтир, несиқ чойдан ичиб олгин. Совуқ егандирсан, қўзичоғим. Оёқ яланг юрма, бобосиғнинг этигини кийиб олгин, дедиму. Кел, уялма, ана, бўғирсоқдан егин, мана сарпёғ, олпоғим. Бурнингни артсанг-чи. Айт-чи, ўғлим, ўлганимда йиғлайсанми, ҳассакаш бўлиб турасанми?— деб бирден сўраб қоларди қари Зиёда.

— Ҳа, йиғлайман,— деб бош силкирди Абилқосим.

— Вой, айланай ўғлимдан, барака топ, ол, егин! Ҳа, бахтли кампир эканман. Комолойнинг эчкиси бу йил қисир қолди, якшанба куни бозорга олиб бориб сотаман, пулига сенга янги камзул, шим олиб берман, қизларнинг оғзи ланг очилиб қолсин... Ол, уялма, бўғирсоқдан егин... Ҳаммасини сенга қўйдим. Хоҳласанг егин, йўқса, олиб қўй, кейин ерсан... Айт-чи, ўғлим, мактабга олиб борсам, ўқийсанми?

Абилқосим бош иргайди.

— У, болагинам! Тўғри қиласан! Ақлингга балли! Э, тангрим, марҳаматингни дариг тутма, ўғлим униб ўсиб одам бўлсин, ютуқларини кўриб хурсанд бўлиб юрай. Э, худойим, шу кунларга етармикинман?..

— Худо хоҳласа, омон бўлсанг кўрасан, бойбича, нега кўрмас экансан!— деб қўшни хотинлар кампирга данда беришарди.

— Э худо, қани энди, шу кунларни кўрсам, армоним қолмасди. Билмадим, етолмайдиганга ўхшайман-да,— дерди Зиёда кампир хўрсиниб.

— Вой, нималар деясан, яхши ният қилсанг-чи! Хотиржам бўл, кўрасан, ҳаммасини кўрасан. Яхши ният — ёрти мол, деганлар,— деб унинг кўнглини кўтаришарди.

— Қорнинг тўйдими, ўғлим?— деб сўрарди Зиёда буви.

Абилқосим бош ирғайди.

— Ундай бўлса бор, печкага ўт ёқиб юбор, кўйлагингни ювиб берай. Эртага ўқиш бошланади. Муаллимлар билан гаплашиб қўйдим...

Мактаб директори Абилқосимни қўлидан етаклаб, олиб кирганида, иккинчи синфда аллақачон дарс бошланганди.

— Болалар, Абилқосим сизлар билан ўқийди, у билан танишиб олинглар, унга ёрдам беринглар,— деди директор.

Синфдаги болалар хохолаб кулиб юборишди.

Ўқитувчи иягини ишқаб, ўзиям кулимсираб қўйди, чунки Абилқосим саккиз-тўққиз яшар болалардангина эмас, балки ўқитувчининг ўзидан ҳам баланд эди.

Абилқосим хижолат бўлганидан шундай биринчи партага ўтира қолди.

— Менга доска кўринмаяпти,— деб рингшиди орқасида ўтирган қизча. Яна кулги кўтарилди.

— Бор, ўғлим, охирги партага бориб ўтир, новча экансан. Партага учтадан эмас, иккитадан ўтиришарди,— деб тушунтирди ўқитувчи.

Болалар яна қиқир-қиқир кулишди.

Абилқосим кичкина, тор партадан бир амаллаб чиқиб олди-да, оқсоқланганича охирги парта томонга қараб юрди. Ҳамма жим бўлиб қолди.

Директор чиқиб кетди.

Ҳадемай болалар Абилқосимга, унинг оқсоқланиб юришига ҳам ўрганиб, апоқ-чапоқ бўлиб кетишди, перо, қаламларини алмаштирадиган бўлишди, унинг ёғли патирини, меҳрибон Зиёда кампир тикиб берган халтада олиб келадиган толқонини биргалашиб ейишарди. Ўқитувчи янги боланинг анча ўрганиб, кўникиб қолганини сезганидан кейин уни доскага чақирди:

— Ана, бўрни олиб ё: «Куз келди — вергун — ҳо-

силни йиғиб олишди», — ўқитувчи диктовка қила бошлади.

Лекин Абилқосим бўр ушлаган чап қўлини туширганча жойида қимир этмай тураверди.

— Болалар, ҳамманглар ёзинглар, доскада хато кўрсаларинг, шовқин-сурон қилмай, қўлларингни кўтаринглар. Абилқосим, ёзгин: «Куз келди — вергул — ҳосилни йиғиб олишди».

Абилқосим қимир этмади.

— Рухсат беринг, мен ёзай! — деб қўлини кўтарди шўх Бекеш.

— Жим, Абилқосимнинг ўзи ёзади...

«Куз келди — вергул...»

Абилқосим бошини қуйи солганича ҳамон қоққан қозиқдай серрайиб турарди. Болалар кула бошлашди.

— Нега ёзмаяпсан, Абилқосим? Бўрни ўнг қўлингга олгин.

— Ўнг қўлим билан ёзолмайман.

— Нима, чапақаймисан?

Болалар хохлаб кулиб юборишди.

— Йўқ.

Энди бутун синф куларди.

— Хўш, нега ёзолмайсан?

— Қўлимни кўтаролмайман...

— Нега?

— Билмадим...

Болалар жимиб қолишди.

— Бўпти, ундай бўлса, чап қўлинг билан ёзишга уриниб кўр... «Ку-у-уз келди...»

— Чап қўлим билан ҳам ёзолмайман...

— Нега энди ёзолмайсан?

Абилқосим ерга тикилганча турарди.

— Ёзишни билмайман.

Синфда яна гур этиб кулги кўтарилди.

— Вой, кап-катта бўлиб, ёзишни билмаса-я? — деб ҳайрон бўлди пучуқ қиз.

— Ёзишни билмасанг иккинчи синфда қандай ўқийсан?

Абилқосим индамади.

Абилқосим оқсоқланиб, парталар ўртасидан ўтиб бораркан, болалар жимиб қолишди.

— Балки уни биринчи синфга ўтказармиз? У ҳатто

ёзишни ҳам билмас экан, болалар ундан кулишяпти,— деди ўқитувчи директорга.

— Қандоқ бўларкин-а, ноқулай-да, ёши ўтиб қолган, бўйдан ҳам худо берибди. Зиёда кампир олиб келувди. Яккаю ёлғиз суянчигим, армоним шу болам, дейди кампир. Уни ўқитинглар, одам қилинглари, дейди. Дарсдан кейин шугуллангин, балки эплаб кетар...— деб маслаҳат берди директор.

— Ҳа, бунинг устига ўнг қўли худди шол одамникидай осилиб туради.

— Чап қўли билан ёзишга ўргат,— деб маслаҳат берди директор.

Шу кундан бошлаб ўқитувчи Абилқосимни дарсдан кейин олиб қолиб, унга ёзишни, ўқишни ўргата бошлади, лекин ҳисобга борганда иш юришмади. Ўқитувчи қанча уринмасин, қанчалик ўргатмасин, лекин барибир болага ҳеч нимани тушунтиролмади.

— Муаллим, балки бошқа ўқимасмиз?— деди бир куни Абилқосим.

— Бу иккинчи синф программаси, болалар ҳар қандай масалани худди писта чаққандай бирпасда ечиб ташлашади,— деб тушунтирди ўқитувчи.

— Билмадим, муаллим, негадир бошим оғрияпти.

Ўқитувчи болага диққат билан тикилди-да, унинг рост галираётганини тушунди.

— Ҳа, майли, бугунча етар. Бирпас дам олгин-да, ўзинг ечишга уриниб кўр.

— Хўп бўлади, муаллим.

Бир куни танаффус пайтида синфда бирдан жанжал чиқиб кетди. Абилқосим катта этиги билан болалардан биттасининг оёғини бехосдан босиб олди, у бақриб юборди-да, жаҳл устида бир-икки мушт тушириб қолди, кейин негадир ўзи қўрқиб кетди. Лекин Абилқосим уни урмади, орқасига тисағилди. Ҳалиги бола буни кўриб ҳаддидан ошди, яна урмоқчи бўлди. Кап-катта боланинг муштдек боладав қочиши ҳаммага галати, қизиқ туюлди. Икки-уч бола ҳалиги уриш-қоқ болага қўшилишиб, Абилқосимни ҳўл латта, китоблар билан ура бошлашди. Яхшиямки, шу пайт қўнғироқ чалиниб қолди-ю, болалар жой-жойларига тарқалишди. Абилқосим энг охириги партага бериб, гурс этиб ўтирди-да, хўрлиги келиб йиғлаб юборди.

— Вой, анавини қаранглари, йиғлаяпти...



— Кап-катта-ю...

— Муштдай боладан калтак еб ўтирса-я!

Шу-шу, болалар Абилқосимни калака қиладиган бўлиб қолишди, уни хафа қилишгани қилишган эди, ручкасини, қаламини синдиришар, дафтарларини йиртишарди, муқовасига ҳар хил ажи-бужи нарсаларни солиб ташлашарди.

Оқсоқ Абилқосим ўзини болалардан олиб қочадиган бўлиб қолди. Тўполончи, шўх болаларга дуч келмай деб мактабга ҳаммадан олдин келиб оларди, танаффуе пайтида синфдан чиқмасди, дарсдан кейин ҳам уйга пастқам жойлардан кетарди.

Лекин ўқитувчининг ҳаракатлари зое кетмади. Ҳадемай Абилқосим ўқишни, ёзишни ўрганди, ҳатто учинчи синф программасидаги масалаларни ҳам ечадиган бўлди. Ким билади, балки вақт-соати келиб, у кўп нарсага эришган бўлармиди, лекин бир воқеа буларнинг ҳаммасига чек қўйди, гўё баҳор қуёшига интилган нозик ниқолни шартта узиб ташлашгандай бўлди.

Синфда Асипа исмли қиз ўқирди. У бир каттакон, ўзига тўқ оиланинг эркатоӣ қизи эди. Асипа югуришда, сакрашда ўғил болалардан қолишмасди, уларга қўшилиб ошнқ ўйнарди, лекин яхши ўқирди. Мактабга доимо қизил шойи кўйлак, кўк бахмал камзул кийиб келарди. Камзулининг ёқаларига худди тумордай эски кумуш тангалардан тугма қадаб чиқилганди. Бундай камзул ҳеч кимда йўқ эди. Бир куни чиройли камзулини ечиб синфда қолдирди-да, физкультура дарсига чиқиб кетди. Қодиқбек синфга кирганида, у ерда Абилқосимдан бошқа ҳеч ким йўқ эди — у физкультура дарсида доим навбатчи бўлиб қоларди. Абилқосим ташқарида ўйнаб юрган болаларни деразадан томоша қиларкан, ўзича секин кулиб қўярди. Қодиқбек ҳўл латтани Абилқосимга энди отмоқчи бўлиб турганди, бирдан кўзи Асипанинг кўк камзулига тушиб қолди. Унинг кумуш тугмачаларига кўпдан бери ҳаваси келиб юрарди. Қодиқбек камзул ётган жойгача эмеклаб келди-да, тугманинг биттасини тортди, лекин у пишиқ ип билан маҳкам қилиб тикилганди. Болаларнинг ўйинига маҳлиё бўлиб қолган Абилқосим деразадан кўзини узмас, ҳадеб ўзича куларди. Қодиқбек ишларни худди қуёндек чайнаб узди-да, тугма-

лардан иккитасини қўйнига солди, энди учинчисига қўл чўзганида қўнгироқ жиринглаб қолди. Қодиқбек партаси олдига эмаклаб келди-да, «ку-ку»лаб Абилқосимга ҳўл латтани отди.

Болалар синфга гур этиб ёпирилиб киришди-да, уйларига кетинга ҳозирлик кўра бошлашди.

— Муаллим, тугмаларим йўғу?— Асиба кўк камзулини кўксига босганича йиғлаб юборди.

— Ким олибди?— деб сўради муаллим.

— Билмадим, ечиб қўйганимда бор эди.

— Тугмани ким олди деяпман?

— Билмайман.

— Ким навбатчи эди?

— Абилқосим.

— Абилқосим, тугмаларни ким олди?

— Билмайман, муаллим...

— Балки битта-яримта ҳазиллашиб олгандир, болалар?— деди муаллим.— Ундай бўлса, қайтариб беринглар!

Жимлик.

— Тугмалар топилмагунча уйга ҳеч ким кетмайди.

Болалар жимиб қолишди.

Бирдан доска томонга кумуш тугма юмалаб кетди. Унинг қаердан тушганини ҳеч ким пайқамай қолди.

— Бешқаси қани?— деб сўради муаллим қатъий.

Болалар Абилқосимга тикилиб қолишди.

— Билмайман.

— Бу тугма қаёқдан тушди?

— Билмадим.

— Муаллим, бу ерда у ёлғиз эди... Физкультура дарсида у доим синфда қолади...

— Абилқосим, иккинчиси қани деяпман?

— Билмайман.

— Келинг, чўнтакларини қарайлик, муаллим!— деди кимдир.

— Йўқ, болалар, бу яхшимас. Абилқосим, агар иккинчиси қасрдалигини билсанг, ўзинг айтгин.

— Билмайман.

— Асиба, ҳозирча мана бу тугмани олиб тургин, иккинчиси ҳам топилдиб қолар, қўй, йиғлама... Болалар, силарга жавоб, уйларингга кетинглар. Абилқосим, сен қолгин...

Болалар шовқин-сурон билан кўчага чегиб чиқин-

ди. Қодиқбек сира ҳаялламай, ўша заҳим топиб  
жўнаб қолди. Бир оз юргандан кейин лунда боланинг  
муш тугмани олди-да, кимнингдир деворидан олди-  
отди...

— Абилқосим, тугмани сен олдингми? — деб сўра-  
ди муаллим мулойимлик билан.

— Йўқ, муаллим...

— Хўш, ким олди бўлмаса?

— Билмадим, муаллим...

— Ахир, синфда бир ўзинг қолганмидинг?

Еола индамади.

— Навбатчи бўлиб қолган экансан, қарашинг ке-  
рак эди-да.

Абилқосим ҳеч нима демади.

— Уят, синфда энг каттаси сенсан, бу ишнинг ях-  
шимас... Қани иккинчи тугма?

Абилқосим ҳамон индамасди.

— Тугмаларни нима қиласан? Эртага бизниқига  
келгин, бунақа тангалардан бештасини бераман...

Абилқосим энги билан кўз ёшини артди-да, синф-  
дан чиқиб кетди. Богдан ўтаётганида болалар унга  
етиб олишди.

— Тугмани бер! Ўғри! Бер, деяпман! Уларни ойим  
қадаб берувди! Бермасанг, отамга айтаман! — Асипа  
унинг ёқасидан олди.

— Менда ҳеч қанақа тугма йўқ, — деди аранг Абил-  
қосим.

— Бер! Яшириб қўйгансан! Бергин! Йўқса, ҳозир  
тугмаларингни юлиб оламан! — Қиз кучининг борича  
боланинг ёқасидан тортди. Абилқосим тойиб кетиб, йи-  
қилиб тушди, камзулининг тугмалари узилиб, дума-  
лаб кетди.

— Яша, Асипа, боладинг! — деб бақиринди бола-  
лар.

Болаларнинг қўллаб-қувватлаганидан талтайиб,  
ҳаддидан ошган қизча Абилқосимнинг кенкасини  
шартта юлиб олди-да, у билан дўппослай кетди.

— Тугмаларимни бер, ўғри! Тугмаларимни бер!  
Бер, деяпман!

— Ур! Қосирёғи билан тушир! Ҳа, яша. Асипа,  
бўш келма! Қаранглар, кап-катта йигитни уряпти-я! —  
деб гижгиклашарди болалар.

Абилқосим ётган еридан бир амаллаб турди-да,

Ортиб олди. У қизчани бир уриб ағдарини лардан иди-ю, лекин кегадир тегмади. Абилқосим қўл ҳаи бир туртди-да, худди яраланган айиқдай оқ-соқланиб, уйига жўнаб қолди.

— Шарманда бўлди! Қиз боладан қочиб ўтирса-я! Уят-е, уят! Қўрқоқ!— деб болалар орқасидан калака қилишарди.

Зиёда буви истиқболига чопиб чиқди.

— Вой, худойим! Нима бўлди?

— Ойи! Ойижон!— деб Абилқосим ҳўнграб йиғлаб юборди ва бошини кампирнинг кўксига яширди.

— Нима бўлди, нуридийдам? Нима бўлди, ёлғизим? Нима бўлди, қўзичоғим? Гапир! Сени ранжитганни тирик қўймайман, гажиб ташлайман!— деб бақирарди Зиёда кампир, унинг кўзлари худди бўрининг кўзларидай қаҳрли, қўрқинчли эди.

Абилқосим қайси онасини назарда тутганини, Зиёда кампирними ёки ўз онасини эсладими, ким билади дейсиз, лекин бола ўксиб йиғлар, нуқул «ойи», «ойи», дерди.

— Ким хафа қилди, айтгин. Балки етимсан, чўлоқсан деб мазах қилишгандир? Айтгин, уни соғ қўймайман!

— Уни Асипа урди...— деди кимдир.

— Бу нима шармандалик! Бошингнинг соғ жўйи қолмабди-ку! Нима бало, уни жин урганми? Вой, болам, юзинг ҳам роса шилинибдию! Қанақа бебош қиз экан! Юр! Уларга кўрсатиб қўяман!— Кампир ўғлининг қўлидан шартта ушлади-да, Асипаларнинг уйига бошлаб кетди.

— Э, айланай, Батма, бу нимаси? Қизингни тийиб қўйсанг бўлмайдами! Қара, ўғлим бечорани роса урибди-я. Қизингнинг бу ногирон болада нима хусумати бор экан? Мен, бечора, ўлимим олдидан ўзимга бир суянчиқ топувдим, бутун умидим шундан! Ахир, бу ёруғ дунёга келиб, мен нима орттирдим? Нега бизларни бунчалик хўрлайсизлар? Нима, ҳимоячимиз, орқа қиладиган одамимиз йўклиги учунми?

— Бу чўлоқ етимчангизнинг ўзи айбдор. Сизнинг ўрнингизда бўлсам, иштосини ечиб, роса савалардим. Асипанинг иккита тугмачасини кесиб олибди, ўзини урибди, қизим тиззасини кўкартириб келди. Муштдаш-кина қизнинг хап-катта йиғитни уриши мумкинми?

Мен қадаб берган иккинчи кумуш танганиям топиб берсин. Бу тумор эди. Бунақа ўғри, олғир боланинг қўллари уриб синдириш керак. Қаёқдаги қаланғи-қасанғиларни топиб юрасиз, нима, бошқа ишингиз йўқми ўзи!

Кампир индамади, ўғлини етаклаганича уйига кетди.

— Ҳа, майли, худога солдим. Тангрим уларни қилмишига яраша жазолайди! — деди Зиёда кампир.

Абилқосим кўз ёшларини артиб орқасига шартта ўгирилиб қаради. Лекин кампир унинг қўлидан мақкам ушлаб турарди.

— Қўй, болам, керак эмас. Худо ўзи уларни жазосини беради. Тангрим гуноҳкорни жазолайди, гуноҳсизни оқлайди. Сен гофил бандасан, жим бўл.

Абилқосим яна бир бор ўгирилиб қаради-да, итоаткорона Зиёда бувининг орқасидан оқсоқланиб қадам ташлади.

Ўша воқеадан кейин бола бир неча кун уйдан чиқмади, одамларга кўринмади. Душанба куни кампир, мактабга бор, дегандай ўғлининг жилдига олма, бўғирсоқ солиб берди.

Абилқосим жилдини олди-да, уйдан чиқди. Лекин мактабга яқинлашган сайин юраги эзилар, аллақандай бир куч уни орқага тортаётгандай бўларди. У дарсга чопиб кетаётган синфдошларини кўрди-ю, энди мактабга ҳеч қачон қадам қўймаслигини билди. У сой томонга бурилди, эски қабристон ёнидан ўтди. Қабристонда бузилган мақбара қўққайиб турарди. Унинг қайси асрда, кимнинг шаънига қурилганини ҳеч ким билмасди. Мақбаранинг олдинги девори узунасига дарз кетганди, унинг қачон пайдо бўлганини ҳам ҳеч ким эслаёлмасди. Юзга чиққан қариялар ҳам, ёш болалар ҳам бу мақбарани фақат шу туришида билишарди, у ўпирилган, чўккан, нураган эди, дарз кетган жойи узоқданоқ кўриниб турарди. Абилқосим бу ерга тез-тез келиб турарди-ю, лекин ўша ёриғига эътибор бермасди, мана энди у эрталабки қуёш нурида жуда ваҳимали кўринарди.

У дарё бўйига тушди-да, осмонга тикилганича тушгача соҳилда чўзилиб ётди. Бола бирор яхши нарса ҳақида ўйлашга уринарди, лекин мақбара деворидаги йера ёриқ сира кўз ўнгидан кетмасди. «Асинани нега

уролмадим? Бир туртсам йиқилиб тушардию. Лекин у кичкина-да... Ожиз... Яна... чиройли... Энг чиройли қиз... Агар бошқа қиз бўлганидами... Хўш, тугмалари-чи? Эҳ, қани энди, у Асипани ана шундай кумуш тангаларга кўмиб ташласа! Йўқ, тангаларга эмас! Юлдузларга. Дурга!»

Зақт аллақачон пешиндан оғиб кетганди. Бола ўрпидан турди, дарё сувига юз-қўлини ювди-да, секин уйига кетди.

Зиёда кампир ҳеч нимани фаҳмламади.

— Вой, оппоғим, келдингми? Овқатланиб олиб, белимни бир уқалаб қўйгин.

Абилқосим овқатланиб бўлди-да, кампирнинг белини уқалай бошлади.

— Вой, шириним, меҳрибоним! Ҳаммаси об-ҳаводан, бутун аъзойи баданим зирқираб оғрияпти. Бугун қандай баҳо олдинг?

Абилқосим индамади...

Кампир саҳарда болани уйғотди.

— Тура қол, ўғлим, қуёш ҳам анча кўтарилди, кеч қоласан.

Абилқосим уйдан чиқди-да, яна дарё бўйига тушди. Сувга узоқ тикилиб ётди — мақбара деворидаги ўша қора ёриқ яна кўз ўнгида жонланди.

Кунлар ўтаверди. Абилқосим мактабга бормади, ҳар гал дарё бўйига тушарди, кампир ҳар куни эрталаб уни меҳрибонлик билан уйғотар ва мактабга кузатарди.

— Вой, нуридийдам, бўталоғим, бор, бора қол. Сень албатта ўқишинг керак. Ахир, соғлигинг ҳамманикидай эмас. Мучанг соғ бўлса эди, кетмон чопардинг, трактор қайдардинг. Ўқигин, илм олгин, йўқса, ўзингни ҳам боқолмайсан.

Абилқосим китоблар ва емиш солинган жилдини индамай олиб, уйдан чиқарди-да, қабристон ёқалаб, дарё бўйига тушарди.

Лекин бу узоққа чўзилиши мумкин эмасди. Кампир эртами-кечми ҳаммасини билади. Абилқосим бор ҳақиқатни ўзи гапириб бермоқчи бўлди.

— Ойижон, сизга бир гап айтсам, хафа бўлмайсизми? — деб сўради у бир куни эрталаб, кампир уни мактабга кузатаётганида.

— Гапир, гапир... Сендан ҳеч хафа бўлганмидим,

болагинам?— Кампир рўмолининг учини қулоғи орқасига суриб қўйди-да, кигиз устига чўқди.

Лекин шу пайт сира кутилмаганда эшик очилиб ўқитувчи кириб келди.

— Ассалому алайкум, опа! Уғлингиз нега мактабга бормай қўйди?— деб сўради остонага қадам қўйиши билан.

Кампир ҳангу манг бўлиб қолди.

— Нима?

Абилқосим жилдини орқасига яширди-да, нима қилишини билмай қолди.

— Бормаётганига бир ҳафтадан ошди. Болалар уни дарё бўйида кўришибди.

Кампир индамай, гоҳ ўғлига, гоҳ ўқитувчига қарарди.

— Мен уни касалдир деб ўйлагандим. Лекин менга, у жилдини кўтариб кўчада юрибди, дейишди...— деб қўшиб қўйди ўқитувчи.

Бола бошини қуйи солганича индамай турарди.

— Чорак тугаяпти, у иккинчи йилга қолиши мумкин, опа! Унинг ёшида иккинчи синфда икки йил ўтириш яхшими — калака бўлади.

— Ахир, бу нима қилганинг, болам? Демак, мени, кампир онангни алдаб юрган экансан-да?— деб сўради Зиёда кампир.

— Ойижон, мени кечиринг!— Бола ўзини унинг оёғи остига отди.

— Сенки, шундай қилганингдан кейин мен энди кимга ишонай?— деди кампир гўё ўзига-ўзи гапиргандай.

— Мени кечиринг, ойижон, энди ҳечам бундай қилмайман,— деди бола илтижо қилиб.

— Нега энди қари онангни хафа қиласан?

— Мени кечиринг, ойижон, лекин энди мактабга ҳечам бормайман. Уларни кўришни истамайман, улар менга ишонишмади... Улар ёмон. Бу кунимдан ўлганим яхши,— деди Абилқосим худди катталардай.

Эртаси куни Абилқосимни бутун синф келиб чақирди, лекин у мактабга қадам босмайман, деб туриб олди.

«Боргиси келмаса, иложим қанча? Ишқилиб тани жони соғ бўлса, бир кунини кўрар»,— деб Зиёда кампир тақдирга тан берди.

Мана ҳозир ҳам Абилқосим ўша мактабда, ёши ўтиб қолганида иккинчи синфга келган, ўқиш-ёзишни ўрганган ўша мактабда ўтирибди. Фақат энди у қоровул ва ўт ёқувчи. Нима қилсин, қисмати шу экан. Ушандан бери орадан қанча йиллар ўтди, қанчадан-қанча ўқувчилар битириб кетди. Ҳа, айтмоқчи, мактаб директори кўп йиллар бурун уни бошлаб кирган ўша синф аллақачон мактабнинг асбоб-ускуналари склади-га айланганди, у ерда ҳозир ранги ўнгиб, эскириб кетган синф доскалари, йиртилган география хариталари, чанг босган, пачоқ глобуслар сақланарди. Хом ёштдан қурилган мактабнинг эски биноси бир оз чўкканди, томига черепица ёпилган икки қаватли янги мактаб биноси олдида у бирдан учқур, йўртоқ от билан чопишмоқчи бўлган, мирилавериб ишдан чиққан қари эшакни эслатарди. Бир вақтлар мана шу лой томда ота-оналари ўқишганига, унинг шу атрофда энг катта уй бўлганига, бепоен Жарғалан водийсининг истаган еридан худди оқ елкандай кўриниб турганига болаларнинг ишонгиси келмасди. Мана шу кичкина, энди қийшайиб қолган эшиклардан неча-неча йигит ва қизлар чиқишиб, улкан олам қўйнига қадам қўйишган, фронтга жўнаганлар билан ҳам худди шу мактаб ҳовлисида хайрлашишган. Биринчи бўлиб, мактаб директори кетганди. У шу кетганича қайтиб келмади, Москва остоналарида мангу қолди. Ундан кейин ўқитувчи Тўқтўрбой жўнаб кетди. У ҳам Псков яқинида ҳалок бўлди.

Кунлардан бир кун кампир ярим кечада ўғлини чақириб қолди. Абилқосим ўрнидан турди-да, индамай лампани ёқди.

— Болам, нуридийдам, туш кўрибман, тушимда икки кампир: чўтир Батмакан билан тишлари кемтик Ирисбиби мени чўмилтираётган эмиш. Мени чўмилтиришаётган эмишу ўзлари бўлса қора бахмал чопонимни талашаётганмиш. Ҳа, начора, куним битганга ўхшайди, кўнглим сезиб турибди... Бугунми-эртами сени ташлаб кетаман. Бу уйнинг эгаси ўзинг бўлиб қоласан,— Зиёда кампир жуда секин, хотиржам гапирарди, гўё унинг бўғиқ овози нариги дунёдан эши-



тилаётгандай эди. Абижосим чиқиллаб йиғлай бошлади.

— Вой, жоним қоқиндиқ! Онагинанг сенга қурбон бўлсин. Сен жуда раҳмдил, яхши боласан. Худога минг қатла шукурки, сендан олдин кўз юмаман. Умримнинг охирида сени топдим, ҳа, бахтим бор экан. Онам менга доим шундай дерди: одамнинг ким бўлиб яшаганининг аҳамияти йўқ, энг муҳими, ким бўлиб ўлиш. Сен ҳозир йиғлама, нуридийдам. Кўз ёшларингни асрагин, ўлганимда йиғларсан. Ҳув, ана, кўрпалар тагида чолимнинг катта ҳассаси ётибди. Жасадиمنى уйдан олиб чиқишаётганларида ўша ҳассаси олгин-да, унга таяниб ув тортиб йиғлагин. Майли, ҳамма эшитсин, Зиёда кампирнинг ёлғиз эмаслигини, ҳассасаши, боши тепасида йиғлайдиган, бу ёруғ дунёда унинг қарзини узадиган одами борлигини ҳамма билсин. Бўталоғим, ўзлигингни йўқотма. Тортган азоб-уқубатларинг, меҳрибонлигинг учун худо сени кам қилмайди, ўзи ёрлақайди. Фақат ўзингни шамоллашлардан, ёмон кўздан эҳтиёт қилгин, доим мана шундай меҳрибон, оқкўнгил бўлгин, хусумат ва ёвузлик кўчасидан юрмагин. Иложимиз қанча? Онадан ногирон туғилибсан. Лекин худодан нолимагин, кўз ёши қилмагин. Агар тўрт мучаси соғ одамларга ҳасад қилсанг, кўнглингга ёвузлик ин қуради. Хунук одам ёвуз бўлмаслиги керак. Бунақа одамни ер ҳам елкасида узоқ кўтариб юрмайди. Менинг уруғимда чиройли одамлар бўлмаган. Ҳаммаси ҳам пакана, қора, қотма, озгин одамлар эди. «Хунук одам ичидан нур сочиб туриши керак». Бувимиз бизга доим шундай дерди. Мен ҳам шу сўзларни такрорлайман. Қариб дунёдан кўз юмаётганингда, сен ҳам невараларингга шундай дегин, улар ҳам бу сўзларни бошқаларга етказишсин, шуни қаттиқ тайинлагин...

Зиёда кампирни бутун водий дафи қилди. Қўшни озуллардан дўстлари, узоқ қариндошлари келишди, яна ҳам узоқроқда яшайдиганлар ўз вакилларини юборишди, кампир бирор нимаси билан машҳур бўлгани ёки аслзодалардан бўлгани учун эмас, ҳаётлигида ким бўлганидан қатъий назар, марҳумнинг айниқса у қари бўлса, жанозасида қатнашини бу ерда ҳам қарз, ҳам фирз ҳисобланади. Ҳовлига ўтов тикилди, марҳумани энг яқин беш уруғининг вакили — беш

кампир ювди. Улар Зиёданинг битта-иккита кийимларини ўзаро бўлиб олишди — кампирлар бу уст-бошларни кийиб тўздиришлари, дугоналари етолмаган ёшга етишлари керак эди. Эски духоба чопон чўтир Батмаканга тегди, албатта, чунки у Зиёда кампирнинг энг яқин ҳамсухбати, ёрдамчиси эди, кўмиш маросимида ҳам елиб-югуриб ҳаммадан кўп хизмат қилди.

Марҳуманинг жасадини ер қаърига қўйиб, ҳамма эркаклар унинг гўрига бир сиқимдан тупроқ ташлаганларидан кейин, эски деворлари ёрилиб кетган мақбара қошида яна бир дўнглик пайдо бўлди. Мўнқўлай амаки Абилқосимни қўлидан ушлаб, ўртага олиб чиқди-да, кўпчиликка мурожат қилди.

— Оғайнилар, қариндошлар! Зиёда она қанақа одам эди?— деб сўради.

— Иккинчи одам эди!— деган овозлар эшитилди ҳар томондан.

— Агар битта-яримтангдан қарзи бўлса ё бирортанги ранжитган, хафа қилган бўлса, ҳозир айтинглар, тортинманглар. Марҳума ўзидан кейин зурриёт қолдирди, у ҳаммасини узади. Унинг ёшлигига, майблигига қараманглар, у эркак, унинг ака-укалари, ўз уруғи бор, у овулимизга фарзанд бўлиб келди, уни ёлғизлатиб қўймаймиз, доим ёрдам берамиз. Бизнинг удумимиз шу,— деди Мўнқўлай амаки.

— Йўқ, унинг ҳеч кимда қарзи йўқ. Ҳеч кимга ёмонлик қилганмас!— деб жавоб қилишди ҳар томондан.

— Шундай экан, унинг бу дунёдаги гуноҳларидан ўтамиз, жойи жаннатда бўлсин!— деди Мўнқўлай амаки ва серажин, шамолдан қуруқшаб кетган юзига фотиҳа тортди, қариндош-уруғлари ҳам чўққайиб ўтиришиб, кафтларини юзларига тортишди.

— Гўри нурга тўлсин! Гўрида тинч ётсин, жойи жаннатда бўлсин!

Абилқосим биттаю битта сигирини сўйиб худойи қилмоқчи эди, лекин оқсоқоллар ўзаро маслаҳатлашиб, сўйдиришмади.

— Уруш кетяпти. Шу сигирдан бошқа ҳеч нимаанг йўқ!— дейишди унга.

— Ахир, сигир уники эди, нима, ўзидан аяйманми? Арвоҳи ранжимайдими?

— Агар сигирни сўйдириб, гўштини есак, арвоҳи

биздан ранжийди, сен эса очингдан ўласан,— дейишди оқсоқоллар.

Ҳар хонадондан пул тўплашди: яқинларидан, қариндош-уруғларидан кўпроқ, сал узоқроқларидан камроқ йиғишди, йиғилган пулни маъракаларни ўтказиш учун Абилқосимга беришди. Бугундан бошлаб Абилқосим бу хонадоннинг мустақил эгаси ҳисобланади ва овулдагиларнинг тўйига ҳам, маъракаларига ҳам аралашиб, эл қатори ўз ҳиссасини қўшади.

Шундай қилиб, Абилқосим уйда битта ўзи қолди, Зиёда кампирнинг чироғи ўчмади.

Абилқосимга колхозчиларнинг шахсий молини боқшни топширишди. Уруш давом этарди. Турмуш тобора оғирлашиб борарди. Уруш арафасидаги икки юз сигирдан подада атиги ўнгача сигир қолганди, энди подачининг кераги ҳам йўқ эди. Шундан кейин унинг қўлига милтиқ беришиб, колхоз ғалла складини қўриқлашни буюришди — бу тинч, беғалва иш эди. Абилқосим кундузи ухларди, кечаси склад агрофида айлашиб юрарди.

Абилқосимнинг тенгдошлари ўсиб-улғайишди, энди уни хафя қилмайдиган бўлишди, қизлар бирик-кетин эрга тегиб кетишди. Асила ҳам эрга тегиб, бошқа овулга кўчиб кетди. Кичикнотойлар учун Абилқосим энди бошқа авлод вакили эди, уларнинг кўзига дилгир, совуқ одам бўлиб кўринарди. Абилқосимнинг ўнг қўли, шу-шу, новдадай ссилганича қолди, ўнг оёғини судраб босарди, юрганида чап оёғининг изи тўғри, ўнг оёғининг изи қийшиқ тушарди. Унинг тенгқурларидан баъзилари уруш охирига бориб фронтга кетишди. Баъзилар фронтдан майиб-мажруҳ бўлиб қайтишарди, бошқаларнинг ўзи келмай, ўрнига кафтдек бир парча қоғоз келарди.

\* \* \*

Узоқ-узоқдан хўроснинг қичқиргани эшитилди. Ярим кеча бўлганга ўхшайди ё ўша қизил тулани битта-яримтаннинг товуқхонасига кириб, уйқудани товуқларнинг қалалагини учирган. Абилқосим кетмага тунантириш қўйди-да, устига илжик-ўхта ўтми қўшади, кейин пачча конюшнини ёпиб қўйди. Энди сизга нимага қоронғини чўйди, печканити чўян қопқони ўрнидан

узун ёруғ шуъла тушиб турарди... Мақбара деворини ҳам ана шундай ёриқ — фақат қора ёриқ тилиб ўтганди. Лой сувогини шамол сидириб, ёмғир ювиб кетганди, лекин мақбара ҳамон қад кўтариб турарди.

...Асипанинг кимга турмушга чиққанини, қаёққа кўчиб кетганини Абилқосим билмасди. Урушнинг иккинчи йилида овулда терлама касали бошланди. Асипанинг онаси билан отаси бир йилда, кетма-кет ўлди. Асипа уларнинг дафн маросимига келди. Кейин укаси Сапарқулни бир-икки бор йўқлаган бўлди. Эсида, охириги марта келганида қўлида боласи бор эди. Абилқосим уни кўчада учратиб қолгудай бўлса, пўстинига бошини буркаб, складнинг орқасига ўтиб кетарди. Лекин ахири бир кун тақдир уларни учраштиради.

Қиш, қалин қор ёққанди. Абилқосим одатдагидай катта пиймада, пўстинига ўраниб олиб, склад атрофида айланиб юрарди. Овул уйқуда эди. Қор ёғарди. Бирдан овул четда ит вовиллади, кейин иккинчиси, учинчиси унга жўр бўлди... Абилқосим миятигини ўқталиб, қулоқ солди. Ҳеч ким йўқдай эди. Лекин итларнинг вовиллаши тобора яқинроқдан эшитила бошлади. Кейин кўчанинг ўртасида одам шарпаси кўринди. Абилқосим олдинга юрди.

— Ҳой! Кимсан?

— Бу, мен, амаки,— аёл кишининг овози эшитилди.

— Кимсан?

— Асипаман...

— Ким?!

Қоровул индамай қолди. Ҳа, бу унинг овози эди. Асипа яқинроқ келди.

— Шу зимистонда қаёқдан келяпсан?— деб сўради Абилқосим сўник овозда.

— Машина тепаликка чиқолмади, ҳаммаёқ яхма-лак бўлиб ётибди, гилдираклари сирпаниб кетаверди. Бола бечора музлаб қолди. Пиёда кетувдим, адашиб қолдим. Бирпас ушлаб туринг, қўл-оёқларим музлаб қолди, букилмаяпти,— аёл унга чақалоқни узатди.

Абилқосим индамай болани олиб бағрига босди. Бола шу қадар қалтирар эдики, титроғи қоровулга ҳам ўтди. Бирпас қоронғида туришди.

— Ярим кечада йўлга чиқиб бўладими?— деди шижоят Абилқосим.

— Э, амаки, ўз ихтиёримиз билан чиқибмизми, ноилож эдик...— деди аёл хўрсиниб, рўмолини тўғриларкан.

— Билмадингизми, уйимизда бирон киши борми?

— Уканг кеча районга кетди шекилли...

Бола исинди шекилли, титроғи босилиб, ухлаб қолди.

— Овул четида чамадонимни қолдириб кетувдим,— деди аёл,— бориб олиб келай.

— Адашиб қоласану, бирга борайлик...

— Склад-чи?

— Э, складга бир нима бўлармиди? Шу совуқда ўғрилар ҳам остона ҳатлаб кўчага чиқмаса керак, уйларида кўмилиб ўтиришгандир.

Асипа, тиззасигача қорга ботиб, олдинда борарди. Абилқосим болани пўстинига ўраб, ўнғайсиз кўтарганича Асипанинг орқасидан оқсоқланиб борарди.

— Сизни ҳам ташвишга қўйдим-а, амаки...

— Юравер, юравер,— Абилқосим секин елкасига туртиб қўйди.

— Чамадон ҳам бўм-бўш... Боланинг кийимларидан бўлак ҳеч нима йўқ. Қўлларим совқотиб кетганидан кейин қолдирдим. Уйда бўлса укамни юборарман, деб ўйловдим. Қўшниларикида тунарман...

Абилқосим индамади...

— Етимчам бу яхшилигингизни сира-сира унутмайди, бир кунмас-бир кун қайтаради. Бола бечора... Отаси уни шу кўйи кўрмади, оғироёқлигимда урушга кетганди. Эримнинг ота-оналари билан турмоқчи эдим, ҳар ҳолда ўғлимнинг ўз буvasи бору деб ўйлагандим, бироқ қайнатам мени ўзининг бир қариндошига бермоқчи бўлди. Боламни олдим уйдан чиқиб кетдим... Қош қорайганда чиқувдик, ҳадемай қоронғи ҳам тушди, йўл бўйида турибмиз, қани энди битта машина олса-чи, музлаб далада қолиб кетамизми, деб ўйловдим. Чамадон шу ерда бўлиши керак... Балки битта-яримтаси кўтариб кетдимми? Йўқ, мана, турибди! Қорга кўмилиб қолибди!— деди Асипа хурсанд бўлиб.

— Биз Мўнқўлай амакиникида тунаймиз. Тўғри, итлари жуда қопонғич...— деди Асипа.

— Сизни олиб бориб қўяман,— деди Абилқосим.

— Илойим кам бўлманг, амаки,— деди Асипа.

Улар Мўнқўлай амакининг уйи томонга қараб ке-

тишди. Катта пиймада Абилқосимнинг оқсоқлангани сезилмасди, шунинг учун ҳам аёл уни танимади шекилли, лекин Абилқосим олдинга тушиб юрганида Асипанинг бирдан нафаси ичига тушиб кетди, то уйга кетгунича оғиз очмади.

«Нега индамаяпти? Наҳотки таниб қолган бўлса?» — Абилқосим секин ўгирилиб қаради. Аёл бошини қуйи солганича унинг изидан келарди.

Ниҳоят Мўнқулайнинг уйига етиб келишди. Ҳовлидаги итлар уларни жон-жаҳдлари билан вовиллаб кутиб олишди. Эшик тамбаси шақиллаганини эшитиб, Абилқосим уйқусираган болани онасига берди-да, орқасига ҳам қарамай склад томонга оқсоқланиб кетди. «Танидимми ё йўқми? Агар танимаса, нега энди бирдан индамай қолди? Болани олганидан кейин нега ақалли раҳмат демади? Ҳатто бошини ҳам кўтармади...» — деб ўйларди у ўзича.

Учинчи кун, кечқурун бир бола косада бўза олиб келди.

— Ойим юборди, менинг соғлиғим учун ичар экансиз, — деди бола.

— Ойингнинг исми нима?

— Асипа.

Демак, ўша куни уни танибди-да.

— Сенинг исминг-чи?

— Нурлан... — деб жавоб берди бола.

— Ойинг яна нима деди?

— Ҳеч нима демади: «Склад олдида ўтирган амакинга олиб бориб бер», деди.

— Шуми?

— Ҳа, шу, — деб жавоб берди бола.

— Ойингга «раҳмат», дегин. Хўпми?

— Хўп. Милтиғингни отгани берасанми?

— Кейин, катта бўлганигда бераман.

— Зағизғонни отиб тушира оласанми?

— Зағизғонни отишнинг нима кераги бор? Яхши қуш.

— Тоғам Сапарқул қўшнимизнинг итини отиб ташлади. Улар уришишди.

— Нега энди отиб ташлади? — деб сўради қоровул.

— Қариб қолгани, вовилламагани учун отиб ўлдирди.

Узоқда Сапарқул кўринди. У склад томонга келарди.

— Хўп, майли, бор, ойингга «раҳмат», дегин,— деб Абилқосим болани шошилтирди, у болага бўш коса билан иккита бўш гильза берди.

Сапарқул Асипанинг туғишган укаси бўлиб, ғалла складиининг мудирини эди, шунинг учун ҳам Абилқосим ўзини негадир ноқулай сезди.

— Ҳа, полвон, бўзадан ичиб турибсанми?— деди Сапарқул, у косани кўриб қолди шекилли.

— Ҳа, энди жиндай...— Абилқосим мўйловини артди.

— Бугун складни қўриқламасанг ҳам бўлади. Ревизор келган, эрталабгача текшириб, ғаллани ўлчаймиз, бор, ётиб ухла,— деди омборчи.

— Мен барибир кечаси ухлаёлмайман, балки керак бўлиб қоларман?— деб сўради қоровул.

— Йўқ, бор, кетавер! Ўзимиз эплаймиз,— Сапарқул складни очиб, лампани ёқди.

Қоровул кетишга юраги ботламай, бир оз тарадудланиб турди. Сапарқул ҳеч қачон складга бунақа кеч келмасди.

— Хўш, нега турибсан, кетавер дедим-ку,— деди у асабий.

Абилқосим милтиғи билан пўстинини олиб, уйи томонга оқсоқланиб кетди. Уйига келди-да, печкага ўт ёқди, эски этининг йиртиқ-ямоғини тикди, хонани йиғиштирди. Вақт ярим кечадан ошганда жинчироқни ўчирди-да, ўрнига ётди, лекин кечаси ётиб юрмагани учун кўзига уйқу келмади. Гоҳ қари, меҳрибон Зиёдани, гоҳ доим кулиб турадиган ўқитувчи Тўқтўрбойни эслади, гоҳ кумуш тугмали кўк камзулни, гоҳ соч ўрими бир қарич кичкина Асипани эсларди. Кейин кўз олдига мақбара деворидаги қора ёриқ келди, сўнг ер юзини қоплаган оппоқ қор... Асипанинг ёлғиз шарпаси. Унинг ўғли. Ушанда Асипанинг боласи унинг қўйнида қандай ширин пишиллаб ухлаганди. Нега у эрга тегмайди? Қандай чиройли, хушфёъл... Унинг тенгқурларидан кўплари урушда ўлиб кетди. Ёш йигит унга уйланмайди, қари одамга тегмайди... Ҳозир хотинлар кўп, эркаклар оз...

Абилқосим анчагача тўлганиб ётди. У негадир безовта бўлаверди. Ниҳоят ортиқ чидаёлмай, ўрнидан

туриб кийинди-да, кўчага чиқди. Ойдин кеча эди, қаердадир от чўчиб кишнади, ўқтин-ўқтин итлар вовилларди. Борди-ю, Сапарқул текшириб бўлиб, складни қоровулсиз ташлаб кетолмай ўтирган бўлса-я?

Абилқосим склад томонга юрди. Пўстинини ечиб ташлаган Сапарқул қаҳратон совуқда бир полвон йигит билан буғдой солинган қопларни ой ёруғида от қўшилган чаналарга таширди.

— Ассалому алайкум! Ҳорманглар!— деди Абилқосим уларга яқинлашиб.

Сапарқул бошини кўтарганича, серрайиб қотиб қолди. Полвон йигит қопнинг учини қўйиб юборди.

— Керак бўламан, дегандим-а. Нима, лампа ўчиб қолдимми?— Абилқосим гугурт чақди.

— Ўчир!— деб бақирди Сапарқул ва елкасидаги қопни ташлади-да, икки сакраб, унинг ёнига келди. Терлаган пешонасидан буғ кўтариларди.

— Ўчиргани нимаси? Ахир, қоронғи-ю!— Абилқосим бармоғи куйиб, гугурт чўпини ташлади-да, бошқасини чақди.

— Ўчир деяпман сенга!— Сапарқул унинг томоғидан хиппа бўғиб, гугуртни тортиб олди-да, ўзини итариб юборди. Қоровул буғдой уюми устига йиқилиб тушди.

— Бу нимаси?— деди у шоша-пиша.

Омборчи билан «ревизор» эшикни тўсиб, унга яқинлашиб кела бошлади.

— Бу нима қилганларинг? Сизларга нима ёмонлик қилдим? Нима?— Абилқосим орқасига тисарилиб, деворга тақалиб қолди. Уларнинг ўзини ўлдиришмоқчи бўлаётганларини фаҳмлади.

— Хўш, маймоқ, орқамдан пойлаб юрибсанми?— деди Сапар хириллаб.

— Вой, пойлаб нима қиламан? Ахир, сен омборчисан, калитлар ўзингда, ҳаммасига ўзинг жавоб берасан...— деди қоровул ёлвориб.

Сапарқул қоровулнинг ҳеч нимадан шубҳаланмаётганини фаҳмлади-да, шеригига ишора қилди. Полвон шериги темир ломни буғдой уюми остига ташлади.

— Э, тентак, сен ҳазилни тушунмас экансан-да. Ўтир, гаплашамиз. Бу ёққа кел!— деди Сапарқул ва қандайдир хунук кулимсиради.



Абилқосим эшик томон юрганди, шериги унинг йўлини тўсди.

— Утир деяпман! Гап бор!— омборчи унинг елкасидан босиб, бугдой уюми устига ўтқазди.

— Энди қулоқ сол! Мен омборчиман. Шундайми? Демак, билганимни қиламан. Шундайми?— Сапарқул бир зум ўйланиб турди.— Уйингда бугдойинг кўпми?

— Озгина бор... Нимайди?

— Йўқ, шунчаки сўраяпман. Хўш, қанча бугдойинг бор?

— Арпам бор, кузда меҳнат кунимга олувдим, қишдан бир амаллаб чиқиб оламан,— деб жавоб берди қоровул.

— Чиқиб оламан, дегин? Чиқиб олгунингча суробинг тўғри бўлиб қолади, очликдан шишиб кетасан. Қани, айт-чи, эгнингдаги кителни, ўлган фрицнинг кителини кийиб юрганингга қанча бўлди?— деб сўради Сапарқул.

— Билмадим, эсимда йўқ. Уни бир фронтовикдан сотиб олувдим,— деб қўрқа-писа жавоб қилди Абилқосим.

— Ҳа, ана энди ўзингга келдинг! Битлаб, сасиб кетгандирсан... Мана бир қоп бугдой сенга, пуллагину ўзингга уст-бош олгин. Ахир, йигитсану. Сен гарчи бор хром этик кийиб, пўрим бўлиб юришинг керак. Фақир одамдай жулдур кийимда юришингни қара.

— Йўғ-е. Менга керакмас... Ўзим бир амаллаб,— деб гап бошлади Абилқосим.

— Бўлди, кўп валдирайверма! Мана бу қопни олгин, ўзимиз сени чанада олиб бориб қўямиз!— деди Сапарқул шартта.

— Менга нима кераги бор? Бола-чақам бўлмаса. Чол-кампирим бўлмаса. Меҳнат кунимга олганим ўзимга етади,— деб эътироз билдирди қоровул.

— Вой, ғирт нодон, тўнка экансан-ку. Етади дейсанми, сенга етса, бошқаларга етмаяпти-да. Ахир, тўйиб нон емаганимизга қанча бўлди. Тўғрими? Халқнинг аҳволини ўзинг кўриб турибсан. Ҳамма оч-яланғоч, ейишга овқати, кийишга кийими йўқ. Урушнинг падарига лаънат! Гапим тўғрими? Кеча активистлар ўзаро гаплашиб, келишиб олишди. Фақат оғиз очмагин, жим юргин. Овулимизда бегоналар йўқ, ҳаммамиз қариндош-уруғмиз, мана сен ҳам бизга ини бўл-

динг. Складда киримга ёзилмаган озгина буғдой бор, шунини ўзаро бўлишиб олмоқчи бўлдик. Агар кундузи олсак, бегоналар кўриб қолади, дарров етказишади, вакил чопиб келади. Ҳозир у қўшни овулни текшираётган эмиш. Ҳамма ўз улушини олиб бўлди. Гап шу. Битта сен қолдинг. Чўлоқ бўлганинг учун улушингни уйингга олиб бориб бермоқчимиз. Ишонмасанг, ана, ревизордан сўра,— Сапарқул «ревизор»га кўзини қисиб қўйди.— У ҳам ўзимизнинг одам. Гап шу. Тушундингми?

— Тушундим, лекин мен олмай қўя қолай, уни Мўнқўлай амакига беринглар, унинг болалари кўп...

— Нима, қўрқаясанми? Нима, кўпчилидан, халқдан ажралиб қолмоқчимисан? Йўқ, бунақаси кетмайди, аниқки! Қўрқмасанг ҳам бўлаверади. Халқникини халққа бериш керак-да. Шундайми? Биз ҳам колхозмиз, демак, буларнинг ҳаммаси бизники, демак, халқ мулкини қандай тақсимлашни ўзимиз биламиз.

— Тушуниб турибману, лекин...

— Ҳа, менам сени тушуниб турибман!— деб унинг гапини бўлди Сапарқул.— Бир чеккада қолиб, ҳаммамизни тутиб бермоқчимисан? Шундайми?

— Йўғ-е... мен шунчаки...

Абилқосим «ревизор»нинг ердан темирни олганини ҳам, Сапарқулнинг, шошмагин, дегандек шеригига кўзини қисганини ҳам пайқамади.

— Агар бир гап бўлса, ўзим жавоб бераман. Калитлар менда эди, сўрашса, тўғриси гапиравер, Сапарқул бир қоп буғдой берди, дегин. Мана қоғоз, қўл қўйгин,— Сапарқул нижимланган бир варақ олди-да: «Абилқосим — бир центнер буғдой», деб ёзди. Қани, кел, қўл қўй. Мана, кўриб қўй, мен ҳам, ревизор ҳам қўл қўямиз.

Абилқосимга Сапарқул бирор ноҳўя, беаъни иш қилаётгандай бўлиб туюлмади. Омборчи ўқимишли одам эди. Гапни ҳам ўрнига қўяди, ганига бировни ишонтира олади ҳам. Лекин қоровулнинг кўнгли бирор ноҳўш нарсани сезаётгандай эди, Сапарқул қоғозга қўл қўй, деганида иккиланиб қолди.

— Қани, оғайни, тезроқ бўл, совқотиб кетдик. Қўл қўйгину буғдойингни олиб кетавер. Йигит одам ҳеч қачон иккиланмаслиги керак,— деб шоширарди «ревизор».

Абилқосим сиёҳли қаламнинг учини ҳўллади-да, йирик-йирик ҳарфлар билан ўз номини ёзди.

— Ҳа, мана энди, сен ҳам рўйхатга кирдинг. Энди олмасанг ҳам олган ҳисобланасан. Ҳатта тушдинг, ўтга тушдинг, деган гап бер. Тушундингми? Қани, энди кетдик.

Абилқосим оғиз очишга улгурмаган ҳам эдики, иккови қопни шартта кўтариб, чанага қўйишди, чанада ўнтача қоп бор эди.

— Ҳозир бир қопини, йўқ, икки қопини Мўнқўлай амакиникига олиб бериб ташлаймиз, унинг болалари кўл...— деди ревизор.

— Қани, бу ёққа чиқ! Складни бекитаман!— деб шошилтирди Сапарқул.

Қоровул складдан чиқди. Сомборчи эшикка қулф солди. Чана йўлга тушди. Абилқосим уйига келиб қараса, дарвозаси олдида бир қоп буғдой ётибди.

«Агар колхоз активи донни оч қолган колхозчиларга бўлиб бермоқчи экан, демак, Сапарқул тўғри гапирибди-да. Мен қоғозга қўл қўйдим. Демак, ҳаммаси қонуний бўлибди-да. Агар бир қоп донни сотсам, анча-мунча пул бўлади. Асипанинг боласига кийим олиб бераман. Етимча Янги йил олдида бир хурсанд бўлсин»,— деб ўйлади Абилқосим ва қопни уйига судраб олиб кирди.

Янги кун одатдагидай бошланди. Тонг ёришиши билан Сапарқул келди-да, гўё кечаси ҳеч гап бўлмагандай хотиржам складни очди. Ҳеч ким тегирмонга шошилмас, ҳеч ким бозорга отланмаганди. Гўё бу воқеани бутун овул сир тутаетгандай эди.

— Ҳой, ўғлим, бу ёққа келгин,— қоровул Асипанинг ўғлини кўриб чақирди.

— Ойинг нима қиляпти?

— Ҳеч нима...— деб жавоб берди бола.

— Қайёққа кетяпсан?

— Батмакан холаникига унга юборишди, угра қилишмоқчи.

— Нега қишда йиртиқ ботинка кийиб юрибсан?

— Этигим йўқ. Ойим, кўчага чиқма, шамоллаб қоласан, деб уришгани уришган.

— Ҳа, тушунарли,— деди Абилқосим хурсанд бўлиб.

Бола кетганидан кейин у ердан чўп олди-да, унинг

оёқ изини ўлчаб, Митька этикдўзнинг олдига кетди. Болалигидан шу ерда яшаётган, қирғиз тилини, бу ерликларнинг урф-одатини жуда яхши биладиган Дмитрий Шестопални овулдагилар ана шундай деб аташарди. Унинг малла соч, бурунларида сепкили бор болалари қирғиз мактабида ўқишарди. Этикдўзлик унга отакасб эди, отаси эса бувасидан ўрганганди. Шестопаллар авлоди бу ерда салкам юз йилдан буён яшашарди, уларнинг қўли гул усталиги бутун водийга тарқалганди.

— Митька, менга этик тикиб бер,— деди Абилқосим унинг оппоқ қилиб оқланган уйига кирганидан кейин.

— Размеринг қанақа?— деб сўради Шестопаль, сур ипни лўлилар игнасининг тешигидан ўтказаркан.

— Менга эмас, болага. Кўн тагчарм қўйгин, қўнжини хромдан эмас, чўчқа терисидан қилгин, кўпга чидайди,— деди Абилқосим ва этикдўзга чўпни узатди.

— Тўрт пуд буғдой берасан!— деди Митька чўпни қолипга ўлчаб кўраркан.

— Ҳа, майли. Фақат тезроқ тикиб бер. Боланинг оёғи совқотяпти, кўчага чиқолмаяпти.

— Нима, боланг борми?— деб сўради у ҳайрон бўлиб.

— Ҳа... Э, йўқ... жияним... Янги йилга совға қилмоқчиман.

— Қани, қўлингни бер. Келаси ҳафтага тўрт пуд буғдой олиб келгину этикни олиб кетавер,— деб ваъда берди уста.

Чиндан ҳам бир ҳафтадан кейин этикдўз эшак қўшилган чанада келди. У қопни очди, ичида қулинг ўргилсин этик ётарди.

— Эҳ, этикмисан этик! Бунақа этикда фақат танцага тушсанг-да,— деди этикдўз тагчармини чертаркан.

Абилқосим этикни қўлига олди.

— Хўш, қалай?— деб сўради Дмитрий, мақтовни сабрсизлик билан кутаркан.

— Михдек!— деди Абилқосим.

— Тагчарми ҳам зўр, қалин, спиртланган, қўнжлари лаклангандай ялтирайди,— деди Митька.— Қа-

ни, берадиганингни тезроқ бер, болаларим тишининг кирини сўриб ётишибди.

— Кўнгилдагидай қилиб тикканинг учун мана сенга яна ярим пуд!— деди қоровул.

Қўлларини қўлларига қарсиллатиб уришди. Митька буғдойни ўзининг қопига солиб олди-да, тегирмонга кетди.

Абилқосим этикни қўлида узоқ айлантириб, томоша қилди, кейин стол устига қўйиб, яна узоқ тикилди, ўзига-ўзи жуда сахий, ажойиб кўриниб кетди. У болани шу заҳоти чақриб, оёгига кийдириб қўймоқчи бўлди-ю, лекин ҳадемай Янги йил келишини эслаб, этикни байрамга совға қилишга шу топда аҳд қилди ва уни сочиққа ўраб, сандиққа солиб қўйди. Кейин уни бир неча бор олиб, қўлида айлантириб завқланиб томоша қилди, ўзи тагига нағал қоқди.

Ҳадемай овулда, райондан комиссия келганмиш, колхоз ишларини текширармиш, деган миш-миш тарқалди. Абилқосим бу гапларга унчалик парво қилмади — ҳар хил текширувлар бўлаверади, бошлиқ бўлгандан кейин текширишади-да, деб ўйлади.

Лекин бир куни кечқурун колхоз раиси Тойлоқов, икки бегона одам ва Сапарқул Абилқосимнинг уйига кириб келишди.

— Қани, оғайни, уйингни бир кўрайлик-чи. Ҳар хил гаплар юрибди...— деди Тойлоқов.

Келганлардан биттаси стол ёнига ўтирди-да, қоғозларини ёзди.

— Яқинда Митрий сенга этик тикиб берганмиш, сен унга тўрт ярим пуд буғдой берганмишсан? Шу ростми?— деб сўради Тойлоқов.

— Ҳа, тўғри,— деди Абилқосим.

— Хў-ўш. Қани, этигингни кўрсат-чи,— деб сўради Тойлоқов.

Абилқосим сандиқдан этикни олганида ҳаммалари бир-бирига қараб қўйди.

— Хў-ў-п. Бу болалар этиги-ю! Сен буни нима қиласан?..— деб сўради Тойлоқов.

— Керак эди-да...— деб жавоб берди Абилқосим.

— Сотмоқчимидинг?— деб сўради Сапарқул.

— Йўғ-ей. Ҳалиги... жиянимнинг ўғли бор... Шунга сотиб олувдим.

— Нега ёлгон гапирасан? Сенда жиян нима қилсин? Ахир етимсан, ҳеч киминг йўқ-ку. Келгиндисану!— деди Сапарқул заҳархандалик билан.

Абилқосимнинг бошига оғир бир нарса билан уришгандай бўлди.

— Биз ўзимиз текшириб, аниқлаб оламиз, ўртоқ Сапарқул... Айтинг-чи, гражданин Абилқосим, этик ҳақини қайси бугдойдан тўладингиз?— деб сўради нотанишлардан бири.

— Ўзимнинг бугдойимдан,— деб секин жавоб берди Абилқосим.

— Уша бугдойдан яна борми?

— Бор... ярни турибди,— деди Абилқосим чайналиб. Назарида бутун бўғинлари бўшашиб кетгандай бўлди.

У бурчакда турган қонни кўрсатди.

Ҳаммалари бир-бирига қараб қўйишди. Сапарқул тилиричилаб қолди:

— Мана, ўртоқ боғилиқ. Кўрдингизми, ўша бугдойнинг ўзи. Ишонмасангиз, анализга олинг, текшириб кўрасиз. Уша Кубань нави, уруғлик дон.

— Яна борми?— деб хотиржам сўради нотаниш киши, қўлига бир ҳовуч бугдой олиб.

— Йўқ... бошқа йўқ. Ўзгина арпам бор,— деди Абилқосим сал ўзига келиб.

— Бошқа ертўланг йўқми?— деб сўради колхоз раиси.

— Йўқ...

Лекин келганлар уйни, ҳовлини, қазноқни текшириб кўришди.

— Сиз инвалидмисиз?— деб сўради бегоналардан биттаси.

— Ким билади, шундайдир-да,— деб жавоб берди Абилқосим.

— Қайси группа?— деб сўради бошқаси.

— Билмайман. Врачларга бормаганман...

— Мана бу қоғозга қўл қўйинг. Бугдойингизни анализ учун олиб кетамиз. Эсингизда бўлсин: овулдан бирор жойга кетишингиз мумкин эмас, ман қилинади. Ишга ҳам чиқманг. Агар бўйсунмасангиз, бошқача чора кўрамиз, яъни қамаймиз. Қолган гапларни терговчига гапириб берасиз,— деди қоғозларга у-буни ёзиб ўтирган нотаниш киши қатъий бир оҳангда. Абил-

қосим қоғозга қўл қўйди. Келганлар қопни, этикни олиб чиқиб кетишди.

Абилқосим нима гап бўлганига ҳадеганда тушуна қолмади, лекин қандайдир мудҳиш бир нарса содир бўлаётганини кўнгли сезиб турарди. Бироқ кўчага чиқиши билан нима гаплигига дарров фаҳми етди, гўё зеҳнини тўсиб турган қора пардани олиб ташлашгандай бўлди. Ҳовлига одам тўлиб кетганди, ҳаммалари нима ҳақдадир тортишишар, бақириб-чақирришарди. Абилқосимни кўришлари билан жимиб қолишди, гўё қип-яланғоч ёки қонга беланиб чиққандай, ҳаммалари унга тикилишди.

Олдинда Мўнқўлай амаки турарди. Ўтган йили у Абилқосимга томиви тузатиб олсин, деб текинга иккита хода берувди. Ҳозир ўша сахий амаки унга еб юборгудай бўлиб қарарди, берган ходаларини қайтиб олиб кетишга ҳам тайёр эди. Унинг ёнида Бибиш қола турарди. У ҳар куни Абилқосимнинг ситирини соғиб берарди. Ана, Жумали ҳам турибди; у ўтган йили баҳорда омборини қуришга қарашиб юборганди. Унинг ҳам қош-қовоғи осилиб кетганди, ҳадеб бош чайқар, эсиз, эсиз, деб қўярди. Баъзи-баъзида сувини олиб келиб берадиган кичкина Жакен ҳам қўлига тош олиб, Абилқосимга отишга тайёр эди.

Абилқосим: «Оғайнилар, азизлар, мен айбдор эмасман, мени лақиллатишди, бошлаб қўлга туширишди!» — деб қичқирмоқчи бўлиб, олдинга чиқди-ю, лекин томоғига бир нима тиқилгандай бўлди. У тупугини ютиб, ҳеч зарур бўлмагани ҳолда бошидан телпагини олди, кейин яна кийди, сўнг яна олди. Одамлар чурқ этмасди. Абилқосим қаттиқ оқсоқланиб, уйига кириб кетди.

— Ярамас! — деб қичқирди кимдир.

Ғала-говур кўтарилди.

— Сўққабош-ку, унга мол-давлатнинг нима кераги бор, тавба?!

— Бир ўзи қилмаган, ҳойнаҳой, шериги бор!

— Ер ютсин бу чўлоқни! Унга раҳмим келиб, у-бунга қарашиб ўтирибман-а, уст-бошини ямаб-ясқаб бердим-а, вой, ифлос-ей.

— Складни шунга ишониб топшириб ўтиришибди-а!

— Уруғлик донни ўғирлашга қандай қўли борди-я?

— Э-э, бечора нима қилсин! Ҳаммасига уруш айбдор! Бошқа вақтда ўғирлик қилармиди!

— Э, гап урушда эканми? Ахир, одам-ку! Одамгарчилиги қани?!

— У, ҳаммамизни очдан ўлиб кетсин, деган!

— Илоё, уни Зиёда бувининг арвоҳи урсин!

— Ақалли қизармайди-я, кечирим сўрамайди-я!

Бу гапларнинг ҳаммасини эшитиб турган Абилқосим уйдан чопиб чиқди:

— Азизлар, мен!..

— Учир овозингни, разил!

— Худонинг қарғишига учрагин!

— Қўйнимизда илон сақлаб юрган эканмиз!

— Шошманглар, майли, гапирсин!

— Мен... мени! Мен олмоқчи эмасдим! Мен...

— Ҳа, тушунарли! Буғдойнинг ўзи юриб келибди-да.

Оломон кулги кўтарди.

— Йўқ! Мен қоғозга қўл қўйдим.

— У яна қанақа қоғозни гапиряпти?

— Қўрққанидан оғзига келганини гапиряпти-да.

— Мен, ахир...

— Ўғрини уринглар!— деб бақирди кимдир оломон ичидан.

Бир неча тош келиб эшикка тегди, дераза ойналари чил-чил синди. Абилқосим уйга чопиб кирди-да, эшикнинг ичидан беркитиб олди. Одамлар ҳовлида анчагача туришди, ғовур-ғувур қилишди, ўғрини бўралаб сўкишди.

— Ҳа, бўлди, тарқалинглар! Эртага терговчининг ўзи текшириб кўради, аниқлайди. Тошбўрон қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ,— раис Тойлоқовнинг бўғиқ овози эшитилди.

Яна деразанинг икки ойнаси синиб, чилпарчин бўлди. Уйга совуқ ҳаво отилиб кирди. Ғала-ғовур аста-секин тинди, ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолди.

Абилқосим хонанинг ўртасида узоқ ўтирди, йиғлади. Зиёданинг ўлимидан кейин биринчи бор йиғлаши эди. Уй кўзига худди оғзи очилган гўрдай хунук кўринарди, девор олдида кўрпалар сочилиб ётарди, сандиқ очиқ қолганди, ойнаси синган деразадан ҳувиллаб шамол кирарди. Ниҳоят у ўзига-ўзи гўлдиради.



— Ҳа, ҳа!..— деди у гўё муҳим бир қарорга келгандай.

У уйдан чиқди, эшикни ёпмади ҳам, омбордан арқон олиб чиқди, ҳовлидаги каттакон дарахт олдига келди. Бу сершоҳ қайрағоч унга негадир доимо Зиёда кампирни эслатарди. Унинг иккита катта шохи Зиёда кампирнинг ёрилган, қуруқшаган қўлларига ўхшарди, пўстлоғи ҳам Зиёда кампирнинг юзидаги ажинлардай тилим-тилим бўлиб ётарди. «Ҳа, ҳа... Майли, ҳамма кўрсин... ҳамма»— Абилқосим оқсоқланиб уй томонга юрди, ўлими олдидан бир энлик хат ёзиб қолдирмоқчи бўлди.

— Кимга ёзсамикин? — деб гўлдиради у.— Овулдагиларнинг ҳаммасигами? Раис Тойлоқовгами? Сапарқулгами? Балки, бояги икки нотаниш одамга ёзарман?

У лампани ёқди, бир парча қоғоз, сиёҳли қалам қолдиғини топди, кейин беихтиёр шу сўзларни ёза бошлади:

«Асипа. Мен аблаҳ эмасман. Сенинг кумуш тугмаларингни мен олмаганман. Худо олдидан, ўлим олдидан онт ичиб айтаман. Мени бадном қилишди. Мен ўз ор-номусимни, виждонимни ҳимоя қилолмадим. Бас, етар! Агар бир йилдан кейин, худди шу куни мени эслаб, ҳақимга дуо қилсанг, у дунёда сендан миннатдор бўламан. Уғлингга Янги йилга совға тайёрлаб қўювдим, унга бериш насиб этмади. Хайр, алвидо! Бахтли бўлгин!»

Абилқосим хатни ёзиб бўлди-да, бир парча қоғозга узоқ тикилиб турди. Кейин негадир Янги йил совғаси ҳақидаги сўзларни ўчириб ташлади ва хатни қайтадан ёза бошлади. Эшик тақиллаб қолди.

Абилқосим сапчиб тушди, ўрнидан турди-да, эшик олдига борди.

— Ким у?— деб сўради у бир оз жим тургандан кейин.

— Очгин, Абеке, менман!

— Кимсан?

— Секин, бақирма! Мен, Сапарқулман.

— Сенга нима керак? Нима, жонимни олгани келдингми?— деб сўради Абеке ғазаб билан.

— Бақирмасанг-чи, гаплашиб олишимиз керак,— деди у хириллаган овозда.

Абилқосим, бир англашилмовчилик бўлгану Сапар-

қул шуни айтмоқчи бўлиб келган, деб ўйлади ўзича. Лампанинг пилигини сал кўтарди-да, эшикни очди, кейин уйнинг бир бурчагига бориб, индамай ўтирди. Сапарқул кирди.

— Ейишга бир ниманг борми?— деб сўради у ва қўйнидан бир шиша ароқ олди.

Абилқосим жойидан жилмади. Меҳмоннинг ўзи шкафдан бир бурда нон, туз, иккита пиёла олиб, стол устига қўйди.

— Кел, аввал томоғимизни бир ҳўллаб олайлик!— деди у зўраки кулимсираб.

Абилқосим ўқрайиб қарар, индамасди. Сапарқул ўзини жуда ғалати тутарди.

— Сенинг соғлигинг учун!— Омборчи пиёлани қўлига олди, уни бир кўтаришда ичмоқчи бўлди-ю, лекин Абилқосимнинг ичмаётганини кўриб, пиёлани яна стол устига қўйди.

— Ҳа, майли, ҳозир ичгинг келмаса, кейинроқ ичармиз,— Сапарқул пиёладаги ароқни яна шишага қуйди.— Сен, маймоқ, мендан хафа бўлмагин. Яхши-си, ақлли одамнинг гапига қулоқ сол.. Хуллас, гап бундоқ: агар бугдойни уч киши ўғирлаганмиз, десанг, бу группа бўлиб ўғирлашга киради. Тушундингми? Бунинг учун кўп беришади. Ҳар биримиз камида ўн йилга кесиламиз. Ҳаммаси бўлиб ўттиз йил. Шундай-ми? Агар, бир ўзим ўғирлагандим, десанг, кўпи билан икки-уч йил беради. Бу бир. Иккинчидан, агар мени қамашса, сен ўзинг қутулиб кетолмайсан. Тушундингми? Бу ёқда бўлсам, йўлини топаман, ишончли одамларим бор, улар сени бўшатиб олишга ёрдамлашишади. Узоқ ўтирмайсан. Бўшатиб оламан. Тушундингми?— деб сўради Сапарқул ва жавоб кутди.

— Қоғоз қани?— деб сўради Абилқосим.

— Қанақа қоғоз?— деб сўради у тушунмасдан.

— Уша, мен қўл қўйган қоғоз-да.

— Э, тентак, уни халажойдан қидир,— деди Сапарқул асабий кулимсираб.

Абилқосимнинг лаблари сал титраб кетди.

— Қани, кел, бир олайлик!— Сапарқул яна ароқдан қуйди.

Абилқосим бурчакка қараб қўйди — у ерда милтиқ кўринмади, у сўрининг тагида эди.

— Сен инвалидсан. Шундайми? Камида иккинчи группасан, сени суд қилмасликлари ҳам мумкин. Тушундингми?

Абилқосим шкафга қараб қўйди, қаердадир катта пичоқ ётган бўлиши керак. Қаерда ётганикин?

— Ўзинг нимжон бўлсанг ҳам ақлинг жойида. Ҳаммасини яхшилаб ўйлаб кўр. Кел, шунинг учун биттадан отайлик! Абиш, ароқ кўнгилни ёзади...— Сапарқул пиёлани узатди.— Ие, нега бурнингни жийирасан?— деди у кулимсираб, юмшоқ гапиришга уришиб.

Абилқосим, вешалка ўрнида ишлатилиб турган йўгон ёғоч илгакдан кўз узмасди.

— Буғдойни сеникидан топишганини унутмагин-а. Меникидан бир ҳовуч ҳам топишолмади. Қўлга тушмаган ўғри эмас. Мени илинтиролмайсан, сенга ҳеч ким ишонмайди. Шундайми? Қани, ол, қўлим толиб кетди-ю, ичвор!— деб ялина бошлади Сапарқул.

— Жў-ў-на!— деб бақирди Абилқосим қони қайнаб.

У бир сакрашда бурчакка борди-да, девордаги илгакни юлиб олиб, уни Сапарқулнинг боши тепасида кўтарди.

— Нима бало, эсингни едингми? Жинни бўлдингми?— қўлини кўтариб, бошини беркитган бўлди, эшик томонга тисарилди.— Ҳой-ҳой! Бу нимаси?

— Жўна деяпман!— деб бақирди Абилқосим баттар даргазаб бўлиб. Кўзларига қон тўлди. Унинг вазоҳатидан қўрқилик эди.

— Вой, жинни-ей! Эсираст! Ахир, маслаҳатлашгани келувдим. Ахир, сени одам деб келувдим-а.

— Жў-ў-на! Қонхўр!

— Бўпти, бўпти, мен кетаман. Мана кетяпман!— Сапарқул остонагача борди-да, эшикни орқаси билан очиб, кўчага стилди.

— Ўл-ди-раман!

Илгак эшикка урилиб, иккига ажралиб кетди. Абилқосим илгак синигини олди-да, худди илон ўлдираётган одамдай, остонани асабий ура бошлади.

— Йў-ў-қол! Мараз! Йўқол!

Илгак парчаси майда-майда бўлиб кетди. Абилқосим ҳолсизланиб, ерга гурс этиб йиқилди.

«Ў, ҳақиқат! Қаердасан! Қаерларда дайдиб юриб-

сан? Ер юзида бормисан ўзи? Ё ер қаърига бир умрга кўмилганмисан?»

У бирдан кампирнинг ўлим олдидан айтган гапларини эслади.

«Э, бечора, шўрлик кампир! Мени нега алдадинг? Яхшилик, эзгулик одамга ўзи келади, деб нега ёлгон гапирдинг! Нега менга, чиройли, кучли одамларга ҳавас қилмагин, деддинг? Нега энди яхшилик, эзгуликдан бўлак нарсани билишимни истамадинг? Ахир, одамлар ёвуз-ку. Ёвуз ва йиртқич. Улар мени ейишди. Бутун йиртқич тўдаси билан келиб ейишди, ожиз танамни парча-парча қилишди, мен ўзимни ҳимоя қилолмайман. Лаънат сендай риёкор кампирга! Нега энди мени ўзингга тенг қилдинг, ахир, сен бир чувалчангсан-ку, янчиб, топтаб ташлашлари учунгина ер бетига чиқасан. Ў, тангрим! Нега мени онамнинг қорнида эканлигимдаёқ ўлдириб қўя қолмадинг?! Майибу мажруҳларни, ожизларни бу дунёга келтириб нима қиласан? Ахир, уларнинг ҳаммаси соғлом, кучли, шунинг учун ҳам мени хароб қилишди. Мен улар учун, уларнинг ёвузлиги, тубанлиги, маразлиги учун жонимни, умримни қурбон қилишим керак».

Агар Абилқосимнинг бақирини, ўй-фикрлари, ҳис-туйғуларини мабодо айтиб бериш керак бўлгудай бўлса, унинг кўнглига ана шу гаплар, тўғрироғи, шунга ўхшаш гаплар келганди. У худди балиқдай оғзини каппа-каппа очиб нафас олар, юраги гоҳ сиқилар, гоҳ орқасига тортиб кетар, гоҳ дукиллаб ура бошларди. У ерда қанча ётганини эслаёлмайди, лекин бошини кўтарганда тонг ёришганди. Деразанинг синиқ кўзидан хонага увиллаб изғирин кирмоқда эди. Лампа аллақачон ўчиб қолганди. Қўл-оёқлари совуқдан тарашадай қотиб қолганди. Асипага ёзган хати қўлтиғида шитирларди. Шишада қолган ароқ стул устида турарди.

У ўрнидан турди-да, печкага ўт ёқмоқчи бўлди. Совиб қолган печь тутунни яхши тортмасди, аччиқ кўк тутун кўзларини ачиштирар, қўллари билан ҳеч нимани ушлаёлмас, музлаб қолган бармоқлари букилмасди. У ойнаси синган дераза кўзларига кўрпаларини ёпди-да, стол олдига келиб, пиёладаги ароқни бир кўтаришда ичди. Дарров танасига иссиқ югурди. Яна бир пиёла ичди — буниси аввалгисидан ҳам аччиқ

туялди. Аъзойи бадани бўшашиб, боши сал айлангандай бўлди.

«Ароқни ифлос Сапарқул олиб келди. Демак, у мендан қўрқади!» Абилқосим ярми бўш шишани печга қарсиллатиб урди. «Орқа-олдига қарамай қочиб қолди-ю! — Абилқосим қиқирлаб кулди. — Демак, мен бир нима қилишга қодир эканман-ку. Мен Сапарқулнинг расвосини чиқаришим мумкин. У менинг қўлимда, қачиб қутулолмайди, — ширакайф Абилқосим қўлларини мушт қилди. Бадани исиди, томирларида қон ўйнади. Қўйнидан хатни олди. — Тавба! Буни нега ёздим-а? Шунга хат ёзиб ўтирибман-а! Уша ярамаснинг опаси-да, укасидан қолишмайди. Балки ҳамма айбни Абилқосимга ағдар, деб ўша ўргатгандир, болалигида мени урганини эсига солгандир. Ўғирланган буғдойни, ҳойнаҳой, иккови яшириб қўйишган. Вой, фирибгар-е! Буғдойни олган куним ўғлини олдимга юбориб ўтирибди-я...» Кейин яна эсига бир нарса тушиб қолди, худди шу куни ўғлидан бир коса бўза бериб юборганди. «Аниқ. Бўзанинг кайфи етмагандек, унга мияни айнитадиган бир нима ҳам сепган, жоду ҳам қилгандир! Ҳа, роса аҳмоқ қилишди! Ахир, ўшанда ҳам у мени ўғри қилганди-да, тугмаларимни сен ўғирлагансан, деганди-да. Ҳа, одам ўла-ўлгунича тузалмас экан. Сут билан кирган жон билан чиқаркан. Ахир унинг дастидан ўқиёлмай қолдим-ку. Унинг дастидан чўпону, қоровуллиқдан нарига ўтолмадим... Нодон эканман! Аҳмоқ эканман! Улимим олдидан унга хат ёзиб ўтирибман-а! Шошма, шошма, нега энди мен ўзимни осишим керак? Нима, эсимни еб қўйибманми? Шошмаларинг, мен ҳали сизларга кимлигимни кўрсатиб қўяман! Фақат шу болангга ачинаман-да. У бечорада нима айб? Ҳа, майли, нима бўлса бўлар! Агар уларни қамашса, болани олиб кетаман, ўзим тарбиялаб, катта қиламан. Кўзларингни мошдай очиб қўяман! — Абилқосим хатни майда-майда қилиб йиртди-да, печкага ташлади, қоғоз ловиллаб ёниб, қизғиш аланга унинг юзини ёритди. — Ҳаммаси учун қасос оламан! Мени хўп лақиллатдиларинг-а... Энди, сен муттаҳам қутулиб бўпсан, албатта суд қилишади! Сенинг айбингни исботлаёлмасам, сени мана мен ўзим жазолайман! Майли, шунинг учун озодликдан маҳрум бўлсам, ўлиб кетсам ҳам майли!» — Абилқосим сўри

тагидан ов милтиғини олди, ўн йил ичида ундан бирон марта ҳам отган эмасди. Сандиқнинг тагидан бир дона патрон топди. Яқиндан туриб отса, битта ўқ ҳам етади...

У печни ёлди, телпағини кийди, камарини эшикб-роқ боғлади-да, кўчага чиқди.

Тонгги гира-шира туманда, уйқуддаги овул ўртасидан ёлғиз одам оқсоқлакиб борарди. Эрталабки изгирин юзини ачиштирар, пўстинини қиров босганди, лекин Абилқосим терлаб кетганди. Бурун катакларидан нафас оларди, шамол олди очик пўстинининг этакларини юлқиларди. «Мени ўлдиришмоқчи эди! Ҳа, кўрамиз ҳали... Мен осонликча жон бермайман! Улсам ўламанки, ҳақиқатнинг тагига етмай қўймайман... Майли, ожиз, гапга нўноқ бўлай, лекин мен ҳақиқат учун ўламан!» Унинг назарида ҳамма ёвузликлар, ҳамма ёмонлик шу Сапарқул билан опасидан чиққандай эди. Мана шуларга ўхшаган одамлар дастидан у етим қолди, ўшалар туфайли ногирон бўлиб туғилди, мана энди улар бундан нафратланишяпти, уни жиноятчига чиқаришяпти.

Абилқосим эшикни бир тепиб очди. Қаршисидан чопиб чиққан қора ит тумшугидан текки сб, ангиллаганича уйнинг орқасига қочиб кетди. У эшикни тақиллата бошлади, кейин елкаси билан итарди, афтидан, илгаги узилди шекилли, эшик бирдан ланг очилиб кетди.

— Сапарқул! Муттаҳам! Агар одам бўлсанг бу ёққа чиқ!— деб бақирди қоровул.

— Ҳа, чўлоқ, нима, сени ажал ҳайдаб келдимиз?— ўнг томондаги хонадан Сапарқул қўлида қамчиси билан чиқди, лекин милтиқни кўрди-ю, қўлини тушириб, эшик орқасига яширинди.

— Бу ёққа чиқ, ҳозир сени ўзим суд қиламан. Сени ўлимга ҳукм этаман!— деди қоровул хотиржам ва лўнда-лўнда қилиб.

— Вой, худойим, нима бўлди ўзи?— қўшни хонадан ички кўйлақда Асипа чопиб чиқди.— Нима, жинни бўлдингми, Абилқосим?

— Ҳа, жинни бўлдим! Мен аҳмоқман! Лекин ҳаммангга кўрсатиб қўяман! Укангга айт: агар ит бўлмаса, бу ёққа чиқсин!— деб буюрди.

— Вой, худойим! У гирт маст-ку! Болани кўрқитиб юбординг!— Асипа милтиққа ёпишди.

Бола баттар қичқириб юборди.

— Қўй, опа, овера бўлма. У эсини еб қўйган. Қулогига гап кирмайди,— деди Сапарқул эшик орқасидан.

— Бу ёққа чиқ, разил! Биқинингдан дарча очиб қўяй! Сен билан ўзининг тилингда гаплашай,— деди Абилқосим милтиқни ўқталиб.

Сапарқул эшикни шартта ёпди-да, кўчага ўқдай отилиб чиқди. Абилқосим аёлни туртиб ўтиб, унинг орқасидан югурди.

— Ўлдирди! Ўлдирди!— деб бақирди аёл, ўзини ерга отди-да, Абилқосимнинг оёқларидан маҳкам қучоқлаб олди.— Азизим, жон Абеке! Нима бўлди ўзи, гапирсанг-чи? Менга айтгин, жон Абилқосим! Раҳм қилгин! Ўлдирадиган бўлсанг, яхшиси мени ўлдиргин!

Абилқосим ким раҳм-шафқат сўраб, ким илтижо қилаётганини гўё энди тушунгандай эди. У бошини бир силжитди-да, кафти билан юзини силади.

— Шошма, Абеке! Шошма! Болани қўрқитиб юбординг. Нега Сапарқулга яқин юрдинг? Ахир, сен каттасан... Ақллироқсан. Сен раҳмдил, яхши одамсан!— Асипа унинг тиззасидан қучоқлаганича ҳамон ялинб-ёлворарди.

Бола пиқ-пиқ йиғларди.

Абилқосим милтиқини дастга туширди.

— Ҳа, тузук, Абеке, шундай қилишингни билардим, янглишмаган эканман. Бунақа ёвуз бўлиш керакмас. Яхшиси мени отиб ўлдир, унамга тегма. У ҳали ёш, гўр, нима кўрибди дейсан. Мен шўрпешона, бахти қароман, кўрадиганимни кўриб бўлдим, на эрим бор, на ота онам! Ҳеч кимга керагим йўқ! Майли, у яшасин! Ҳеч нарсага ақли етмайди, нодон. Ҳа, ҳали эс-қушини йиғиб олар.

Бола Абилқосимнинг ҳовридан тушганини кўриб, бир оз тинчиди.

— Қўрқма, чўчим, болам. Бу амакинг... Амакинг... Кўриласанми, сал кайфи ошиб қолибди... Амакинг яхши одам. Ҳеч нима қилмайди, ундан қўрқмагин. Эсингдами, у сенга патрон берганди. У сени пўстинига ўраб иситганди, қўйнида ухлаб қолгандинг. Эсингдами?— Асипа ўғлини бағрига босди. Бола дағдағ титрар ва хўрсиниб йиғларди.— Гапирсанг-чи, Абилқосим, нима бўлди? Ахир, унинг туғишган опасиман, жигариман-ку... У ҳам ҳеч нима демайди, сенам

миқ этмайсан. Ораларингдан бир гап ўтдими?— Аёл секин милтиқни олиб қўйди.— Уйга киргин, ҳаммасини ётиғи билан гапириб бергин.

Абилқосим жим бўлиб қолди, худди ёш боладай итоаткорона орқасидан эргашди. Бола йиғидан тўхтади, юзини онасининг кўксига яширди.

— Бор, ўғлим, ётгин. Амакинг билан гаплашиб олишим керак, кўрқма, кўзим. Амакинг яхши одам. У сенга яна патрон беради! Бор, ухлагин...

Бола чўчиб, ҳадиксираб орқасига қарай-қарай, бошқа хонага чиқиб кетди.

— Ёрма бор, ичасанми, Абилқосим?

Абилқосим йўқ, дегандай бош чайқади.

— Чой қўяйми? Иссиқ чой ичасанг, анча ўзингга келиб қоласан.

— Мен маст эмасман,— деди Абилқосим аёлга қарамасликка уриниб.— Қоним қайнаб кетди-да.

— Нега энди ичдинг? Ахир, сарлигинг ночору...

— Аламимдан ичдим,— деди Абилқосим гўё узр сўраган кишидай.

— Сенга ичиш ҳечам мумкинмас, ўзингни небуд қиласан,— деди аёл астойдил ачиниб.

Абилқосим бошини кўтарди. Асипа енгил, ҳарир кўйлақда, қўлларини кўксига босиб турарди, сочи ёйлиб кетганди. Кўзлари-чи, кўзлари... кўзларида меҳр ва ишонч бор эди. Йўқ, бу кўзларнинг алдаши, риёкорлик қилиши мумкинмас. Абилқосим ўгирилиб олди.

— Уканг битта оғайниси билан мени балога гирифтор қилди... Менга ҳеч ким ишонмаяпти. Бугун кечаси ўзимни ўлдирмоқчи эдим.— Абилқосим кафти билан кўз ёшларини артди.— Сенга хат ёзувдим, кейин йиртиб ташладим.

— Менга-я? Қанақа хат?— деб сўради аёл ҳайрон бўлиб.

Абилқосим ўйламай гапириб қўйганини пайқади, буни гапирмаслиги керак эди, лекин вақт ўтганди.

— Ҳаммасига сен айбдорсан, деб ёзувдим. Тугмангни ёзгандим...

Аёл ерга қаради, афтидан, узоқ болалигидаги воқеа эсига тушди шекилли.

— Кечаси уканг ҳамма айбни бўйинингга олсан, деб мени мажбур қилди! Уни ўлдиришимга сал қолди,— Абилқосим тобора дадил гапирарди.— Қани



айт-чи, қачонгача мени хўрлайсизлар? Ахир, мен ҳам одамман-ку. Менинг ҳам яшагим келади. Нима, ўтган ҳам, кетган ҳам туртсин, деб келдимми бу дунёга?

Асипа унга ҳайрон бўлиб қараб турарди. Бир замонлар ёш-ёш болалардан, қизлардан калтак еб, овулдагиларга доим кулги бўлиб юрадиган ўша Абилқосим энди ор-номусдан гапириб ўтирса-я! Аёл унинг қарши-сида, эркак олдида бир ички кўйлақда турганини энди сезиб қолди. У уялганидан эски чопонни олди-да, елкасига ташлаб, дарров ўраниб олди. Буни сезган Абилқосим ўзини яна ҳам дадилроқ, ишончлироқ ҳис этди.

— Тўғри, мен ҳам бугдой олдим, айбдорман, лекин ҳақиқат учун ўла-ўлгунимча курашаман. Судда ҳаммасини гапириб бераман. Ҳақоратланган ор-номусим учун қасос оламан.

Абилқосим аёлнинг йиғлаётганини кўриб, индамай қолди.

— Бу нима кўргилик! Яна мусибат! Шу биттаю битта укамга ишониб, орқа қилиб юрувдим! Энди нима бўлади-а? Қуриб кетгур шу бугдой қаёқданам чиқди-я! Наҳотки ўғлим икковимиз мунгайиб қолсак-а?— Асипа ув тортиб йиғлади.

Онасининг йиғисини эшитиб, Нурлан ичкаридан чиқди.

— Вой, етимчам, энди яккаю ягона тоғангдан ҳам ажраладиган бўлдинг!— дерди у йиғисини тиёлмай.

Абилқосим довдираб қолди. Етимлик нималигини, уйда якка-ёлғиз қолишнинг нималигини ҳеч ким билмаганда ҳам у яхши биларди.

— Э, худойим, онадан намунча бахтиқаро бўлиб туғилган эканман? Мени ҳатто қора ер ҳам ўз бағрига олмаяпти... Онажон, мени ҳам бирга олиб кетсанг бўлмасмиди?

Абилқосим йиртиқ телпагини бир кийиб, бир ечиб, нима қиларини билмасди:

— Ҳа, бўлди, бўлди...— деб гўлдиради у ва милтигини олди-да, эшик томонга юрди.

Аёл унинг чиқиб кетганини сезмай ҳам қолди.

Овул уйқудан тура бошлади, баъзи уйларнинг мўрисида кўкимтир тутун буралиб-буралиб чиқарди, изғиринли туманда у ер-бу ерда одамларнинг қораси кўзга ташланарди.

Абилқосимдаги бояги қаҳр-ғазабдан асар ҳам қол-

маганди, кайфи бутунлай тарқаб кетди, ундаги нафрат ўти худди даштдаги жала ўчирган оловдай бирдан сўнди-қолди. Аёл кишининг йиғиси ҳамон қуловидида өшитилиб турарди. Асипанинг бу ифлос Сапарқулни деб бунчалик кўйиб-пишишини ким билибди дейсиз!..

Абилқосим кетиши билан Сапарқул ошналари билан уйга отилиб кирди. Иккитасининг қўлида таёқ, учинчиси милтиқ кўтариб олганди.

— Маймоқ қани?— деб сўради Сапарқул оёғини тираб туриб.

— Билмайман, чиқиб кетди...— деб жавоб берди Асипа.

— У сизга тегдими, опа?— деб сўради Сапарқулнинг ошналаридан бири.

— Йўқ, ҳадди сиғармиди?— деди Асипа кўз ёшларини артаркан. Овозида сезилар-сезилмас бир илиқлик, меҳрибонлик бор эди, лекин келганлардан биронтаси бунни эшитмади, пайқамади, чунки уларнинг эс-ҳуши бошқа нарсада эди.

\* \* \*

Ҳадемай бутун водийда райондан терговчи келганмиш, у чўлоқ Абилқосимни (овулда яна бир Абилқосим бор эди) сўроқ қилармиш, Сапарқул қочиб кетганмиш, деган миш-миш тарқалди. Бир кундан кейин қоровул ҳамма айбига иқрор бўлганмиш, деган гап чиқиб қолди. Айтишларича, бугдойни унинг бир ўзи олган экан. Сапарқулни топишибди, у ҳеч қаяққа қочмаган экан, Майраш исмли ёш бир беванинг уйида уч кун роса айш-ишрат қилибди. Қоровул Абилқосимнинг ишини судга оширишибди. Райондан милиционер келганмиш.

Қамоққа олинган Абилқосимни милиционер олдига солиб, олиб кетаётганда овулдагиларнинг ҳаммаси — ёши ҳам, қариси ҳам уйларидан чиқишиб, жиноятчига индамай қараб қолишди. Абилқосим бошини қуйи солганича кўчанинг ўртасидан борарди. Унинг оёқ излари эндигина ёққан қор устида қоларди, бир сёғининг изи тўғри, иккинчисиники қийшиқ тушарди. Асипанинг уйи рўпарасига келишганда Абилқосим бошини мағрур кўтарди-да, сезилар-сезилмас кулимсираб қўйди. Лекин Асипа уйда йўқ эди. Ҳибсга олинган одам қадамини секинлатди.

— Тўхташ мумкинмас,— деб шошилтирди милиционер. Абилқосим деразага яна бир бор қаради-да, оқсоқланиб йўлида давом этди. Улар овулдан чиқиб кетишди, эски қабристон, кўҳна мақбара олдидан ўтишди. Мақбара деворидаги ёриқ шундай кўриниб турарди. Унинг найзасимон чўққисиди ола ҳакка қўниб ўтирарди.

— Хуржунигизни менга бера қолинг,— деди милиционер.

— Раҳмат, азизим, ўзим бир амаллаб...

— Ундай бўлса тезроқ юрайлик, у ёқда; тош йўлда машина кутиб турибди. Йўллариғ ёмон экан, бу ёққа киролмадик,— деди милиционер.

Абилқосим хуржунини берди.

— Менга неча йил беришаркин?— деб сўради Абилқосим.

— Қилмишиниғга яраша оласан-да.

Кейин индамай кетишди.

Узоқда, тош йўлда машина кўринди.

— Сизга келаётгандир-а?— деди милиционер ўгирилиб. Овул томондан бир аёл чошиб келарди. Абилқосим бош чайқади. Унинг орқасидан ким келиши мумкин? Лекин аёл ҳадеб қўл силтарди. Тўхташди. Бу Асипа эди. У чошиб келди-да, анчагача гапиролмай турди. Милиционер одоб юзасидан сал нарироққа бориб турди.

— Абеке...— деди Асипа ҳансираб,— ма, йўлга олгин,— у тугун узатди.

Абилқосимнинг бирдан унинг сочини силагиси, ҳеч қачон айтмаган дил сўзларини айтгиси келди. Лекин қўли кўтарилмади, айтгани бир сўз тополмади. Томоғига бир нима тиқилгандай бўлди, кўзларига ёш келди. Ҳатто миннатдорчилик билдиришни ҳам унутганди. Милиционер келиб тугунни ушлаб кўрди:

— Нима бор?

— Тамаки. Озгина қатлама,— деди аёл.

Милиционер тугунни Абилқосимга қайтариб берди.

— Раҳмат, укажон, бу яхшилигиниғни сира унутмайман.

Тош йўлда турган машинадан кўк шинель кийган киши тушди-да, булар томонга кела бошлади.

— Каттамиз келяпти,— деди милиционер.

— Раҳмат сенга, Асипа. Мени тушунганиғ учун

раҳмат,— Абилқосим кулимсирамоқчи бўлди-ю, лекин ўпкаси тўлиб, юзи бужмайиб кетди. У аёлнинг кафтини қисди, кейин қўйиб юборди-да, оқсоқланиб милиционернинг орқасидан юрди... Асипа қўлини кўксига босганича, унинг орқасидан термилиб қараб қолди.

— Хотинингми?— деб сўради милиционер.

Абилқосим «йўқ», дегандай бош чайқади.

— Ҳа, тушунарли,— милиционер маънодор кўз қисиб қўйди.— Фақат унга сизни узоқ кутишга тўғри келади-да,— деб қўшиб қўйди у ачиниш билан. Абилқосим ҳеч нима демади.

Улар тош йўлга чиқишди-да, машина олдига келишди. Унда икки милиционер билан граждан киймида бир киши ўтиришарди. Машина жойидан қўзғалди.

Асипа овул чеккасида турарди, у шу туришида ўрмон этагида ўсган ёлғиз қайин дарахтига ўхшарди. Эски юк машинаси тарақа-туруқ қилиб тепаликка кўтарилди, кейин настига тушди-да, йўлдан физиллаб кетди. Аёл жуссаси тобора кичрайиб, ниҳоят бутунлай ғойиб бўлди...

Абилқосим буғдойни ўзи олганига судда иқрор бўлди, уни саккиз йилга кесишди, мол-мулки мусодара қилинадиган бўлди.

Буларнинг ҳаммаси Сапарқулга жуда ғалати бўлиб кўринди. У ҳадемай складни топшириб, қўшни овулдан иш топди. У Абилқосимни қутқаришга урингани ҳам йўқ, чунки ўзи қўлга тушиб қолиши мумкин эди.

\* \* \*

Абилқосимнинг соғлиғи ночор бўлгани учун сғир ишдан озод қилиб қўйишди. У баракни супуриб-сидирар, йиғиштирар, картошка тозалар, ҳаммомга ўт ёқарди. У Асипага бир нечта хат ёзди, лекин биттасини ҳам жўнатмади. Назарида хатларнинг биттаси ўта ҳазин, бошқаси йиғлоқи, учинчиси жуда тетик руҳда ёзилгандек эди, гўё у ўз жасоратидан фахрланаётгандек эди. Абилқосим бу аёлнинг на ачинишини, на раҳм-шафқат қилишини, на мақтаб гапиришини истарди. У умрида биринчи бор тирик одамга бутун ўй-фикрлари, дарди ҳасратини тўкиб солмоқчи эди. Абилқосим ҳар бир сўзини неча бор ўйлаб, ақл таро-

зисига солиб, кейин қоғозга туширарди, сўнг ёзганларини бир неча марта ўқиб чиқарди, қаеридир маъқул бўлмай, майда-майда қилиб йиртиб ташларди, янгитдан ёзишга ўтирарди. Мана, ниҳоят, хатни охиригача ёзиб бўлиб, почта яшигига ташлади.

«Азизим Асипа, соғлиқларинг қалай? Ўғлинг қалай, соғлиги яхшими? Турмушим ёмон эмас. Қорним тўқ, устим бутун, фақат бошқа жойда эмас, қамоқда эканлигимдан қаттиқ эзиламан, овулниям жуда соғиндим. Балки мендан хат кутмагандирсан, лекин биз яна кўришармикинмиз? Сенга ҳаммасини гапириб бермоқчиман. Уша машъум воқеага қадар сенинг олдинга боролмадим, сен билан очиқ гаплашолмадим. Асипа! Балки менинг ўрнимда бошқа одам бўлса, у ўзини аллақачон ўлдирган бўлармиди, мен бўлсам яшайман. Умримда бирор катта иш қилмаганман. Буюк жасорат кўрсатишга қодир эмасман. Ўқишни ҳам уддасидан чиқолмадим. Оилам йўқ. Мол-дунё ҳам орттирмадим, менга кераги ҳам йўқ-да. Ҳаётнинг катта йўлига чиқолмадим. Сўқмоқларда оқсоқланиб юрдим. Эсингдами? Кичкиналигингда кумуш тугмаларинг йўқолиб қолувди. Уларни мен олмагандим, лекин менга ҳеч ким ишонмади. Қаттиқ эзилдим. Сени ёмон кўриб қолдим. Лекин орадан бир неча йил ўтганидан кейин, совқотган боланг билан ўша бўронли совуқ тунда учратганимда, юрагим қинидан чиқиб кетгудай бўлди. Балки қўйнимга яшириб, уйгача олиб борган болангнинг иссиқ нафаси мени ҳам илитгандир? Бир-биримизга ҳечам муносиб эмаслигимизни билардим, сен чиройлисан, мен-чи? Орзуйим сенга бирор яхшилик қилиш эди. Кейин ҳалиги воқеа юз берди. Уканг мени жарга итарди... Туҳмат қилди. Бу умримда иккинчи бор туҳматга учрашим эди. Мен доим одамларни яхши кўрардим, уларга ишонардим. Бечора онам, гуноҳкорни худонинг ўзи жазолайди, ҳалолни ёрлақайди, ишини ўнглайди, деб доим гапирарди. Лекин билдимки, осмонда ҳеч қандай худо йўқ, ерда эса ҳар бир одам ўзига-ўзи худо, ўзи учун олишиши, курашиши керак экан. Шунинг учун ҳам ўшанда сизларникига милтиқ кўтариб борувдим. Ўшанда қўполлик қилдим, мени кечиргин, жаҳл чиққанда ақл қочади, деб бежиз айтишмаган. Лекин мен ҳечам ўкинмайман, орзуйим ушалди. Сенга қўлимдан келган

ёрдамимни қилдим. Энди хотиржам ўлсам бўлади. Агар ўлганим ҳақидаги хабарни эшитиб, кўзларингга ёш олсанг, шунинг ўзи мен учун олий мукофот... Юборган тамакининг, қовурдоғинг учун мингдан-минг раҳмат. Тамакингдан чеккамимда сувлдагилар кечқурунлари печкага ёқадиган тутатқининг ҳиди димоғимга уригандай бўлади. Афеуски, икки энлик хат ёзмадинг. Лекин нега хат ёзмадинг, деб сўрашга ҳаққим борми?

Сенга соғлиқ ва бахт-саодат тилаб қолувчи Абилқосим».

Пировардида нималар бўлганини Абилқосим орадан кўп йиллар ўтгандан кейин билди...

Асила бу хатни ҳеч кимга кўрсатмади, ўзини қандай тутишни, нима қилишни билмади. Мана энди, орадан кўп йиллар ўтгандан кейин ҳаммасига тушунгандай бўлди. Илгари у бутунлай бошқача фикрда эди, Абилқосим ўз жиноятини, кўплашиб қилинган ўғирлик деб баҳолашмасин, деган ниятда ҳамма айбни ўз бўйнига олган, деб юрарди, укаси ҳам худди шу йўсида тушунтирган эди-да. Агар шу гаплар бўлмаганида Абилқосим Асипанинг назарида бир умрга ожиз, ношуд бўлиб қоларди, бундайларга фақат ачинасан, раҳминг келади, холос. Лекин мана эди, Асила Абилқосимнинг «иқрор бўлишининг» асл сабабларини билганидан кейин, унинг кўз ўнгида бутунлай бошқа бир одам намоён бўлди. Бундай иш фақат катта қалб эгаси, дили ҳам, қўли ҳам пок одамнинггина қўлидан келади. Асила укасининг Абилқосимни жўрттага, кўра-била туриб қаматганига ишонарди, Сапарқул жазонинг ўзи учун бу қадар енгил, Абилқосим учун шу қадар оғир бўлишини ҳаёлига ҳам келтирмагани, албатта. Асила, Сапар ўзи келиб айбига иқрор бўлар, мискин, ожиз, ҳимоясиз бир одамни қутқарар, ақалли бирор йўлини топиб, унинг қисматини енгиллаштираар, деб кутганди. Лекин орадан вақт ўтаверди, укасидан дарак бўлмади. Унинг қаердалигини, нима қилиб юрганини ҳеч ким билмасди. У бева жувон Майрашникида тунаб юрибди, жувоннинг бошидан-оёғигача кийинтирибди, деб гапиришарди. Афтидан, ўғирлаган бугдойининг пулини ўша ўйнашига сарфлаган кўринади. Майраш Сапарқулдан бўйида бўлиб қолибди, деган мишмишлар ҳам тарқалди.

Куз келди. Ғаллани ўриб-йиғиб олишди. Дастур-

хонлар тўкин-сочин бўладиган пайт ҳам келди. Мўн-қўлай чол кенжа ўглини уйлантирди, кагта тўй қилди. Асипа энг яқин қариндоши бўлгани учун ҳам дастурхон ясатишга эрталабдан қарашди, кечқурун, одамлар кела бошлаганида, секин уйига кетди. Бирдан эшик очилиб, остонада Сапарқул пайдо бўлди. У ширагайф эди, эгнида янги офицерлар кители, поғони йўқ, оёғида янги хром этик.

— Сен тўйга кетган бўлсанг керак, деб ўйловдим,— деди у. Жиянини кўтариб, юзидан ўпди-да, кейин яна ерга тушириб қўйди.

— Бутун овул йиғилади-ю,— деди опаси паст овозда.

— Йиғилса нима бўпти?— деб сўради Сапарқул ҳушёр тортиб.

— Одамларнинг кўзига қандай қарайман?— деб сўради алам билан опаси.

Сапарқул ҳеч нима демади-да, ўз хонасига кириб кетди. У этигини ечиб, уйнинг бир бурчагига улоқтирди-да, ечинмасдан ўзини каравотга отди. Анчагача тўлғаниб ётди, ҳеч ухлаёлмади, ниҳоят ўрнидан турди-да, Асипанинг хонасига кирди. Опаси ўглининг шимини тикиб ўтирарди, кўзлари шишиб кетганди, йиғлаган бўлса керак. Сапарқул миқ этмай турарди. Асипа бошини кўтармасди.

— Уни барибир қамашарди. Уйидан буғдой топишди-ю...— деди Сапарқул, гўё ўзини оқлаган бўлиб.

— Менинг бундан хабарим йўқ,— деди опаси.

— Унга шунча йил беришар, деб ўйламовдим, бир таниш милиционер, кўпи билан икки йил беради, деганди.

Асипа индамасди.

— Мен камини тўғрилардим, тўлдирардим. Кутилмаганда ревизия келиб қолди-ю... Нима, қамоққа ўз ихтиёрим билан беришим керакмиди. Уни қутқариш қўлимдан келмайди, ўзим илминишим мумкин. Қамалиб кетсам, ўглинг билан сени ким боқади?

Асипа қўлига игнани санчиб олди. Кўрсаткич бармоғидан қон чиқди.

— Бир кунимизни кўрардик. Овулдагилар бизни оч қолдиришмас,— деди у.

— Хўш, нима қил дейсан?!— деб сўради Сапарқул ваҳимага тушиб.

— Виждонинг буюрганини қил,— деб жавоб берди опаси қатъий.

— Наҳот ўша чўлоқ дайди сенга ўз туғишган укангдан яқин бўлса?

— Йўқ, яқинмас. Лекин у асл одам,— деб секин жавоб берди опаси.

— Ҳа, шундайми! Қойил-е! У одаму мен одам эмасманми? Ҳадемай фарзанд кўраман!— деб бақирди Сапарқул жазаваси тутиб.— Менсиз ҳамманг хор-зор бўласан!

— Йўқ, мен ортиқ чидаёлмайман... Сен қутулиб қолганингга хурсандсан, у бўлса мардлик қилганидан фахрланади, одамлар эса ҳеч нимани билишмайди. Витта мен биламан, ҳаммасини биламан, ҳаммадан кўп азоб чекапман. Кўчага чиқишга уяламан, ҳамма менга қараётгандай, шивир-шивир қилишаётгандай, қўли билан уйимизни кўрсатишаётгандай бўлади. Бу кунимдан кўра, ўзим қамалганим, саккиз йил ўтириб чиққанам маъқул эди...

— Ҳа, ундай бўлса, бор, ҳаммасини прекурорга гапириб бер! Мени келиб олиб кетишин. Лекин уни дарров бўшатади, деб ўйлама. Унинг ҳам гуноҳи оғир, осонликча қутуллолмайди,— Сапарқул стулдан янги кителини олди-да, эшикни тарақлатиб ёпиб чиқиб кетди.

\* \* \*

Асипа укасини эрталабгача кутди. У, укам мана ҳозир кириб келади-ю, ўз азм-қарорини айтади, ақалли ўз қилмишини оқлайдиган асосли далил-исботлар келтириб, сал бўлсаям мени тинчитади, ташвишимни енгиллаштиради, деб ўйларди. У укасини бунчалик қўпол, сурбет деб ўйламаганди. Лекин укаси келмади. Кейинги кунларда ҳам дараги бўлмади, гўё ер қаърига кириб кетгандай эди. Ортиқ кутишга тоқати қолмади, бир кун кечаси Асипа Майрашникига боришга мажбур бўлди.

Уйнинг деразасида чироқ кўринмади. Асипа деразани секин тақиллатди.

— Ким у?— деб сўради хаста овозда Майрашнинг қайнатаси, Саидваққос.

— Менга Майраш керак эди,— деди Асипа қўрқапса.

Чол анчагача ивирсилаб юрди, ихраб-сихради,



бошқа хонанинг эшигини очиб, эшитилар-эшитилмас келинини чақирди. У шу қадар секин чақирдики, гўё уни уйротиб юборишдан чўчиётгандай эди.

— Сизга нима керак? — деб сўради Майраш уйқу аралаш.

— Мени кечиргин, қизим, сени сўраб келишди, — деди чол айбдор одамдай.

— Ким келди, Сапарқулми? — деб сўради аёл сесканиб тушаркан.

— Йўқ. Опаси, — деди чол худди узр сўрагандай.

— Унга нима керак экан? — деб сўради Майраш кўрслик билан.

— Билмадим, деразанинг тагида турибди, битта кўйлақда...

— Уни ҳайдаб юборинг! — деб буюрди Майраш.

— Олдига чиқиб, гаплашсанг бўларди, балки бир кор-қол бўлгандир, — деди чол кўрқа-ниса.

— Мендан нима истайсиз? — Майраш дераза олдига келди.

Асипа шошиб қолди-ю, лекин шу заҳоти ўзини қўлга олди.

— Мени кечиргин, азизим, сендан бир нарсани сўрагани келувдим, ҳазир укамнинг қаердалигини балки сен биларсан? — Қайнатаси эшитмасин, деб секин сўради.

— Укангизнинг қаердалигини мен қаёқдан билай? Билсам, шундай юзини шилиб олардим! — деб бақириб жавсб берди Майраш.

— Секинроқ, қайнатарг эшитиб қолади-ю, ҳар ҳолда, кекса одам, — деди секин Асипа.

— Эшитса-эшитаверсин! Укангиз мени шармандаю шармисор қилиб, ўзи қочиб қолди. Мен тентак унга ишониб ўтирибман-а, овулда қорнимни қаппайтириб юрдим-а, ҳамма кўрди! Бутун уруғ-аймоғингизга қиргин келсин. Минг лаънат! Кўрарга кўзим йўқ! — деб бақирди Майраш жазавага тушиб.

Хонанинг бир четида чолнинг бесўнақай қораси кўринди.

— Ҳой, ҳой, қизим, тинчлан, ўзингни бос. Шамоллаб қоласан. Бор, ётгин, у билан ўзим гаплашаман. Ахир, бу бечоранинг ҳечам айби йўғу, — деди чол хотиржам.

— Ҳеч кимни кўргим йўқ. Ҳамманг разилсан!

Ҳамманг! Биттанг ҳам одам эмассан! Сен ҳам ўшаларнинг бирисан! У ўлганидан кейин уйимга кетман, десам, нега жавоб бермадинг? Нега мени ушлаб ўтирибсан? Бола кўрмаганимга, неваралик бўлмаганимга, нима, мен айбдорманми? Бир ой! У билан атиги бир ой яшадим. Урушгача бир ҳафта, урушдан кейин йигирма кун. Гитлернинг ўқидан ўлиш пешонасига ёзилган экан, уйга қайтиб келиб нима қиларди? Менга жавоб беринг, йўқса, жинни бўлиб қоламан! Бу гам-гуссаларга, шармандаликка мен ортиқ чидаялмайман. Ҳамманг балога гирифтор бўлгайсан! Ҳамманг! Бутун овулинг билан! — ҳўнграб йиғларди Майраш.

Чол индамай унинг қўлидан ушлади-да, худди ёш болани етаклагандай, бошқа хонага олиб кириб кетди (кекса Саидваққоснинг яккаю ягона ўғли фронтдан майиб бўлиб қайтди-ю, ҳадемай урушда олган ўша жароҳатлари туфайли дунёдан ўтди). Чол ёш келини билан қолди, уни жуда яхши кўрарди, қизим-қизим, деб эркаларди. Майраш ўз овулига интилар, чол бўлса, мени ёлғиз ташлаб кетмагин, деб ялиниб-ёлворарди. «Олдимда яна бир ҳафта, яна бир кун бўлгин, учтўрт кунлик умрим қолди», — деб илтижо қиларди у кўзларига ёш олиб. Ҳа, айтмоқчи, чолнинг кўзлари доим ёшланиб турарди, унинг йиғлаётган-йиғламаётганини билиб бўлмасди.

Асипа дераза олдида бирпас турди-да, кейин кетди. У уйига яқинлашганда чол орқасидан етиб олди.

— Сен келинимдан хафа бўлмагин, уни кечиргин! Менинг ундан бошқа ҳеч кимим йўқ. Ўзи яхши, мени ўз отасидай ҳурмат қилади, иссиқ-совуғимга қарайди. Уканг яхши иш қилмади. Уларнинг турмуш қуришини истовдим. Сезсам ҳам сезмасликка олиб юрувдим. Турмуш қуришар, бола-чақа қилишар, овулимизда қолиб, олдимга худди ўз қизимдай келиб туради, деб ўйловдим, — чол ёшланган кўзларини енги билан артди.

— Кечирасиз, ота, сизни ҳечам ранжитмоқчи эмасдим, — деди Асипа эшитилар-эшитилмас қилиб, кейин шоша-пиша уйига кириб кетди.

Асипа Майраш ва унинг қари қайнатаси билан учрашганидан кейин бутунлай ҳаловатини йўқотди, кечаси билан тўлғаниб, ухлаёлмай чиқди, бир бешикла

катта бўлган, бир онанинг кўкрагини эмган, туғишган укасининг шундай разил, номард чиққанига сира ишонгиси келмасди. У, укам шунчаки кўрқоқлик қилган ё ёшлик қилиб янглишган, нима иш қилиб қўйганини, бошқалар кўзига ёмон кўринишини ҳали ҳам охиригача тушуниб етмаган, деб ўзини-ўзи ишонтирмақчи бўларди, ахири, ҳамма айбига иқрор бўлади, ҳалол, тўғри одамлардай ўзи келиб, қўлидан келган ҳамма яхшилигини қилади, деган умидда эди. Лекин вақт ўтиб борар, укасидан эса дом-дарак йўқ эди. Вақт ўтган сайин у туғишган укасини тобора ёмон кўрз борди, узоқ-узоқларда, бағона юртда, ёт, бемехр одамлар орасида қолиб кетган ўша ороми йўқ мажруҳ одамга меҳри ихлоси орта борди. Нега энди тўғри, ҳалол одам азоб тортиши керак? Нега? Ўзи учун курашолмагани, ўз ор-номуси, поклигини ҳимоя қилолмагани учунми? Балки Абилқосим ҳали ўзлигини англаб етмагандир, ўз қадрини билмас, шунинг учун ҳам ўзига-ўзи аянчли, ожиз кўринар? Лекин барибир қачонлардир у бор ҳақиқатни билиши керак-ку!

Асипа Мейраш ҳақида ўйлади дегунча укаси кўзига баттар ёмон кўринарди. Ёш аёлни, гам-ғуссадан кўнгли вайрон бўлган, қари чолни алдашга қандай ҳадди етди?

Сапарқул ожиз, унга зарба беришга қодир бўлмаган одамларга ҳукмини ўтказиб, баланд келиб юрганини Асипа мана энди тушунди. Бу разиллик-ку! Хўш, шундай экан, нега энди ёвузлик, разолат эзгуликдан устун келиши, инсон ишончи, орзу-умиди, чуқур, самимий севгиси хўрланиши, топталиши керак? Ахир, бундай ҳолда энг яқин одамингни ҳам кечириб бўладими? Агар тўғри, ҳалол одам ўзгаларнинг лоқайдлиги, бепарволиги туфайли қоқилса, йиқилса, жонига ҳеч ким ора кирмагани учун хароб бўлса, бунга ким айбдор?!

Асипа бир ивга жазм қилди-ю, лекин анчагача юраги дов бермай юрди, ҳолбуки Абилқосимдан хат олганидаёқ бу фикр кўнглига келувди. Аёл бу ҳақда ўйламосликка, бу фикрми миясидан чиқариб ташлашга уриқар, лекин у Асипани ҳамма ерда таъқиб этар, ундан бир зум қочиб қутулмас, ҳаммаша қулоғининг тагида эшитилиб турарди, мисоли хира қаншадай гингиллагани гингиллаган эди.

Асипа ўқувчиларининг каттак дафтаридан қўшалоқ

варағини йиртиб олди-да, ҳарфларни дона-дона қилиб ёза бошлади:

«Уртоқ прокурор, акамни бўшатишга ёрдам беринг...»

\* \* \*

Тонг саҳарда уй олдига тўрт гилдиракли енгил арава келиб тўхтади, унда икки киши ўтирарди.

— Мен ҳозир, тезда чиқаман! — деди улардан бири ўрнидан тураркан.

Бу Сапарқул эди.

У уйга кириб, кийимларини чамадонга жойлади. Кейин жиянини ўпмоқчи бўлиб бошқа хонага кирди. Опаси ухлаб ётарди. Асипанинг прокурорга ёзган хати стол устида қолганди, Сапарқул уни ўқиб чиқди-да, шартта иккига бўлиб, полга ташлади. У аввалига анчагача нима қиларини билмай, тараддудланиб турди, кейин ердан хат парчаларини олди-да, чўнтагига солди, телпагини бостириб кийиб кўчага чиқди. Афтидан, у Асипанинг яна худди шундай хат ёзишини фаҳмлади шекилли... У опасининг феъли атворини яхши биларди.

— Кетдик! — деди у аравада ўтирган одамга.

— Шаҳаргами?

— Йўқ! Майрашникига!

Аравакаш тизгинни силтади, арава чанг йўлда тарақа-туруқ қилиб йўлга тушди.

Қотмагина, ёқимтойгина, аёл кишидан кўра кўпроқ қиз болага ўхшаб кетадиган Майраш Сапарқулнинг кўксига отилиб, унинг бўйнидан қучоқлади.

— Келдингми?! Нега бунча ҳаяллаб кетдинг, қаёқларда юрибсан! Мен, нодон, мен тентак, нималарни ўйламадим, нима хаёлларга бормадим? Мени кечиргин, кечиргин, жонгинам, азизим... — деди овози титраб.

Сапарқул ҳеч нима демади, уни енгилгина кўтарди-да, кейин яна ера тушириб қўйди.

— Совуқ ебсан-ку...

— Кун совуқ, — деди у қисқагина қилиб, кейин телпагини олди-да, курсига оғир чўқди.

Майраш унинг совқотган қўлларини ушлади-да, ўринга тортиди.

— Ҳадемай тонг огади,— деди у ўрнидан турмасдан.

— Нима бўпти?

— Қуёш чиқади-ю...

— Нима, қуёшдан қўрқасанми?

— Кўчада одам кутиб турибди.

— Кутса-кутар,— Майраш қўллари асабий титраб,

Сапарқул пўстинининг тугмаларини еча бошлади.

Сапарқул чўнтагидан хат парчаларини олди.

— Бу нима?

— Устимдан ёзибди. Шундай бўлишини билувдим,— деди у маъюс ва деворда осиглиқ турган қоғоз рамкадаги солдат портретига қараб қўйди.

— Қайнатанг қани?— деб сўради у.

— Э, қўй, уни гапирма! Жуда қариб қолди. Йиғлагани йиғлаган. Мени ташлаб кетмагин, дейди. Сен ҳам ўғлим, ҳам неварам ўрнидасан, дейди. Кеча касалхонага кетувди. Уни ётқизишган бўлса керак. Хўш, нега теракдай қаққайиб турибсан?— Майраш уни ўзига қаттиқ тортди. Сапарқул ўрнидан турди-да, ойна олдига келди. Аравакаш арава олдида у ёқдан-бу ёққа юриб турарди, қўлқопли қўлларини бир-бирига уриб қўярди.

Майраш «ҳм-ҳм», деди-да, лабларини чўччайтирди.

— Сен хатни ўқигин,— деди Сапарқул.

— Э, хатни бошимга ураманми!— Аёл қўлини ёстиқ тагига тиқиб, хатни олди-да, уни полга отиб юборди.

— Ўрнингга ёт. Сенга шамоллаш мумкинмас,— деди Сапарқул.

— Энди мумкин!— деб қўрслик билан жавоб берди Майраш.

Сапарқул унга бошдан-оёқ разм солиб чиқди-да, Майрашнинг яна хушбичим, нозик бўлиб қолганини энди пайқади.

— Нима иш қилиб қўйдинг, тентак?— деб сўради у, Майрашнинг озгин елкаларидан ушлаб.

— Ҳеч нима. Сени биров йўқ бўлиб кетсин, дедими,— деди жувон совуққина қилиб, кейин унинг қўлларини елкасидан олиб, тескари қараб олди.

Сапарқул хатни олди, пўстинини кийиб, телпагини бостириб, кўчага чиқди. Майраш эшикнинг тарақлаб ёпилганини эшитиб, биргина ички кўйлақда унинг

орқасидан чопди, етиб олди-да, Сапарқулнинг этагидан ушлади.

— Йўқ! Қўйиб юбормайман! Қилғилиқни қилиб, мени бутун овулга шармандаи шармисор қилиб, энди қуён бўлмоқчимисан-а?— деб бақирди Майраш.

— Ҳа...— деб Майрашнинг енгилгина туртди-да, чиқиб кетди.

— Кетдик!— деб буюрди у аравакашга.

— Шаҳаргами?— деб сўради у.

— Йўқ. Прокурорнинг олдига,— деб жавоб қилди Сапарқул.

— Нега?— деб сўради аравакаш ҳайрон бўлиб.

— Судда ҳаммасини билиб оласан,— деди Сапарқул хотиржам.

\* \* \*

Орадан кўп вақт ўтмай Абилқосимнинг иши қайтадан кўрилди. Сапарқулга ўз айбини исботлаш айтирли қийин бўлмади.

Фрунзедан чиққан маршрут автобуси ярим кечада катта тош йўл ёқасида бир зумга тўхтади. Машинадан кичкина тугун кўтарган киши тушди-да, сўқмоқ йўлдан овул томонга оқсоқланиб юриб кетди. У эсини қабристонга етганда тўхтаб қолди.

Мақбара ёғоч девор билан ўраб олинганди, эшигига қулф солинганди. Абилқосим гугурт чақиб, тахтачадаги ёзувни ажабланиб ўқиди: «Қадимий ёдгорлик. Кириш мумкин эмас. Давлат томонидан муҳофаза қилинади». Абилқосим кўҳна мақбара олдида узоқ турди... Кейин ўзи юриб ўрганган йўлдан овулга кўтарилди. Унинг уйи жойлашган участкада маккажўхори поялари чайқалиб турарди, гўё бу ерда ҳеч қачон, ҳеч ким яшмагандай эди. Фақат азим дарахт кўп нарса ни эслатиб турарди. У гўё ўз овулига қайтиб келган саёқ ўғлини қучмоқчи бўлгандай шохларини меҳр билан ҳар томонга ёзди. Абилқосим қари қайрағоч олдига келди-да, юзини унинг ғадир-будир танасига босди. «Сен мени кутганимдинг, она?»— деб сўради Абилқосим. Гўё минг-минглаб қўнғироқчалар жириглагандай барглар бараварига шивирлашиб жавоб беришди.

Абилқосим Асипанинг уйи олдига қандай бориб қолганини ўзи ҳам билимай қолди. Бу ерда даярли ҳеч

нима ўзгармаганди, фақат кўча эшиги бир томонга оғиб қолганди. Ҳа, демак, уйнинг эркаги йўқ экап-да. Деразалар қоп-қоронғи эди. Абилқосим кўзларини юмди, деразалар ёришиб кетгандай бўлди. Абилқосим бу уйга келишга кўпдан буён интиларди... Эҳтимол, бутун умри бўйи интилди. Мана энди етиб келганида негадир ўзкни йўқотиб қўйди. Қўллари қалтирарди. Ўпкаси тўлиб кетди. У эшикни тақиллатди.

— Ким у?— деб сўради аёл киши.

Абилқосим турган жойида қотиб қолди.

Эшик очилди. Чироқ ярқ этиб ёнди.

Аёл билан бола остонада хижолатдан нима қиларишни билмай кулимсираб турган кишини кўришди...

— Бу менман...— деди у.

\* \* \*

...Печаси мактабда ёлғиз ўзи ўтирган Абилқосим бошини кўтарди. Печанинг олеси ўчай-ўчай деб қолганди. У печга ўтин ташлади-да, мактабни беркитиб кўчага чиқди. Паға-паға қор ёғарди. Мактаб қаршисидаги уйнинг деразасида чироқ бор эди. У дераза олди-га келди, оппоқ, момик қорда унинг қингир-қийишқ излари қолди.

### БИРОВНИНГ БАХТИ

Тоғ пайти... Иссиққўл водийсидаги озул. Узун, тўғри кўчалар. Мирзатераклар саф торғиб турибди. Усти черепица ва шифер билан ёшилган оппоқ, янги уйларнинг шундай ёнгинасида эски, кўримсиз лой томли уйлар. Қаердадир тоғ дарёси шовуллайди. Тақачилик дўконидан темирнинг жаранг-журинги эшитилади. Ҳалқа-ҳалқа тутун чиқариб трактор тариллайди. Кимдир скрипка гамман чалади: до-ре-ми-фа-соль-ля-си-до-о, до-си-ля-соль-фа-ми-ре-до-о...

Кўчанинг охирида одамлар уймаланиб туришарди. Оппоқ соқолли Усмонбек оёқлари боғланган бир яшар боланинг қўлидан ушлаб турарди. Кўчанинг нариги бошида болалар тизилишган.

Усмонбек қўл силтади, болалар кўлмак сувни ҳар томонга сачратиб чошиб келишди.

Маррага яқин қолганда новча ўспирин олдинга отилиб чиқди-да, пичоқ билан боланинг оёқлари боғланган чилвирни кесиб юборди. Усмонбек болани баланд кўтариб, қичқирди:

— Шу бугундан бошлаб ўзинг юришинг керак!

У кичкина одамни ерга қўйди. Кичкина одам қўрқа-писа бир-икки қадам юрди-да, йиқилиб тушди, лекин шу заҳоти ўрнадан туриб дадил юриб кетди.

Бола юриб борарди. Ёнма-ён унинг сояси қадам ташларди. Мана у юзини қуёшга ўгирди. Сояси орқасидан эргашиб борарди. Усмонбек хуржунини ечиб, болаларга олма улаша бошлади.

Боланинг онаси косадаги бўғирсоқни шу ердагиларга улашиб чиқди.

Қирғиз овулида баъзида кун мана шундай бошланади.

\* \* \*

...Овул четида колхозчилар тўпланишди. Бу ерда монтажчилар ҳам, район вакиллари ҳам, радио мухбирлари-ю, кино ходимлари ҳам бор эди. Радиорепортер кичкина микрофонни оғзига тутиб гапирарди:

— Шундай қилиб, биз «Ёрқин йўл» колхозидамиз. Бугун бу ерда катта воқеа — электр шохобчасининг биринчи устунни ўрнатилади. Икки йилдан кейин ҳар бир колхозчи хонадонида Ильич чироқлари порлайди...

Тахталарни қоқиб, наридан-бери ишланган минбарга эгнига жужунча китель, оёғига этик кийган, ёши анчага борган бўлса ҳам ҳали тетик, бақувват бир одам кўтарилди. Одамлар уни қарсақлар билан кутиб олишди.

— Ҳозир минбарда колхоз раиси Абдураҳмон Қорағулович Қорағулов — хўжалик тилини яхши биладиган одам, уруш ветерани. У қанчадан-қанча яхши, эзгу ишларга бош-қош бўлди: у колхоз қурилишига биринчи гиштни қўйганлардан. Коллективлаштиришни ўтказди. Келинг, у кишининг гапини эшитайлик, — репортер микрофонни минбарга яқин қўйди.

— Ўртоқлар! — деб гап бошлади раис лампочкани қўлида ушлаб тураркан. — Ҳадемай овулимиз ҳаётида муҳим тарихий воқеа содир бўлади. Бугун ер куррани ёритиб турган каттакон қуёшдан ташқари ҳар бир хонадоннинг мана бундай кичкина ўз қуёши бўлади! — У лампочкани баланд кўтарди. Лампочка қуёш нурида ярақлаб кетди.

Тўпланганлар қарсақ чалишди. Қирғизлар таърифу тавсифнинг қадрига етишади.



Кекса режиссёр Биркин суратга олаётганларга раҳбарлик қиларди. Оператор Абдурахмоннинг мамлакатимизда электрлаштиришнинг муҳимлиги ҳақида гапирганини, ерда ётган устуннинг олдига келганини, кителини ечиб, енгларини шимариб, монтажчилар билан бирга уни кўтарганини, курак олиб, чуқурга биринчи бўлиб тупроқ ташлаганини суратга олди. Ҳадемай устун тантанали бир вазиятда кўмиб бўлинди.

Биркин киночиларнинг «газик» машинаси олдига келди. Тепса-тебранмас ёш шофер бошини машина рулига қўйганича мудрарди. Биркин бир шиша шампань виносини олди. Шофер стаканларни олиб, бармоқлари билан у ёқ-бу ёғини артган бўлди. Биркин «жуда нодонсан-да», дегандек пешонасига бир уриб қўйди, кейин ўзи ҳозиргина ўрнатилган устун олдига чошиб кетди. У шампанни энг чиройли, ясан-тусанган аёл — Саодатга узатди-да, шишани устунга уриб синдириб, деб тушунтирди. Саодат уялганидан довдираб қолди, шундай обизамзамни бекорга исроф қилишнинг нима кераги бор, яхшиси ичиб қўя қолайлик, деб ҳар томондан маслаҳат бера бошлашди. Ниҳоят, шиша уриб синдирилди, оператор унинг чил-чил бўлиб синганини, монтажчи Сотқиннинг бўйнидаги сим ўрами билан устунга чиққанини суратга олди. Одамлар чапак чалинди.

Абдурахмон рўмолчаси билан пешона терини артади-да, пробиркадан дори олиб, тилининг тағига ташлади.

— Валидолми? — деб сўради кимдир.

— Витамин, — деб жавоб қилди у ҳазиломуз, кейин худди ёшлардай қаддини ростлади-да, операторларнинг ишини кулимсираб кузатиб турди.

\* \* \*

Раиснинг қабулхонасида ёшгина бир рус аёли боласини эмизиб ўтирарди. Шундай ёнида эри — бульдозерчи Омон Чориқов ўтирибди — у бармоғи билан машинкани чертарди. Қўнғироқ чалинди. Аёл чақалоқни эрига берди-да, оппоқ, таранг кўкрагини беркитди, бола чириллаб йиғлади. Аёл раис хонасига кириб кетди.

Тамаки ҳиди димоққа урилди. Раис муштани столга қўяр, бармоқлари билан столни чертар, кимгадир дўқ-пўписа қилар, кимнингдир таъзирини берар, етги

йилликни ошириб бажарамиз, дегандек, газетани чертиб қўярди. Кабинетда ўтирганлар миқ этишмасди.

Секретарь аёл чиқди-да, йиғлаётган болани қўлига олди.

— Малабой амакини чақиргин!— деди у.

Омон правлениедан чиқиб кетди. Қоронғи тун эди.

У гулга кирган олмазор олдига келди-да, боғ эшигини осонгина очди, ҳовлининг юқорисидаги пастак уйни толиб, эшигини қоқди. Вукчайган, сөч-соқоли оппоқ бир чол чиқди.

— Раис чақиряпти!— деди Омон.

— Ҳой, нодон, ўқимаган чўпон, ахир, бу сенга яйлов эмас, боғ-ку!

— Қонун чиққанмиш: ҳар оилага етти сотих ер берармиш, қолгани колхозга ўтаркан. Сизнинг участкангиз икки оилага етади, битта ўзингиз турасиз,— деб тушунтирди Омон.

— Хўш, мен ўзимдан кейин одамларга нима қолдираман? Ўғлимни бўлса Гитлер ўлдирди,— деди чол.

Омон ҳеч нима демади, бир зум турди-да, боғ ора-лаб чиқиб кетди. Оппоқ олма гуллари унинг елкасига худди қор учқунларидай тўкиларди.

\* \* \*

Раис билан правление аъзолари Малабойнинг уйи олдида туришарди.

— Малабой амаки!— Абдурахмон эшикни қоқди.— Давлат сизни едирса-ичирса, кийинтирса-ю, сиз бўлсангиз ўз ҳузурингизни ўйлаб, умумий ишимизга тўғоноқ бўлсангиз. Бу ёққа чиқинг, яхшимас...

Эшик очилиб, Малабой чиқди.

— Боғингиз яхши. Лекин иложимиз қанча? Рост, мумкин эмас, дейишдимиз, бизам шунга юрамиз-да. Сизда ортиқча ер бор. Бордию ревизия келиб қолсачи?— Раис аллақандай қоғозларни олди-да, чолга узатди.— Мана, кўрсатма, биз кичкина одамлармиз. Нима дейишса, шунини қиламиз.

Чол гўё ўқимоқчи бўлгандек қоғозларни олди. Кимдир чўнтак фонари билан ёритиб турди.

— Агар бу ишнинг кўпчилиikka фойдаси тегаркан, ҳар биримиз ўзимизни эмас, кўпчиликни, халқни ўйлаб иш тутишимиз керак,— деди Абдурахмон, ўзинча чолни кўндирдим, деб ўйлаб.

— Мен саводсиз бир одамман,— деди чол, қоғозларни буклаб қайтариб берди-да, уйга кириб, эшикни беркитди.

— Бульдозер,— деди Абдурахмон қисқагина қилиб. Боғ олдига бульдозер келиб, атрофни, одамларнинг юзини ёритди. Рулда Омон ўтирарди. Кўксига қишлоқ хўжалик академиясининг нишонини тақиб олган ёш агроном йигит ўчиб қолган папиросининг қолдиғини чайнади.

Бульдозер даҳшатли тариллаб, мисоли шердай ёш дарахларга ҳамла қила кетди, лекин олдиндаги ингичка, позик олма кўчати олдига борганда тўхтаб қолди.

Омон юзини артди.

— Ҳа, қани, ёшлар, бошланглар!— деди Абдурахмон.

Пўлат шер орқасига сал тисарилиб, олдинга зарб билан стилди. Биринчи олма дарахти қасирлаб ерга ағдарилди, кейин иккинчиси. Илк олма гуллари ерга худди қор учқунларидай дув тўкилди. Омон машинасини тўхтатди.

— Ҳа, бўш келма! Орамизда молшараст бөр экан, коммунизм қуролмаймиз!— деб қичқирди раке.

Омон машина кабинасидан тушди-да, индамай нари кетди. Абдурахмон унинг орқасидан бир оз қараб турди-да, кейин бригадирга рулга ўзинг ўтир, дегандек ишора қилди.

Пўлат шер боғни янчишга тушди. Дарахлар эгилар, қарсиллаб синар, ерни ўпиб, видолашар, қаддини ростламоқчи бўлиб типирчилар, лекин яна ағдариларди, унсиз жон берарди. Олма гуллари ерга худди сўнгги қордай тўшаларди.

Агроном бўлса папирос қолдиғини чайнаганича ҳамон серрайиб турарди.

\* \* \*

Эрталаб Малабой уйининг олдида ўтирарди, боғ эса оёғи остида пайҳон бўлиб ётарди. Фақат уйининг олдидаги уч-тўрт туп йирик олма дарахларигина қолганди. Олдида ўтиришган болалар ундан кўзларини узишмасди. Бульдозер худди ёввойи ҳайвондек сал нарида қорнигача лойга ботиб ётарди. Афтидан, кечаси машина юмшоқ тупроққа тўғри келгану тикилиб қолган.

\* \* \*

Абдурахмон секретарь қизга буйруқни диктовка қиларди:

— Омон Чориқовнинг бу иши кейинги вақтларда меҳнат интизомини бузувчилар анча кўпайиб қолганидан далолат беради... Саботаж... са-бо-таж ва бўйин товлагани учун Чориқов ишдан четлатилсин...

Секретарь аёл бошини кўтарди — унинг ёзгиси йўқ эди.

— Сенинг Омонинг машинани ташлаб кетди. Эртага бoshқалар ҳам мана шундай ҳунар кўрсатишлари мумкин,— деб тушунтирди Абдурахмон.

Аёлнинг ёзгиси йўқ эди.

— Нима, машинкага ўзим ўтирайми? — деб сўради раис.

Аёл бир зум ўйланиб турди-да, бирдан машинка тугмаларини шатирлатиб боса кетди. Унинг лаблари титради... Машинка қуруқ, дағал тақилларди.

\* \* \*

Овулдагилар чопиб келишганда Малабойнинг уйи ловиллаб ёна бошлаган эди. Шундай ёнидаги катта икки туп олма дарахти ҳам ёнарди.

Кимдир ўтни ўчирмоқчи бўларди.

— Ўзи ўт қўйди! Ўзи ўт қўйдию жўнаб қолди! — дейишди болалар.

Уйнинг олдида Абдурахмон келди. Одамлар ўтни ўчиришдан тўхтаб, унга қарашди. Абдурахмоннинг кўзларида олов акс этди. Одамлар чурқ этишмасди. Ёнаётган уй чирсилларди. Абдурахмон ўгирилди-да, правление томонга кетди. Одамлар унинг орқасидан қараб қолишди. Уларнинг кўзларида аланга акс этарди.

\* \* \*

Сал букчайган, ёғоч чамадон кўтарган одам дала йўлидан кетиб борарди. Бу Малабой эди. «Газик» машинаси унга етиб олди.

— Малабой амаки, раис чақиряпти! — деб қичқирди ёш шофер.

Чол индамай кетаверди.

— Қаёққа кетяпсиз, Малабой амаки?

— Кексалар яшайдиган болалар уйига,— деб жавоб берди Малабой.

«Газик» ёнма-ён борарди.

\* \* \*

Абдурахмон ўз кабинети деразаси олдида туриб, Малабойнинг уйига қаради. Утда қуйган олма дарахтлари қорайиб кўринарди. Хароба тутаб ётарди.

— Кексалар яшайдиган болалар уйига, дегин? Уни бекор қўйиб юборибсан,— деди Абдурахмон ўзигами, шоферигами гапиргандай.

Йигит елкасини қисди-да, чиқиб кетди.

Юзи зоҳидларникидай нозик, бўйнига жун шарф ўраб олган бош бухгалтер кирди-да, раисга қоғоз узатди.

— Суперфосфат,— деди бош бухгалтер.

Абдурахмон қоғозга қўл қўйди.

— Индивидуал қурилишлар бўйича смета,— деди бош бухгалтер.

— Бу кейинроқ,— деди Абдурахмон қоғозни сургиб.

Бош бухгалтер чиқиб кетди.

Абдурахмон бирпас ўтирди-да, кейин қўнғироқни босди, лекин ҳеч ким кирмади, яна босди. Секретарь аёл кирди, йўл-йўлакай кўз ёшларини артди.

— Нима бўлди, тинчликми, Вера?

— Ҳеч нима...

— Ундай бўлса нега йиғлаяпсан?

— Омон уйдан кетиб қолди...

— Қаёққа кетди?

— Шаҳарга.— Унинг лаблари титради.— Менга, сен чўрисан, деди. Энди ичкиликка берилиб кетади...

\* \* \*

Медпунктда кўзлари меҳр билан боқувчи ёқимтой қиз — Айнур шприцларни қайнатарди. Қабулга сийрак соқолли Қодир чол келганди. Бошига докторлар шапкачасини кийиб олган Саодат чолнинг қўл бўғимларини ушлаб кўрарди. Чол кар эди, шунинг учун ҳам гўё у дарёнинг нариги соҳилида тургандай овозининг борича бақириб гапиришга тўғри келарди.

— Ота, бу ерингиз оғрияптими?

Чол бош ирғади.

— Бу ерингиз-чи? — Саодат тиззасини кўрсатди.  
Чол бош ирғади.

— Бруцеллэз, — деди Саодат.

— Нима? — деб сўради чол.

— Бруцеллэз бўлибсиз, ота. Сигирларда бўлади бу касал.

— Сигирим йўқ, — секин жавоб қилди Ҳодир.

— Сизнинг касалингиз сигирларнинг сутидан ўтади. Бруцеллэз дейишади. Анчадан бери оғрийдими?

— Оғрийди...

— Кўп бўлдими, деб сўраяпман?

— Олтмиш йилча... — секин жавоб қилди чол.

— Демак, революциядан олдинги касал денг? — деди Саодат кулимсираб.

Чол бош ирғади.

— Ота, — Айнур юмшоқ, узун курсини кўрсатди-да, чолни унга ётқизди. Ҳодир ихраб-сихраб ётаркан, шприцага қараб-қараб қўярди. Айнур кўйлагингизни кўтаринг, дегандай ишора қилди. Чол индамай кўйлагини кўтарди, лекин Айнур, шимингизни ечинг, деганида, худди ари чаққан одамдай ўрнидан сапчиб турди:

— Ҳой! Ҳой! Ҳой! — деди у бармоғини дўлайтириб.

— Ота, қўрқманг, оғримайди, — деб уни кўндирмоқчи бўлди Саодат.

— Бу нимаси? Бу нимаси? — Чол оппоқ соқолини кўрсатди.

— Ота, биз медиклармиз, биздан уялмасангиз бўлади. Йўқса, тузалмайсиз. Майиб бўлиб қоласиз! — деб қичқирди Саодат.

— Сенинг шаҳардаги қонунларинг бу ерда кетмайди! Бу ер касалхонами ё ҳаммомми? Сен қиз, шошмай тур ҳали, отангга айтиб, бир таъзирингни бердирай! Топган ўйинингни қара-ю! — деб қичқирди у Айнурга.

— Ана кўрдингизми, ҳаммаси шунақа, — деди Айнур кўзларига ёш олиб.

— Ҳа, майли, орқангизга укол қиламиз! — деб бақирди Саодат Айнурга кўз қисиб қўяркан. Чол тинчиди, юзтубан ётди. Саодат унинг шимини шартта туширди-да, чол нима гаплагини тушунишга улгурмасиданоқ, Айнур игнани санчди.

— Безорилар! — деб бақирди чол шимининг тугма-

сини солломмай қийналаркан.— Безорилар! Қотиллар!— у сўкина-сўкина медпунктдан чиқиб кетди.

— Бўлди, ортиқ чидаёлмайман, Саодат Асановна,— деди Айну́р кўз ёшларини артаркан.

— Дадилроқ бўлгин-да. Ишонтиргин, талашиб-тортишгин, уришгин.

Айну́р шприцни ванночкага қўйди.

— Кимни уришни керак?— Остонада солдатдай бақувват ва ораста Қорағулов турарди.

Аёллар уялиб кетишди, Айну́р бурнини тортганича тўсиқнинг орқасига ўтиб кетди.

— Салом, Абдурахмон Қорағулович! Вақтида сизни бу ерга арқон билан ҳам тортиб олиб киролмасдик-а. Доим вақтим йўқ, қўлим тегмайди, дердингиз.

— Умримда бир марта курортга бориб келмоқчиман. Чаккаларим негадир лўқиллаб оғрийди, уйқумнинг ҳам мазаси йўқ, нуқул бемаъни тушлар кўриб чиқаман. Жуда чарчагансиз, дейишяпти...— Раис стулга ўтирди.

— Ечининг,— деди Саодат қатъий.

— Ечиниш шартми?

— Бу буйруқ.

— Ундай бўлса, бўйсунамиз,— Абдурахмон белигача ечиниб, анча бақувват танасини кўз-кўз қилди. Афтидан, у аёл олдида ёшроқ кўриниш учун мускулларини жўрттага тарағ қилгандай эди.

— Хўш, нимадан шикоят қиласиз?— деб сўради Саодат, унинг у ёқ-бу ёғини кўраркан.

— Колхозчилардан, улар эса мендан...

— Қанақа тушлар кўрасиз?— деб сўради Саодат уни узун, юмшоқ курсига ётқизаркан.

— Тушимда мени суд қилишаётган бўлишади. Нима учунлигини ўзим ҳам билмайман. Шунини ўйлаб эзиламан. Минбарга қарасам: судья — ўзимман. Орқамга ўгирилсам, соқчилар — ўзимман, судланувчилар курсисиди — яна ўзимман... Сира тушуниб бўлмайди,— Абдурахмон кулимсиради.

— Айну́р, кардиограммага,— деб буюрди Саодат ва беморни тўсиқ орқасига олиб ўтди.

— Ие, янги аппаратура-ку!— деди раис завқланиб.

— Уч йил бўлди-ю,— деди Саодат.

Айну́р раисни ётқизди-да, симларни улай бешлади.

— Бу нимадан бўлади? — деб сўради Абдурахмон.  
— Нима?  
— Тушнинг қайтарилиши-да...  
— Одамнинг ҳолатига, кайфиятига боғлиқ... Балки бир нимадан ҳаяжонлангандирсиз, асабийлашгандирсиз.

— Айтарли ҳеч нима бўлгани йўқ шекилли... Плани ошириб бажардик. Ҳайфсан бериш хавфи йўқ... — деди раис.

Лентада илонизи чизиқлар бирин-кетин ўта бошлади.

Саодат кардиограммани диққат билан ўқиб чиқди-да, қоғозга алланималарни ёза бошлади.

Абдурахмон тўсиқ орқасидан чиқиб, кийина бошлади, ҳазиллашган бўлди:

— Хўш, эмчилар! Йигитларнинг хўрозиман-а? Уйлансам бўлади-а?

Саодат унга жиддий қараб қўйди. Абдурахмон ҳушёр тортиб, унинг олдига келди.

— Курортнинг сизга фойдаси йўқ, — деди у.

— Нега энди?

— Сизга ишлаш мумкин эмас...

— Иш-ла-ш?

— Соғлиқ билан ҳазиллашиб бўлмайди! — деди у.

Абдурахмон аёлларга қаради. Улар жим туришарди. У бирдан бўшашиб, стулга ўтириб қолди.

— Ишдан чиқибмиз-да? — деди у секин, кейин ўрнидан турди ва медпунктдан чиқиб, «газик» олдига келди.

— Сен кетавер, — деди шоферига, кейин ўзи секин пиёда кетди, унинг руҳи тушган, мункайиб қолгандай эди.

Остонада туришган врач билан ҳамшира унинг орқасидан қараб қолишди. У атиги ярим соат аввал бу ерга келган Абдурахмонга сира-сира ўхшамасди.

\* \* \*

Абдурахмон Қорағулов райком секретарининг кабинетига ўтирарди. Сочлари оқарган, тўладан келган секретарь Абдурахмондан чамаси беш ёш кичик эди. Гап-сўзларидан уларнинг анчадан бери суҳбатлашиб ўтиришганини пайқаш қийин эмасди.

— Ҳа, худо одамни яратибди-ю, лекин унга запас қисм тайёрлашни унутибди-да, — дерди секретарь. —



Кўра-била туриб, соғлиқни ишдан чиқаришнинг нима кераги бор?

— Бу ёғи энди пенсиями?— деди Абдурахмон маъюс, полга тикилганича.

— Афсуски, бу кун ҳамманинг бошида бор, бировга олдин, бировга кейин келади... Биз ишлаб бўлдик?... Энди ёшлар ишласин, янги ҳаётни ўшаларни деб қурдик, уларниям синаб кўрайлик-да...

— Демак, фурсат кепти-да?— деди Абдурахмон эшитилар-эшитилмас.

— Хўжалиқни улардан қайси бирига ишониб топширса бўлади, шунини ўйлаб кўриш керак.

Икки ёши қайтган одам жимжит кабинетда, бир-бирларига қараб ўтиришарди.

— Малабойнинг боғини ҳайдаттириб, яхши иш қилмабсан...— деб қўшиб қўйди секретарь.— Ахир, дарахтларда нима гуноҳ...

\* \* \*

Қарсақлар... Қуриб битказилмай, чала қолган клубда мажлис борарди. Овулдагилар ўз раисларини пенсияга кузатишарди. Президиумда Абдурахмоннинг бир ўзи ўтирибди. Ёш агроном минбарда туриб гапирарди. У, бугун колхозчилар ўз раисларини пенсияга кузатишгаётгани, энди бемалол дам олишга ҳаққи борлиги тўғрисида гапирди. Клуб олдида бульдозер келиб, унинг сўзлари эшитилмай қолди. Бульдозер шартта қайрилди-да, пичоғини ерга тушираркан, дарахтчага тегиб кетди. Абдурахмонга гуллаб турган олма дарахти қулагандай бўлиб туюлди.

Нотиқ ҳамманинг номидан раисга соғлиқ, бахт-сасдат, узоқ умр тилади, у, азиз Абдурахмон Қорағуллович ўзларини ҳечам сафдан чиққан ҳисобламасинлар, чунки у киши доим биз билан, одамлар билан бўлади, унинг хизматларини ҳеч ким унутмайди, унинг қўлидан эстафетани олган ёшлар ишнинг кўзини биладиган, доно мураббий сифатида у билан ҳаминча маслаҳатлашиб турадилар, деб яна анча гапирди.

Абдурахмон унинг қўлини маҳкам сиқди, ўпди ва сопи буғу туёғидан ишланган қамчисини унга совға қилди. Залда гулдурос қарсақлар янгради. Абдурахмоннинг кўз ёшлари икки юзидан оқиб тушаётганини деярли ҳеч ким пайқамади. Бир маҳаллий шоир ўз

шеърларини ўқиди. У шеърни ўқиб бўлиб, текстини собиқ раисга топширди. Саҳнага бир гуруҳ пионерлар чиқиб, Абдурахмонни хор бўлиб табриклашди, болалардан биттаси унинг бўйнига галстук боғлади, Абдурахмон болани даст кўтарди-да, юзидан ўпди. Бола юзини кафти билан артиб, ўртоқларининг олдига кетди.

Пионерлар гори ва барабан садоларни остида салют беришиб, чиқиб кетишди. Улар ҳар хил кийинишган эди. Баравар қадам ташлашмасди. Битта боланинг пайгоғи ҳадеб тушиб кетаверди.

\* \* \*

Абдурахмон дезор билан ўралмаган, пастаккина лой томли уйига келди. Кампир онаси остонада офтобда исиниб ўтирарди. Абдурахмон совғаларини унинг оёқлари тагига ташлади.

— Пенсияга кузатиб қўйишди,— деди у баланд овозда ва уйга кириб кетди. Кампир ҳеч нима демади.

\* \* \*

Дала йўлида икки киши кетиб борарди. Биттаси баланд бўйли, соқолли, жинси шим ва соябони кенг енгил шляпа кийган, катта антиқа сумка билан фотоаппарат кўтариб олганди — бу Омон эди. Иккинчисининг миллатини ҳам, ёшини ҳам билиб бўлмасди. У кичкина чамадон билан ўйинчоқ от кўтариб олганди.

— Зўр ўғлим бор-да! Кўзлари онасиникидай кўм-кўк, сочи меникидай қоп-қора. Энди чопиб юрадиган бўлгандир,— деб мақтанди Омон.

— Дурагайлар доим чиройли бўлишади,— деди ҳамроҳи.

— Ким?

— Дурагайлар.

Омон қовоғини солди.

— Яъни онаси бу ёқдан,— ҳамроҳи шимол томонни имлаб кўрсатди,— отаси эса у ёқдан бўлса,— ҳамроҳи жануб томонни имлаб кўрсатди.

— Одамлар хўп ғалати сўзларни ўйлаб топишади-да,— деди Омон кулимсираб.— Мен, бирор микробми деб ўйлабман. Тумшугингга туширмоқчи бўлиб туврувдим!

— Йўг-е! Йўг-е! — деб эътироз билдирди ҳамроҳи.

— Веркам ҳам бинойидай! Узгариб кетгандир...

Ҳар ҳолда анча вақт ўтди-ю.

Индамай кетиб боришарди. Ҳар бири ўз ўйи билан банд эди.

— Менга қара, нега рус аёллари ўпишишни яхши кўришади-я? — деб бирдан сўраб қолди Омон.

Ҳамроҳи, билмадим, менга тўғри келганмас, дегандек, елкасини қисди.

— Қирғиз аёллари-чи? — деб сўради у.

Омон елкасини қисди.

Улар овулга кирганларида, Омон ўйинчоқ отни олди-да, фотоаппаратни ҳамроҳига берди. Теварак-атроф сув қуйгандай жимжит эди, кўчаларда тирик жон кўринмасди. Баъзи жойларда бароқ итлар мудраб ётарди, кимнингдир кичкина боласи кўчанинг ўртасидан иштонсиз келарди. Одамлар далага ишга кетишган. Омон билан унинг ҳамроҳи уй олдига келишди. Эшик берк эди. Омон бегона қулфни ушлаб кўрди-да, кейин девордан ошиб тушди. Эшик ва деразаларга ёғоч қоқиб ташланганди. У бирпас турди-да, деразанинг ёғочларини олиб ташлади, ичкарига мўралади — одам турмайдиган уйнинг ёқимсиз зах ҳавоси димоққа урилди.

Улар буюмларни ҳовлида қолдиришиб, кимсасиз кўчадан юриб кетишди. Магазиннинг олдига келишди. Магазинда ҳам ҳеч ким йўқ эди, фақат Турдихон, қирқ ёшлар чамасидаги хушрўй аёл бошини энгаштирганча чўт қоқиб ўтирарди.

— Салом, хола!

Аёл бошини кўтарди-да, Омонни таниди.

— Омон! Қаёқлардан сўраймиз? — деб қичқирди.

— Қозоғистондан. Қўрғин ерларни ўзлаштирдим...

Вера қани... ўғлим-чи? — секин, эҳтиётлик билан сўради Омон.

Турдихон анчагача индамади.

— Кетиб қолди... — деди у ниҳоят. — Сени уйланган, деб гап тарқатишди. У ишонмади, эртаю кеч йиғлади... Кейин акасини чақиртирди-да, Россияга кетиб қолди...

Омон саросимада эди.

— Узинг айбдорсан. Нега энди унга хат ёзиб турмадинг?! — деб сўради Турдихон.

Омон ҳеч нима демай, елкасини қисиб қўя қолди.

— Ароқдан беринг!— деди у тўсатдан ва пештахтага пул ташлади.

Аёл бир шиша ароқ узатди, ҳамроҳи шишани очиб, стаканларга қуйди. Кўнгли учун Турдихонга ҳам узатди, лекин у ичмайман, деди. Омон ароқни ичди, ҳеч нимани газак қилмади. Яна қуйиб ичди.

Эшик орқасида гала-говур эшитилди. Магазинга монтажчилар ёпирилиб киришди.

— Ахир, бу Омон-ку!— деди кимдир таниб.

— Э-э, Омон. Қайтиб келдингми? Тирикмисан?

— Икки йил қаёқларда юрдинг?

— Қара, жуда олифта бўлиб кетибди-ю!

— Ҳа. Қайтиб келдим, тирикман...— деб шартта жавоб қилди Омон ҳаммаси билан бирма-бир кўришиб чиқаркан.— Ҳаммамизга уч шиша бергин!— у пештахтага ўн сўмлик ташлади.

— Омон, ҳеч ўзгармабсан, ўша-ўшасан!

— Ҳа, ўша, ўша...— деб маъқуллади Омонга ҳамроҳ бўлиб келган киши, кейин шишани очди-да, стаканларга қуйди.

— Сотқин, сен ичмагин!— деди сотувчи аёл ёш монтажчига.

— Қўйсангиз-чи, Турдихон опа! Укангиз уйланса ҳам бўлади, Омон учун ярим стакан ичсин!

— Ҳа, ҳа, ичсин, кап-катта йигит бўлиб қолди-ю!— деб бошқалар унга қўшилишди.

Турдихон бош чайқаб қўйди.

— Сенинг соғлигинг учун, Омон!

Ичишди, биров тузни, биров конфетни газак қилишди.

— Қорағулов ҳозир пенсияда,— деди кимдир.

— Ҳа, кузатиб қўйдик,— деди бошқаси.

— Эшитдим. Келинлар, баъзи-баъзида кеч қолади-ган ҳақиқат учун ичайлик!— деб таклиф киритди Омон.

— Ҳа, ҳақиқат кеч қолиб юради!— деб унинг сўзини маъқуллади Омоннинг ҳамроҳи, у яна биттадан қуйди.

— Қорағулов билан ҳали гаплашиб қўяман,— деди Омон зўрма-зўраки.

— Қари одамга шафқат қилсанг бўларди,— деди Турдихон таъна аралаш.

— Одамни? У мени одам ўрнида кўрдими, менга

шафқат қилдимми? Уни деб ҳамма нарсамдан айрилдим. Ҳаммасидан! Э-э!— Омон қутурган буқадай бошини сарак-сарак қилди.— Мен деҳқонман! Киндик қоним шу ерга тўкилган, ерсиз яшаёлмайман, у бўлса нима қилди! А?

— Ҳа, у деҳқон йигит... Киндик қони тўкилган...— деди ҳамроҳи ва унинг елкасига қоқиб қўйди.

— Янги бошлиқ кўрса, магазинда ичиб юрибсизлар, дейди, менга гап тегади,— деди Турдихон жаҳли чиқиб.

— Бир шипа беринг, кетамиз,— деди Омон.

Турдихон эроқ узатди, Омон уни қўйнига яширди.

— Бориб, Қорағуловни табриллаб қўяй! Э... онангин...

— Ақалли аёлларнинг олдида сўкинмасанг-чи,— деди Турдихон.

— Шаҳарда ҳамма русчалаб сўқади,— деб жавоб қилди Омон.

— Ма, нулингни олгини шипани қайтариб бер,— деди Турдихон.

— Қайтариб берайми, йириклар?— деб сўради у пракайф оғайкиларидан.

— Э, қўйсангчи!— деб қувиллашди йигитлар.— айли, табрилласин, опа, мейли...

Магазинга харидорлар кира бошлади. Биттаси шиймаларни, бошқаси похол шилтеви ушлаб кўрарди. Бир аёл абажурви кўздан кечира бошлади, чол механик устаранинг гувиллаб ишлашига қулоқ солди. Монтажчилар магазиндан чиқиб кетишди.

— Сен бермагин, Сотқин,— деди Турдихон.

Сотқин тўхтаб қолди. Лекин кимдир уни қўлтигидан олиб, судрай кетди.

Қотма, новча Омон олдинда борарди. У ҳозир душманининг олдига бориб, уни гажиб ташлайдигандек эди. Яхшигина кайф қилишган йигитлар унинг орқасидан тўдаланиб боришарди.

\* \* \*

Абдурахмон уйининг остонасида ўтириб олиб, этигини тузатарди. Лабига учта-тўртта мик қистириб олганди. Онаси ҳовлида, офтобда исиниб ўтирарди, узун сийрак сочини тарарди.

Абдурахмон бошини кўтариб, уйи томон бир гуруҳ

йигитлар келаётганини кўрди. Олдинда Омон келарди. Абдурахмон ўрнидан туриб, уйига кириб кетмоқчи бўлди, лекин вақт ўтганди. Йигитлар жуда яқин келиб қолганди. Абдурахмон ўзидаги саросимани сездиргиси келмай, жойида ўтираверди.

Омон уй олдига келди-да, кўча эшигига суянди. Йигитлар шундай орқасига келиб туришди. Сотқин ҳам шу ерда эди. Ҳаммаси жим турарди. Кампир уларга қараркан, бирор даҳшатли нарса юз беришини кутарди. Омон шишани олди-да, оғзидан бир қултум ичди. Ҳамма кутарди. Бирдан, кутилмаганда Омон ашула айта бошлади. У халтани елкага ташлаб, тоғма-тоғ юриш, майса устида ётиб, кўкда сузиб юрган оппоқ булутларни томоша қилиш, севганинг билан даладаштларда сайр қилишнинг гашти ҳақида куйларди.

Йигитлар кулиб юборишди. Абдурахмон ўрнидан турди. Йигитлар жимиб қолишди. Омон ҳамон ашула айтар, кўз ёшлари ёноқларидан оқиб тушарди. У ғирт маст эди.

Сотқин Омоннинг қўлтиғидан ушлаб, бир четга олиб чиқди. Йигитлар уларга эргашди.

Ҳамиша ёлғизман,  
Бошпанам ҳам йўқ...  
А-а! Овворамаң...

Омон ашула айтаркан, кўз ёшини кафти билан артарди.

Йигитлар кетишди. Кампир узун, сийрак сочинин ҳамон тарарди. Абдурахмон юзини кафти билан силади-да, этигининг ўкчасига миҳ қоқа бошлади.

Болға тақилларди.

\* \* \*

Саодат медпунктдан қаншарига қизил крест белгиси бор латта боғланган оқ отга миниб кетди.

Айнур деразадан кўчага қараб турарди. Орқасида Сотқин турганди.

— Сени ўпсам майлими?— деб сўради Сотқин.

— Йўқ.

— Нега?

— Мен стерилизация қилинганман.

— Ундай бўлса, хайр!— Сотқин чақириб қўйгани унга узатди.

— Армиягами?— қизнинг юзидаги соддадиллик, ёқимли ноз-ишва шу заҳоти йўқолди.

— Она-Ватан чақиряпти!— деди Сотқин.

— Нега ҳадеб кулаверасан?— деб сўради Айну<sup>р</sup> хафа бўлиб.

— Одамлар фронтга кетаётиб ҳам кулишган,— деди Сотқин.

Айну<sup>р</sup> шартта ўгирилди-да, уни қучоқлаб олди.

— Агар кетсанг, биз бошқа кўришмаймиз,— деди Айну<sup>р</sup>.

— Нега энди?

Айну<sup>р</sup> бошини қуйи солди.

— Ахир, отамнинг феълени биласан-ку...— деди қиз.

— Отангнинг нима дахли бор?

Қиз индамади.

\* \* \*

Хонада синтетик абажур осилиб турарди, унинг лампочкаси ёнмасди. Турдихон лампа ёруғида, думалоқ стол атрофида ўтириб чўт қоқарди, кундузи тушган пулни ҳисобларди. Эшикни тақиллатишди, у бориб очди.

— Абдураҳмон Қорағулович?

У остонада турарди.

— Қани, киринг, уйга киринг. Чой ҳам совиб қолгандир, лекин яхшигина ёрма бор, ичасизми?— Турдихон шошиб қолди.

Абдураҳмон сўрига ўтирди.

— Ароғинг йўқми?— деб сўради у.

— Сизга мумкин эмас-ку,— деди аёл.

— Ким айтди мумкин эмас, деб? Ҳамма нарса мумкин!— У хафа кўринарди, Омоннинг келганидан дили сиёҳ шекилли.

— Омонни қайтаролмадим, ўзи ичди, оғайниларига қуйиб берди... Укам ҳам тентак-да, ўшаларга қўшилиб кетди,— деди Турдихон.

Абдураҳмон қўл силтади, бу ҳақда гапиришни истамасди.

Турдихон бошқа хонага чиқди, ойнага қараб у ёқ-бу ёғини тузаган бўлди, сочининг оқини рўмоли тагига яширди, пиёлада ёрма, патнисда бўғирсоқ, яхна гўшт олиб кириб, ҳаммасини стол устига қўйди.

— Ароқ магазинда, истасангиз, бориб олиб келман...

— Ҳа, майли, кераги йўқ, яхшики ўтир...

Турдиқон китизга ўтирди.

— Сенга қараб туриб ҳайрон бўламан, шунча йилдан бери бир ўзинг қандай турасан-а?— деди у аёлнинг юзига қарамасдан.

— Ўзингиз-чи, ўзингиз қандай турибсиз?

— Менга нима? Мен ўрганиб қолганман. Урушда, меҳнатда реса чиниқдим, бу боли нималарни кўрмади. Ҳаво булут бўлса мазаб қочади, шуниен ёмон.

— Суякларингиз зирқирайдими?

— Йўқ. Кўнглим гап бўлади... Юрагим сиқилади... Кун узун, тун узун ҳам узун. Кўнглим юмидим дегунча туш кўраман, тушнимда мени суд қилишгаётган бўлади,— у бирдан жим бўлди-да, чега бошлади.

— Унам бору,— кели Турдиқон эсини-бурсини билмас қилиб.

— Э, уканинг йўқлиги ёкича. Мени ўз гудқан сизам ҳам бор, лекин барабир... Сизамнинг ўз силаси, бола-чақаси бўлишни керак... Йўқон, бу дунёда ашанининг нима кераги бор?... Кунинг биллиб, кўснинг юмилгудай бўлса, йилгайдиган одамнинг ҳам йўқ... Илгарилари негедир бу ҳақда ўйламаган эканман. Эртаю кеч колхоз иши билан бўлдим. Хотиним ўша муаллим билан тил топишиб, кетиб қолганида ачинганим ҳам йўқ, куйиб-нишмадим ҳам. Ахир, хотиним тупта-тузук, келинган аёл эди. Ҳа, кетса кетибди-да, дедим. Жанжал, гап-сўз камроқ бўлади. Ишда ҳам эртадан-кечгача бақирганинг бақирган, бошинг галвадан чиқмайди, уйга келсанг хотинингдан таъна эшитасан: «Қаерда эдинг, силангни унутиб юбординг, аввал оила, бола-чақа, кейин иш», деб жонингга тегади. Хуллас, вақт ўтганини ҳам билмай қолибман.

Улар бир оз жим ўтиришди.

— Хўш, нега сен шу вақтгача эр қилмадинг?— деб сўраб қолди у бирдан ва кўзларига қаради.

Аёл аввалига нима дейишини билмай шошиб қолди, кейин ўзини қўлга олди-да, кулимсираб қўйди.

Абдурахмон жавоб кутарди.

— Нима, билмасмидингиз?— деб секин сўради аёл.

— Мен қаёқдан билай? Билсам ҳам унутибман-да. Мен қайси тракторнинг қаери касаллигини, гўнгни



қарга олиб чиқишни билганман, холос. Иш билан бўлиб, орқада қолиб кетибман...

Қардадир, узоқ-узоқларда худди замбарак садоларидек момақалдироқ гумбурлади.

— Яхши одамни учратолмадим, учратганимда — бахтим очилмади... Оиласи, бола-чақаси бор эди... Хотини дод-вой кўтарди. Сиз эрини жазоладингиз, ўқишга юбормадингиз... Маънавий нопоклик, оилани бузиш. Ушанда бошқа нарсани исботлаб бўлармиди. Шунча шов-шувдан кейин ҳатто ота-онам ҳам мени кечиринмади. Қари одамлар... Шу-шу, якка-ёлғиз... Умр ўтиб кетяпти. Пешонага ёзилгани шу экан-да...

Ташқарида ёмғир ёғарди.

— У ким эди?

Аёл унга бир қараб қўйди.

— Маматқул... Ахир, ўзингиз уми...

— Ҳа... Эсладим, бўлувди, бўлувди... Замон шунақа эди...

Эшик тақиллаб қолди-ю, Абдурахмон жим бўлди.

Сотқин кирди, занжир билан тирноқни бурчакка ташлади-да, жиққа ҳўл камзулини ечди. Абдурахмонни кўрди-ю, шошиб қолди, афтидан, эрталаб Омон билан бирга унинг ҳузурига борганини эслади шекилли. У меҳмонга бош ирғади-да, бошқа хонага кириб кетди. Турдихон типирчилаб қолди, яна бир лампани ёқиб, унинг орқасидан кирди.

— Бугун яна йигирмата абажур сотдим, — деди Турдихон. — Ҳаммалари сенинг электрингни кутиб ётишибди. Керекини ҳам олмай қўйишди.

Сотқин миқ этмади. Опаси унга овқат олиб келиб берди-да, кейин Абдурахмоннинг олдига қайтиб чиқди.

— Армияга кетяпти, — деди у. — Сешанба куни жўнашади. Унашаётган қизи билан никоҳдан ўтиб қўймоқчи эди, отаси рози бўлмаепти, тўйсиз бермайман, дейди. Тўй қилишга вақтимиз ҳам, пулимиз ҳам йўқ.

Абдурахмон эшик томонга, Сотқинга қараб қўйди. Йигитча маъюс нон чайнади.

— Бир вақтини топиб, олдинга кириб кетарман, — деди Абдурахмон секин ва ўрнидан турди.

— Кириг, бемалол, — деди аёл.

— Хайр, ўғлим, — деди Абдурахмон меҳр билан ва эшик томон юрди.

— Хайр,— Сотқин чайнашдан тўхтади, афтидан, Омон билан унинг олдига борганини яна эслади.

\* \* \*

Овул кўчаларидан бирида уй қуриларди. Девори кўтарилганди, деразалари, эшиклари ўрнатилганди, фақат томи ҳали ёпилмаганди. Уйнинг олдида одамлар тўпланиб туришарди. Уй эгаси ёш раисни (собиқ агроном) қарши олиб, унинг белига оқ сочиқ боғлади. Ҳаммалари ходанинг олдига дабдаба билан келишди-да, уни даст кўтаришиб, уйга яқин олиб боришди. Бешолтита йигит ходани тенага олишга ёрдамлашди, уни томнинг ўртасига қўйишди.

— Бу уйнинг чироғи ҳеч қачон ўчмасин!— деди раис.

— Омин!— дейишди оқсоқоллар ва кафтларини юзларига тортишди.

Ҳаммалари боққа киришди, у ерда дастурхон ёзилган бўлиб, ноз-неъматлар қўйилганди. Абдурахмон уйининг остонасидан маросимни кузатиб турарди, бир вақтлар шарафли оқсоқоллик вазифасини ўзи ўтаганини эслади. У эски уйлардан бирига қараб, ўзини кўз олдига келтирди: белига оқ сочиқ боғлаб олган, «бош ходани» кўтариб борарди. У янги уйга бахт-саодат тилар, одамлар унинг гапларини такрорларди. Мана, иккинчи уй — яна ўша гаплар. Учинчи, тўртинчи — кўчанинг охиригача, Малабойнинг ёниб, кул бўлган олмазоригача мана шунақа уйлар. Қарийб ҳамма эски уйларга у бирма-бир кириб чиққан.

Ёш раис Абдурахмонни сезиб қолди-да, унинг олдига борди.

— Ассалому алайкум, оқсоқол! Нега энди правлениега келмаяпсиз? Утган куни ҳам, кеча ҳам одам юбордим,— деб гап бошлади ёш раис.

— Банд эдим,— деб жавоб берди Абдурахмон.

— Қандай зарури ишингиз бор эди, нима қилдингиз?

— Қартайиш билан овора бўлдим,— деб жавоб қилди Абдурахмон.

— Бир донишманд эркакни вақт қаритади, деган ёкан!— деди ёш раис хурсанд бўлиб.

Абдурахмон ғамгин бош ирғади.

— Бошқа бир донишманд...— деб гапида давом этди ёш раис.

— Нега чақиртирувдинг?— деб унинг гапини бўлди Абдурахмон.

— Биласизми, Абдурахмон Қорағулович, биз маслаҳатлашиб, шундай қарорга келдик... Узингиз биласиз, куз — йиғим-терим қизиган палла. Одамлар етишмайди. Ҳадемай ёгингарчилик бошланади...— Мажбуриятимиз катта. Узингиз ёрдам бермасангиз бўлмайди, маслаҳатга...

— Ишлаб бўлдим, бизни ҳисобдан чиқариб қўйсанг ҳам бўлади...— деди Абдурахмон шартта.

— Э, қўйсангиз-чи, Абдурахмон Қорағулович! Сизни безовта қилмадик, майли, дам олсин, ўзига келсин, дедик, энди тинч қўймаймиз! Студентлар келишган, ҳаммаси шўх-олов йигитлар, уларга қаттиққўл командир керак.

— Нима, мен қаттиққўл эканманми?

— Абдурахмон Қорағулович!— раис қўлларини ёзди.

— Уларнинг қайси тилда гаплашишларини ҳам билмайман. Ҳозир ҳамма билимдон бўлиб кетган.

— Э, нималар деяпсиз, Абдурахмон Қорағулович! Ахир, сизсиз ишимиз битармиди? Авлодлар эстафетаси-чи?

— Эстафета?

— Биттаси иккинчисига чошиб етиб олиб, қўлидаги таёқчани унга беради. У яна чошиб кетади,— деб тунтирдди раис кулимсираб.

— Таёқчани бериб, ўзи қоладими?

— Узатади-ю, ўзи қолади,— деб маъқуллади раис.

— Бордию у қолгиси келмаса-чи, яна чопмоқчи бўлса-чи?

— Уддалагани чопаверади,— деб ҳазиллашган бўлди раис.

— Йўқ. Мен эплайлмайман. Касалман,— деди Абдурахмон ва уйига кириб кетди.

Ёш раис бир зум турди-да, кейин орқасига қайтди.

\* \* \*

Абдурахмон хонага кирганида, оппоқ соқолли, Султон чол намат устида хотиржам, салобат тўкиб ўтирарди, кўринишидан сипо ва доно эди.

— Ассалому алайкум, оқсоқол!— деб кўришди Абдураҳмон.

Султон енгилгина бош ирғаб қўйди.

— Нима, мени танимадингизми?— деб сўради Абдураҳмон ва унинг қаршисига табуреткага ўтирди.

Султон индамади. Шубҳасиз, у Абдураҳмонни таниганди.

— Гап бундоқ, оқсоқол. Йигит армияга кетяпти. Зарарли эски урф-одатларни қўйинг, қишлоқ советида никоҳдан ўтишсин, тўйни у келганидан кейин қиламиз.

Султон миқ этмасди. Абдураҳмон нима дейишини, қай йўсинда гаплашишни билмасди.

— Балки, пулга муҳтождирсиз? Менда кўп бўлмаса ҳам озгина пул бор...— Абдураҳмон этигининг қўнжидан бир даста пул олди.

— Қани, айт-чи, Абдураҳмон, Совет ҳокимияти бахт ҳақида орзу қилишга рухсат берадими?— деб бирдан сўраб қолди чол. Абдураҳмон довдираб қолди-да, чолга синовчан назар билан қараб қўйди. У трубкасини чекиб ўтирарди, қўнглига йўл топиш амри маҳол эди.

— Хўш, рухсат беради, дейлик... Нима бўпти?

— Гап бундоқ, ўғлим, кекса Султон яккаю ягона қизининг тўйида тўрда худди хонлардай савлат тўкиб ўтиришни ўн саккиз йилдан бери орзу қилади, ҳа, мен учун бу катта бахт...

— Армиядан қайтиб келсин, тўйда хон бўлиб ўтирасиз...

— Улиб қолсам-чи?

Абдураҳмон бир нима деб жавоб қилишга улгурмасиданоқ, Султон енгини шимариб соатига қаради («Волга» маркали аёллар соати эди), ўрнидан турди-да, жойнамозни ёзиб, намоз ўқий бошлади.

Абдураҳмон шартта ўрнидан турди. Табуретка гирчиллаб, ағдарилиб тушди. У чолнинг олдига шахдам юриб келди, уни ҳақорат қилиш, намозини бузиш нияти ҳам йўқ эмасди. Кейин, ке, қўй, деб шаштидан қайтди.

Султон намоз ўқирди. У аллақандай, тушуниб бўлмайдиган сўзларни пичирлаб, бошини гоҳ ўнгга, гоҳ чапга бурарди.

— Асли қулоқ зотидан-да!— деб тўнғиллади Абдураҳмон ва хонадан чиқиб кетди.

\* \* \*

Абдурахмон қишлоққа йўл олди. Олдинда оқ от қўшилган арава кўринди. Аравакаш отни тўхтатди.

— Ассалому алайкум, бой ака! Нурли водийга қайси йўлдан борилади?— деб сўради у.

Абдурахмон кўрсатди-да, яқинроқ келди. Аравада мурда ётарди, устига оқ пахмоқ адёл ёпилганди.

— Бой ака, арабча ўқишни биласизми?— деб сўради йигит, кейин тугунни ечиб, арабча ёзилган қоғозни узатди.

«Ёвузлик қилсанг, ёвузлик кўрасан»,— деб ўқиди Абдурахмон ва хатни қайтариб берди.

— Билмас экансиз-а?— деб сўради йигит.

Абдурахмон «Йўқ», дегандай бош чайқади.

— Қарилар уйда ўлди. Улими олдидан Нурли водийга олиб бориб кўминглар, дебди. Уша ерда боғи қолганмиш. Бу хатни ёстиғининг тағидан топишибди, ҳеч ким ўқиёлмади,— деб тушунтирди йигит отни камчилаб.

\* \* \*

...Малабойни иккинчи куни кўминди. Бир вақтлар унинг уйи турган ерга икки катта ўтов тикишди. Биттаси марҳум учун, иккинчиси меҳмонлар учун мўлжалланганди. Одам кўп йиғилди. Қўшни, узоқ овуллардан, райондан келишганди. Бутун водийда боғ яратган бирдан-бир қирғиз Малабойни ким ҳам танимасин? Одамлар ўтовга яқинлашишлари билан ҳар хил оҳангда ув тортиб йиғлашарди.

— Вой, қадрдоним, жигарим, энди сени қаёқдан топаман?!

Марҳум ётган ўтов ичидан гириянда аёлларнинг ҳар хил овози эшитиларди.

Ў, якка-ёлғиз почамиз.

Уйингдан узоқда қазо қилдинг.

Одамлар сенга кўп жабр қилишди.

Сен ҳам ўзингни аямадинг,—

деб йиғларди қариндошларидан бири.

— Ў-ў! Э-э!— деб унга бошқа аёллар жўр бўлишарди. Ўсмирлар ҳассага таянганларича йиғлашарди. Улар ичида Омон билан Сотқин ҳам бор эди.

— Вой, отахонимиз! Энди сени қаёқдан топамиз?

Боғда, майса устида марҳумнинг тенгдошлари дара қуриб ўтиришарди. Улар бемалол чой ичиб ўтиришар, марҳум билан боғлиқ бўлган ҳар хил воқеаларни эслашарди.

Абдурахмон йиғламади, бошқалар билан бирга ҳовлига ўтиб кетди. Йигитлардан биттаси Абдурахмонга сочиқ узатди, гарчи у йиғламаган бўлса ҳам бўйни узун чўян чойнакдан унинг қўлига сув қуйди. Ҳа, юз-қўлини ювишга тўғри келди. Удум шундай...

Вақт пешиндан оққанда ўтовдан тобутни олиб чиқишди.

— Тозароқ жойга қўйинглар!— деб буюрди Усмонбек.

— Йўлдан тоза ер борми,— деди Султон.

— Тўғри, тўғри,— деб унинг гапини маъқуллашди.

Оломон икки томонга сурилиб, йўл берди. Тобутни йўлга кўндаланг қилиб қўйишди. Султон тиловат қилди, кейин ҳамма қабристон томон йўл олди.

Қабр тепасида сарғиш тўзон кўтарилди. Абдурахмоннинг қўлига дастаси калта қурак тушиб қолди, уни бу ерга ким олиб келгани маълум эмасди. У кимдир куракни қўйинг, демагунча гўрга тупроқ ташлайверди. Абдурахмон бир четга чиқиб, уст-бошининг чангини қоқди. Унга ҳеч ким эътибор бермади. У ўзини ноқулай ҳис этар, битта-яримта билан икки оғиз гаплашгиси келарди, лекин унинг атрофидаги одамлар билан гаплашадиган гапи йўқ эди. Қабристоннинг нариги бошида Сотқинни кўриб қолди-да, секин унинг олдига борди. Бечора йигитнинг уст-боши шу қадар чанг эдики, сочи, қоши, киприклари кўринмасди.

— У билан гаплашдингми?— деб сўради Абдурахмон.

— Сенсиз ёлғиз қолишга қўрқаман, дейди, отамдан ҳам қўрқаман, дейди...— деди Сотқин.

— Ҳа, майли, кўп ташвиш қилаверма. Уша қиз билан ўзим гаплашиб қўяман,— деди Абдурахмон, қабр тепасида бошқалар билан бирга жаноза ўқийётган Султонга ўқрайиб қараб.

Бу орада қабр тепасида дўнглик пайдо бўлди, Усмонбек ўртага чиқди.

— Малабой қандай одам эди?— деб баланд овозда сўради у.

— Яхши одам эди!— деб жавоб беришди унга ҳар томондан.

— Бировга ёмонлик қилганмиди?!— деб сўради Усмонбек.

— Йўқ,— деб жавоб беришди унга.

— Балки битта-яримтадан қарзи бордир? Тортинманглар, бўлса, айтинглар, ҳаммасини тўлаймиз. Ҳа, Малабойнинг арвоҳи норози бўлмасин, унинг руҳини ўкситиб қўймаймиз!— деди Усмонбек.

— Йўқ,— деб жавоб беришди.

— Ҳа, арвоҳи биздан рози бўлсин!— деди Усмонбек баланд овозда.

— Ҳа, рози бўлсин!— дейишди ҳар томондан.

Шундан кейин ҳамма чўккалаб ўтирди, Султон тиловат қилди-да, кафтига узоқ тикилди. Ҳар ким гўё бу дунёдан кўз юмган одамнинг қабри тепасида қўлим тозами-йўқми, дегандек кафтларига қарашди. Кейин ҳамма бараварига кўтарилди-да, мотам ўтовлари томон йўл олишди, ҳар хил оҳангда ув тортиб йиғлашарди, сон-саноқсиз оёқлару туёқлардан кўтарилган чанг овул тепасида сузиб юарди.

\* \* \*

Ой ёрду сочарди. Водийни хира туман пардаси қоплаганди. Устунларда сим тортишаётган Сотқин билан Петронинг қораси кўзга ғира-шира ташланарди.

— Хўш, сен нима дединг?— деб бақирди Петро.

— Севсанг, мен билан юр! Севмасанг, отанг билан қолгин!— дедим.

— У нима деди?

— Индамади.

— Демак, севмас экан,— деб хулоса чиқарди Петро.

Сотқин сал бўлмаса, устундан қулаб тушай деди. У симни ярмигача улади-да, омбирни чўнтагига солиб, пастга туша бошлади.

— Ҳа, нима бўлди?— бақирди Петро.

Сотқин қўл силтаб қўя қолди.

— Ахир, бунақада ҳаммасини тортишга улгурмаймиз.

— Бошқалар тортиб қўйишади!— деб жавоб қилди Сотқин.— Мен армияга жўнаяпман!

— Мен-чи? Нима, мен кетмаяпманми? Ахир, ҳамма ишни ўзинг бошладинг-ку! — Петро симни силкитди.

Сотқин қўл силтади-да, пастга тушаверди, лекин оқ қўйлақда дала ўртасидан чошиб келаётган Айнурни кўриб қолди-ю, яна устунга чиқиб, симни улай бошлади.

Петро бурнини тортиб, кўлимсираб қўйди.

Қиз нариги симёғоч олдига югуриб борди-да, уни қучоқлаганича йигитларга қаради. Сотқин симни судраб, пастга тушди ва унинг олдига келди. Лекин қиз бошқа симёғочнинг олдига борди. Сотқин симёғочга чиқди, тезда симни улаб, қайтиб тушди. Қиз нариги симёғочнинг олдига борди. Йигитлар АйнуARNING орқасидан симни тортиб боришарди.

Улар бузилган уйларнинг олдида ишлашарди...

Сотқин устундан тушди-да, кейингисининг олдига борди. Қиз бир оз юрди-да, икки устун ўртасида тўхтади.

— Нега тўхтаб қолдинг? — деб сўради Сотқин.

— У ёқда қандайдир соя бор экан, — деди. — Одамга ўхшаб кетади...

— Бу эски деворнинг сояси-ку...

Сотқин унинг олдига келди. Петро устундан эҳтиётлик билан тушди-да, кетиб қолди.

— Мен уйдан бутунлай кетдим, — деди қиз.

— Нега энди?

— Эрга тегиш учун, — Айнур йиғлаб юборди.

Кейин улар эски уйларнинг харобалари ичида анча юришди. Одамлар бу уйларни ярим аср муқаддам тарк этишганди, улар ўшанда энди тоғма-тоғ юрмай, сувга яқинроқ жойга келишга, экин экишга қарор қилишганди.

Ой ёғдуси АйнуARNING юзини ёритарди. Сотқин уни бағрига босиб, юзларидан ўпди. АйнуARNING кўзларидан ёш оқарди. Юлдузлар хароба устида милтилларди.

Ҳадемай тонг отади...

\* \* \*

Абдурахмон ўрнида ётаркан, марҳумнинг тепасида йиғлаганларнинг мунгли овози қулоғи тагида ҳамон жарангларди:



Дафн этдик биз сени ерга.  
Киндик қонинг тўкилди қайга?  
Войдод-е! Войдод!  
Наҳорги кўз ёшларимиз  
Сенга бўлур ёдгорлик.  
Оқшомги кўз ёшларимиз  
Таъна бўлур бағригешларга.  
Войдод-е! Войдод!<sup>1</sup>

У бирдан ўзини пенсияга қандай кузатганларини  
сезиб қолди. Болани қандай ўнгани, у еса юзини  
кафти билан қандай артгани кўз олдига келди... Абду-  
рахмон дори ичди. Урнидан туриб, ташқарига чиқди.  
Қариб, мункайиб қолган онаси мотам ўтовлари томон-  
дан келарди.

— Шунча йилмаганларнинг етмайдимми?— деб сўра-  
ди Абдурахмон.

— Бу ўлим ҳамманинг ҳам бошида бор,— деди  
онаси ва уйга кириб кетди.

От туёқларининг дупури эшитилди. Петро лйдоқ  
отни чоптириб келаркан, милтигидан устма-уст ўқ  
узарди.

— Ҳой одамлар! Эшитмадим деманглар! Сотқин  
қиз ўғирлаб келди, комсомолча тўй бўлади-и!

У ёнгиналаридан елдек учиб ўтди.

\* \* \*

Сотқиннинг уйи олдида хотин-қизлар уймалашиб  
туришарди. Улар келинни кутишарди. Икки аёл тер-  
лаб-пишиб бўғирсоқ пиширишар, нон ёпишарди. Ҳов-  
лининг ўртасида қорни катта самоварлардан буруқсаб  
тутун чиқарди.

— Келишяпти! Келишяпти!— деб чувиллашди хо-  
тин-халаж.

— Вой! Қаранглар-а, пиёда келишяпти!

— Дўст-ёрларсиз келишяпти, худди сайр қилиб  
юришгандай.

— Отаси кўнмаган эмиш, қиз қочиб кетибди!

— Тавба! Ҳозирги ёшларга ҳайронман!

— Э-э! Қойил-е!

— Секин, эшитиб қолишади...

<sup>1</sup> А. Қосимов таржимаси.

Сотқин билан Айнуур бир-бирларининг қўлини ушлашиб ҳовлига чиқишди. Қизнинг устидан конфет, қанд, бўғирсоқ сочишди, аёллар майса устига тўкилган ширинликларни теришиб, ўзларича «бизниям тўйга етказсин», дейишиб, чўнтакларига солишарди. Турдихон келиннинг пешонасидан ўпди, бошига шойи рўмол ташлади-да, томоғининг тагидан боғлади. Аёллар ҳам келиннинг пешонасидан, кампирлар эса кафтидан ўпишди.

Айнуурни уйга олиб киришди, гўшангага олиб ўтиб, атлас болишга ўтқазिशди.

Ёш келинни кўриш учун хонага эркаклар кира бошлашди. Айнуур эрининг қариндош-уруғларига эгилиб салом берарди.

Уй олдига Абдурахмон келди. У бир болани чақирди-да, қулоғига алланима деб шивирлади. Бола уйга чопиб кирди-да, Турдихонни чақириб чиқди.

— Турдиш, ма, ол, тўйда керак бўлиб қолар,— Абдурахмон пул тугилган тугунчани узатди-да, дарров қайтиб чиқиб кетди. Турдихон миннатдорчилик билдириш ҳам эсидан чиқиб, ҳайрон бўлганича, унинг орқасидан қараб қолди.

\* \* \*

Тўй авжига чиққанди. Ҳовлидаги ўчоқларнинг ҳаммасидан тутун чиқар, катта қозонларда гўшт қайнардди. Шампанский, вино, мешлардан қимиз устмасуст қуйиларди. Хонада чоллар кекса бир мўйсафиднинг ҳикоясини тинглаб ўтиришарди, у ўртада ўтириб олиб ўтган замонлар, ота-боболар ҳақида сўзларди. Бошқа хонада колхоз бухгалтери ширакайф Миша амаки скрипкада шўх куйни чаларди.

Ёшлар боғда ўтиришарди. Бу ерда шу ерлик йигит ва қизлар, қишлоққа ҳашарга келган студентлар бор эди.

Уйнинг олдига икки аёл билан бир эркак келишди.

— Қудалар келишди!— деди кимдир.

— Тўй эмас, тўйчиқ қилиб ўтиришибди-я, беномуслар! Пулидан қочишибди-да, қизни бутун расм-русминини қилиб элишга қўрқишибди-да! Алдаб қўлга олишган! Ҳозир бунинг учун суд қилишади!— деб бақирарди отда ўтирган барваста Зуура хола ғазаби тошиб.— Отаси адоён тамом бўлди, узоққа бормайди!

Уйдан Турдихон бошлиқ бир неча аёл чолиб чиқинди.

— Ҳа, қўрқдиларингми!— деб бақирарди Зуура.— Қизимизни ўғирлашга қўрқмадиларинг-ку? Ҳаммангни қаматтираман, бошлэб газетага ёзаман. Харажатдан қсчдиларинг, пайтдан фойдаланиб қолдиларинг. Нима, унинг онаси бўлмаса, димон қиладиган одами йўқ, деб ўйладиларингми? Қизимизни қайтариб беринглар!

Турдихон узагидан ушлади:

— Айланай, қуда, отдан тушинг! Бир пиёла чойимиздан ичинг! Хотирасам гаплашиб, бир тўхташга келайлик. Қизингиз гўшангада ўтирибди, сопна-соғ, орномуси ўзида, бешнидаги рўмолини олиб ташлаш ҳеч гапмас. Қиз ўз оёғи билан қелди, яхши кўриб тегди, уни ўғирлаганимиз йўқ.

— Э! Ҳали қисекингизни ўзи йигитимизни бўйнига осилди ҳам дерсиз? Балки судда ҳам худди шу гапни айтарсиз?— деди Зуура шангиллаб.

— Сотқин билан Айжур оила қуришга, бир ёстиққа бош қўйишга аҳд қилишди. Ахир, ўзингизнинг эрга текканингизни бир эсланг! Ҳа, қани, туша қолинглар, қудагайлар, азизлар!

Зуура билан бирга келган, унинг гапини маъқуллаб турган эркак билан аёл шошилишарди.

— Мен тушмайман! Қизимизни олиб кетаман, милиция чақираман! Шундай покиза, шундай оқкўнгил, шундай гўзал қизни-я! Уйда отаси қон бўлиб ўтирсаяю!— деб бақириб-чақирарди Зуура.

— Ҳой! Бўлди, бас қил!— деб бақирди у билан бирга келган эркак уйга кираркан.

Зуура худди овози ўчириб қўйилган радиокарнайдай, бирдан жимиб қолди, отдан тушишга мажбур бўлди. Уни уйга қўлда кўтаришгандай олиб кириб кетишди.

\* \* \*

Турдихон эшикни тақиллатди. Абдураҳмон чиқди.

— Бу нимаси, Абдураҳмон Қорағулович, ҳамма тўйда бўлса-ю, сиз уйда ўтирсангиз? Меҳмонлар жуда шошириб қўйинди, қудалар келишди. Чиқиб, меҳмонлар билан гаплашиб ўтирасиз,— деб уни кўндирмоқчи бўлди Турдихон.

— Тўй бузилади-да,— деди у.

— Э, қўйсангиз-чи! Ўтган ишга салават. Одамлар тушунмайди дейсизми? Сиз ҳам унутинг-да. Қани, туринг, кетдик, — Турдихон уни қўлидан ушлаб тортди. Аёл кишининг қўли тегиши билан Абдурахмоннинг кўзларида қандайдир илиқлик пайдо бўлди.

— Юринг, юринг, худо хайрингизни берсин!  
Абдурахмон Турдихон билан ёнма-ён кетди.

\* \* \*

Зуура хола ва унга ҳамроҳ бўлиб келганлар уйнинг тўрида ўтиришарди. Уларнинг олдига меваларни, гўштни тоғ қилиб уйиб қўйишганди.

— Бир чол келиб: «Уни тутинглар, монтерининг олдига кетди!» — деб қичқирса бўладими. Мен: «От беринглар, етиб оламан», дедим, — Зуура хола баланд овозда ҳикоя қилар ва хохолаб куларди.

Меҳмонлар ҳам кулишарди.

Айнур гўшанга орқасида ўтириб, ҳамма гапни эшитар, ўзича кулимсираб қўярди. Икки қизча унга қарашиб, мийиғида кулишарди.

Абдурахмон кириб келганида, гўё унга ҳеч ким эътибор бермагандай бўлди, фақат бир аёл ёнидаги аёлни туртиб, қара, ким келди, дегандай кўзи билан имлаб кўрсатди.

— Тўйларинг бахт келтирсин, қўша қаринглар! — деди Абдурахмон.

— Ҳа, айтганинг келсин, — дейишди ҳар томондан.

Ҳамма Абдурахмон томонга қаради, кимдир ўрнидан туриб, жой берди.

— У, қуда! Қаерларда юрибсан? Битта-яримтаси билан қочиб кетдингми, деб ўйлаб ўтирувдим. Ха-ха! — хохолаб кулди Зуура хола. — Кел, ёшларнинг бахти учун бир ичайлик! Уканг бор эди, мана энди сингиллик ҳам бўлдинг. Нурли водийдаги энг чиройли қизни келин қилдинг. Қани, қуй!

Меҳмонлар кулишарди.

Эпчил бола шампань виносидан қуйди.

— Э-э! Буни вициллатиб нима қиласан? Стакани уч тийин туради. Ичгандан кейин оқидан, қиз боланинг кўз ёшидай тиниқ, тозасидан ичгин, — деб шангиллаб гапирарди Зуура хола. — Ақлли хотинсан-да, Турди, одамнинг кўнглини топа оласан.

Истараси иссиқ, дўмбоққина аёл Абдураҳмоннинг ёнига ўтириб, уни меҳмон қила бошлади.

Меҳмонлар ширакайф бўлишди, ғала-ғовур бошланди, ҳаммаси уч-тўрттадан бўлиб олганди.

Абдураҳмон индамай, еб-ичиб ўтирарди.

— Ахир, аёл киши билан гаплашиб ўтиради-да, — деди дўмбоқ аёл кулимсираб. — Ё, гапиришни унутиб юборганмисиз?

— Шўхлик қилма, — деди Абдураҳмон.

— Ол-а! — бўш келмади аёл, унинг елкасига уриб, бекордан-бекорга хохолаб куларди. — Ҳалиям хотинларга қаттиққўлмисиз, отахон? — қиқирлаб кулди.

— Отахонинг нимаси? Мен билан ҳазиллашма! — деди Абдураҳмон мулойимгина.

\* \* \*

Жинси кийган қиз билан соқолли, кўзойнакли йигит ҳовлида твист рақсини ўйнашарди. Улар жуда енгил, чиройли рақс тушишарди.

Уйдан хотин-халаж, чоллар чиқа бошлади. Улар танца тушаётганларни ҳалқадек ўраб олишди, музыка оҳангига мос чапак чалишар, бу ғалати ўйинни кўришиб, қотиб-қотиб кулишарди.

Ҳовлига кекса Қодирни олиб чиқишди. Одамлар тисарилиб йўл беришди. Қодир танца қилаётганларга индамай ўйчан қараб турарди. Аккордеончи уни кўрди-да, чалишдан тўхтади. Ҳамма жим бўлиб, оқсоқолга қарашди.

— Сиздан уялишяпти! — деб тушунтиришди унга.

— А? — яхши эшитмай сўради чол.

— Сиздан уяляпмиз! — бараварига бақирди студентлар.

Чол мени уйга олиб кининглар, дегандай тирсагини кўтарди. Уни уйга олиб кириб кетишди. Кулги садолари остида яна аккордеон овози янгради.

\* \* \*

Абдураҳмон кайф қилди. У аёлга қўшилиб ашула айта бошлади:

Чарчамаса сира от кошки,

Қаримаса одамзод кошки.

Ёшлигича қолаверса-ю,

Ҳам ўлмаса умрбод кошки.

Бошқа хонада Миша амаки скрипкада мунгли тўй куйини чаларди. Одамлар уни мириқиб эшитарди. Кимдир йиғларди.

Дўмбоққина аёл хохолаб кулганича, бог оралаб борарди. Ширамайф Абдурахмон унинг орқасидан кетди.

— Қани, чол, менга етиб кўр-чи! Ҳа, бўш келма!— Аёл хохолаб куларди.

— Мен чол эмасман, ҳаммаси бекор гап, ёлгон гапирришади...

— Мени бузуқ деган сеннинг?— деб сўради аёл.

— Ҳа, бўлди, бўлди,— деб гўлдиради унинг орқасидан бораркан Абдурахмон.

— Богчада ишланамга нега рухсат бермадинг-а?— деб сўрарди аёл дарахтларни оралаб бораркан.

— Ҳа, бўлди, бу гапларни қўй!— Абдурахмон унинг белидан қучоқлаб олмоқчи бўлди.

— Ахир, мен бузуқ хотинман-ку! Демак, сенам бусиз яшаёлмас экансан-да. Соғлигинг жойидами ўзи, а?

— Соппа-соғман, айти қирчиллама пайтим. Ёлгон гапирришади, ўзларича бичиб-тўқишади,— у энди ушламоқчи бўлганида аёл чап бериб, балиқдек лип этиб қўлидан чиқиб кетади, Абдурахмон икки марта дарахтни қучоқлаб олди.

Аёл хохолаб кулиб, ялангликка чиқди-да, бедаси ўрилган даладан чопиб кетди, лекин сал юрмай қоқилиб йиқилди. Абдурахмон унга етиб олди, ўзиям йиқилди-ю, аёлни қучоқлади.

— Ахир, бу нимаси? Ўзинг чақирдинг-ку. Нима, мени ҳеч нимага ярамайди, деб ўйловдингми?..— дерди у ҳансираб нафас оларкан.

Аёл қўллари билан юзини беркитиб, индамай қолди. Абдурахмон унинг пинжига кирди-ю, аёлни юзи қоракуяга буланганини кўрди. Ўзининг қўлларига қаради — қўллари ҳам қоп-қора эди.

Абдурахмон бошини кўтарди-ю, танаси куйган олма дарахтини кўрди. Қаерда эканликларини у энди фаҳмлади. Енаётган олма дарахтлари кўз ўнгидан бирин-кетин ўта бошлади.

У ўрнидан турди. Аёл нима гап бўлганини тушунмади. У юзини очиб, Абдурахмоннинг кетаётганини кўрди.

— Нодон! Қари тўнка! Тентак!— деб бақирди аёл орқасидан ва ҳўнграб йиғлаб юборди. Қоракуяга буланган кўз ёшлари ёноқларидан оқиб тушарди.

\* \* \*

Сотқин эшикнинг илмоғини солиб беркитди-да, хотинини қучоқлади. Улар хона ўртасида ранг-баранг кўрпалардан қалин қилиб тўшалган ўринни кўришди. Сотқин хотинига савол назари билан қаради.

— Виз учун,— деб тушунтирди у.

Эшик орқасида кимдир қиқирлаб кулди. Сотқин ҳушёр тортди.

— Гувоҳлар,— деди хотини.

— Яна қанақа гувоҳлар?

— Йўли шунақа...

Сотқин кўрпаларни хонанинг ҳар томонига олиб ташлади, хотинининг қўлидан ушлаб дераза олдига олиб келди, ромни шартта олиб ташлади-да, кўчага чиқишди.

\* \* \*

Абдурахмон боғда, дарахтга суянганича ўтирарди. Шундоққина ёнида бўлишиши юмалаб ётарди. Сал нарида йигит ва қиз ўпишишарди.

— Қарагин, одам...—деб шивирлади қиз.

— Боғни қўриқлаб ўтирибди,— деди йигит.

Абдурахмон маст эди. Унинг қаршисида ит чўнқайиб ўтирарди. Миша амаки кўчада гандираклаб ёрарди. У ҳамон скрипкасини чаларди.

Дашт томонга кетаётган икки одам тобора узоқлашарди.

Электр симлари гувилларди.

\* \* \*

Тонг пайғи... Сотқин билан Айнур даштда секин одим отарди. Оқ парқу булутлар уларнинг боши тепасида сузиб юрарди. Сим тортилган устунлар уларни кузатарди. Улар хирмонга келишди. Бу ерда иш айни қизиган пайт. Ҳаммаёқда бугдой уюмлари. Кечаси билан сайр қилиб, кўнгил ёзишган студентлар энди астойдил ишлашарди. Димоққа нон ҳиди уриларди. Сотқин билан Айнурни кўришиб, ҳаммалари ишини тўхтатишди, «Ура!»— деб қичқаришди. Омон оёқ учи-

да юриб келди-да, келин-куёвнинг кўзларига узоқ тикилди, кейин Сотқиннинг бошини силади. Ҳаммалари кулиб юборишди.

\* \* \*

Сотқиннинг дарвозаси олдига кўч-кўрон ортилган арава келиб тўхтади. Султон аравадан тушди-да, уй томонга юрди. Қизининг бор нарсаси тугилган тугунчани кўтариб олганди.

Бир вақтлардаги тик гавдаси энди букчайиб қолганди, ранги синиқ эди. У кексайиб, қувватдан қолган. Узун, қора чопонининг тугмалари солинмаган. У бир замонлар бақувват бўлган, энди қанотлари қайрилган қари бургутни эслатарди. Чол ҳовлининг ўртасида тўхтади-да, катта тўй аломатларини кўздан кечира бошлади. Турдихон уйдан чиқди-ю, Султонни кўриб, шошиб қолди.

— Нега у менга бунчалик азоб беради? Ахир, мен уларга ёмонликни раво кўрармидим? — деди Султон секин.

Турдихон унинг қўлидан тугунни олди-да, уйга бошлади.

\* \* \*

Турдихон темирчилик дўконига кириб, тўхтаб қолди.

— Хўш, нега остонада туриб қолдинг? — деб сўради темирчи Маматқул ва унинг олдига келди.

Турдихон бошини унинг кўксига қўйди-да, йиғлаб юборди. Нега йиғлапти? Эҳтимол, ўз баҳори очилмай хазон бўлган ёшлигини ўйлаб йиғлаётгандир. Балки бутунлай бошқа нарсаларни ўйлаб кўз ёши қилаётгандир.

Э, аёл кишининг нега йиғлаётганини, унинг қўнгилидагини билиб бўларканми?

Маматқул унинг сочларини силади.

Аёл пиқ-пиқ йиғларди.

— Айнурунинг отаси келиб кетди. Қизини кечирди. — Аёл кўз ёшларини артди-да, тез чиқиб кетди.

Маматқул қўлларини ёзганича серрайиб туриб қолди, гўё унинг бағридан, қучоғидан ҳозир энг азиз, энг муқаддас нарсасини юлиб олишгандай эди.



Оёғидаги офицерлар этиги тозалигидан ярқирарди. Лейтенант Санжаров армияга энди олинганлар сафи олдида у ёқдан-бу ёққа юрарди.

Янги олинганларнинг сочлари олинган, эгниларидаги камзул, кўйлаклари, ҳатто калта пахталиги ҳам эски, қўлларида чамадон, рюкзак ёки шунчаки қоп. Улар срасида Сотқин билан Петро ҳам бор.

Ҳовли паст ёғоч девор билан ўраб олинган, унинг орқасида армияга жўнаётганларнинг дўстлари, қайлиқлари, хотинлари ва қариндош-уруғлари туришарди. Улар кузатгани келишганди, гармошка, гитара, қўбиз кўтариб олишганди. Лекин ҳозирча ҳеч ким чалаётгани, ашула айтаётгани йўқ. Ҳамманинг кўзи ҳовлининг ўртасида саф тартиб туришган йигитларда эди.

— Си-р-ро! Багажни қўйинглар! — деб команда берди лейтенант.

Йигитлар буюмларини бирин-кетин ерга қўйишди.

— Қайтадан!

Йигитлар буюмларини олишди-да, яна сафга туришди.

— Багажни қўйинглар!

Йигитлар яна буюмларини қўйишди.

— Қайтадан! Қани, чамадонингизни менга беринг, — лейтенант энг чеккада турган йигитнинг чамадонини олди. — Қаранг! Багажни қўйинг!

Йигитлардан баъзилари чамадонини қўйди.

— Қайтадан! Мен ўзимга-ўзим команда бераман. Багажни қўйинг! — Лейтенант олдинга икки қадам чиқди-да, чамадонни қўйди, кейин орқага икки қадам юрди-да, қаддини фоз қилиб турди. Мана шундай қилиш керак!

Айнур девор олдида туриб, Сотқиннинг чамадонни ерга қўйиб олаётганини томоша қиларди.

— Си-р-ро! Багажни қўйинг!

Лейтенант ерга қўйилган буюмларни кўздан кечириб чиқди.

— Қайтадан! Буюмлар бир текисда ётиши керак.

— Си-р-ро! Багажни қўйинг!

Йигитлар чамадон ва рюкзакларини тахминан бир текисда қўйишди.

— Хўп. Унг қанотда, энг чеккада турган, уч қадам

олдинга — марш! Кругом! Қайтадан. Кругом дейилганда чап елка билан айланиш керак. Кругом!

— Фамилиянг нима?— деб сўради лейтенант.

— Печорин!— деб жавоб берди Петро.

— Печорин! Демак, ортиқча одамман дегин?— деб ҳазиллашган бўлди лейтенант.

Печорин елкасини қисиб қўйди, афтидан, нега ортиқча одамлигини тушунмади шекилли. Йигитлар кулишди.

— Жим! Гап бундоқ, Печорин! Сени бошлиқ қилиб тайинлайман. Печоринга сўзсиз итоат қиласиз, бундан буён у сизнинг бевосита бошлиғингиз. Тушунарлими?

— Тушунарли,— деб жавоб беришди йигитлар.

— Гап шу, Печорин! Командани қабул қилиб ол!— деди лейтенант.

— Қўлимдан келмайди,— деб иқрор бўлди Петро.

— Нима келмайди?

— Команда бериш.

— Вой, тентак-ей,— деди самимий кулиб лейтенант.— Бу ер сенга колхоз эмас. Армия! Бу ерда кимни тайинлашса, шу командирлик қилади. Тушундингми? Соппа-соғсан, эс-ҳушинг жойида, ўқиш-ёзишни биласан, яна нима керак? Энг муҳими, сендан қўрқисин, сени ҳурмат қилишсин. Сени полк мактабига юборамиз, ўргатиб қўйишади. Бор, ишни бошла!

Турдихон оломон ичида туриб, укасидан кўзини узмасди, Абдурахмон унинг шундай ёнгинасида турарди.

— Мана шу командир бир вақтлар қўлимда ҳисбчи бўлиб ишлаганди. Бориб, бир гаплашиб кўрай-чи, зора икки-уч кунга қолдирса,— деди у.

— Кошкийди, барака топинг!— деди ялингандай бўлиб Турдихон.

— Энди менга қулоқ солинглар!— деди лейтенант овозини баландлатиб.— Фрунзегга маҳаллий вақт билан ўн бешу ноль-нолда жўнаймиз. Рухсатсиз ҳеч ким бу ердан бир қадам жилмасин, тушунарлими? Саволлар борми? Саволлар йўқ! Беш минут дам олиш. Тарқалинг!

Гармошкалар ҳар хил оҳангда чала бошлади. Йигитлар гур этиб, девор олдига чоғиб келишди. Одамлар говур-гувур қилишди, ашула айтишди, шишалар пайдо бўлди. Кулишарди, хайрлашишарди.

Абдурахмон военкомат ҳовлисиغا кирди.

— Ҳой, Бакас,— деб чақирди у Санжаровни.

— Э-э, Абдурахмон Қорағулович!— деди Санжаров ва унинг узатилган қўлини қисди.

— Командирлик қиялпман дегин? Эсингдами, ҳарбий билим юртига юбораман деганимда, бормаيمان, деб оёғингни тираб туриб олгандинг. Мана энди, бинонидай командир бўлибсан, қарабсанки, бугунми-эртани генерал!— ҳазиллашди Абдурахмон.

— Ҳа, гапниям оласиз-а! Ҳали генерал бўлгунча озмунча меҳнат қилиш керакми!— ҳазилни жиддий қабул қилди Санжаров.— Битта юлдузча қўшиқлари керак эди. Айтишларинча, Москвада ушлаб туришганмиш. Тезроқ беришга қолсайди. Бу янгилар билан жуда чарчадим. Ҳар йил аҳвол шу, бир хил иш..

— Менга қара, Бакас, бир савоб иш қилгин!— деб унинг гапники бўлди Абдурахмон.

— Нимайди, Абдурахмон Қорағулович?— деб сўради у русчалаб, гарчи теса гапирмаса ҳам.

— Ҳув, анави йигит, Сотқин Мамбетов, бизнинг овулдан,— у Сотқин ва Айнур турган томонни кўрсатди, улар девор олдида бир-бирларига тикилишиб туришарди.— Шу йигитни ақалли бир кунга қолдиргин.

— Нима, битта-ярымтаси ўлдими?— деб сўради Санжаров қирғизчалаб.

— Йўқ. Уйланди.

— Никоҳ қоғози борми?— деб сўради Санжаров.

— Йўқ, олишга улгуринмади. Уна кунни қишлоқ совети ишламади.

— Илоҳки йўқ.

— Икки йил сим тортди. Бугун кечқурун операторлар келиб, уни кинога олишмоқчи эди,— деб уни кўндирмоқчи бўлди Абдурахмон.

— Колхознинг қоғози борми?— деб сўради лейтенант яна русчалаб.

— Йўқ. Менга қоғозсиз ҳам ишонарсан. Жавоб бера қол, сизлар поездда судралиб юрганларингда, у самолётда учиб бориб олади.

— Ахир, ўзингиз кекса жангчисизу мени жиноятга бошлайсиз-а?

— Бунинг нимаси жиноят, Бакас?

— Ҳўш, интизом-чи?

— Солдатга интизомнинг нима кераги бор?

— Жанговар қобилияти юксак бўлиши учун.

— Тўғри. Агар сен солдатнинг кўнглини кўтарсанг, унинг жанговарлиги ҳам ошмайдими?

— Уставада бу ҳақда ҳеч нима дейилмаган, Абдурахмон Қорағулович!

— Эҳ, бола, бола, бир кун эмас-бир кун тушунарсан, ҳаёт ҳар қандай уставингдан мураккаб,— деди Абдурахмон.

— Эҳтимол. Лекин ҳозирча тушуниб олганимча йўқ,— деди Санжаров пичинг аралаш ва соатига қараб қўйди.

— Сафга туринг!— деб қичқирди Печорин.

Йигитлар саф чекишди-да, Печорин командаси остида район марказининг энг катта кўчасидан кетишди. Кузатувчилар ҳам гур этиб уларнинг орқасидан эргашишди.

\* \* \*

Айнур саф тортиб турган оқ устунлар ёнидан ўтиб, чўл оралаб келарди. У секин, бир-бир қадам ташлаб борарди, чунки қоқиўтнинг сарғиш гулларида чамбарак тўқирди. Узоқда Абдурахмон билан Турдихоннинг қораси гира-шира кўринарди.

— Кўпчилик қушлар жуфт-жуфт бўлиб яшайди, ёлғиз қолди дегунча ҳалок бўлади. Инсон ҳам қушга ўхшайди: у кўкда парвоз қилгиси келади, лекин ҳаёт уни ерга тушишга мажбур этади. Ёлғизлик ёмон, ҳеч кимнинг бошига солмасин,— дерди Абдурахмон.

Аёл ёнма-ён борарди, индамасди.

— Нима, шундай эмасми?— Абдурахмон Турдихонга ўгирилди.

Аёл аламли кулимсиради.

— Ахир, биз унчалик қариб қолганимиз йўғу, Турдиш. Худо берса, фарзанд ҳам кўрамиз...— деди у яна гап бошлаб.

— Бу гапларнинг нима кераги бор?— кулимсиради у.

— Умр ўтиб кетяпти,— деди Абдурахмон.

— Мен бахтимни қўлдан бердим, вақтни ўтказиб юбордим, одамлардан, отамдан қўрқдим, ҳаммадан... Ўз ишқимни яширмақчи бўлдим, оқибати нима бўлди? Мана энди бировлар бахтининг ушоғини териб юрибман... Бошқа бир аёлнинг бахтини ўгирланга, яширинишга мажбурман. Йиллар ўтиб кетди...

— Бунга ҳеч ким айбдор эмас. Турмуш... Замон шунақа эди. Тушунапсанми, за-мон...

— Замон?! Қанақа замон? Замон ўтиб кетди! Виз қолдигу! Ҳамма — тириклар ҳам, ўликлар ҳам қолди! — бақриб юборди аёл.

— Мени айбдор қиляпсанми? — У Турдихоннинг елкасидан ушлади.

— Нега энди айбдор қиларканман? Ҳаммасига ўзим айбдорман. Қўрқоқлик қилдим. Ҳа, мен ўз юкимни умримнинг охиригача олиб боринчим керак, — деди аёл хотиржам.

Бирдан Абдураҳмонга, унинг қаршисида аёл эмас, балки даштдаги эски қабристонларда бўладиган тош бут тургандай бўлди. У аёлни секин туртди-да, бошини қуйи солди — бу аёл ўзи билан ҳеч қачон бирга бўлмаслигини тушунди.

— У-уу! Эже-е! — Айнурнинг сөзи эшитилди. У Турдихонга олиб олди-ю, саргин гуллардан тўқилган чамбаракни унинг бошига кийди.

Абдураҳмон жойидан қимирламади. У ёлғиз бўлгиси келди. Аёллар у билан хайрлашди.

— Сал бўлса эсимдан чиқаёди, — Турдихон унга кичкина тугун узатди — тугунчадаги пул эди.

— Ахир, тўйга деб бердиму! — Абдураҳмон шошиб қолди.

— Раҳмат, Маматқул, қайтариб бер, деди.

— Маматқул буюрди дегин? — Абдураҳмон кўчанинг ўртасида турарди. Аёллар кўздан гойиб бўлгандан кейин у секин соҳил ёқалаб кетди. Дарё суви жўш урарди. Кейин у ерга бағрини бериб узоқ ётди.

\* \* \*

Узоқда, олдиндаги тепаликда бир одам кўринди. У оқ кўйлакда бўлиб, ёқаси очиқ эди. У хурсанд, аллақандай куйни хиргойи қилиб, қўлидаги таёғини ўйнатганича Абдураҳмонга пешвоз келарди.

Абдураҳмон Омонни дарров таниди, бир оз шошиб қолди, лекин сўқмоқ йўл ниҳоятда тор бўлиб, бошқа томонга бурилишнинг иложи йўқ эди.

Икки одам бир-бирига қарама-қарши келарди. Ораларидаги масофа тобора яқинлашиб борарди. Гўё, ҳозир бир гап бўладигандай эди. Мана, улар юзма-юз келишди... Бирдан, кутилмаганда... Омон гўё ўткинчи

бир одамни учратгандай ҳуштак чалганича унинг ёнидан индамай ўтиб кетди.

Абдураҳмон йўлида давом этаркан, ҳуштак овозининг узоқлашишига қулоқ соларди. Ҳуштак узилди... Абдураҳмон секин ўгирилди. Омон ҳам орқасига қаради...У кулимсиради.

— Веркам қайтиб келяпти! Мана, телеграмма олдим!— деб қичқирди Омон.

Абдураҳмон мийиғида кулиб қўйди. У озгина юрди-да, тўхтади. У Омонни чақириб гаплашмоқчи бўлди. Лекин йигит узоқлашиб кетганди. У ҳамон ҳуштак чалиб борарди. Эғнидаги оқ кўйлаги узоқдан елканга ўхшаб кўринарди.

\* \* \*

Абдураҳмон катта йўлдан борарди. Орқасидан автомобиль сигнели эшитилди, Машина чанг-тўзон кўтариб, ёнидан физиллаганча ўтиб кетди. Машинанинг борти синган эди. Унинг ёриқларидан буғдой тўкиларди. Абдураҳмон хирмонга келди, бу ерда иш қизғин эди. Студентлар ва колхозчилар — асосан ёшлар — буғдойни елиб тозалашар, қуритишар ва машиналарга ортишарди. Галла ортадиган ва юк машиналаридан ерга дон тўкиларди. Абдураҳмонга буғдой ҳамма ерда худди тўкилаётгандай, шамол учуриб кетаётгандай, оёқ остида худди шағал каби гичирлаётгандай бўлиб туюларди. Кимдир отда унинг олдига келди.

— Ассалому алайкум, оқсоқол!— деб бақирди йигит.

Абдураҳмон унга қаради. От сузлигини тинимсиз чайнар, биқинлари жиққа ҳўл эди, оғсидан кўпик оқиб тушарди.

— Отни намунча қийнамасанг?— деб жиддий сўради Абдураҳмон саломга алик олиш ўрнига.— Бу қайвон бўлгани билан сен одамсан-ку...

— Шошдим-да!— деди йигит елкасини қашиб.

— Шошган бўлсанг, ўзинг чолиб келгин эди. Куннинг иссиқлигини кўряпсанми!

Йигит қўл силтади, сал нарига борди-да, отни яна чоптириб кетди.

Абдураҳмон чайла олдига келди. Чайла олдида бир кампир жун пайноқ тўқиб ўтирарди. Абдураҳмон бир зум турди-да, худди муҳим, қатъий бир қарорга келган одамдай тез-тез юриб кетди.

Абдурахмон колхоз бухгалтериясига кирганида бош бухгалтер бошини кўтармасдан нималарнидир чўтга солиб, ёзиб ўтирарди.

— Салом, Михаил!— деб кўришди Абдурахмон баланд овозда.

— Абдурахмон Қорағулович!— бош бухгалтер ўрнидан турди.

— Нега қўрқиб кетдинг? Ўтиравер!

— Хўш, қандай хизмат бор?— деб сўради бош бухгалтер.

— Бор-да!— Абдурахмон мугамбирона мўйловини силаб қўйди.— Ҳа, ҳайрон бўлипсанми?

— Америкада шундай қабилалар бормишки, улар ажабланиш, ҳайрон бўлиш одамнинг қадрини туширади, дейишаркан,— деди бош бухгалтер.

— Ўзлари ҳечам ҳайрон бўлишмас эканми?

— Ҳайрон бўлишаркан, лекин буни сездиришмас экан-да!

— Сездирмас экан дегин?— Абдурахмон бухгалтерияга кўз югуртириб чиқди.— Бошқалар қани?

— Буниси,— деди бош бухгалтер бўш столларни кўрсатиб,— декретга кетди. Униси жавоб сўраб кетди, онаси касал бўлиб қолибди. Бу қайлигини кутиб олгани кетди — институтни тамомлаб келаётганмиш.

— Хў-ў-ўп! Ҳа, сенам қарибсан, соч-соқолинг оқариб кетибди-ю!— Абдурахмон хўрсиниб қўйди.

— Ўттизимдаёқ сочим оппоқ эди. Ҳозир бир оз қорайди-ю, хина суртиб олдим,— деди бош бухгалтер.

— Намунча эрта энди?

— Ҳа, бу дунёда яшашнинг ўзи бўлмас экан,— деб жавоб қилди бош бухгалтер.

— Қани, айт-чи, Михаил, инсон умрининг бирер ҳисоб-китоби борми, уни чўтга солиб бўладими?— деб сўради Абдурахмон.

— Бўлади,— деди бош бухгалтер бир зум ўйлашиб туриб.— Унинг қилган яхшиликларини, эзгу ишларини ҳисоблаб чиқиш керак!— деди у чўтти қоқиб.— Кейин қилган хатою ноҳўя ишларини чиқариб ташлаш керак,— у яна чўт қоқди.— Каттаю кичик ташвишлар ҳаммасини қўшини лозим, сўнг биринчи миқдордан иккинчисини чегириб ташласак, натижа чиқади.

— Бўпти, кел, ҳисоблайлик!— деди Абдураҳмон чўтни қўлига олиб.

— Бу ишни биздан кейингилар қилишади,— деди бош бухгалтер кулимсираб,— ўшанда яна ҳам аниқ ҳисоблайдиган асбоблар бўлади...

— «Ҳисоблаш асбоблари», «каттаю кичик ташвишлар» ...Эртага, мана шу бўш лампочкада электр нури порлайди!

— Колхоз бўм-бўш жойда қад кўтарди. Шуларнинг ҳаммасини мана шу қўлларимиз билан яратганмиз! Иссиқни ҳам, совуқни ҳам термометр билан эмас, танам билан ўлчаб билганман. Ўзимни ўйламаганман, бошқалар учун яшадим, ўшалар учун янги ҳаёт қурдим! Мана энди, оқибатда айбдор бўлдимми?

— Хўш, нафсламбрини айтганда, ким сизни айбдор қиляпти?— деб сўради бош бухгалтер.

— Ким... Ҳеч ким...

— Ундай бўлса, гапингизга тушунолмайд қолдим, Абдураҳмон Қорағулович.

— Тушунмаяпсанми?.. Ҳаммасини тушуниб турибсану иқроор бўлгинг йўқ.

Ўтиришди. Сукут сақлашди.

— Сиз иродали, кучли одамсиз, Абдураҳмон Қорағулович. Сиздай одам сал шамолга ниҳолдай эгилса, унда...— бош бухгалтер бош чайқаб қўйди.

— Хўш, ўзинг-чи, ўзинг? Сен нимага эришдинг?!— деди Абдураҳмон бир оз ранжиб.— Ақллисан, илминг ҳам жойида, бир умр кичкина бир колхозда кичкина бир бухгалтер бўлиб ўтирибсан!

— Аслида музикачи бўлишим керак эди, Абдураҳмон Қорағулович. Ун беш ёшимда Николо Паганинининг репертуарини чалардим, кейинчалик... тамом... Мана энди скрипка ўрнига мана буни...— бош бухгалтер чўтни имлаб кўрсатди.

— Ҳа-а!— деди Абдураҳмон ўйчан.— Менинг пешана терим ва скрипканг эвазига топилган барча нарсаларни улар кўкка совуришмаса деб қўрқаман...

Абдураҳмон чиқиб кетди. Бош бухгалтер ҳам ҳайрон, ҳам кўнгли ғаш бўлиб қолди.

\* \* \*

Абдураҳмон колхоз раисининг олдига кирди.

— Абдураҳмон Қорағулович! Ҳа, яхши, ахир ке-



либсиз-да!— ёш раис ўрнидан турди.— Ўтиринг. Хўш, ким сизни кўндира олди?

— Ҳаёт,— деб жавоб берди Абдураҳмон.

Раис унинг бу ҳазилига қандай жавоб қилишни билмади.

— Кеча райкомдан телефон қилишиб, сизни сўрашди.

— Нега энди?— ҳушёр тортди Абдураҳмон.

— Соғлигингни сўрашди...

— Фақат соғлигимни сўрашдими? Ҳа, ҳар ҳолда сўраб-суриштиришибди-ю. Ҳа... Гектаридан қанчадан олдиларинг?— деб тўсатдан сўраб қолди Абдураҳмон.

— Ўттиз иккидан. Нимайди?

— Камроғу, ўртоқ раис.

— Ҳозирча ўрганишимиз-да,— деди раис қўлларини ёзиб.

— Бу ўқишларинг чамамда чўзилиб кетди-ёв. Китобни қишда ўқиш керак, кўзда хирмон кўтариш даркор.— деди Абдураҳмон ва столда ётган қалин китобга ўрайиб қараб қўйди.

— Қўлимиздан келганини қилганимиз,— деб жавоб берди раис.

— Менга иш бергин!— деди бирдан Абдураҳмон.

— Қанақа иш?— қайрон бўлди раис.

— Хоҳлаган ишингни.

— Қандай иш беришим мумкин. Студентларга қўйай десам, ўринни банд қилиб қўйишди. Бригадир керагу, лекин бу иш сизга оғирлик қилади-да, лой, сув кочиб... Кутубхонага қўярдим, лекин у ерда ишлаш учун билим керак-да,— деб мулоҳаза қиларди раис.— Чақирганимизда нега келмадингиз, йўқ дедингиз?

— Демак, менинг керагим йўқ экан-да?— деб сўради Абдураҳмон қош-қовоғини осиб.

— Йўғ-е, нималар деяпсиз. Кераксиз, албатта... Лекин ўйлаб кўриш керак...

— Хирмонда ишлар расво... Ҳаммаёқда ғалла тўкилиб ётибди. Эшитдингми, «Қизил тонг»да қанчаям ғаллани ўғирлаб кетишибди. Нима, энди сизларга қоровулнинг ҳам кераги йўқми?

— Токи, келмадингиз мамлакатлар қуршовида яшаётган эканми, қоровул керак,— деб ҳазиллашди ёш раис.

\* \* \*

Электростанцияга одамлар: овулдагилар, студентлар, мухбирлар, кинооператорлар, район вакиллари тўпланишганди. Ёш раис нутқ сўзлади. У, электрнинг социалистик мамлакатимизда қанчалик катта аҳамиятга эга эканлиги, Нури водийга нур олиб келиш учун қанчадан-қанча меҳнат сарф қилинганлиги тўғрисида гапирди.

Биркин билан Василий рубильникни ишлатишни машқ қилишарди.

\* \* \*

Усмонбек оёқлари боғланган болани қўлидан ушлаб турарди. Абдурахмон боланинг оёқлари боғланган чилвирни қирқиш учун қўлида қайчиси билан унинг олдига югуриб кетди. Худди шундай қайчи ушлаб олишган кекса Султон, Қодир ва яна бир неча чол унинг орқасидан чопиб боришарди. Мана, Абдурахмон чилвирни қирқиб ташлади. Турдихон унга бир пиёла қўғирмоч узатди. Абдурахмон билан чоллар яна чопиб кетишди, чунки Усмонбек олдинда яна бир оёқлари боғланган болани ушлаб турарди, ундан нарида яна, яна. Чоллар чопиб боришаркан, йўл-йўлакай чилвирларни қирқишарди.

Абдурахмон уйғониб кетди. У қўлида милтиғи билан хирмонда ўтирарди. Олдида буғдой тоғ-тоғ бўлиб уйилиб ётарди. Ҳар ер-ҳар ерда буғдой тозалайдиган машиналар турарди, ёғоч белкураклар, хокандозлар, челаклар, замбиллар юмалаб ётарди. Афтидан, ҳамма электрстанцияда бўладиган митингга кетишган эди.

Теварак-атроф жимжит, қоранги эди, бирдан... Хирмон электр нуридан худди кундузгидай ёришиб кетди. У ёқда, узоқ-узоқларда, водийда ҳам чироқлар чарақлаб кўринди. Кулги, қувноқ овозлар эшитиларди.

Ёшлар буғдойни электр чироғи ёруғида машиналарга ортиш учун хирмонга қайтишарди. Абдурахмон телпагини олиб, чироқларга узоқ тикилиб қолди. Шамол унинг оппоқ сочини тўзитиб ўйнарди.

Машиналар тобора яқинлашиб келарди.

Бункердан буғдой тинимсиз тушиб турарди...

## М У Н Д А Р И Ж А

---

### Ҳикоялар

Менинг олтин балиқчам . . . . .	3
Табассум . . . . .	16
Ўғри хотин . . . . .	32
Чапай ҳалок бўлганида . . . . .	54
Жиноят ва жазо ёхуд қизил қулоқлар . . . . .	62
Менинг номим . . . . .	65
Сулув . . . . .	71

### Қиссалар

Куз ёмғири . . . . .	78
Сўқмоқ . . . . .	110
Бировнинг бахти . . . . .	163

*На узбекском языке*

*Библиотека дружбы  
Проза народов СССР*

---

Мир Ташимович Байджиев

**Моя золотая рыбка**

Рассказы и повести

Перевод с издания издательства  
«Молодая гвардия», Москва, 1976

Редактор *М. Мирзодова*  
Серия рассказов *И. Кириакиди*  
Рассом *А. Пономарев*  
Расмлар редактори *А. Кива*  
Техн. редактор *Т. Смирнова*  
Корректор *Р. Содиқбекова*  
ИБ № 1311

Босмахонага берилди 16.02.79. Босишга рухсат этилди 23.01.80.  
Формати 84×108<sup>1/2</sup>. Босмахона қоғози № 1. Мактаб гарнитураси. Юқори  
босма. Шартли босма л. 10,92. Нашр л. 10,8+0,66 вкл. Тиражи 8000.  
Заказ № 160. Вақоси 1 с. 10 т. Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат  
нашриёти. Тошкент, 700129. Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат  
комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси-  
нинг 1-босмахонаси. Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21.